

# ИСЛОМ ДИНИ

*(Ушбу китобнинг ҳар бир мусулмон  
хонадонига бўлиши манфаатлидир)*

*Муаллифлар:*

**Аҳмад Муҳаммад Турсун,  
Муҳаммад Шариф Жуман**

«Movarounnahr» нашриёти  
Тошкент — 2006

*Ушбу китоб тўлалигича Ислом дини, унинг асослари ва арконларига бағишланган. Унда иймон, ақида, ибодат, илм, никоҳ ва талоқ масалаларига оид энг зарур маълумотлар бор. Шунингдек, китобдан Пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ҳиссаломнинг аҳли байтлари, саҳобалари ҳақидаги, Моваро-уннаҳрдан чиққан машҳур дин уламолари, Ислом дини та-рихи билан боғлиқ турли муҳим воқеалар ва жойлар ҳақидаги қимматли маълумотлар ҳам ўрин олган. У мусулмонлари-миз доимий фойдаланадиган «чўнтак китоби» бўлиб қоли-шидан умидвормиз.*

# Умумий тушунчалар

*Дин нима?*

*Ислом дини*

*Дин усуллари*

*Шариат нима?*

*Қуръони карим*

*Суннат*

*Ижмоъ*

*Қиёс*

*Ижтиҳод*

*Фиқҳ*

*Фарз*

*Вожиб*

*Суннат*

*Ҳаром*

*Макруҳ*

*Мубоҳ - Жоиз*

*Мазҳаб нима?*

*Мазҳабларнинг бир неча бўлиш сабаблари*

*Аҳли суннат вал жамоа*

*Имом Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам)*

*Имом Шофеъий*

*Имом Молик*

*Имом ибн Ҳанбал*

## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

### УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

#### Дин нима?

Дин - "итоат, парҳез, эътиқод, ҳисоб, жазо, ишонч, мукофот, ҳукм, йўл тутиш" маъноларини билдиради. Дин илоҳий йўриқдир, Аллоҳ таоло буюрган ҳукмлар, ибодатлар ва ақида мажмуидир. Дин ақлли инсонларни моҳиятан хайрли ва эзгу нарсаларга етказиши. Барча пайғамбарлар (алайҳимуссалом) даъват этишган дин асосда бирдир. Улар инсонларни оламни ягона Аллоҳ таоло яратганига иқрор бўлишга ва фақат Унга ибодат қилишга даъват этишган. Улар етказган ҳукмлардагина фарқ бордир, асосий даъватларида эса фарқ йўқ.

Дунёда дини, ишончи бўлмаган бирор миллат (халқ) йўқ. Чунки бирор миллат динсиз яшай олмайди. Ейиш, ичиш, ухлаш каби дин ҳам бир эҳтиёждир. Бироқ ҳар қандай дин, эътиқод ҳам тўғри бўлавермайди. Энг тўғри, ҳақ дин - Аллоҳнинг хушнуд бўлган, танлаган дини Ислом динидир. У бутун инсониятга юборилган, Аллоҳнинг элчилари томонидан ўргатилган умумий бир диндир, барча пайғамбарларнинг динидир.

#### Ислом дини

"Ислом" - "бўйсунуш, тоат, ихлос, тинчлик, сулҳ" демақдир. Аллоҳ таолонинг барча бандалари учун рози бўлган дини Ислом динидир. Ислом тавҳид динидир. Аллоҳ таоло юборган барча пайғамбарлар: Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо Муҳаммад алайҳимуссалом инсониятни асосда бир динга - Аллоҳ таолонинг улўҳиятда ва рубубиятда ягоналигига, Унинг китобларига, фаришталарига, расулларига ва Қиёмат кунига иймон келти-

ришга, фақат Унга ибодат қилишга даъват этишган (Шўро, 13). Ислом дини шариати комил-мукаммал шариатдир. Ислом динидаги кишилар "мусулмон- муслим" деб аталади. Ҳозир Ер юзида бир ярим миллиард нафар мусулмон бор.

## **Дин усуллари**

Биринчи - тавҳид усули. Аллоҳ таолони ягона би-лиш ва бу эътиқодда мустаҳкам туриш.

Иккинчи - адл усли. Дунёвий ишларда ва шариат аҳкомларида доимо тўғри йўлда турмоқ, доимо рост сўзламоқ.

Учинчи - имомат усули. Дин ва дунё ишлари бир келиб қолганда аввал диний ишларни бажармоқ.

Тўртинчи - нубувват усули. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотдан аввал ўтган барча анбиё ва пайғамбарларга иқроп бўлмоқ.

Бешинчи - амру маъруф усули. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматига амр этган (фарзу суннат қилган) нарсаларга амал қилмоқ ва буюрмоқ.

Олтинчи - наҳий мункар усули. Аллоҳ таоло ман қилган ишлардан сақланиш ва қайтариш.

Еттинчи - тавалло усули. Аллоҳнинг дўстларини дўст тутмоқ. Пайғамбарлар, саҳобалар, Ҳақ йўлдаги, эътиқоди соф, иймони мукаммал барча уламолар, намоз ва рўзасини қазо қилмайдиган, Унинг амрига итоат этувчи кишилар Аллоҳнинг дўстларидир.

Саккизинчи - табарро усули. Аллоҳ таолонинг душманларини душман тутмоқ.

## **Шариат нима?**

Луғатда "изҳор қилмоқ, баён этмоқ, йўл" бўлиб, "тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик" маъноларини англатади. Шаръий истилоҳда Ислом динининг ҳукм-

лар тўплами, Аллоҳ таолонинг амр ва таъқиқлари "шариат" дейилади. Пайғамбарлар даъват этган дин асосда бир бўлса-да, улар етказган ҳукмлар, яъни шариатлар турличадир. Шунинг учун кейин келган пайғамбар даврида аввалда ўтган пайғамбар етказган ҳукмлар (шариат) бекор бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом охириги пайғамбар бўлганлари сабабидан аввал ўтган барча пайғамбарларнинг етказган ҳукмлари (шариатлар) бекор бўлган. Пайғамбаримиз етказган ҳукмлар, яъни Ислом шариати Қиёматгача боқийдир. Инсонлар манфаатини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш шариатнинг асосий мақсадидир. Бу ердаги манфаатдан инсон хоҳиш-истагига мос манфаат тушунилмайди, балки инсоннинг шаръий мезондаги ҳақиқий манфаати тушунилади. "Шаръий аҳком" - Аллоҳнинг буюрган, қайтарган ёки ихтиёр этган қатъий кўрсатмалардир.

## ИСЛОМ ШАРИАТИ МАНБАЛАРИ

### 1. Қуръони карим

Шаръий амалий ҳукмлар асоси Қуръони карим, Суннат, ижмоъ ва қиёсдир. Қуръони карим шаръий ҳукмларнинг энг асосий манбаидир. Қуръони карим Маккада ўн уч йил, Мадинада ўн йил мобайнида Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлиб-бўлиб нозил қилинди ва у зотдан замонамизга тавотур йўли билан етказиб келинди ҳамда қиёматгача шундай давом этажақдир. Қуръон инсонларни Ҳаққа чақирган, уларни тавҳид ақидасига қайтарган, Қиёматгача ўзгаришсиз қоладиган, тиловати ибодат ҳисобланган, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинган каломуллоҳдир. Унинг сўз ва маънолари илоҳийдир, Аллоҳникидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни ўзгаришсиз бизларга етказганлар. Қуръони карим бутун инсониятни ҳидоятга чорловчи китобдир. Унга барчанинг амал қилиши вожибдир. Зеро, у борлиқни яратувчи Аллоҳ таолонинг Каломидир. Қуръони

карим маънолари таржималари Қуръон эмас, улардан ҳукм чиқариш ҳаром ва офир гуноҳдир. Таҳсили бўлмаган араблар ҳам Қуръоннинг маъноларини тушуна олишмайди.

## 2. Суннат

Шаръий манбаларнинг иккинчиси суннатдир.

Суннат - Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари, қилган ишлари, маъқуллаган амалларидир. Суннатнинг шаръий асослиги Қуръони карим, ижмоъ билан собит бўлган. Қуръони карим оятларида Расулуллоҳга (с.а.в.) итоат этишга буюрилган, у зотга итоат қилиш Аллоҳ таолога итоат этиш экани баён қилинган. У зотнинг сўзлари, ибодат тарзлари ҳаётликларидаёқ асҳоблар томонидан ёд олинди. У зот вафотларидан кейин Умар ибн Абдулазиз кўрсатмаси билан Зухрий (Ибн Шиҳоб) биринчи марта ҳадисларни тўплади. Кейинчалик ҳадис ўрганувчи - муҳаддислар етишди.

Ислоом оламида катта шуҳрат қозонган ишончли (саҳиҳ) ҳадислар китоблари "Кутубус-ситта" ёки "Сиҳоҳи-ситта" (олти ишончли китоб) дейилади. Улар Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насай, Имом Ибн Можа томонидан тўпланиб ёзилган. Имом Бухорий ва Муслим "Икки шайх", китоблари эса "Саҳиҳайн" ("Икки саҳиҳ"), дейилади, қолган тўрт китобга "Сунан" номи берилган.

## 3. Ижмоъ

Ижмоъ - "тўпламоқ", "жам қилмоқ", у ёки бу масалада "бир фикрли бўлмоқ" маъноларини англатади. Унинг истилоҳий маъноси Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан сўнг бирор воқеа, ҳодиса, муаммо ёки масаланинг шаръий ҳукмида ҳамма замондош мужтаҳидларнинг иттифоқи, яқдиллиги ижмоъдир. Ижмоъ билан собит бўлган ҳукм шаръий ҳисобланади ва барча му-

сулмонларга вожиб бўлади. Ижмоънинг шаръий асос экани Қуръони карим ва Суннат билан собит бўлган.

Ижмоъ амалга ошиши ва унинг ҳукми шаръийлик мақомига етиши учун қуйидаги тўрт шарт бўлиши зарур: 1. Бирор асрда янги бир воқеа ва ҳодиса содир бўлганида ёки янги бир масала туғилганида бир неча мужтаҳиднинг ҳаёт бўлиши шарт. 2. Янги бир муаммога нисбатан чиқарилган ҳукм шаръийлик мақомини касб этмоғи учун барча замондош мужтаҳидлар, ватани, жинси, тоифасидан қатъий назар, ҳамфикр бўлмоқлари шарт. 3. Мужтаҳидлар у ёки бу масалада ҳамфикр эканликлари уларнинг очиқ айтган оғзаки гапидан, ёзма равишда чиқарган фатвосидан ёки бир жойга тўпланиб чиқарган қароридан билиниши шарт. 4. Ҳукм шаръий бўлиши учун барча мужтаҳидлар истисносиз ҳамфикр бўлишлари лозим. Акс ҳолда кўпчилик бўлиб бирор қарор қилишса ҳам, унинг ҳукми шаръийлик касб этмайди.

#### 4. Қиёс

Шаръий аҳкомлар манбаининг тўртинчиси қиёсдир. Ҳукми собит бўлмаган нарсанинг ҳукмини ҳукми собит бўлган ва ҳукми сабабида унга ўхшаш нарсанинг ҳукмига мувофиқ чиқариш "қиёс" дейилади. Қиёс билан янги бир ҳукм чиқарилмайди, балки нарсанинг собит ҳукми кашф этилади. Қиёснинг шаръий асослиги Қуръони карим, Суннат ҳамда саҳобаларнинг сўз ва феъллари билан собитдир.

Қиёсга мисол: Қуръони карим оятига асосан ароқ ичиш ҳаром, деб ҳукм чиқарилган. Маст қилиш - ароқнинг иллатидир. Мана шу иллат бошқа нарсада ҳам топилса (масалан, гиёҳванд моддада), у нарсанинг истеъмоли ҳам ҳаром бўлади.

#### Ижтиҳод

Бу сўзнинг луғавий маъноси "жидду жаҳд қилмоқ" - дир. Унинг истилоҳий маъноси эса шаръий далиллар



(Қуръони карим, Суннат, ижмоъ ва қиёс) га асосланиб, шаръий ҳукмларни чиқариш йўлида бор илмини сарф қилмоқ, изланмоқдир. Шаръий ҳукмларни далиллар асосида чиқариш малакасига эга бўлган киши "мужтахид" дейилади.

## Фиқҳ

Луғатда "чуқур тушуниш, билиш, англаш, фаҳмлаш" маъноларини англатади. Истилоҳда муфассал далиллардан олинган шаръий-амалий ҳукмлар илми "фиқҳ" деб аталади. Исломи фиқҳининг асосий манбаи тўртта - Қуръони карим, Суннати Набавийя, ижмоъ ва қиёсдир. Инсондан содир бўладиган ҳар бир сўз ва амалнинг Исломи шариаатида ҳукми бор. Бу ҳукмларнинг баъзилари Қуръони карим ва Суннатда очиқ баён қилинган бўлса, баъзиларига ишорат қилинган. Мужтахид ана шу ишорат қилинган ҳукмларни ойдинлаштиради.

Фиқҳ илми таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, байъ, вақф, мерос, оила ва никоҳ, муомала, жиноят каби ибодат ва ҳолатларнинг ҳукмини баён этади. Машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) биринчи бўлиб фиқҳ илмига асос солганлар. Сўнгра шогирдлари Алқама ибн Қайс уни ойдинлаштирдилар. Иброҳим Наҳъий уни тўпладилар. Хаммод ибн Муслим уни янада ойдинлаштирдилар. Ва ниҳоят Абу Ҳанифа уни бугунги кундаги ҳолатига етказдилар.

Фиқҳ илмининг билимдон олими, мутахассиси "фақиҳ" дейилади, кўплиги эса "фуқаҳо"дир. Фақиҳларнинг энг йириклари Имоми Аъзам (Абу Ҳанифа), Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмаддир. Улар мужтахидлардир.

Шаръий далиллар асосида ҳукм чиқариш усуллари - қоидалари ҳақида баҳс юритадиган фан "усули фиқҳ" дейилади.

Исломи шариаатида амаллар савоб ёки гуноҳлиги эътибори билан фиқҳий истилоҳга кўра еттига бўлинади: 1. Фарз. 2. Вожиб. 3. Суннат. 4. Ҳаром. 5. Макруҳи таҳримий. 6. Макруҳи танзиҳий. 7. Мубоҳ.

## АМАЛЛАРНИНГ ҲУКМЛАРИ

### 1. Фарз

Инкор қилиб бўлмас қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амал "фарз" дейилади. Беш маҳал намоз ўқиш, рўза, закот каби амаллар фарздир. Фарзни бажариш шарт, уни бажарган улкан савобга эришади, бажармаган фосиқ ҳисобланиб, азобланади. Инкор этган эса кофир бўлади. Фарз икки хил бўлади: фарзи айн (ҳар бир мусулмон бажариши шарт) ва фарзи кифоя (бир ёки бир неча кишининг адо этиши билан бошқалардан соқит бўлади).

### 2. Вожиб

Эътирозга эҳтимоли бор далил билан бажарилиши талаб қилинган амал вожибдир. Масалан, витр, ҳайит намозлари кабилар. Вожибнинг ҳукми фарз билан баробар. Вожибни инкор қилган киши кофир бўлмайди, балки фосиқ бўлади. Вожибни бажарган савоб олади, тарк қилган жазога лойиқ бўлади.

### 3. Суннат

Зиммага юкланмаган, лекин бажарилиши талаб қилинган амал суннатдир. Суннатга амал қилиш вожибга амал қилиш каби талаб этилади. Бироқ суннатга амал қилмаган вожибга амал қилмаган каби жазоланмайди, балки қораланади.

Мазҳаб уламолари суннатни иккига бўлишган: 1. Суннати муаккада (таъкидланган суннат) - вожибдан кейинги даражада туради, масалан, жамоат билан намоз ўқиш. Бунга амал қилмаган гуноҳкор бўлади. 2. Суннати зоида (еб-ичиш, юриш-туриш каби ишларда Пайғамбар алайҳиссаломга эргашиш).

## 4. Ҳаром

Инкор қилиб бўлмас қатъий далиллар билан бажарилиши таъқиқланган амал. Масалан, зино, судхўрлик, ўғирлик, ароқхўрлик каби. Ҳаром иш қилган охиратда дўзах азобига дучор бўлади, ҳаромни тарк этган савобга эришади. Ҳаромни инкор қилган одам кофир бўлади.

## 5. Макруҳ

Эътирозга эҳтимоли бор далил билан бажарилиши таъқиқланган амал макруҳи таҳримийдир. Масалан, бировнинг совчилиги устига совчи юбориш, эркакларнинг тилла тақиши ва ипак кийим кийиши макруҳи таҳримийдир. Макруҳи таҳримий ҳукми ҳаром ҳукмидадир, фақат уларни инкор этган киши кофир бўлмайди, холос.

Қилинишидан қатъий қайтарилмаган, аммо қилинмаслиги қилинишидан аъло бўлган амал макруҳи танзихийдир. Мушук, йиртқич қушлар теккан сувда таҳорат олиш бунга мисол бўлади. Улардан сақланганлар савоб олади, қилганларга эса маломат ҳам, иқоб ҳам қилинмайди.

## 6. Мубоҳ

Шариатимиз қилиш ёки қилмасликни одамлар ихтиёрига қўйган ишлар. Масалан, рамазон ойида кечаси еб-ичиш каби. Бунда шариат белгилаган чегарадан чиқмай тасарруф этиш мубоҳ саналади. Мубоҳда уни қилган ҳам, қилмаган ҳам - баробар, савоб-гуноҳ йўқ.

Жоиз - луғатда "ижозат берилган, йўл берилган" маъноларини билдиради. Истилоҳда мубоҳ тушунчасининг ўхшаши, шариатда рухсат этилган амал.

## Мазҳаб нима?

"Мазҳаб" сўзи луғатда "йўналиш, йўл, эргашиш" маъноларини англатади. Шаръий истилоҳда мужтаҳидлар-

дан бирининг оят ва ҳадислардан шаръий ҳукмлар чиқариш йўли "мазҳаб" дейилади. Исломий мазҳаблар шаръий далилларни баён этиш ва улардан ҳукм чиқариш мадрасалридир. Мазҳаблар шаръий ҳукмларни чиқариш ва уларни ўрганиш йўлидир. Улар ўз асосчиларининг номлари билан - тақво, салоҳият, ижтиҳод ва илмларини барча мусулмонлар эътироф этган мужтаҳидларнинг номлари билан аталади. Бир қанча мужтаҳидларнинг, жумладан Авзоъий, Суфён Саврий кабиларнинг мазҳаблари улар оламдан ўтишлари билан йўқ бўлиб кетган. Ҳозирги кунда Исло оламида тўрт улуф мужтаҳиднинг - Имом Аъзам (Абу Ҳанифа), Имом Шофеъий, Имом Молик, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал мазҳаблари амалдадир. Диёримиз мусулмонлари Имом Аъзам (Ҳанафий) мазҳабадирлар.

### **Мазҳабларнинг бир неча бўлиши сабаблари**

Мазҳабларнинг бир қанча бўлиши сабалари қуйидагичадир: Аллоҳ таоло ва Унинг Расулига итоат этиш ҳар бир мўминга вожибдир. Бу Қуръони каримнинг кўпгина оятларида (Оли-Имрон-132, Ҳашр-7, Нисо-65) таъкидланган. Аллоҳ таоло ва Унинг Расулига итоат этиш эса Қуръони карим ва Суннати мутоҳҳарада келган ҳукмларни билишни тақозо қилади. Қуръони карим ва Суннати мутоҳҳарада баъзи масалаларнинг ҳукмлари очиқ-равшан баён этилган бўлса, баъзиларининг ҳукмларига ишорат ва далолат қилинган, айрим масалаларнинг ҳукмлари эса келмаган. Ҳукмлари очиқ баён этилган масалаларда ихтилоф ва ижтиҳодга ўрин йўқ. Ҳукмлари равшан баён қилинмаган ёки ҳукмлари келмаган масалаларнинг ҳукмини фақат мужтаҳидлар ойдинлаштириб беришади. Мужтаҳид араб тилини билган ва тушунган, Қуръони карим ва ҳадис илмини чуқур эгаллаган, усулул-фиқҳ ва ижмоъни билган, шариат мақсадларини англаган, истеъдоди ижтиҳод қилишга етадиган олимдир.

Бир масаланинг ҳукмини ойдинлаштиришда, келтирилган далилларнинг ҳар хил бўлишида, бир қанча маъ-

ноли сўзларнинг бир маъносини қувватлашда, ҳукми келмаган масалани ўзга масалага қиёс қилиб чиқаришда бир мужтаҳиднинг фикри иккинчи бир мужтаҳиднинг фикридан фарқли бўлиши табиийдир. Ўзи ижтиҳод қилиб ойдинлаштирган ҳукмга ўзининг амал қилиши ҳар бир мужтаҳидга вожибдир. Бир мужтаҳиднинг иккинчи мужтаҳидга тақлид қилиши мумкин эмас. Мужтаҳид масалани тўғри ҳал қилган бўлса, унга икки савоб бор. Агар адашган бўлса унга бир савоб бор. Шундай қилиб ҳар бир мужтаҳиднинг ижтиҳод қилиш йўли (мазҳаби) шаклланган.

Ижтиҳод даражасига етмаган кишиларга Қуръони карим ҳукмига (Наҳл-43, Анбиё-7) биноан мужтаҳидлардан бирига эргашиш вожибдир.

### **Аҳли суннат вал-жамоа**

Инсоният тарихига холис назар қилган киши шунга амин бўладики, Аллоҳ таоло Одам зурриётига берга ихтиёр туфайли баъзилар Ҳақни топишса, айримлари ботилга эргашишган. Шу сабабли Мусо ва Исо (алайҳи-муссалом) қавмлари етмиш икки фирқага бўлинган бўлса, Ислому уммати етмиш уч фирқага бўлингандир. Ҳақ бир бўлганидан фирқаларнинг фақат бир уни топади ва унга эргашади. Ислому уммати ичида Ҳақни топган ва унга эргашган фирқа Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва у зотнинг саҳобалари амал қилган йўлда собит қолган мусулмонлардир. Қолган етмиш икки фирқа Ҳақни топмаган бўлса-да, Ислому динининг қатъий ҳукмларини инкор қилмагани учун Ислому доирасида ҳисобланади. Ислому уммати ичида Ҳақни топган ва унга эргашган фирқа "Аҳли суннат вал жамоа" деб аталади. Аҳли суннат вал жамоат фирқаси амалиётда тўрт мазҳабга бўлинган:

1. Ҳанафий мазҳаби. Имом Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит.

2. Моликий мазҳаби. Имом Молик ибн Анас.

3. Шофеъий мазҳаби. Имом Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий.

4. Ҳанбалий мазҳаби. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал.

Бу тўрт мазҳабдан бошқа мазҳаблар ҳам бўлган. Лекин куйидаги сабаблар туфайли мазкур мазҳаблар йўқолиб кетган:

1. У мазҳабларнинг таҳқиқ қилиб эргашадиган тобеълари бўлмаган.

2. Масалалар тўлиқ ҳал қилинмагани, ҳал бўлганлари ёзиб қўйилмагани ва борлари илмий ўрганилмагани сабабли уларнинг фикҳий мадрасаси вужудга келмаган.

3. Кўпчилик фатво борасида фақат тўрт мазҳабгагина суянган. Чунки уларнинг усул ва фуруъ қоидалари ёзиб қолдирилган, муайян тартибга солинган. Бошқа мазҳабларда эса бундай бўлмаган.

Бугунги кунда дунёдаги мусулмонларнинг 92,5 фоизи Аҳли суннат вал жамоа мазҳабидадир. Улардан ҳанафийлар 47 фоизни, шофеъийлар - 27, моликийлар - 17, ҳанбалийлар - 1,5 фоизни ташкил этади.

## МАЗҲАББОШИЛАР

### 1. Имом Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам)

Имомул аймма ва сирожул умма (имомлар имоми ва Ислом умматининг чироғи), ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ҳижрий 80 (милодий 699) йилда Куфа шаҳрида ипак-шойи савдогари оиласида туғилган. Жуда ёшлигидан яхши таълим олган, сўнги саҳобаларни кўрган. 22 ёшида ироқлик атоқли олим Ҳаммод ибн Абу Сулаймонга шогирд тушиб, 18 йил унинг таълимини олди. Устоз вафотидан сўнг унинг шогирдларига 10 йилгача таълим-тарбия берди. Куфа ва Басра фикҳ олимларининг нуфузли устози сифатида танилди.

Халифа Хорун ар-Рашид даврида (747-48 йилларда) Абу Ҳанифани Ироқ волийи Ибн Хубайр давлат ишларига, қозикалонликка хизматга олиш учун кўп ҳаракат қилди. Абу Ҳанифа қозилиқда ишласам, ноҳақ ишларга кўшилиб, гуноҳга қоламан, деб қози бўлишдан бош тор-

тди ва ватанини тарк этиб, Маккаи мукаррамага борди, ўша ерда яшай бошлади.

Аббосийлар давлат тепасига келгач, Абу Ҳанифа яна Ироққа, Басрага қайтиб, савдогарлик ва илм билан шуғулланишни давом эттирди. Аббосийлар халифаси Мансур (754-755) Абу Ҳанифани пойтахт Бағдодга келиб, қозикалон ёки бошқа юксак мансабда ишлашни таклиф этди. Аммо Абу Ҳанифа бу таклифни ҳам рад этди. Халифа Имоми Аъзамни қозикалонликда ишлашга кўндириш учун бир неча муддат қамаб қўйди. Имоми Аъзам ҳижрий 150 йилда вафот этди. Фикҳ илмининг энг пешқадами бўлгани учун Ислом оламининг деярли 50 фоизи, жумладан, юртимиз мусулмонлари ҳам у зотнинг мазҳабига эргашадилар. "Аҳли суннат вал-жамоа"нинг биринчи имомидирлар.

Абу Ҳанифанинг "Муснад" номли ҳадислар тўплами, "Фикҳул-акбар" ёки "Асл ат-Тавҳид", "Фикҳ ул-Абсат", "Ал-олим ва ал-мутааллим" каби асарлари бор. Уларда Ислом шариятининг арконлари баён этилган.

## 2. Имом Шофёъий

Шофёъий мазҳабининг асосчиси Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофёъ ибн Соиб ибн Абулязид ибн Ҳошим ибн Мутталиб ибн Абдуманоф (куняси Абу Абдуллоҳ ал-Қурайший) ҳижрий 150 (милодий 767) йили Фаластиннинг Ғазза шаҳрида таваллуд топган. Бу зот саййидлардан, насаби жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам насабларига бориб уланади.

Имомнинг ёшлиги Маккада кечди, етти ёшда Қуръони каримни, ўн ёшида Имом Моликнинг "Муваттоъ" китобини тўла ёдлади. Кейинчалик Холид аз-Занжий ва Молик ибн Анасдан фикҳ ва ҳадис илмини ўрганди. Ўн беш ёшда устози Муслим ибн Холид фатво беришга ижозат қилди. Имом Аҳмад бу зотни иккинчи ҳижрий асрнинг мужаддиди, деб атаган ва "Агар Шофёъий бўлмаганида ҳадис ва фикҳни билмаган бўлуր эдик", деган.

Имом Аъзам, Имом Молик мазҳабларини пухта ўрганиб, Шофеъий мазҳабига асос солди.

Имом Шофеъий фикҳий масалаларни ҳал этиш асносида уларни қайси қоидалар асосида ечганини ҳам ёзиб борди ва бу билан яна бир муҳим илм "Усулул-фикҳ" (фикҳ асослари) юзага келди. Шунингдек, бу зот ижмоънинг шартлари, қиёснинг чегара ва шартларини баён этди. 113 та китоб таълиф этган, улардан машҳурлари "Китабу ҳужжа", "Рисола", "Ал-умм", "Ал-мабсут", "Ихтилоф ул-ҳадис", "Сунан", "Муснад", "Ас-салавот", "Ал-Буйуъ", "Ал-Музораъа" ва бошқалардир. Ҳижратнинг 204 йили Қоҳира (Миср)да вафот этди (раҳматуллоҳи алайҳ).

### 3. Имом Молик

Моликий мазҳабининг асосчиси Молик ибн Анас ибн Молик ибн Абу Омир ибн Амр ибн Ал-Ҳорис Абу Абдуллоҳ ал-Асбаҳий ал-Маданий ҳижрий 93 (баъзи манбаларда 99) йили Мадинаи мунавварада таваллуд топган. Табаъ-тобеъинлардан, замонанинг йирик имоми, фақиҳи, муҳаддиси, моликий мазҳабининг асосчиси-дир. Бу киши ҳақида Имом Насайй: "Мен учун ҳадис илмида Моликдан кўра билимдон, ҳурматли, ишончли, амин, заиф ҳадислардан кам ривоят қилган киши йўқдир", деган бўлсалар, Имом Шофеъий: "Молик тобеъинлардан кейин Аллоҳ таолонинг ҳужжати-дир", деганлар. Мусулмонларга Ислом таълимотларини тушунтирувчи китоб ёзиб, уни "Ал-Муваттоъ" (осонлаштирилган) деб атади. Бу китоб қирқ йил мобайнида тўпланган ҳадисларни ўз ичига олган, уларни мингга яқин киши ривоят қилган. Уламолар шундай дейишади: "У ҳадис ва фикҳ китоби бўлиб, унинг тенгини билмай-миз", "Ер юзида илмда ундан тўғрироқ китоб йўқ". Моликий мазҳаби Ислом оламида, асосан, Африқо ши-моли-ғарбида кенг тарқалган. Имом Авзойй, Имом Шофеъий, Муҳаммад ибн Ҳасан бу зотдан таълим олишган. Ҳижрий 179 йилда Мадинаи мунавварада вафот этган (раҳматуллоҳи алайҳ).



#### 4. Имом ибн Ҳанбал

Ҳанбалий мазҳабининг асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад Идрис ибн Абдуллоҳ ибн Ҳаййон ибн Абдуллоҳ ал-Бағдодий аш-Шайбоний ҳижрий 164 (милодий 780) йилда Бағдодда туғилган. Насаби Аднонда жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам насабларига қўшилади, ота-онаси асли Мовароуннахрнинг Марв шаҳридан. Ёшлиқда аввал Абу Ҳанифанинг шогирдлари Абу Юсуфдан ва Имом Шофеъийдан таълим олади. Шундан кейин Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларини ёд олиб, ёзишга киришади. Асосий китоби "Ал-Муснад" ("Муснади Аҳмад")да қирқ мингдан зиёд ҳадисни жам қилган. Бағдодда ва Ислом оламида замонанинг улуғ ҳадис ва фикҳ олими бўлиб танилди ва ҳанбалий мазҳабига асос солди. Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ҳам бу зотдан таълим олишган. Шогирдлари Ислом шариатига доир ўттиз мужаллад китоб ёзишган. Зархоний: "Аҳмад ибн Ҳанбал икки юз мингдан зиёд яҳудий, насроний, мажусий кишиларнинг Исломга киришларига сабабчи бўдилар", деб ёзади. "Муснад"дан ташқари "Китаби аз-зуҳд", "Ал-маърифа ат-таълим", "Ал-журҳ ва ат-таъдил" ва бошқа китобларни таълиф этган. Ҳижрий 241 (милодий 855) йили Бағдодда вафот этган. (раҳматуллоҳи алайҳ).

# ИЙМОН

*Ислом дини асослари*

*Иймон*

*Иймоннинг рукни ва шартлари*

*Ақида*

*Ақида имомлари*

*Аллоҳ таолога иймон*

*Аллоҳ таолонинг сифатлари*

*Аллоҳнинг гўзал исмлари*

*Фаришталарга иймон*

*Китобларга иймон*

*Пайғамбарларга иймон*

*Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом*

*Охират кунига иймон*

*Қадарга иймон*

*Ўлгандан сўнг қайта тирилишга иймон*

*Қабр азоби ва роҳати*

*Мункар ва Накир*

*Савол ва ҳавз*

*Меърож ва Исро*

*Номаи аъмол ва ҳисоб*

*Мезон*

*Сирот*

*Жаннат ва жаҳаннам*

*Қиёматнинг аломатлари*

*Қуёшнинг мағрибдан чиқиши*

*Даббат ул-арз*

*Яъжуж ва Маъжуж, Дажжол*

*Исо алайҳиссаломнинг тушишлари*

*Шафоат, мўъжиза ва каромат*

*Куфр, мунофиқ ва мушрик*

*Ҳалол ва ҳаром*

## АҚИДА

### Ислом дини асослари

Ислом дини - Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссалом орқали бутун инсониятга юборган диндир. Аллоҳ таоло айтади: "Мен сизларга неъматимни тўқис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим" (Моида сураси, 3-оят мазмуни).

Ислом динининг асоси бешта:

1. Иймон ("Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ", деб дил билан тасдиқлаб, тил билан иқрор бўлиш);
2. Намоз (қунига беш вақт намоз ўқиш);
3. Рўза (рамазон ойи рўзасини тутиш);
4. Закот (моли маълум нисобга етса, қирқдан бир улушини Аллоҳ белгилаганлар учун ажратиш);
5. Ҳаж (қодир бўлса умрида бир марта ҳаж қилиш).

### Иймон

"Иймон"нинг маъноси тасдиқ этмоқ, ишонмоқдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таоло томонидан етказган барча нарсаларни дил билан тасдиқлаб, уларга тил билан иқрор бўлиш "иймон" дейилади.

Иймон бундай изҳор қилинади:

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ  
وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ \*

"Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан табдуҳу ва расулуҳ" (яъни, "Аллоҳ таолодан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад алайҳиссалом Унинг бандаси ва расули эканига иқрорман).

Ким бу калимани тили билан айтиб, дили билан унинг маъносини тасдиқ ва қабул қилса, яъни Аллоҳ таоло ягона сифиниладиган Зотдир, Ундан ўзга сифинишга лойиқ ҳеч мавжудот йўқ, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг бандаси ва расулидир, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таоло томонидан етказган барча нарса ҳақ-ростдир, деб қалби билан тасдиқ ва қабул қилса ҳамда тили билан шунга иқрор бўлсагина иймонли саналади. Иймони бўлмаган одам ҳар қанча савобли ишларни қилса ҳам, унга савоб ёзилмайди. Ибодат ва солиҳ амалларнинг қабул бўлиши учун иймон шарт.

Инсонларнинг иймони Аллоҳ таолони билиш ва Пайғамбаримиз алайҳиссалом етказган ҳукмларга ишониш жиҳатидан учга бўлинади:

1. Таҳқиқий иймон - шак ва шубъа асло дахл қилмайдиган иймон.

2. Истидлолий иймон - далилларга асосланган иймон.

3. Тақлидий иймон - ота-она иймониغا тақлид қилинган иймон.

Иймон ифодалаш жиҳатидан иккига бўлинади:

Муфассал иймон.

Ижмолий иймон.

Киши иймонли бўлиши учун қалби билан тасдиқлаб қабул этиши лозим бўлган нарсаларнинг ҳар бирини ёд этиши муфассал иймон, қисқа ифодалаш эса ижмолий иймон дейилади.

Иймоннинг қисқа ифодаси қуйидагича:

أَمِنْتُ بِاللَّهِ كَمَا هُوَ بِأَسْمَائِهِ وَصِفَاتِهِ  
وَقَبِلْتُ جَمِيعَ أَحْكَامِهِ.

"Аманту биллаҳи кама ҳува биасмаиҳи ва сифатиҳи ва қобилту жамиъа аҳкамиҳи", яъни Аллоҳ таолога, Унинг исмларига ва сифатларига иймон келтирдим ҳамда Унинг ҳамма ҳукмларини қабул қилдим.

Иймоннинг муфассал ифодаси эса қуйидагича:

أَمِنْتُ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ  
وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْقَدَرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ مِنْ  
اللَّهِ تَعَالَى وَالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ.

"Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи вал-йавмил ахири вал-қодари хойриҳи ва шарриҳи мин Аллоҳи таъала вал баъси баъдал-мавт", яъни "Аллоҳ таолога, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, охират кунига, қадарга - яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродаси ва яратиши билан бўлишига ҳамда ўлгандан сўнг қайта тирилишга иймон келтирдим.

### **Иймоннинг рукни ва шартлари**

Ислом динида иймон келтириш лозим бўлган нарсаларни қалб билан тасдиқлаб қабул қилиш ва тил билан иқрор бўлиш иймоннинг рукнидир. Бу, Ислом динида иймон келтириш лозим бўлган нарсаларни киши қалбида тасдиқ этиб қабул қилмаса ва уларга иқрор бўлма-са иймонли бўлмайди, демақдир.

Ислом динида қалб билан тасдиқлаб қабул қилиш лозим бўлган нарсалар иймоннинг шартларидир. Иймон шартларидан бирортасини инкор қилиш билан киши Ислом динидан чиқади, кофир бўлади.

Иймон шартлари Қуръони карим, мутавотир (кўпчилик ривоят қилган) ҳадислар, ижмоъ (мухтаҳидлар иттифоқи) билан собит бўлган.

Иймон масалаларининг барчаси қалбга таалуқлидир. Шунинг учун улар ақида масалалари ҳам деб аталади. Зеро, ақида қалб боғланган нарса демақдир.

Соф ва тўғри ақида Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва саҳобаи киромлар собит бўлган ақидадир. Бу ақида "Аҳли суннат ва жамоа ақидаси" деб аталади. Аҳли суннат ва

жамоа ақидаси ашъарийя ва моутридийя мазҳабларидан иборат. Юртимиз мусулмонлари Аҳли суннат ва жамоа ақидасининг мотуридийя мазҳабидадирлар.

Ақида масалалари замон, макон, шахс ва жамиятга қараб ўзгармайди. Ақида масалаларини тўлалигича қабул қилиш ва уларга иқрор бўлиш лозим. Уларнинг бир қисмига иқрор бўлиб, бошқасини инкор қилиш мумкин эмас.

Ақида масалалари батафсил баён этилган илм "ақоид" ёки "Усул илми" дейилади. Зеро, Ислом динининг қолган тўрт асоси: намоз, рўза, закот ва ҳаж ҳамда бошқа масалалар ақидага боғлиқ.

## Ақида

Луғатда "туғиб қўйиш" маъносидаги "ақд" ўзагидан ясалган. Истилоҳда Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам етказган барча нарсаларнинг ростлигини тасдиқлаб, қалб ва кўнгил боғлаб ишонилиши лозим бўлган нарсалар "ақида" дейилади. Ақидани тўғрилаш ва уни мустаҳкамлаш ҳақида Сўфи Оллоёр "Ақида билмаган шайтона эдур, агар минг йил амал, деб қилса - едур", деб ёзганлар.

Ақида масалалари замон, макон, шахс ва жамият ҳаётига кўра ўзгармайди. Ақида масалалари яхлит бўлиб, бир қисмига ишониш, бошқа қисмига ишонмаслик мумкин эмас.

Ақидага доир илк асар ёзган ва асарлари шу кунгача етиб келган зот Абу Ҳанифадир. У кишининг "Ал-Фикҳул-акбар", "Ал-Фикҳул-абсат", "Ар-Рисола", "Ал-Олим вал-мутаъаллим" ва "Ал-Васийя" дея танилган беш асарида ақоид масалаларидан баҳс юритилади. Имом Шофеъийнинг ҳам бири нубувватнинг сихати ва Бароҳиманинг раддига, иккинчиси аҳли бидъатнинг танқидига доир иккита китоб ёзганлари маълум. Аҳмад ибн Ҳанбал, Табарий, Таҳовий, Бухорий, Доримий, Абу Довуд, Ибн Можа ҳам Аҳли сунна вал жамоа ақидасига доир рисоалар ёзишган.

## Ақида имомлари

**ИМОМ МОТУРИДИЙ.** Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ас-Самарқандий Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида туғилган. Аҳли сунна вал-жамоа ақидаси асосчиларидан.

Унинг "Китаб ат-тавҳид", "Китаб ал-мақолол", "Китаби радди авоил ал-адилла лил-Каъбий", "Китаби таъвилотил-Қуръан" каби асарлари бор.

Ўзларининг "Таъвилотил-Қуръан" номли тафсирида илми калом уламолари йўлидан бориб, Қуръони карим оятларини ақидада аҳли сунна вал-жамоат мазҳабини қўллаб тафсир қилганлар.

Бутун дунё мусулмонлари ақидада шайх Абу Мансур Мотуридий ва шайх Абул Ҳасан ал-Ашъарий таълимотига таянадилар. Мотуридийлар имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ақидасига суянсалар, Ал-Ашъарий ақидасига Имом Шофиъий, Имом Молик, Имом Ҳанбалий мазҳаблари асос бўлган. Ҳар иккала ақида соҳиблари "Аҳли суннат вал-жамоа"нинг асосини ташкил этишган.

Абу Мансур Мотуридий ҳижрий 333 (милодий 944) йили вафот этганлар, қабрлари Самарқанд четидаги Чокардизада.

**ИМОМ АШЪАРИЙ.** Имом Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий. Аҳли сунна вал-жамоанинг машҳур ақида имомларидан, Бағдодда яшаган, машҳур саҳобий Абу Мусо ал-Ашъарийнинг авлодларидан. Аввал мўътазилийларларга бош бўлиб, кейин уларни фош қилган. Аҳли суннат вал-жамоа ақидаси бўйича бир қанча машҳур асарлари бор, "Мақолол ул-исломийин", "Алибона", "Рисолатун ила аҳлис сағир", "Ал-Ламаъ" шулар жумласидан. У мўътазилийлар, файласуфлар, карматийлар, ботинийлар, рофизийлар ақидаси нотўғри эканини далиллар асосида ёритган. У Имом Мотуридий билан бирга Аҳли суннат вал-жамоанинг ақида имомлари деб тан олинган. Ҳижрий 333 йили Бағдодда вафот этган (раҳматуллоҳи алайҳ).

## ИЙМОН ШАРТЛАРИ

### 1. Аллоҳ таолога иймон

Киши ҳамма нарсани ёлғиз Аллоҳ таоло яратганини, Ундан ўзгага сифиниб бўлмаслигини, У комил сифатлар билан сифатланганини, айб-нуқсондан поклигини қалби билан тасдиқлаб, тили билан иқрор бўлса Аллоҳ таолога иймон келтирган бўлади.

Аллоҳ таоло зоти ва сифатларида ягонадир, қадимдир (мавжудлигининг аввали йўқ), доимдир (мавжудлигининг ниҳояси йўқ), тирикдир, билувчидир, қодирдир, ихтиёрлидир (истаганини қилади), сўзлагувчидир, эшитувчидир, кўрувчидир. Аллоҳ таоло жисм ҳам, жавҳар (яъни модда) ҳам, араз (ранг, ҳид каби) ҳам эмас. Унинг сурати ва шакли йўқ. Аллоҳ таоло бирор томонда ва маконда эмас. Аллоҳ таолонинг борлиги замон билан белгиланмайди. Аллоҳ таоло исмлари, зотий ва феълий сифатлари билан ҳамиша бўлган ва бўлади. Аллоҳ таолонинг бирорта исми ва сифати янги пайдо бўлмаган.

Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатларида ўхшаши йўқ, акси йўқ, тенги йўқ. Аллоҳ таоло ҳеч бир нарсага муҳтож эмас. Аллоҳ таоло охиратда мўминларга кўринади.

Ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши, ҳукми ва тақдири билан бўлади. Аллоҳ таоло барча нарсани биледи, ҳамма нарсага қодирдир.

### Аллоҳ таолонинг сифатлари

Аллоҳ таолонинг сифатлари азалий ва абадийдир. Аллоҳ таолонинг сифатлари саккизта:

ҲАЁТ-тириклик. Аллоҳ таоло тирикдир.

ИЛМ- билиш. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билувчидир.

ҚУДРАТ-қодирлик. Аллоҳ таоло ҳамма нарсага қодирдир.



САМЪА-эшитиш. Аллоҳ таоло ошкор ва пинҳонни эшитувчидир, ҳеч нарса Унга махфий эмас.

БАСИР-кўриш. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани кўради, ҳеч нарса Ундан яширин эмас.

ИРОДА-хоҳиш. Аллоҳ таоло хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламаган нарса бўлмайди.

КАЛОМ-сўзлаш. Аллоҳ таоло сўзлагувчидир.

ТАКВИН-йўқдан яратиш. Аллоҳ таоло олами йўқдан яратган, ҳамма нарсанинг яратувчиси Аллоҳ таолодир.

Бу сифатлардан ҳаёт, илм, қудрат, самъа, басир, ирода ва калом сифатлари Аллоҳ таолонинг зотий сифатларидир. Таквин сифати Аллоҳ таолонинг феълий сифатидир. Аллоҳ таоло феълий сифатларининг барчаси "таквин" деб аталади.

Аллоҳ таолонинг ҳеч бир сифати махлуқларнинг сифатига асло ўхшамайди.

### Аллоҳнинг гўзал исмлари

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай марҳамат қилганлар: "Аллоҳ азда ва жалланинг тўқсон тўққизта гўзал исмлари бор, ким уларни ёдласа ва ўқиса жаннатга киради".

Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари булардир:

1. Аллоҳ - яккаю ягона маъбуд.
2. Раҳмон - неъматларни берувчи.
3. Раҳим - қиёматда мўминларга раҳм қилувчи.
4. Малик - ҳамма нарсанинг эгаси.
5. Қуддус - барча айблардан холи, мутлақ пок.
6. Салом - нуқсонлардан саломат, тинчлик-хотир-жамлик берувчи.
7. Мўмин - иймон ва омонлик берувчи.
8. Муҳаймин - ҳамма нарсани сақлагувчи.
9. Азиз - барчанинг устидан ғолиб.
10. Жаббор - олий қадар улуғ.
11. Мутакаббир - кибриёси ва улуғлиги беҳад.
12. Холиқ - мутлақ яратувчи, вужудга келтирувчи.
13. Борий - йўқдан бор қилувчи.

14. Мусаввир - махлуқотнинг ҳар бирига суврат берувчи.
15. Фаффор - бандалар айбини кечиб, мағфират қилувчи.
16. Қаҳҳор - барча устидан ғолиб.
17. Ваҳҳоб - кўплаб неъматларни беҳисоб берувчи.
18. Раззоқ - кўплаб ризқ берувчи.
19. Фаттоҳ - кўп нарсаларни очувчи.
20. Алийм - ҳамма нарсани билувчи.
21. Қобиз - руҳларни (қалбларни) қабз этувчи-ту-  
тувчи.
22. Босит - руҳларни (қалбларни) кенг қўювчи.
23. Хофиз - пасайтирувчи (масалан, кофирлар мар-  
табасини).
24. Рофиъ - кўтарувчи (масалан, мўминлар мартаба-  
сини).
25. Муизз - азиз қилувчи.
26. Музилл - хор қилувчи.
27. Самиъ - ҳар бир нарсани эшитувчи.
28. Басир - ҳар бир нарсани кўрувчи.
29. Ҳакам - ҳукми ўтувчи.
30. Адл - мутлақ адолат қилувчи.
31. Латиф - ўта лутф кўрсатувчи.
32. Хобир - ҳамма нарсдан ўта хабардор.
33. Ҳалийм - ғазаби қўзимайдиган ва иқобга шо-  
шилмайдиган.
34. Азийм - азамати беқиёс улф.
35. Фафур - кўп мағфират қилувчи.
36. Шақур - оз амалга кўп савоб берувчи.
37. Алий - мартабаси олийликда бениҳоя.
38. Кабир - ҳар нарсдан улф.
39. Ҳафиз - ҳар бир нарсани муҳофаза қилувчи.
40. Муқийт - барча моддий ва руҳий ризқларни яра-  
тувчи.
41. Ҳасийб - кифоя қилувчи.
42. Жалил - сифатлари улф.
43. Карим - кўплаб ато қилувчи.

44. Роқийб - ҳеч бир заррани ҳам қўймай назорат қилувчи.

45. Мужийб - дуоларни ижобат қилувчи.

46. Восеъ - ҳамма нарсани билувчи, раҳмати барчага шомил.

47. Ҳакийм - ҳар бир нарсани ҳикмат ила қилувчи.

48. Вауд - барча яхшиликларни раво кўрувчи.

49. Мажийд - шон-шарафи ва қадри беҳад юксак.

50. Боъис - халқларга пайғамбарлар, кишиларга ҳикмат юборувчи.

51. Шаҳид - барчага шоҳидлик берувчи.

52. Ҳаққ - ўзгармас собит Зот, ҳақни юзага чиқарувчи.

53. Вакил - сақлагувчи.

54. Қовий - кучли.

55. Матин - машаққат билмас.

56. Валий - муҳаббат қилувчи, нусрат берувчи.

57. Ҳамид - барча мақтовлар ила мақталган.

58. Муҳсий - барча нарсанинг ҳисобини олган.

59. Мубдиъ - ҳамма нарсани аввалдан бор қилувчи.

60. Муъийд - йўқ бўлган нарсани қайта бор қилувчи.

61. Муҳйий - тирилтирувчи.

62. Мумийт - ўлдирувчи.

63. Ҳайй - тирик, абадий ва азалий.

64. Қоййум - яратганларини доимий назорат ва ҳифз қилувчи.

65. Вожид - хоҳлаган нарсасини топувчи.

66. Мажид - улуғлик ва шараф соҳиби.

67. Воҳид - ягона, битта, бўлинмас.

68. Сомад - барчанинг истагани.

69. Қодир - чексиз қудрат соҳиби.

70. Муқтадир - жуда қудратли.

71. Муқаддим - олдинга қўювчи.

72. Муаххир - орқага сурувчи.

73. Аввал - ҳамма нарсадан аввал бор бўлган.

74. Охир - ҳамма нарса йўқ бўлганда боқий қолувчи.

75. Зоҳир - борлиги аён.

76. Ботин - кўзлардан пинҳон, махфий нарсаларни билувчи.

77. Волий - ҳамма нарсага волий - эга.
78. Мутаъолий - нуқсонлардан юқори турувчи.
79. Барр - улуғ яхшилиқ қилувчи.
80. Таввоб - бандаларни тавбага йўллаб, улар тавба-сини қабул қилувчи.
81. Мунтақим - золим ва осийлардан интиқом олувчи.
82. Афувв - авф этувчи.
83. Раъуф - ўта шафқатли ва меҳрибон.
84. Моликул-мулк - борлиқ эгаси.
85. Зул жалоли вал-икром - шараф ва камол, карам ва икром эгаси.
86. Муқсийт - адолати билан мазлумларга нусрат, золимларга жазо берувчи.
87. Жомиъ - қайта тирилтириб жамловчи.
88. Ғаний - ҳаммадан ва барча нарсадан беҳожат.
89. Муғний - беҳожат қилувчи.
90. Моний - ман қилувчи.
91. Зорр - хоҳлаганига зарар қилувчи.
92. Нофиъ - манфаат берувчи.
93. Нур - мунаввар қилгувчи.
94. Ҳодий - ҳидоят қилувчи.
95. Бадий - йўқдан бор қилгувчи.
96. Боқий - мангу боқий қолувчи.
97. Ворис - мавжудотлар йўқ бўлганда ҳам боқий қолувчи.
98. Рашид - тўғри йўлга иршод қилувчи (йўлловчи).
99. Сабур - ўта сабрли, осийларни азоблашга шошилмайди.

## 2. Фаришталарга иймон

Фаришта араб тилида "малак" дейилади, унинг кўплиги "малоика"дир. Аллоҳ таоло фаришталарни нурдан яратган. Фаришта (малак)лар борлигига ҳамда Қуръони карим ва Пайгамбаримиз ҳадисларида баён этилган уларнинг сифатлари ва вазифаларига ишониш иймон шартларидан бўлиб, инсон уларга иймон келтирмагунича мўмин бўлмайди.

Фаришталар Аллоҳ таолонинг махлуқи, бандасидир. Улар куфр ва гуноҳлардан покдир. Улар доимо Аллоҳ таолога тоат-ибодатда бўлишади. Улар эрлик ва аёллик сифатлари билан сифатланмайди. Фаришталар инсонлар каби еб-ичишмайди, ухлашмайди, уларда шаҳват йўқ. Фаришталар Аллоҳ таолонинг изни билан турли шаклларда кўрина олишади. Аллоҳ таоло фаришталарни кўп қанотли қилиб яратган. Уларнинг баъзиларида иккитадан, айримларида учтадан, баъзиларида тўрттадан, айримларида эса бундан ҳам кўп қанот бор.

Фаришталар Аллоҳ таолонинг ҳукмини бандаларга етказиш, Аршни кўтариб туриш, жаннат ва дўзах ишларини бажариш, одамларнинг ишларини кузатиб, амалларини ёзиб юриш, инсонни доимий муҳофаза қилиш, руҳларни қабз қилиш ва бошқа вазифаларга мукаллаф этилган. Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил алайҳиссалом фаришталарнинг улуғларидир. Жаброил алайҳиссалом ваҳий етказишга, Микоил алайҳиссалом Аллоҳ берган ризқларни тасарруф қилишга, Исрофил алайҳиссалом қиёматдан огоҳ этувчи сурни чалишга, Азроил алайҳиссалом инсонлар жонини қабз қилишга мукаллафдирлар.

### 3. Китобларга иймон

Иймоннинг яна бир шарти Аллоҳ таолонинг расуллари ва набийларига нозил қилган китобларига ишонишдир. Аллоҳ таолонинг ҳамма китоблари Унинг каломи (сўзи) ва ваҳийдир, махлуқ эмасдир. Уларнинг ҳаммаси бир каломдир, назм, ўқиш ва эшитиш жиҳатидан бир нечтадир. Бу эътибордан нозил бўлган китобларнинг энг афзали Таврот, Инжил, Забур ва Қуръони каримдир. Бу тўрт китобнинг энг афзали Қуръони каримдир. Қуръони карим нозил бўлгач қолган барча китобларни ўқиш ва ёзиш бекор бўлган. Чунки улардаги ҳукмлар муайян халққа йўлланган эди. Қуръони карим ҳукмлари эса бутун инсониятга қаратилган. Таврот Мусо алайҳиссаломга, Забур Довуд

алайҳиссаломга, Инжил Исо алайҳиссаломга, Қуръони карим эса Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган. Қуръони карим ҳукмлари қиёматгача ўзгармайди, бирор ҳарфи зиёда ёки кам бўлмайди, тилларда ва дилларда сақланиб боради. Қуръони карим ўқиш ибодат ҳисобланади.

#### 4. Пайғамбарларга иймон

Пайғамбар-форсча сўз бўлиб, "хабар етказувчи" деган маънодадир. Арабчада "расул, набий" деб аталади.

Иймон шартларидан яна бири Аллоҳ таолонинг ҳамма пайғамбарларига истисносиз ишонишдир. Пайғамбарларнинг вазифаси иймон келтириб, тоат-ибодат қилган инсонларга жаннат башоратини қилиш, куфр ва исёнда бўлган инсонларни дўзах азобидан огоҳ этиш, инсонларга дунё ва дин ишларида улар муҳтож бўлган нарсаларни баён этишдир.

Пайғамбарларнинг барчаси Одам наслидан, гуноҳ, куфр, тугъндан асралган, покдир. Ақл ва ибодатда комилдирлар. Уларнинг барчаси бир динда-Ислом динидадир. Зеро, уларнинг барчаси ўз қавмларини фақат Аллоҳ таолога ибодат қилишга, Унинг улуҳиятига, рубубиятига, исм ва сифатларига ширк келтирмасликка даъват қилишган. Улар зиммаларига юкланган вазифаларни тўла адо этишган.

Пайғамбарларнинг аввали Одам алайҳиссалом, охирлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Одам ва Муҳаммад алайҳимуссаломлар ораларидаги даврда ўтган пайғамбарларнинг адади ҳақида қатъий далил бўлмаганидан уларнинг умумий саноғи аниқ эмас. Шунинг учун улар ададини маълум бир сон билан чегаралаш жоиз бўлмайди.

Қуръони каримда 25 пайғамбарнинг номи зикр этилган: булар-Одам, Идрис, Нух, Ҳуд, Солих, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Зулкифл, Шуайб, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Илёс, Алясаъ, Юнус, Закариё, Яҳё, Исо ва охирги пайғам-

бар Муҳаммад алайҳимуссаломлардир. Узайр, Луқмон, Зулқарнайн номлари ҳам Қуръонда келган, улардан баъзилари набий, баъзилари валийдир. Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад алайҳимуссалом шариат соҳиблари бўлишгани учун "Улул азм" пайғамбарлар дейилади.

Пайғамбарлардан кимларга Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирган бўлса, улар "расул" дейилади. Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирмаган, ўзга воситалар орқали ваҳий келган пайғамбарлар "набий" дейилади. Расул набий деб ҳам аталади, аммо набий расул дейилмайди. Расулар фазилатда набийлардан ортиқдир. Китоб келган расулларнинг фазилати китоб келмаган расулларнинг фазилатидан баланддир. Улул азм Расуллар барча расуллардан фазилатлидир. Улул азм Расулларнинг афзали Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар.

### **Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом**

Пайғамбарларнинг саййиди ва охиргиси, сарвари коинот Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф соллаллоҳу алайҳи васаллам фил йилида, рабиъул-аввал ойининг 12-кечасида, Исо алайҳиссалом таваллудларидан 571 йил кейин Маккада туғилдилар (бу милодий 571 йил 21 апрелга тўғри келади). Оталарининг исми Абдуллоҳ, оналарининг исми Оминадир. Қурайш қабиласидандирлар. Оталари Абдуллоҳ тижорат учун Шомга боради ва қайтишда Мадинада вафот этади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етим ҳолда дунёга келадилар. Анъанага мувофиқ бу зотни Саъд қабиласидан Ҳалима исми аёл эмилади. Унинг хонадониди "Шаққи-садр" - Муҳаммаднинг кўксиларини ёмонликлардан тозалаш ҳодисаси рўй берган. Ҳазрати Муҳаммад асло гуноҳ қилмаганлар, бутларга сиғинмаганлар.

Бу зот олти ёшга кирганларида оналари вафот этади ва боболари Абдулмутталиб тарбиясида қоладилар. Уч

йилдан сўнг боболари ҳам вафот этади ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 579-595 йилларда амакилари Абу Толиб тарбиясида бўладилар. Улғайгунча тижорат сафарига борадилар, амакиларининг қўй-эчкиларини боқадилар. Хадича исмли Макканинг бой ва баобрў аёлига тегишли тижорат молларини Шомга олиб борадилар. У киши ишончли, яхши хулқли бўлганлари учун Хадича онамиз ўзлари совчи қўйиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан турмуш қуришади. Бу пайтда жаноб Пайғамбаримиз 25 ёшда, Хадича онамиз эса 40 ёшда эдилар.

610 йили рамазон ойининг қадр кечасида жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка яқинидаги Ҳиро ғорида ибодат қилаётганларида Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссалом орқали илк ваҳий - Қуръони каримнинг Иқроъ сурасидаги аввалги беш оятни нозил этди ва шу тариқа бу зотнинг пайғамбарлик рисолатлари бошланди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олтмиш уч йил умр кўриб, ҳижратнинг ўн биринчи йили робиъул аввал ойининг ўн иккинчи, душанба куни (милодий 632 йил) вафот этдилар. Ҳужраи саодатга, яъни Оиша онамизнинг ҳужраларига дафн этилганлар. У Мадинадаги "Масжиди набавийя" ичида.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлари боқийдир. У зотдан сўнг ҳеч бир пайғамбар бўлмайди. Бу зот бутун инсониятга ва жинларга расул этиб юборилганлар.

## 5. Охират кунига иймон

Охират Қуръони каримда бир неча номлар билан, жумладан Қиёмат, Соат, Явмул-ҳисоб, Охира, Томма, Соҳха, Ҳаққа, Воқеа ва бошқалар билан аталган. Охиратга, яъни қиёматга ишониш иймоннинг яна бир шартидир. Охиратга ишониш Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда охират ҳақида келган барча нарсаларга: қабрда икки фариштанинг савол қилишига, қабр азоби



ва неъматига, охират куни олдидан бўладиган аломатларга, қайта тирилишга ва ҳамманинг тўпланишига (ҳашрга), номаи аъмолларнинг берилишига, кишининг савоб ва гуноҳлари ҳисоб қилинишига, мезон (тарозу)га, ҳавзга, сиротга, шафоатга, жаннат ва дўзахга, уларнинг аҳлларига ҳозирланган неъмат ва азобларга ишониш, демақдир. Қиёмат Исрофил алайҳиссаломнинг биринчи сур тортишлари билан бошланади ва дунё ҳаёти тугайди.

## **6. Қадарга иймон**

Қадарга, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси, хоҳиши, яратиши билан бўлишига ишониш иймоннинг яна бир шартидир. Ҳамма нарса ва ҳаракат, жумладан инсон хоҳиши ва ихтиёри яхши ёки ёмон, қачон ёки қаерда ва қанча бўлса-да Аллоҳ таолонинг иродаси, илми ва яратиши билан бўлади.

Инсон Аллоҳ таоло унда яратган ихтиёр билан танлаган амалига яраша: яхшилик бўлса-савоб, ёмонлик бўлса-гуноҳ олади.

## **7. Ўлгандан сўнг қайта тирилишга иймон**

Иймоннинг яна бир шarti ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонишдир. Аллоҳ таолонинг амри билан Исрофил алайҳиссалом иккинчи сур тортганларидан сўнг барча жонзотлар, жумладан инсонлар тирилади. Уларнинг асл жасадларига руҳлари қайтарилади ва улар қабрларидан чиқиб Маҳшаргоҳга тўпланишади ҳамда ҳисобга тортилишади.

Ўлим - инсоннинг дунё ҳаётидаги фаолиятига нуқта қўювчи ва охират ҳаётининг бошланишини билдирувчи бир марра. Инсон ўлиши билан унинг охират ҳаёти бошланади. Мўминлар ўлимдан кейин тирилиб маҳшаргоҳда тўпланишларига, қилган яхши ва ёмон амаллардан ҳисоб беришларига иймон келтиришлари вожибдир. Амаллар Ҳақ тарозуси (Мезон)да тортилиб,

яхши амалли, иймонлилар абадий ором-фароғат маскани - жаннатга киради, иймонсизлар ва айрим гуноҳкорлар дўзахга ташланади.

Ўлишдан кейин тирилишнинг муҳим ҳикмати бор. Модомики, дунёга келган эканмиз, бу ерда бир қанча исломий, инсоний вазифаларимизни ўташимиз, Аллоҳнинг буюрганларини бажаришимиз керак бўлади. Бунга осийлик қилганлар эса Аллоҳнинг ғазаби ва жазосига дучор бўладилар. Охиратдаги бахтли-саодатли ва осойишта ҳаёт бу дунёдаги қилган амалларимизга, савобли, хайрли ишларимизга боғлиқ. Қуръони каримда: "Биз сизларни (ердан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва (қиймат кунда) сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз" (Тоҳа сураси, 55-оят), дейилган. Буни инкор қилиш Қуръонни инкор этишдир, бу эса куфри мужибдир. Ўлимдан сўнг қайта тирилмоққа ишониш иймон шартларидан биридир. Мўминнинг ақли билан кофирнинг ақли шу нуқтада фарқланади.

### Қабр азоби ва роҳати

Қабр азоби ва роҳатининг ҳақлигига ишониш Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг муҳим қисмидир.

Барча кофирлар ва гуноҳларидан тавба қилмаган мўминлар қабрларида азобланишади.

Умрларини тоат-ибодатда ўтказган мўминлар қабрда роҳатда бўлишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад айлх-иссалом бундай марҳамат қилганлар: "Қабр жаннат боғчаларидан бир боғ ёки дўзах чуқурликларидан бир чуқурликдир".

Таҳовий ақидасининг шарҳида бундай ёзилган: "Қабр азоби барзах азобидир. Азобланишга мустаҳиқ бўлган ҳар бир майит азобдан ўзига яраша насибасини олади. У хоҳ дафн этилган бўлсин, хоҳ этилмаган, хоҳ йиртқичлар еб кетган бўлсин, хоҳ ўтда куйдирилиб, кули кўкка совурилган, хоҳ дорга осилган ва ё сувга чўкиб кетган бўлсин, фарқи йўқ, барибир унинг руҳига ва жасадига азоб етаверади. Бу борадаги хабарлар Расу-

лulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан мутавотир йўли ила собит бўлгандир.

## Мункар ва Накир

Аҳди суннат вал жамоа ақидасининг муҳим қисмларидан бири Мункар ва Накир исмли икки фариштанинг қабрда савол беришининг ҳақлигига ишонишдир. Инсон жасади қабрга қўйилганидан кейин (агар у сувга чўкиб жасади топилмаса ҳам ёки бирор нарса еб кетса ҳам) Мункар ва Накир исмли икки фаришта ундан "Раббинг ким", "Дининг нима", "Пайғамбаринг ким" деб сўрашади. Уларнинг саволларига тўғри жавоб берганлар роҳатда бўлишади. Жавоб бера олмаганлар азобда қолишади.

## Савол

Аҳди суннат вал жамоат ақидасининг муҳим қисми Маҳшарда Аллоҳ таолонинг ҳар бир бандадан қилган яхши ва ёмон амаллари ҳақида савол қилишининг ҳақлигига ишонишдир. Каҳф сурасининг 48-оятти мазмуни бундай: «Улар саф қилиниб Парвардигорингизга рўбарў қилинадилар. (ва Биз уларга айтдик:) «Мана, сизларни аввал бошда қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда (яъни, мол-дунё, бола-чақаларингизни тарк қилиб ялонғоч ҳолда) ҳузуримизга келдингиз. Балки Бизни сизларга ваъда қилинган Кунни (яъни Қиёматни пайдо) қила олмас, деб ўйлагандирсизлар?»».

## Ҳавз

Аҳди суннат вал жамоат ақидасига кўра мўмин киши Қиёматда Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ҳавзлари бўлишига ишониши шартдир. Ҳавзнинг васфи келган ҳадислар мутавотир даражасига етгандир. «Саҳиҳи Бухорий»да келган ҳадисда шундай дейилади: «Ҳавзимнинг эни бир ойлик йўл миқдоридадир. Унинг суви суддан

оқ, ҳиди мушқдан тотлидир. Ундан ичган абадий чан-қамайди».

### **Меърож ва Исро**

Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг муҳим қисми Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожларига - уйғоқликларида жасадлари билан осмонга ва ундан Аллоҳ таоло хоҳлаган жойга чиққанларига ишонишдир. Меърож ҳижратдан бир ярим йил аввал, ражаб ойининг 27-жума кечаси содир бўлган.

Исро Пайғамбаримизнинг (солаллоҳу алайҳи ва саллам) Меърож кечасида Маккаи мукаррамадан Байтул Муқаддасга борганларидир. Бу ҳақда ояти карима ворид бўлган. Исрони инкор қилган кофир бўлади. Исро сурасининг биринчи ояти мазмуни бундай: "(Аллоҳ) бир кеча ўз бандаси (Муҳаммад)ни унга оят-мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид ал-Ҳаромдаги (Куддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид ал-Ақсога сайр қилдирган пок Зотдир" (Исро сураси, 1-оят).

Меърождан сўнг мусулмонларга беш вақт намоз ўқиш фарз қилинди.

### **Номаи аъмол ва ҳисоб**

Бандаларнинг номаи аъмоллари - уларнинг тоат ва гуноҳлари ёзилган китобнинг ва бандалар ҳисобга тортилишининг ҳақлигига ишониш Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг бир қисмидир. Қиёматда мўминларнинг номаи аъмоллари ўнг томонларидан, кофирларнинг номаи аъмоллари орқа ва чап томонидан берилиши ҳақдир. Қуръони каримда бундай марҳамат этилади: "Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса, бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак. Ва ўз(ининг жаннатдаги) аҳли-оиласига шоду хуррам ҳолда қайтажак. Энди кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса, бас, у ўлимни чақириб қолажак ва дўзахга киражак. Дарвоқе, у (хаёти дунёдалик пайтида) аҳли-оиласи-

да (ўз куфру исёни билан) шоду хуррам эди. Албатта у ўзининг ҳеч қачон (Парвардигори ҳузурига) қайтмаслигига ишонар эди. Йўқ, Парвардигори уни шубҳасиз кўриб тургувчи эди". (Иншиқоқ, 7-15 оятлар мазмуни). Ҳар бир кишининг қилган ишлари унинг икки томонидаги фаришталар (кироман котибийн) томонидан ёзиб борилади. Қуръони каримда бундай мазмунли оят келган: "Биз Қиёмат куни унга очиқ ҳолда рўбарў бўладиган бир китобни (номаи аъмолини) кўрсатурмиз" (Исро, 13).

### **Мезон**

Қиёмат куни маҳшаргоҳда бандаларнинг яхши ва ёмон амаллари мезонда - тарозуда тортилишининг ҳақлигига ишониш Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг бир қисмидир. Қуръони каримда бундай мазмундаги оят келган: "Биз қиёмат куни учун адолат мезон-тарозуларни қўйгаймиз, бас, бирор жонга заррача ҳам зулм қилинмас" (Анбиё сураси, 47-оят). Маҳшаргоҳда бандаларнинг амаллари ўлчанадиган тарозу ҳақиқий тарозудир. Унинг икки палласи, тили мавжуддир. Амалларни ўлчаш ҳисобдан сўнг бўлади.

### **Сирот**

Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг муҳим қисми Сиротга - дўзах устига тортилган кўприкнинг ҳақлигига ишонишдир. У қилдан ингичка, қиличдан тездир. Унинг устидан истисносиз барча бандалар ўтишади. Аллоҳнинг солиҳ, мўмин бандалари Сирот кўпригидан яшин тезлигида ўтиб кетишади. Осий, мушрик, кофирлар эса ундан ўтишда кўп қийналишади, кўплари ундан жаҳаннамга қулайдилар.

### **Жаннат ва жаҳаннам**

Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг муҳим қисми жаннат ва жаҳаннамнинг ҳақлигига, уларнинг яратиб

қўйилганига ва ҳозирда мавжудлигига, уларнинг боқийлигига, улар ва аҳллариининг фоний (йўқ) бўлмаслигига ишонишдир. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда жаннат ва жаҳаннам қандай сифатланган бўлса, ҳаммаси ҳақдир. Жаннат - мўминларнинг, жаҳаннам эса кофирларнинг абадий қолажак жойларидир.

Қоф сурасининг ўттиз биринчи-ўттиз бешинчи оятларининг мазмуни бундай: "Жаннат тақводор зотларга йироқ бўлмаган (бир маконга) келтирилади (ва уларга дейилади): "Мана шу (неъматлар) сизларга - тавба қилганларга, Аллоҳ таолонинг шариатини сақлаганларга, Аллоҳ таолодан, Уни кўрмаса-да, қўрққанларга ва Аллоҳ таолога холис тоат қилиб келганларгадир".

Таҳрим сурасининг олтинчи ояти мазмуни бундай: "Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангизки, у (дўзах) устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳга итоатсизлик қилмайдиган, буюрилганни қилдиган фаришталар турур".

Жаннат ва жаҳаннамнинг ўринлари аниқ баён қилинган оят ва ҳадислар ворид бўлмаган. Уларнинг қаердалигини танҳо Аллоҳ таоло билади.

### **Қиёматнинг аломатлари**

Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг муҳим қисми Пайғамбаримиз алайҳиссалом хабар берган Қиёматнинг аломатларига: Дажжол, Даббатул арз, Яъжуж ва Маъжужнинг чиқиши, Исо алайҳиссаломнинг осмондан тушишлари, қуёшнинг мағрибдан чиқиши каби Қиёмат аломатларининг ҳақлигига ишонишдир.

Қиёматнинг бўлиши, унинг аломатлари содир бўлиши муқаррардир, шубҳасиздир. Ҳар бир мўминнинг бунга ишониши лозимдир. Аъроф сурасининг 187-оят мазмуни бундай: "Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), сиздан қиёмат ҳақида - у қачон бўлади, деб сўрашади. Айтинг: "Унинг қачон бўлишини фақат Аллоҳ таоло билади. Уни вақти-соати келганида Аллоҳ таолонинг

Ўзи ошкора қилади. Осмонлар ва Ер аҳли унга (унинг даҳшатиға) бардош беролмайдилар. Қиёмат сизларға фақат тўсатдан-кутилмаганда келур". Гўё сиз у ҳақда яхши биладигандек сўрайдилар. Айтинг: "Уни Аллоҳ таоло билади. Лекин жуда кўп одамлар (буни) билмайдилар".

Уламолар қиёмат соатларининг белгиларини катта ва кичикка ажратишган. Катта аломатлар ўнта бўлиб, улар: қуёшнинг мағрибдан чиқиши, Даббат ул-арз (ер ҳайвони), Яъжуж-Маъжуж, Дажжолларнинг чиқиши, Исо алайҳиссаломнинг тушишлари, Имом Маҳдийнинг чиқишлари кабилардир. Охир замонга яқин одамларнинг бузилиб кетишлари, Аллоҳнинг динидан узоқлашиб, ораларида фитналар содир бўлиши, илмнинг ва илм аҳлининг исканжага олиниши, зилзила, тўфон каби офатларнинг кўпайиши, вақтдан барака кетиши, мол-дунё кўпайиб, садақа оладиган муҳтожнинг топилмаслиги, аёлларнинг кўпайиб кетиши кабилар қиёматнинг кичик аломатларидандир.

### **Қуёшнинг мағрибдан чиқиши**

Қуёшни машриқдан чиқарган Зот уни мағрибдан чиқаришга ҳам қодирдир. Бу хусусда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан бир қанча саҳиҳ ҳадислар ворид бўлган. Қиёмат яқинлигини билдириб: "Зоҳир бўладиган аломатларнинг бири қуёшнинг ботадиган тарафидан чиқиши ва ердан бир жониворнинг чиқиб, одамларга чошгоҳ пайти кўринишидир. Уларнинг қайси бири олдин юз берса, иккинчи ҳам тезда содир бўлади", деганлар (Имом Муслим ривояти).

"Қуёш мағриб тарафдан чиқмагунча қиёмат қоим бўлмайди. Қуёшнинг мағрибдан чиққанини кўргач, аввал иймон келтирмаганларнинг ҳаммаси иймон келтиради. Лекин бу иймони фойда бермайди..." (Имом Бухорий ривояти).

## Даббатул-Арз

Даббатул Арз ҳақида Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда хабар берилган. Жумладан, Қуръони каримда бундай мазмундаги оят нозил бўлган: "Қачон (кофирларнинг) устларига сўз-азоб тушганида (яъни, қиёмат яқинлашиб қолганида) Биз улар учун ердан бир жонивор чиқарурмиз. У уларга одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолганлари ҳақида сўзлар" (Намл сураси, 82-оят). Даббатул Арзнинг, яъни Ер ҳайвонининг чиқиши ҳақида кўпгина ҳадислар ворид бўлган. Даббатул Арз, яъни Ер ҳайвонининг чиқиши Қиёмат аломатларидан биридир. Тавба қабул бўлиши учун инсониятга берилган муддат тугаганида Аллоҳ таоло уларга сўзловчи Ер ҳайвонини чиқаради. У мўминга ҳам, кофирга ҳам таниш бўлади. Агар инсонлар ҳайвонларнинг сўзлашини билмасалар-да барча нарсага қодир Аллоҳ таоло буни мумкин қилади. Ва инсонлар, олдин Аллоҳ таолонинг оятларига ва Қиёмат кунига ишонмаган бўлишса-да, бу вайритабийй ҳол Қиёматдан ва унинг яқинлашганидан хабарчи эканини яхши билишади ва ишонишади, аммо олдин ишонмаганларга бу иймон фойда бермайди.

## Яъжуж ва Маъжуж

Қуръони каримнинг Қаҳф ва Анбиё сураларида ва Имом Муслим, Термизий, Ибн Можжа, Аҳмад, Абу Довуд ривоят қилган ҳадисларда Яъжуж ва Маъжуж ҳақида хабар берилган. Яъжуж ва Маъжуж кўп сонли бир қавм бўлиб, уларнинг чиқиши қиёмат аломатларидандир. Улар ер юзини фасод ва харобага тўлдирадилар. Уларнинг қачон чиқишини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч бир зот билмайди. Қуръони каримда бу ҳақда шундай мазмунли оят келган: "То Яъжуж ва Маъжуж (тўғони) очилиб, улар ҳар бир тепалиқдан оқиб келадиган ва ҳақ ваъда (яъни Қиёмат) яқин бўладиган вақтгача улар (яъни Биз



ҳалок қилган кимсалар) қайтмайдилар. Ана у (Қиёмат қойим бўлган) вақтда эса кофир бўлган кимсаларнинг кўзлари қотиб: "Эй, ҳолимизга вой, бизлар бундай (оқибатдан) рафлатда эдик. Йўқ, бизлар (ўз жонларимизга) жабр қилгувчи бўлдик", (дейдилар)" (Анбиё, 96-97 оятлар).

## Дажжол

Арабчада "дажжол" сўзи "ашаддий ёлғончи, алдамчи, фирибгар", деган маънони англатади. Қиёмат кунининг энг катта белгиларидан бири энг ёлғончи каснинг пайдо бўлишидир.

Аллоҳ таоло Дажжол билан ҳам бандаларини имтиҳон қилади. Дажжол илоҳликни даъво қилувчи, Аллоҳ таолонинг изни билан ғайритабиий ишлар ва ғаройиб ҳодисалар содир қилувчи ёлғончидир. Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган баъзи ишларга уни қодир қилиб қўяди: у ўзи ўлдирганни тирилтиради, дунёни гулга буркайди, ерни ҳосилдор қилиб қўяди. Унинг жаннати, дўзахи, икки дарёси бўлади. Ер хазиналари унга бўйсунди, буюрса, осмондан ёмғир ёғади, ердан ўсимликлар унади. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг хоҳиши ва қудрати билан бўлади.

Баъзи одамлар унга алданишади. Мўминлар эса Аллоҳ таолонинг динида собит қолишади. Маълум бир вақт ўтгач, Аллоҳ таоло Дажжолнинг фитналарини тўхтатади. Кўқдан Исо алайҳиссалом тушиб уни ўлдирадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: "Мен Дажжолда бор нарсани ундан яхши билман. Унинг икки оқар дарёси бор, кўзга биттасида сутдек оқ сув, кейингисида олов кўринади. Ўша кунга етган киши олов кўринган дарёнинг олдига борсин. Кўзини юмиб, бошини эгсин ва ундан ичсин. У олов совуқ сув бўлади. Дажжолнинг кўзи кўр, пешонасида ошиқча эти бор. Икки кўзининг ўртасида "кофир" деган ёзув бор. Ўқишни билган-билмаган мўмин у ёзувни ўқий олади" (Муслим ривояти).

## Исо алайҳиссаломнинг тушишлари

Қиёмат яқинлашганида Дажжол Ер юзини фитнес-фасодга тўлдириб турган бир пайтда Исо алайҳиссалом осмондан тушадилар ва уни ўлдирадилар. Исо алайҳиссалом осмондан тушганларидан сўнг Ислом шариати билан ҳукм қиладилар. Унут бўлган ҳукмларни қайта тиклайдилар. Ер юзида Аллоҳ таоло хоҳлаган муддат яшаб, вафот этадилар. Мусулмонлар у зотга жаноза ўқиб, дафн қилишади.

Қуръони каримда Исо алайҳиссалом ҳақида нозил бўлган оятлардан бирининг мазмуни бундай: "Ҳолбуки, улар уни ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа биров Исога) ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта Исо ҳақида талашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган-ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда фақат гумонларга бериладилар, холос. Уни ўлдирмаганлари аниқдир. Балки Аллоҳ уни осмонга қўтаргандир" (Нисо сураси, 157-158-оятлар).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: "Аллоҳ таолога қасамки, яқинда орангизга Исо ибн Марям одил ҳакам бўлиб тушади. Хочни синдиради, тўнғизларни ўлдиради, жизяни бекор қилади. Молдунё кўпаяди, ҳатто ҳеч ким садақа олмай қўяди. Бир марта сажда қилиш дунё ва ундаги бор нарсалардан яхшироқ бўлиб қолади" (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

## Шафоат

Пайғамбарлар ва солиҳ кишилар (авлиё, уламо ва зохидлар)нинг Аллоҳ таоло изни билан шафоат қилишлари ҳақдир, собитдир. Бунга ишониш Аҳли суннат вал жамоа ақидасидандир. Шафоат гуноҳкорларнинг гуноҳларидан ўтишни Аллоҳ таолодан сўрашдир. Шафоат Аллоҳ таоло томонидан берилган фазлдир. Шафоат Аллоҳ таолонинг изни билангина, У берган изн чегара-

сидагина бўлади. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шафоатлари мўмин ҳолда ўлган осий ва гуноҳкор му- сулмонларга бўлажақдир.

Шафоат беш қисмга бўлинади: маҳшар даҳшатини енгиллатишни сўраб қилинадиган шафоат, саволни енгиллатиш ва ҳисоб қилмасликни сўраб қилинадиган шафоат, азоб ҳукмини ижро қилмасликни сўраб қилинадиган шафоат, дўзахдан чиқаришни сўраб қилинадиган шафоат ва даражани сўраб қилинадиган шафоат.

### **Мўъжиза ва каромат**

Мўъжиза ва каромат ҳақдир, собитдир. Мўъжиза ва кароматнинг ҳақлигига ишониш Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг муҳим қисмидир. Инсонлар ожиз бўлган ва улар одатда қила олмаган нарсаларни пайғамбарлар тарафидан содир этилиши "мўъжиза", авлиёлар томонидан содир қилиниши "каромат" дейилади. Пайғамбарлар истаган вақтларида ёки ўзга исташи биланоқ мўъжиза содир қилишган. Авлиёлар ҳамма вақт ҳам каромат кўрсата олишмайди. Авлиё - Аллоҳ таолони ва Унинг сифатларини ҳақиқий таниган, Унинг тоатида бардавом бўлган, гуноҳлардан қочган, шаҳват ва лаззатлардан тийилган инсонлардир.

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларининг ҳақлигини тасдиқлаш, кофирларни ожиз қолдириш, мўминлар иймонини мустаҳкамлаш учун пайғамбарларга мўъжиза берган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари қиёматгача барча халқлар, маконлар, замонлар учун бардавом бўлиши сабабли у зотга абадий ва улкан мўъжиза қилиб Қуръони карим нозил этилган.

### **Куфр**

Луғатда "инкор этиш", "рад қилиш" маъноларини билдиради. Шаръий ҳукмларни инкор этувчи одам "кофир", унинг қилмишлари "кофирлик" дейилади. Аллоҳнинг борлигини ва бирлигини, Муҳаммад алайҳисса-

лом етказган хабарларни инкор, рад этганлар кофир саналади. Шунингдек, киши Аллоҳни инкор этмаса-да, иймон келтириш зарур бўлган хабар ва фарзларни рад қилса, шаръий муқаддасотларнинг ҳурматини топтаса, шаръий ҳукмларни масхара қилса кофир бўлади. Кофирнинг жойи дўзахдадир.

### **Мунофиқ**

Қалбида иймон шартларини тасдиқ қилмай, фақат тилидагина уларга иқрор бўлган киши мунофиқ саналади. Мунофиқ кофирдан ҳам ёмондир. Шунинг учун мунофиқ дўзахнинг қаърига ташланади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом мунофиқнинг уч белгиси бўлишини айтганлар. Улар будир: ёлғон гапириш, ваъдага вафо қилмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

### **Мушрик**

"Ширк" сўзи "шерик" сўзига ўзақдош бўлиб, истилоҳий маънода Аллоҳ таолога улуҳиятда, рубубиятда жонли-жонсиз нарсаларни шерик қилиш "ширк", дейилади. Яъни, Аллоҳдан бошқага ибодат қилиш, Ундан ўзгалардан ҳожатларини раво қилишини сўраш, яхшилик ва ёмонликни Аллоҳдан бошқадан кўриш ширк ҳисобланади. Бундай қилганлар "мушрик", дейилади. Бутпарастлар, ой, қуёш, юдузларга топинувчилар, оташ-парастлар, даҳрийлар, санамларга сифинувчилар, ҳодисаларда Аллоҳдан бошқа бир кучнинг ҳам таъсири бор, деб ўйловчилар мушриклардир. Мушриклар ҳам кофирлар каби дўзахдан жой олади.

### **Ҳалол ва ҳаром**

Аллоҳ таоло рухсат этган нарсалар шариатда "ҳалол" дейилади. Мўмин-мусулмонларга ҳалол ризқ топиш, ҳалол касб билан рўзғор тебратиш, ҳалол таом-ичимликларни истеъмол қилиш буюрилган. Шариатимизда

ижозат этилган ҳамма нарса, ейиладиган таомлар ёки қилинадиган ишлар ҳалол саналади. Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсалар инсон учун моддий ва маънавий фойдалардан холи эмас.

Аллоҳ таоло ман қилган нарсалар ва ишлар шариатда ҳаром ҳисобланади. Ҳаром ишга ўтиш ёки ҳаром таом ейиш оғир гуноҳ саналади. (Баъзан зарурат туфайли ҳаром ҳалолга айланиши ҳам мумкин, масалан, очдан ўлаётган одам зарур миқдорда ҳаром истеъмол қилиши, душманга нисбатан ёлғон ишлатиш мумкинлиги кабилар.) Ҳаром иш ва нарсалар саноклидир. Қуйида улардан айримларини келтирамыз: тўнғиз, ваҳший ҳайвонлар, ўзи ўлиб қолган ҳалол ҳайвонларнинг гўшлари, сўйганда чиққан қон, "Бисмиллаҳ..."сиз сўйилган ҳалол ҳайвонларнинг гўшти, динсиз (мажусий)лар сўйган ҳайвон гўшти, маст қилувчи ичимлик ва гиёҳларнинг барча турлари, эркакларга ипак ва тилла ишлатиш, аёлларга эркакча кийиниш, тилла-кумуш идишда овқат ейиш, зинокорлик, судхўрлик, ўғрилик, қароқчилик, ғийбат, туҳмат, бўҳтон, ёлғончилик каби нарсалар мусулмонларга ҳаром қилинган.

# ИБОДАТ

Ибодат нима?  
 Таҳорат  
 Фусл  
 Таҳорат учун сувлар  
 Терилар ҳукми  
 Қудуқ ҳукмлари  
 Сарқитлар ҳукми  
 Таяммум  
 Масҳнинг тартиби  
 Ҳайз ва нифос ҳукми  
 Истиҳоза  
 Узрли киши  
 Нажас нима?  
 Нажасдан покланиш  
 Аврат  
 Намоз  
 Турли намозлар  
 Нафл намозлар  
 Саждаи саҳв  
 Тиловат саждаси  
 Сутра  
 Закот  
 Нисоб  
 Ушр  
 Ҳайвонлар, тилла, кумуш закоти  
 Рўза  
 Қадр кечаси  
 Эътикоф

Фитр садақаси  
 Ҳаж  
 Умра  
 Ҳажнинг рукнлари (фарзлари)  
 Ҳажни адо этиш тартиби  
 Ҳажда ман қилинган амаллар  
 Мийқот  
 Ихром  
 Талбия  
 Тавоф  
 Видо тавофи  
 Ифоза тавофи  
 Каъба  
 Ҳажарул асвад  
 Сафо ва Марва  
 Саъй  
 Замзам  
 Арафот  
 Мино  
 Муздалифа  
 Фидя  
 Қурбонлик  
 Қирқ фарз  
 Олти диний калима  
 Турли дуолар

## Ибодат нима?

"Ибодат" сўзи луғатда "тоат", "итоат" ва "Парвардигорни улуғлаш" маъноларини ўзида жам қилган. Шаръий истилоҳда бажарганлиги учун савоб бериладиган ва ниятга боғлиқ бўлган амал "ибодат", дейилади.

Ислом динида ибодатлар уч қисмга бўлинади: бадан билан адо этиладиган ибодатлар; мол билан адо этиладиган ибодатлар; ҳам бадан, ҳам мол билан адо этиладиган ибодатлар. Намоз ва рўза каби бадан билан адо қилинадиган ибодатни ҳар бир киши ўзи адо этиши лозим. Закот каби мол билан адо қилинадиган ибодатни кишининг вакили адо этиши мумкин. Ҳаж каби ҳам бадан, ҳам мол билан адо қилинадиган ибодатни фақат киши ожиз қолгандагина ва бу ожизлик давомли бўлгандагина вакили адо этиши мумкин. Агар ожизлик бўлмаса, ўзи адо қилиши шартдир.

Ибодатларнинг энг афзали, савоблиси, улуғи намоздир. Намоз - диннинг устуниси, мўминнинг меърождидир. Намоз бандани ёмонликлар ва гуноҳлардан қайтаради, охирада дўзахдан парда бўлади.

Намоз ўқиш олдидан кийимларни, намоз ўқиш жойларини тозалаш, баданни поклаш, гусл қилиш, таҳорат олиш намознинг асосий шартларидан ҳисобланади.

## Таҳорат

Таҳоратни араблар "вузуъ", дейишади. Луғатда "поклик, тозалик, озодалик" маъноларини билдиради. Шариатда эса намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш ва бошқа ибодатлар олдидан муайян аъзоларни сув билан ювиб тозалаш "таҳорат", дейилади. Таҳорат олиш Қуръони карим ва суннат билан собит бўлган. Юзни тўла, икки қўлни тирсаклари билан, оёқларни

тўпиғи билан ювиш ва бошнинг тўртдан бирига масх тортиш таҳоратнинг фарзларидир. Таҳорат учун сув топилмаса ёки сув ишлатишнинг иложи бўлмаса, ўрнига таяммум қилинади.

### Таҳоратнинг фарзлари

А) таҳорат қилувчи юзини бошнинг соч чиққан жойидан ияк ости билан икки қулоғининг юмшоғига-ча ювиши;

Б) икки қўлни тирсақдан чиғаноғи билан қўшиб ювиши;

В) бошнинг тўртдан бирига масх тортиши (яъни, ҳўл қўли билан сийпалаш);

Г) икки оёғини ошиқлари билан қўшиб ювиши;

Д) соқол устидан масх тортиши.

### Таҳоратнинг суннатлари

А) таҳоратни "Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм" билан бошламоқ;

Б) икки қўлни ошиқлари билан қўшиб уч марта ювмоқ;

В) оғизни уч марта чаймоқ;

Г) бурунга уч марта сув тортиб чаймоқ;

Д) соқол орасига ҳилол қилмоқ (яъни, тўрт бармоғини ҳўллаб, соқол остидан унинг орасига киритмоқ);

Е) бармоқларга ҳилол қилмоқ (яъни, қўл бармоқларини устидан бир-бирига киритмоқ ва оёқ панжаларининг остки томонидан жинжалоқни киритмоқ);

Ж) ювиладиган аъзоларни уч мартадан ювмоқ;

З) бошнинг ҳаммасига бир марта масх тортмоқ;

И) қулоқ ичи ва устига масх қилмоқ;

К) таҳорат учун ният қилмоқ;

Л) таҳоратнинг Қуръони каримда белгиланган тартибига риоя этмоқ;

М) пайдар-пай (яъни, аъзоларни кетма-кет улаб) ювмоқ;



## Таҳоратнинг мустаҳаблари

- таҳоратни ўнг аъзолардан бошламоқ;
- бўйинга масҳ тортмоқ.

## Таҳорат олиш тартиби

1. Аввало таҳорат олишга ният қилиниб, сўнг "Аъзуз биллаҳи минаш-шайтонир рожийм. Бисмиллаҳир роҳ-манир роҳийм", дейилади.

2. Қўллар бандигача уч марта ювилади.

3. Ўнг қўлда сув олиниб, оғиз уч март ғарғара қилиб чайилади ва мисвок қилинади.

4. Бурунга ўнг қўл билан уч марта сув тортилиб, чап қўл билан қоқиб тозаланади.

5. Юз уч марта (икки қулоқ ораси ҳамда пешонадан ияк ости билан) ювилади.

6. Аввал ўнг қўл, сўнгра чап қўл тирсаклари билан қўшиб ишқаб ювилади.

7. Ҳовучга сув олиб тўкиб ташлаб, ҳўли билан бошга масҳ тортилади.

8. Кўрсаткич бармоқ билан қулоқларнинг ичи, бош бармоқлар билан эса қулоқ орқаси масҳ қилинади.

9. Иккала кафтнинг орқасидаги намлик билан бўйин масҳ қилинади. Бунда қўлни янгидан намлаш мустаҳабдир.

10. Чап қўл билан аввал ўнг оёқни ошиқ (тўпиқ) билан қўшиб бармоқлар ораси (ишқалаб) уч марта ювилади.

11. Чап оёқ ҳам ошиқ (тўпиқ) билан қўшиб бармоқлар ораси (ишқалаб) уч марта ювилади.

Тирноқларга сурилган лак, теридаги ҳар хил бўёқлар кетказилмасдан олинган таҳорат саҳиҳ (ҳақиқий) ҳисобланмайди.

Таҳорат олаётганда гапирмаслик, эҳтиёждан ортиқ сув ишламаслик, уст-бошга сув сачратмаслик керак.

## Таҳоратни синдирувчи (бузувчи) амаллар

- олд ва орқа йўлдан келган барча нарсалар таҳоратни бузади;

- юқоридагилардан ташқари ўзи нажосат ҳисобланган нарсалар (масалан, қон, йиринг) бадандан чиқиб бироз бўлсин оқса, таҳорат бузилади;

- тупуги қизарадиган даражада қон тупурса, таҳоратни бузилади (тупуги сарғимтир бўлса, таҳорати синмайди);

- оғзи тўлиб қайт қилса, таҳорат бузилади (лекин балғам таҳоратни синдирмайди);

- бирор нарсага, агар у олиб қўйилганда йиқилиб тушгудек даражада суяниб ухламоқ таҳоратни бузади;

- ҳушдан кетмоқ, тутқаноқ таҳоратни бузади;

- ақлдан озмоқ ҳам таҳоратни синдиради;

- балоғатга етган одам (болиф)нинг намозда овоз чиқариб кулмоғи таҳоратни бузади (жаноза намозидан ташқари);

- эр хотинини яланғоч ҳолда қучоқлаши таҳоратни синдиради, олатни ушлаши таҳоратни бузмайди;

ИЗОҲ: кўзнинг ёши (агар оғриқ туфайли бўлмаса), буруннинг суви, бадандан чиққан тер, онанинг сути таҳоратни синдирмайди. Шунингдек, чивин ёки бурга қанча қон сўрса ҳам, таҳорат синмайди.

## Ғусл

Луғатда "бир нарсанинг устидан сув оқизиш" маъносида берилган. Шаръий истилоҳда эса Аллоҳ таолога қурбат ниятида баданнинг ҳамма ерига сув оқизиб тозалашдир. Инсон шаръан тайин қилинган ҳолларда вужудидаги нопокликларни кетказиш учун ғусл қилиб тозаланиши шартдир. Ғусл вожиб бўлган одам ғусл қилмасдан намоз ўқиши, Қуръон ушлаши ёки тиловат қилиши, масжидга кириши ва бошқа ибодатларни адо этиши мумкин эмас. Ҳаж ва умра учун ихромга кириш,

жума ва ҳайит намозлари олдидан гусл қилиш суннат амаллардан саналади.

### **Ғуслнинг фарзлари**

- А) оғизни (халқумгача фарғара қилиб) чайқаш;
- Б) бурунга сув тортиб (ачиштириб) чайқаш;
- В) бутун аъзоларга сув етказиб ишқалаб ювиш.

### **Ғуслнинг суннатлари**

- А) ғуслни "Бисмиллаҳ..." билан бошлаш;
- Б) ғуслга ният қилиш;
- В) икки қўлини бўғими билан қўшиб ювиш;
- Г) олатни (жинсий аъзони) ювиш;
- Д) баданидаги нажасни ювиб кетказиш;
- Е) таҳорат олиш (оёқлар кейин ювилади);
- Ж) баданнинг ҳамма ерига етказиб уч бора сув қуйиш;
- З) сув қуйишни бошдан бошлаб, аввал ўнг, сўнгра чап елкага сув қуйиш;
- И) икки оёқни сув тўпланган жойдан ташқарида алоҳида ювиш;
- К) сочи ўрилган аёл бошининг ўзини (соч тагини) ювиши кифоя, лекин сочи ёзиқ бўлса, сочнинг ҳаммасини ювади.

### **Ғуслни вожиб қилувчилар**

- А) авратдан шиддат ва лаззат билан маний (уруғлик суви)нинг отилиб тушиши;
- Б) бир авратнинг боши иккинчи авратга кириши (бунда ҳар икки томонга ҳам ғусл лозим бўлади);
- В) уйқудан уйғонган киши ўз кийимида маний ёки мазий кўриши (яъни, эҳтилом бўлганини билмаса ҳам);
- Г) ҳайзнинг тўхташи;
- Д) нифос (туққандан кейинги қон)нинг тўхташи.

## Ғусл қилиш суннат бўлган ўринлар

- А) жума намози учун ғусл қилиш суннат;
- Б) рамазон ва қурбон ҳайитлари намози учун ғусл қилиш суннат;
- В) ҳаж ва умра учун ихромга кириш мақсадида ғусл қилиш суннат;
- Г) Арафотда (ҳаж пайтида) туриш учун ғусл қилиш суннатдир.

## Таҳорат олишга яроқли сувлар

Киши ер ва осмон сувларининг ҳамма тури билан таҳорат олиши мумкин.

Агар ҳовуздаги сув узоқ туриши билан бироз ўзгарган бўлса ёки тоза нарсалар (масалан, тол баргининг аралашуви) билан у ўзгарса ҳам, ундаги сув билан таҳорат олинаверади. Тоза сувга пок нарса тушиб сувни табиатидан чиқариб юборса ёки унга тоза нарсани аралаштириб қайнатиш билан уни бошқа нарсага айлантирса (масалан, гўшт сувга солиб қайнатилса), у билан таҳорат олиб бўлмайди.

Оқин сувга нажосат (ифлослик) аралашган бўлса ёки 10 метр х 10 метр ҳажмли ҳовуздаги сувга нажосат (ҳаром нарса) тушиб унинг уч сифати (ҳиди, ранги, таъми)дан бирини ўзгартирмаса, сув ҳаром бўлмайди, аксинча, оқин сув бўлмаса ёки ҳовузнинг ҳажми бундан кам бўлса, нажосат тушса, суви ҳаром ҳисобланади.

Оқин сувга тушган нажосат сувнинг таъмини ёки рангини ёхуд ҳидини ўзгартирса, бундай сув ҳаром ҳисобланади ва у билан таҳорат олинмайди.

Сувда туғилиб-ўсган ёки қони йўқ ҳайвон ва ҳашаротлар (балиқ, пашша, бурга ва бошқалар)нинг жасади сувни ифлос қилмайди.

- Қуйидаги сув билан таҳорат олиш мумкин бўлмайди:
- дарахт, кўкат ва мевалардан сиқиб олинган сувлар;
  - қурбат учун (савоб умидида таҳорат устига таҳорат олиш учун) ишлатилган сувлар;
  - ифлосликни кетказиш учун ишлатилган сувлар.

### **Терилар ҳукми**

Ҳар бир ҳайвоннинг териси (инсон ва тўнғизнинг териси бундан мустасно) ошлаш билан ҳалол, пок бўлади. Тасмия ("Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар") айтиб сўйилган ёки отилган (чўчқадан бошқа) ҳар бир ҳайвон териси пок (намоз ўқишга яроқли) бўлади, уларнинг гўшти ва ёғини ейишдан бошқа эҳтиёжларга ишлатса бўлади.

Аммо тўнғиз, чўчқанинг териси ҳақиқий нажосат бўлгани учун ва одам териси Аллоҳ уни улуг қилгани учун ошлангани билан ҳам асло пок бўлмайди.

### **Қудуқ ҳукмлари**

Агар қудуққа сийдик, тезак каби нажосат тушса ёки ҳайвон ё одам тушиб ўлса, унинг ҳамма суви имконияти бўлса олиб ташланади. Агар бунинг иложи бўлмаса, қудуқдаги сув миқдорини билувчи кишининг сўзига биноан, у айтганча сув олиб ташланади. Агар қудуққа катталиги чумчуқдай жонзот тушиб ўлса, 20-30 челақ, товуқдай ҳайвон тушиб ўлса (у шишмаган ва чириманган бўлса), 40-60 челақ сув чиқариб тўкилади. Агар қудуққа тушиб ўлган ҳар қандай катталиқдаги жонзот шишган ёки чириманган бўлса, қудуқнинг барча суви ҳаром бўлади, уни батамом чиқариб ташлаш керак.

### **Сарқитлар ҳукми**

Қуйидаги сарқитлар, яъни ортиб қолган таомлар ҳалол ҳисобланади:

- одамдан қолган сарқитлар;
- от олдида қолган сарқитлар;

- гўшти ейиладиган ҳар бир ҳайвоннинг сарқитлари;

Қуйидаги сарқитлар макруҳ саналади:

- мушукдан қолган сарқит;

- хонаки товуклар сарқити;

- уйларни кавлаб ўзига уя қиладиган ҳашаротлар сарқити;

Қуйидаги сарқитлар эса ҳаром саналади:

- йиртқич ҳайвонлар олдидан қолган сарқитлар

- йиртқич қушлар сарқити нажас бўлгани учун ҳаром;

- эшак ва хачир сарқитининг тозаловчи эканида шак бор, тоза эканида эса шак йўқ.

## Таяммум

Луғатда "қасд қилмоқ" маъносини англатади. Шаръий истилоҳда тоза тупроқ (ёки ер жинсидан бирор нарса) билан покланишни ниёт қилишдир. Таҳорат олмоқчи ёки ғул қилмоқчи бўлган мусулмон сув тополмаса ёки сувни ишлатиш имкони бўлмаса, таяммум қилади. Таяммум ҳам таҳорат, ҳам ғул ўрнига ўтади. Таяммум ҳижратнинг олтинчи йили машруъ қилинган. Қуръон ва суннат ҳукми билан собит бўлган.

Қуйидаги ҳолатларда таяммум қилинади:

- сув бор жойдан тўрт минг қадам узоқда бўлинса ёки сув чуқурда бўлиб, уни ололмаса;

- сув зарар қилса;

- сув олдига бориш хавfli (душман, ваҳший ҳайвон) бўлса;

- ҳавонинг совуқлиги хавф солса;

- сувига таҳорат қилса, у тугаб қолиб ташналиқдан қўрқса;

- таҳорат қилганда ийд ва жаноза намозларига етолмай қолишдан қўрқса;

Таяммум қуйидаги тартибда қилинади: "Бисмиллаҳ..." билан кафти ғубор ёки ер жинсига бир марта урилиб, юзга тўла суртилади. Кейин яна бир марта уриб, икки қўлнинг тирсаги билан қўшиб масҳ тортиб сийпаб чиқилади.

Таяммум фарзлари тўрттадир:

1. Намоз ўқиш нияти билан таяммум қилмоқ;
2. Таяммумни пок ер жинсига қилмоқ;
3. Юзга масҳ тортмоқ;
4. Икки қўлни тирсақлари билан қўшиб масҳ тортмоқ.

Таҳоратни синдирувчи нарсалар таяммумни ҳам синдиради. Таҳоратга кифоя қиладиган сув топилса ҳам, таяммум синган ҳисобланади. Сувни топишга умид қилган кишига намозни охириги вақтида ўқимоқ мустаҳабдир. Сувни яқинда деб гумон қилган кишига сувни қидирмоқ вожиб бўлади.

### **Масҳнинг тартиби**

Маҳси, чориқ, этик каби оёқни тўпиқлари билан ёпувчи пойабзаллар ҳамда жабира (жароҳат, яра устига ёпилган қоғоз, латта)лар устидан масҳ тортмоқ жоиздир. Фусл вожиб бўлган киши фақат таҳоратга етгулик суви бўлганда маҳсисига масҳ тортолмайди. Оёқнинг учидан бошлаб қўлнинг уч бармоғи узунлигида ва эндида масҳ тортиш масҳнинг фарзидир. Масҳ тортиладиган нарса оёқни тўпифигача тўсиши ва у билан сафар қилиш мумкин бўлиши керак. Оёқдаги маҳсидан бошқа кийимларга масҳ тортилмайди, фақат ювса зарар етадиган жароҳатга боғланган нарсага масҳ қилиш мумкин.

Масҳнинг муддати муқим (жойида яшовчи киши) учун бир кеча-кундуз, сафардаги мусофир учун эса уч кеча-кундуз. Масҳнинг муддати таҳорат синган пайдан бошлаб ҳисобга олинади.

Қуйидагилар масҳни синдирувчилар ҳисобланади:

1. Таҳоратни синдирган нарсалар ҳам масҳни синдиради.
2. Масҳ муддатининг ўтиши ҳам уни синдиради.
3. Оёқ товонининг кўп қисми маҳсининг қўнжигачи қиб кетса ёки оёқнинг уч кичик бармоғи кўринадиган даражада маҳси йиртилса ҳам, масҳ синади.

## Ҳайз ва нифос ҳукми

Ҳайз, деб балоғатга етган қиз ёки аёлнинг ҳар ойда одат бўйича кўрадиган қонига айтилади. Ҳайзнинг оз муддати уч кеча-кундуз, кўпи эса ўн кеча-кундуз.

Ҳайздан поклангандан сўнг навбатдаги ҳайзгача поклик муддатининг ози - ўн беш кун. Ҳайздан тоза бўлгандан сўнг ўн беш кун ўтмай яна қон келса, у ҳайз ҳисобланмайди, балки истиҳоза саналади, яъни касаллик бўлади. Икки ҳайз орасидаги поклик муддатининг кўпига чегара йўқ. Шунингдек, ўн кундан ўтиб келган қон ҳам ҳайз қони эмас, балки истиҳоза (касаллик) қони, дейилади.

Нифос, деб бола туфилганидан кейин келган қонга айтилади. Нифоснинг энг кўпи қирқ кун бўлади. Озининг чегараси йўқ. Қирқ кундан кейин кўрилган қон нифос ҳисобланмайди, балки у истиҳоза қонидир. Истиҳоза қонига ғусл вожиб бўлмайди. Эгизак туққан аёл нифосининг муддати фарзандларининг аввалгисидан ҳисобланади. Имом Муҳаммад эса иккинчи боладан ҳисобланади, дейдилар.

Ҳайз ва нифосдаги аёлга қуйидаги етти ишни қилмоқ қатъиян ман этилган:

1. Намоз ўқиш;
2. Рўза тутиш;
3. Байтуллоҳни тавоф (зиёрат) этиш;
4. Жимоъ (жинсий алоқа) қилиш;
5. Масжидга кириш;
6. Қуръон ўқиш (эшитиш мумкин);
7. Қуръонни ёки оят ёзилган қоғозларни ушлаш.

Аёллар ҳайз ва нифос вақтида ўқимай қолдирган намозларининг қазосини поклангандан сўнг ўқишмайди, аммо қолдирилган рўзаларнинг қазосини тутиб беришади.

## Истиҳоза

Аёлларда ҳайз пайтида уч кундан оз ва ўн кундан кўп муддатда, нифосда эса қирқ кундан сўнг ҳам (томир ёри-



лиши туфайли) келадиган қон "истиҳоза" қони, дейилади. Истиҳоза намоз ўқиш, рўза тутиш, жинсий алоқага монелик қилмайди. Истиҳозали аёл узрли киши каби ҳар бир вақт фарз намозни янгидан таҳорат олиб ўқийди.

### **Узрли киши**

Таҳоратни синдирувчи, деб ҳисобланган сабаблар билан касалланган киши - агар бу касаллиги бошланишда фарз намози кирганидан токи чиқиб кетгунича тузалмаган (тўхтамаган) бўлса, "узрли", деб аталади. Узрли киши ҳар бир намозга янгидан таҳорат олади.

Қуйидаги ҳолатлар узр бўлади:

1. Аёл кишининг истиҳоза қонини кўриши;
2. Бурундан тўхтамай қон келиши;
3. Доимий равишда ел чиқиб туриши;
4. Ичнинг тўхтамай мунтазам келиб туриши;
5. Жароҳатдан доимий қон чиқиб туриши.

Узрли киши бир вақт фарз намозига қилган янги таҳорати билан унинг вақтида фарз, нафл намозларидан хоҳлаганича ўқийверади. Намоз вақтининг чиқиши узрли кишининг таҳоратини синдиради. Аксинча, намоз вақтининг кириши, агар пешиндан олдин таҳорат олган бўлса, узрли кишининг таҳоратини синдирмайди. Чунки бомдод билан пешин вақти оралиғи бирор фарз намозининг вақти эмас.

### **Нажас нима?**

Нажаслар икки хил: енгил нажас ва оғир нажас бўлади. Мол, қўй каби гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг сийдиклари, қарға, қирғий каби гўшти ейилмайдиган қушларнинг тезаклари енгил нажасдир. Булардан ташқари барча нажаслар оғир нажас ҳисобланади. Каклик, беданага ўхшаш гўшти ейиладиган қушларнинг тезаклари покдир, яъни кийимга тегса уни ҳаром қилмайди. Аммо товуқ, фоз, ўрдак каби уй паррандаларининг гўшти пок бўлса-да, тезаклари оғир нажасдир.

От ва гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг тезаги, инсоннинг ҳамда гўшти ейилмайдиган ҳайвонларнинг сийдиги ва тезаги оғир нажас ҳисобланади. Ит ва йиртқич ҳайвонларнинг сийдиги, тезагидан ташқари сўлаги ҳамда қон, ароқ ҳам оғир нажосатдир.

### **Нажасдан покланиш**

Енги нажас кийимнинг тўртдан бир қисмига теккан бўлса, Ислом шариати уни авф, деб ҳисоблайди.

Оғир нажаснинг қуюғидан бир мисқол (4,68 гр.) миқдорича кийим ёки баданга теккан бўлса, шариатда авф қилинади.

Суюқ оғир нажаслардан очиқ кафтда тўхтаган сув миқдорича тегса, авф ҳисобланади. Игна учининг миқдорича сийдик сачраса, зарар қилмайди.

Сув нажасга тушса, нажосат ҳисобланади, аксинча бўлса ҳам, шундай ҳукм қилинади. Туз конига тушган эшак тузга айланган вақтида пок бўлгани каби тезакнинг кули ҳам покдир.

Кийимнинг астарига нажас теккан бўлса, унинг устида намоз ўқиш мумкин. Агар ҳўл нажас кийимга теккан бўлса, уни сиққанда сув томмаса, намоз ўқилаваради. Кийимнинг нажас теккан жойи эсдан чиқарилса, унинг мўлжалдаги бирор тарафи ювилса, покланганига ҳукм бўлади. Агар палоснинг бир ёнига нажас теккан бўлса, иккинчи ёнида намоз ўқиса бўлади. Нажас текканда юпқа нарсалар уч марта ювиб, уч марта сиқиб покланади. Сиқиб мумкин бўлмаган нарсалар уч марта ювиб, уч марта сув томмайдиган бўлгунча осиб қўйиб билан покланади.

### **Истинжо**

Ҳожатхонада олд ва орқадан келган нажосатдан кесак, тош, тупроқ, кераксиз латта ва шу иш учун махсус чиқарилган нарсалардан фойдаланиб покланиш (истинжо) суннат ҳисобланади. Улар билан яхшилаб тозалан-

гандан кейин сув билан ювиш мустаҳабдир. Агар аврат ёнига бир тангадан ортиқроқ нажас ёйилган бўлса, сув билан тозалаш (истинжо) вожиб бўлади.

Истинжо ўнг қўл билан қилинмайди, унинг учун тезак, суяк каби нарсалар ишлатилмайди. Ҳожатхонада қиблага қараб ёки орқа қилиб ўтирилмайди.

Муҳим эслатма: мусулмон эркакни оёқда (тикка туриб) пешоб қилиши мусулмон одобига зид бўлиб, устбошга сачрашига ё қолиб кетган томчининг кийимга ўтишига сабаб бўлади. Пешобдан сақланмаган бундай кишининг қабр азобига дучор бўлиши ҳадиси шарифда айтилган.

## Аврат

"Аврат" сўзининг луғавий маъноси "заиф жой, айб", дегани. Шаръий истилоҳда бошқаларга кўрсатиш ёки уларга қараш жирканч ва уят бўлган инсон аъзолари "аврат", дейилади.

Эркакларнинг киндигидан тиззаси остигача (тизза кўзи ҳам) бўлган аъзолари, аёлларнинг эса юз, қўл, оёқлари (тўпикдан пасти)дан ташқари барча аъзолари аврат ҳисобланади. Аврат жойларни бошқалар кўзидан яшириш фарздир.

## Намоз

Намоз арабчада "солат", дейилади, луғатда "яхшиликка дуо", деган маънони англатади. Шаръий истилоҳда эса талаб қилинган шартлар асосида такбир билан бошланиб, салом бериш билан тугайдиган ибодат "намоз", дейилади.

Намоз Исро кечасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларидан бир ярим йил олдин фарз бўлган. Беш вақт (бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон) намознинг фарзлиги Қуръон, суннат, ижмоъ билан собит бўлган. Намоз балоғатга етган ҳар бир мусулмонга фарзи айндыр. Намознинг фарзлигини инкор

қилган киши кофир бўлади. Намоз - Ислом динининг иккинчи рукни, калимаи шаҳодатдан кейинги энг улуф фарз саналади. Намоз кишини бузуқлик ва ёмонликлардан қайтаради. Одоб ва шартларига мувофиқ адо этилган намоз ризқ мўллигининг бошидир. Намозни масжидларда жамоат билан ўқишнинг алоҳида фазилати ва афзаллиги бор.

## Намоздаги амаллар

**Ракат.** Намозда қиём, Қуръони каримдан сура ёки оятлар ўқиш, бир рукуъ ва икки саждадан иборат амаллар "ракат" дейилади. Фарз, суннат, нафл намозлари икки, уч, тўрт ракатли бўлади. Масалан, бомдоқ намози икки ракат суннат ва икки ракат фарздан иборат.

**Қиём** - тик туриш, дегани. Шаръий истилоҳда ўнг қўл кафтини чап қўл кафти устига қўйиб, ўнг қўлнинг бош бармоғи ва чинчилоғи билан чап қўл ошиғини ушлаган ҳолда киндик остида тутиб туриш "қиём", дейилади.

**Рукуъ.** Луғатда "эгилмоқ, энгашмоқ", деган маънони англатади. Шаръий истилоҳда эса намозда икки қўл билан тиззани маҳкам тутиб ушлаган ҳолда эгилиб туриш "рукуъ", дейилади. Рукуъ намознинг энг муҳим фарз арконларидан. Рукуъ чоғида уч марта "Субҳана роббийал-азийм", дея Аллоҳ таолони улуғлаб тасбеҳ айтилади. Пайғамбар алайҳиссалом рукуъ қилсалар, икки тиззаларини икки қўллари билан яхшилаб ушлаганлар, орқаларини текис тутганлар. Рукуъдан бош кўтарсалар, фоз туриб қадрларини тўғрилаганлар.

**Сажда.** Луғатда "пешонани ерга қўймоқ" маъносини билдиради. Шаръий истилоҳда намозхоннинг икки оёқ панжалари, тизза ва икки қўлга таяниб, пешона ва бурнини жойнамозга қўйиши "сажда", дейилади. Намоз ибодатларнинг энг фазилатлиси бўлса, сажда намознинг энг муҳим рукнидир. Пайғамбар алайҳиссалом: "Банданинг Парвардигорга энг яқин бўлган пайти сажда ҳолатидадир, сажда қилган ҳолда Аллоҳга кўп-

кўп дуолар қилинлар", деб таълим берганлар. Намозхон ҳар гал сажда қилганида уч мартадан "Субҳана роббийал-аъло", дея Аллоҳни улуғлайди.

**Қовма.** Намоздаги рукуъда уч бор тасбеҳ айтиб бўлгач, тасмеъ ("Самиеъ-аллоҳу лиман ҳамидаҳ") айтиб, яна қайта тикланадиган ҳолат "қовма", дейилади. Қовмада қўллар боғланмай, ёнда тугилади. Қовмага тиклангач, таҳмид айтилади, "Роббана лакал-ҳамд", дейилади.

**Жалса.** Намоздаги икки сажда ўртасида бир муддат ўтириш "жалса", дейилади. Бунда бир тасбеҳ айтиш миқдорида ўтириш суннатдир.

**Қаъда.** Намознинг иккинчи ракатидан ва охирги ракатидан сўнг ўтириш "қаъда", дейилади. Намоз икки ракатли бўлса, қаъдада "Ташаҳҳуд", саловот ва дуо ўқиб тамомлайди. Агар уч ёки тўрт ракатли бўлса, бунда "Ташаҳҳуд"ни ўқиб бўлгач, "Аллоҳу акбар", деб кейинги ракатга туради. Тўрт, уч ракатли намознинг иккинчи ракатидан кейинги қаъда "қаъдаи уло", тўртинчи ёки учинчи (охирги) ракатдан кейинги қаъда "қаъдаи охир", дейилади.

## Намознинг турлари

Фарз намозлари - Аллоҳ таолонинг амри билан ҳар бир мусулмон зиммасида бурч ҳисобланган беш вақт намоз (бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон) ва жума намози ҳамда (мусулмонлардан баъзиларининг ўқиши билан бошқалардан соқит бўлувчи) жаноза намози.

Вожиб намозлар - ҳар куни хуфтондан сўнг ўқиладиган витр намози, рамазон ва қурбон ҳайити намозлари, Байтуллоҳдаги тавоф намози.

Суннат ва нафл намозлари - беш вақтда фарз намозлардан олдин ёки кейин ўқиладиган суннат намозлар, таровеҳ, истисқо, "Таҳиятул-масжид" намози, зуҳро (чошгоҳ), таҳажжуд, истихора, ҳожат сўраш намозлари, таҳорат ёки ғуслдан сўнг, сафарга чиқаётганда, ой ёки қуёш тугилганда ўқиладиган намозлар.

## Намознинг вақтлари

Намозни ўз вақтида ўқиш фарз ва лозим. Вақти кирмасдан ўқилган намозлар намоз ҳисобига ўтмайди. Вақтида ўқишга улгурилмаган намозларнинг кейин қазоси ўқилади.

1. Бомдод намозининг вақти - субҳи содиқдан (чин тонг отгандан) кун чиққунчадир.

2. Пешин намозининг вақти - қуёш заволга кетганидан сўнг токи нарсаларнинг сояси ўз узунлигига нисбатан икки баравар ортгунига қадар.

3. Аср намозининг вақти - ҳар бир нарсанинг сояси ўзига нисбатан икки баравар ортганидан бошлаб қуёш ботгуничадир.

4. Шом намозининг вақти - кун ботган пайтдан бошлаб кунботар томонда шафақ (қизғиш нурлар) ғойиб бўлгунчадир.

5. Хуфтон намозининг вақти шафақ батамом йўқолгандан кейин киради.

Витр намози вақти эса хуфтон ўқилгандан кейингина киради. Хуфтон ва витр намозларини субҳи содиққача ўқиса бўлади.

Бомдод намозини тонг ёришганда ўқимоқ мустаҳаб ёки аълороқдир. Соат бўйича ҳисобласак, бомдодни кун чиқишидан 40 дақиқача илгари ўқимоқлик мустаҳаб вақтига мувофиқ бўлади.

Пешин намозини ёз фаслида бироз кечиктириб, қиш фаслида эса вақти кириши билан ўқимоқ мустаҳабдир.

Аср намозини қуёш тифини ўзгартирмай, нурсиз ҳолатга киришидан олдинроқ ўқиш мустаҳабдир.

Шом намозини доимо қуёш ботиши билан ўқиш мустаҳабдир.

Хуфтон намозини кечанинг учдан бирига олиб бориб ўқиш афзал ва ниҳоятда аъло бўлади. Витр намозини эса тун охирида уйғонишга қодир бўлган кишилар субҳ олдиан ўқисалар, мустаҳаб амални қилган бўлишади.

Ҳаво булутли кунларда аср ва хуфтон намозларини аввалги вақтларида ўқимоқ ҳамда бомдод, пешин, шом намозларини эса (вақти киргани маълум бўлмаса) би-роз кечиктириб ўқиш мақсадга мувофиқдир.

Қуйидаги вақтларда намоз ўқиш, тиловат саждаси қилиш, жаноза намози ўқиш жоиз эмас (мумкин эмас):

- кун чиқаётган пайтда;
- кун қиём (тикка)га келганда;
- кун ботиш чоғида;

Бу пайтларда намоз ўқиш, Қуръони каримдан сажда ояти ўқилганда сажда қилиш, жаноза намозини шу вақ-тта тўғрилаб ўқиш мумкин эмас. Аммо шу кунги аср намози кун ботаётган бўлса ҳам, адо этилаверади.

Нафл (ихтиёрий) намозларни имом хутба ўқиш учун минбарга чиққанида, субҳи содиқдан кун чиққунича, асрни ўқиган киши шом намозини ўқигунча адо эти-ши макруҳдир, яъни жоиз эмас.

## **Намознинг ракатлари**

Намозда қиём, Қуръони каримдан сура ёки оятлар ўқиш (қироат), рукуъ ва икки саждадан иборат амаллар "ракат", дейилади. Намоз ракатлардан барпо бўлади.

Уларнинг тартиби қуйидагича:

1. Бомдод намози - 2 ракат суннат, 2 ракат фарз.
2. Пешин намози - 4 ракат суннат, 4 ракат фарз, 2 ракат суннат.
3. Аср намози - 4 ракат фарз.
4. Шом намози - 3 ракат фарз, 2 ракат суннат.
5. Хуфтон намози - 4 ракат фарз, 2 ракат суннат.
6. Витр намози - 3 ракат вожиб.

Изоҳ: аср, хуфтон намозлари фарзидан олдин 4 ра-кат намоз ўқиш мустаҳаб ҳисобланади.

## **Азон ва иқомат**

Азон мусулмонларни намоз вақти кирганидан огоҳ-лантирувчи, намозга чорловчи чақирикдир. Кундалик

беш вақт намоз ва жума намозлари учун азон ва иқомат (такбир) айтиш суннати муаккада (таъкидланган суннат)дир.

Азон намоз вақти киргач, таҳорат билан қиблага юзланиб, тик турган ҳолда икки қўлининг кўрсаткич бармоғини қулоқ ичига қўйиб баланг овозда, дона-дона қилиб айтилади. Муаззин (азон айтувчи) "Ҳаййа ғалас-солаҳ" калимасида бошини ўнг тарафга, "Ҳаййа ғалал-фалаҳ" калимасида чап тарафга буради.

Азон калималарининг тартиби қуйидагича:

1. Аллоҳу акбар (Аллоҳ буюқдир) - 4 марта.
2. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ (Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқлигига гувоҳлик бераман) - 2 марта.
3. Ашҳаду анна Муҳаммадар расулуллоҳ (Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбари эканлигига гувоҳлик бераман) - 2 марта.
4. Ҳаййа ғалас-солаҳ (Намозга келинглари) - 2 марта.
5. Ҳаййа ғалал-фалаҳ (Нажотга келинглари) - 2 марта.
6. Аллоҳу акбар - 2 марта.
7. Ла илаҳа иллаллоҳ (Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ) - 1 марта.

ИЗОҲ: бомдод намозида "Ҳаййа ғалал-фалаҳ"дан сўнг икки марта "Ас-солату хойрум минан-навм" (Намоз уйқудан афзал) калимаси қўшиб қақирилади.

Азонни эшитган киши ишдан, юришдан, сўзлашдан тўхтайтиди, муаззиннинг кетидан азон калималарини айтиб туради, муаззин "Ҳаййа ғалас-солаҳ", деганида "Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳил ғалиййул-аъзийм", дейди. "Ҳаййа ғалал-фалаҳ", деганида эса "Ма шааллоҳу кана вама лам йашаъ лам якун", дейди.

Сафарда ва жомеъ масжидларида азон ва иқоматни тарк қилиш макруҳ, бироқ шаҳар ичидаги хонадонларда уларни тарк этиш макруҳ эмас.

Жунуб (булганган) кишининг азон ва иқомат айтиши, ақдан озган, фосиқ, маст, таҳоратсиз кишилар, ақсиз болалар ва аёлларнинг азон айтишлари макруҳдир.

Азон айтиб бўлингач, унинг қуйидаги дуоси ўқилади: "Аллоҳумма робба ҳазиҳид-даъватит таммаҳ. Вас-



солатил қоимаҳ, ати Муҳаммаданил васийлата вал фазийлаҳ. Вабъасху мақомам маҳмуданиллазий ваъадаҳ. Варзуқна шафаъатаҳу явмал қиёмах. Иннака ла тухли-фул мийъад".

Иқоматнинг сўзлари ҳам азонники кабидир. Фақат "Ҳаййа ғалал-фалаҳ"дан сўнг икки марта "Қод қома-тис-солаҳ" (Намоз бошланиб қолди) калималари қўшиб айтилади. Иқомат фарз намозлари олдидан айтилади.

Қазо намозлари учун азон ва иқомат айтилади. Ҳайит намозлари ва жаноза намозига азон ва иқомат айтилмайди.

Азон ва иқомат ўртасида тўрт ракат намоз ўқишга кетадиган миқдорда вақт ўтиши керак. Аммо шом намозида азон ва иқомат бир-бирига яқин, пайдар-пай айтилади, уч оят ўқиғудек миқдорда вақт ўтиши кифоя.

## Намоз ўқиш тартиби

Тоза кийим, тоза бадан, намоз ўқиладиган тоза ўринда таҳорат билан қиблага юзланган ҳолда намоз ўқишга киришилади. Икки ракат бомдод суннатини ўқиш учун энг аввало Каъба томонга юзланиб "Бомдод намозининг икки ракат суннатини холис Аллоҳ учун ўқишга ният қилдим" мазмунида ният қилинади. Сўнг икки қўлнинг кафтини қиблага қаратиб кўтариб, бош бармоқни қулоқ юмшоғига теккизилади ва "Аллоҳу акбар", деб такбир айтиш билан намоз бошланади. Сўнг қўлларни юқорида айтилган тартибда ушлаб, киндик остида тутаяди ва қиём (тик турган) ҳолатда "Сано" ("Субҳанака аллоҳумма...") ўқилади. (Намозда ўқиладиган сура ва дуолар қуйироқда келтирилади.) Сўнг тааввуз ("Аъзуз биллаҳи..."), басмала ("Бисмиллаҳ...") билан Фотиҳа сурасини, кейин тааввуз ва басмала айтмай, унга зам қилиб (қўшиб) бирорта сура ўқилади. Сўнгра "Аллоҳу акбар", деб эгилиб рукуъга борилади, бунда уч марта "Субҳана роббийал-ъазийм" (Улуғ Роббим покдир), дейилади. Сўнг белни кўтариб "Самиъаллоҳу лиман ҳамии-

даҳ" (Унга ҳамд айтган кишини Аллоҳ эшигади), деб тик туради. Тикланиб бўлгач эса, "Роббана лакал ҳамд" (Роббим, мақтов фақат Сенгадир), дейди. (Жамоат билан ўқилганда имом аввалгиси билан кифояланади, иқтидо қилувчи кейингисининг ўзини айтади ва "Аллоҳу акбар", деб ерга аввал тиззалар, кейин кафтлар, сўнг бурун ва пешона қўйилиб, сажда қилинади. Бунда тирсаклар ерга ва биқинларга теккизилмайди, барча аъзолар, хусусан, оёқ бармоқлари иложи борича қиблага юзлантирилади. Саждада уч марта "Субҳана Роббийалъало" (Олий Роббим покдир), дейилади. Кейин "Аллоҳу акбар", деб саждадан бош кўтарилади ва чап оёқни тўшаб, ўнг оёқ кифтини тик қилиб, бармоқлар қиблага юзлантирилган, икки қўл кафти учи тизза баробарига қўйилган ҳолда ўтиради, кейин яна "Аллоҳу акбар", деб иккинчи марта юқоридагидек сажда қилади. Кейин "Аллоҳу акбар", деб ҳеч нарсага суянмай иккинчи ракатни ўқиш учун ўрнидан туради.

Иккинчи ракатда ҳам яна "Бисмиллаҳ...", Фотиҳа сураси, орқасидан Қуръондан билганича бирор сура ёки узунроқ бирор оят ўқиб, биринчи ракатдагига ўхшаш рукуъ, саждалар қилади ва ўнг оёғини тиклаб, чап оёғи устига ўтиради ва аввал "Ташаҳҳуд" ("Аттаҳиййат..."), ортидан икки саловот ("Аллоҳумма соллиъала..." ва "Аллоҳумма барикъала...")ни, кейин эса маъсур дуолардан бирини ("Роббана...") ўқиб, аввал ўнг елкага, кейин чап елкага "Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ", деб салом беради, шу билан икки ракат намоз якунланади.

Агар шом каби уч ракатли намоз бўлса, иккинчи ракатдан сўнг қаъдаи улода фақат "Ташаҳҳуд" ўқилади ва учинчи ракатга "Аллоҳу акбар", деб турилади, учинчи ракатда ҳам "Бисмиллаҳ..." айтиб, Фотиҳа сурасининг ўзи ўқилади, сўнгра юқоридагидек рукуъ ва сажда қилинади. Қаъдаи охирда ўтириб "Ташаҳҳуд", саловотлар ва дуоларни ўқигач, салом бериб якунланади.

Тўрт ракатли пешин, аср, хуфтон фарзларида ҳам икки ракатдан сўнг қаъдаи улода ўтирилади ва фақат "Ташаҳҳуд" ўқилади, "Аллоҳу акбар", деб турилади.

Учинчи ва тўртинчи ракатларда турилиб, "Бисмиллаҳ..." билан Фотиҳа сурасининг ўзи ўқилади. Рукуъ ва сажда қилиниб, охирги қаъдага ўтирилади. Ташаҳҳуд, саловотлар, дуолар ўқилиб, салом берилади ва тўрт ракатли намоз якунланади. Тўрт ракатли суннат намозлари ҳам тўрт ракатли фарз намозлари каби адо этилади. Фақат тўрт ракатли суннат намозларида учинчи ва тўртинчи ракатларда Фотиҳадан сўнг бирор сура зам қилинади.

## **Намознинг фарзлари**

Намознинг фарзлари ўн иккитадир: буларнинг олтитаси намоз ташқарисида бўлиб, улар "намознинг шартлари", дейилади. Қолган олтитаси намоз ичида бўлиб, улар "намознинг рукнлари", дейилади. Намоз фарзларидан бирортаси тарк этилса, намоз бузилади. Шунинг учун ҳам фарзларни ўрнига қўйиб, уларга қатъий амал қилиш ҳам лозим.

Намознинг шартлари қуйидагилар:

1. Баданнинг пок бўлмоғи (ғусл ёки таҳорат қилингани);
2. Кийимнинг пок бўлмоғи ва авратнинг бекитилмоғи;
3. Намоз ўқиладиган жойнинг пок бўлмоғи;
4. Ҳар бир намозни ўз вақтида ўқиш;
5. Қиблага юзланиб ўқиш;
6. Дилдан (холис) ният қилиш;

ИЗОҲ: айрим уламолар "Сатри аврат" (уятли жойларни яшириш)ни алоҳида шарт деб ҳисоблашади.

## **Намознинг рукнлари**

1. Намозга такбири таҳрима (ифтиҳоҳ такбири) билан киришмоқ.
2. Қиём (тик турмоқ).
3. Қироат (Қуръон сураларидан бир узун ёки қисқа уч оятини ўқимоқ).
4. Рукуъ (тиззаларни ушлаб эгилмоқ).

5. Иккита сажда қилмоқ.
6. Қаъдаи охир (охирги қаъда)да ўтирмоқ.

### Намознинг вожиблари

Қуйидагилар намознинг вожиб (лозим) амаллари ҳисобланади:

- фарз намозларининг икки ракатида, витр, суннат ва нафл намозларининг ҳамма ракатларида Фотиҳа сурасини тиловат қилиш;

- фарз намозларининг аввалги икки ракатида, вожиб, суннат, нафл намозларининг ҳар бир ракатида Фотиҳа сурасидан сўнг Қуръон сураларидан бири ёки учта оятни зам қилмоқ, яъни қўшиб ўқиш;

- бир намозда такрорланадиган сажда ва рукуъ каби намоз рукнларини ўз ўрнида тартиб билан бажариш;

- уч, тўрт ракатли намозларнинг иккинчи ракатида ўтириш (қаъдаи уло)да ва намоз охирида (қаъдаи охирда) "Ташаҳҳуд", яъни "Аттаҳиййат"ни ўқиш;

- намоз охирида "Ассалому ғалайкум ва роҳматуллоҳ", дея салом лафзи билан чиқиш;

- витр намозининг охирги ракатида Қунут дуосини ўқиш;

- ийди Рамазон ва ийди Қурбон намозларида ҳар ракатда учтадан қўшимча такбирларни айтиш;

- уч ва тўрт ракатли фарз намозларининг аввалги икки ракатида қироат қилиш;

- рукуъда, саждада, қовмада ва жалсада аъзоларнинг таскин топиши;

- намоздаги вожиб амаллардан бирортаси эсдан чиқиб тарк қилинса, саждаи саҳв қилиш;

- имом намозга ўтганда овоз чиқариб (жаҳрий) ўқиладиган намозларни жаҳрий, овоз чиқармай (махфий) ўқиладиган намозларни эса махфий ўқимоқлиги;

ИЗОҲ: имом жума, икки ийд, бомдоднинг фарзида, шом ва хуфтон намозларининг аввалги икки ракатида, таровеҳ намозида овоз чиқариб (жаҳрий) қироат қилади. Намозни ёлғиз ўқийдиганлар учун жаҳрий ёки мах-

фий ўқиш ихтиёрий, яъни бомдод, шом, хуфтон фарзларида жаҳрий қироат қилиши мумкин. Қазо намозини ёлғиз ўқиганда махфий ўқиш вожиб. (Намозда жаҳрий қироатнинг энг паст даражаси ёнидаги биродари эшитадиган қилиб ўқишдир. Намозхон ўз қироатини ўзи эшитмас, қироат ҳисоб бўлмайди.)

## Намознинг суннатлари

1. Такбири таҳрима ("Аллоҳу акбар")да қўлнинг бармоқларини ўз ҳолида очиқ тутиб қулоққа теккизиш, сўнг қўлларни киндик остида боғлаш;

2. Такбирдан сўнг "Сано" ўқимоқ;

3. "Сано"дан сўнг "Аъзузу биллаҳ" ва ҳар ракатда Фотиҳадан аввал "Бисмиллаҳ..."ни айтмоқ;

4. Фотиҳа сураси тугагач, махфий тарзда "Омин", демоқ;

5. Имом рукуъдан кейин "Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ", иқтидо қилганлар эса "Роббана лакал-ҳамд" демоқлари (намозни ёлғиз ўқиганлар иккаласини ҳам айтади);

6. Намозда бир ҳолдан иккинчи ҳолга (фарзларнинг биридан иккинчисига) ўтаётганда "Аллоҳу акбар", демоқ;

7. Рукуъда қўл бармоқларини ёйиб, икки тиззани маҳкам чангалламоқ ва камида уч марта "Субҳана роббиййал ъазийм", демоқ (бунда аёллар бармоқларини тизза устида жипс тутишади, тиззаларини бироз букишади);

8. Саждада пешонани қўллар орасига олмоқ, бармоқларни жипс тутмоқ ва бош бармоқни қош тўғрисида тутмоқ;

9. Саждада эркакларнинг оёқлари, тиззалари, қўллари, пешонаси, бурни ерга тегиб турмоғи, билакларини ерга ҳам, қовурғасига ҳам теккизмай тутмоғи (аммо аёллар бу айтилганларни қилиб, қўлларини теккизиб, сиқилиброқ сажда қилишади);

10. Эркакларнинг чап оёқ устига ўтирмоғи, ўнг оёғини тиклаб, бармоқларини қиблага қаратмоқлик (аёл-

лар эса икки оёғини ўнг томонга чиқариб, чап қўймич-да ўтиради);

11. Тик турганда икки оёқ орасини тўрт бармоқ кенглигида тутмоқ (аёллар эса жипс тутишади);

12. Қаъдада саловот, "Роббана..." дуосини ўқимоқ;

13. Аввал ўнг, сўнгра чап томонга салом бермоқ;

14. Фарз намозларини жамоат бўлиб ўқимоқ.

### Намознинг мустаҳаблари

1. Намозда эсноқ ва йўтал келганда кучи етганича қайтариш.

2. Ихтиёрсиз эсноқ келганда ўнг қўл орқаси билан оғзини бекитиш ва пайғамбарларнинг ҳеч бирлари эс-намаганларини ўйлаш.

3. Муқим кишининг Фотиҳа сурасидан сўнг бом-додда узунроқ, оқшом намозида қисқароқ, бошқа намозларда ўртачароқ сураларни ўқиши.

4. Намоздаги зикрларни тажвид қоидаларига мувофиқ ўқиш.

5. Саждага борганда аввал тиззани, қўлни, кейин пешонани, сўнг бурунни ерга қўйиш. (Саждадан бош кўтарганда аксинча бўлади.)

6. Саждада бармоқ ораларини зичлаш, бошни икки қўл орасига, бош бармоқни қулоқ тўғрисиغا қўйиш, қўл бармоқларининг учини ва оёқлар панжаларини қиблага қаратиш.

7. Саломда юзини ўнг ва чап оёқларга қаратиш, саломдан сўнг юзнинг тер ва чангини артмаслик.

8. Такбир учун қўл кўтарганда қўлни енгдан чиқариб, бош бармоқнинг юзини қулоқ юмшоқларига теккизиш (аёллар қўлларини енгдан чиқармай, елкалари тўғрисиғача кўтарадилар).

9. Қиёмда қўл боғлаганда ўнг қўлнинг бош ва чинча-лоқ бармоқлари билан чап қўлнинг бўғимидан ушлаб, уч ўрта бармоқни чап қўл билагига устига ётқизиш туриш.

10. Намозни ёлғиз ўқиганда рукуъ ва саждаларда тасбеҳ миқдорини ошириб 5, 7, 9 мартадан айтиш.

11. Уч ва тўрт ракатли фарз намозларининг сўнги икки ракатада Фотиҳа сурасини ўқиш.

12. Қиёмда сажда ўрнига, рукуъда оёқ бармоқларига, саждада бурунга, қаъдада (ўтиришда) бағрга қараб ўтириш.

13. Намозда тавозеъ ва шикасталик билан туриш.

14. Намозга кечикиб қўшилган кишининг қолган ракатларни ўқишга туриш учун имомнинг икки тарафга салом беришини кутиши.

### **Намознинг ҳаромлари**

Намоз ичида ҳаром бўлган амаллар қуйидагилар:

1. "Бисмиллаҳ..."ни товуш чиқариб айтиш.
2. Юзни ўнг ва чап тарафга қаратиш.
3. Осмонга қараш.
4. Фарз намозларида узрсиз бирор нарсага суяниш.
5. Суннат бўлмаган ўринларда қўл кўтариш.
6. Рукуъ ва саждада қўл ва оёқ бармоқларини ердан кўтариш.
7. Қаъда (яъни, ўтирган)да икки оёқни тик қилиб, товон устида ўтириш.
8. Бадани ёки кийимини кўп ўйнаш.
9. Саломни бир тарафга бериш.
10. Витрдан бошқа намозда "Қунут" дуосини ўқиш.
11. Такбир, "Сано", тасбеҳ ва "Ташаҳҳуд"ларни суннат бўлган миқдордан ошириб ўқиш.
12. Вожиблардан бирини қасддан тарк этиш.

### **Намознинг мубоҳлари**

1. Юзни бурмай, нигоҳ билан қараш.
2. Сажда ўрнини бир марта супуриб ташлаш.
3. Илон, чаён каби зараркунандаларни ўлдириш.
4. Қироатга монeъ бўлмайдиган бирор нарсани оғизга солиб туриш.
5. Нафл намозларида ҳар ракатда бир сурани такрор қилиш.

6. Нафл намозларида узрсиз бирор нарсага суюниб туриш.

7. Имом янглишганда муқтадийлар такбир ёки тасбеҳ айтиб янглишганини унга билдиришлари.

8. Намоз ўқиётганнинг олдидан одам ўтса, тасбеҳ айтиб намозда эканини билдириши.

### Намозни бузувчи амаллар

1. Намозда гапириш (қасддан ёки адашиб бўлса ҳам).

2. Кишига салом бериш.

3. Саломга алик олиш.

4. Узрсиз томоқ қириш, йўталиш.

5. "Уҳ, уф, оҳ" каби товушлар чиқариш.

6. Оғрик ёки мусибатга овоз чиқариб йиғлаш (аммо охиратни ўйлаб йиғласа жоиз).

7. Ўзи эшитадиган даражада кулиш (қаҳқаҳа билан каттиқ кулса, таҳорати ҳам кетади).

8. Акса урганда жавоб бериш (яъни, "Ярҳамукаллоҳ", дейиш).

9. Саволга ёки хабарга оятлар билан бўлса-да, жавоб бериш.

10. Бирор нарсани еб-ичиш (лабидаги, тишидаги овқатни ҳам).

11. Намозни жамоат билан ўқиётганида ёнидаги одамга жой бериш учун сурилиш.

12. Қироатни Қуръони каримга қараб қилиш.

13. Амали касир қилиш (яъни, кўрган одам "Намоз ўқимаяти", деган ўйга борадиган даражадаги амални қилиш).

14. Нажосат устига сажда қилиш.

15. Кўкракни қибладан бошқа тарафга буриш.

16. Жамоат намозида тўхтамай бир соф миқдоридан кўп юриш.

17. Сажда ҳолида икки оёқ панжаларини ердан кўтариш.

18. Қироатни маъно ўзгарадиган даражада бузиш.

19. Намоз фарзларидан бирортасини узрсиз қолдириш.



- 
20. Намознинг тўла бир рукнида авратнинг очиқ бўлиши.
  21. Таҳоратнинг (таяммум, масҳнинг ҳам) кетиши.
  22. Бомдод намозида қуёш чиқиб қолиши.
  23. Намоз асносида ҳушидан кетиши.

### **Намоздаги макруҳ амаллар**

- Қуйидагилар намоздаги макруҳ амаллар ҳисобланади:
- намозда хушуъсиз, бепарво қилинган ҳар бир амал;
  - намоз ўқувчи кишининг ибодат пайтида саждаси учун халақит берадиган майда тошларни суриб ташлаши (аммо бир марта суриш мумкин);
  - агар намозхон тупроққа сажда қилган бўлса, намоздан турганда пешонасини тозалаб артиши;
  - бош кийими пешонасига тушиб сажда қилиши;
  - эркаклар саждада икки қўлининг билагини ерга теккизмоғи;
  - намоз пайтида эркакларнинг сочни турмак қилиб олиши;
  - намоз ўқувчи кийимини осилтириб ёки елкасига ташлаб ёхуд йиғиштириб, енгни шимариб олиши;
  - қавмга имом бўлувчи кишининг қавмдан фарқли даражада баландда туриши;
  - намоз ўқувчи сафда бўш жой бўла туриб, кейинги сафда турмоғи;
  - намозхоннинг кийимида, саждагоҳида ва орқа тарафидан бошқа жойларда ҳайвонот сурати бўлиши (лекин бу сурат жуда кичик ёки боши ўчирилган бўлса, зарари йўқ);
  - эски иш кийими билан намоз ўқиш;
  - намоз ўқиётган пайтда қироатини ва тасбеҳларини қўл билан санаб туриши;

### **Макруҳ бўлмаган амаллар**

1. Намоз ўқимаётган кишининг орқасида намоз ўқимоқлик.

2. Намоз ўқувчининг намозда турган ҳолда илон, чаён каби газандаларни ўлдирмоғи.

### **Намознинг одоблари**

Намознинг қуйидаги одобларига риоя қилиш билан намоз мукамал бўлади:

1. Қиёмда сажда ўрнига қараб туриш.
2. Рукуъда икки қадамнинг устига қараш.
3. Қаъдада бағрга тикилиб туриш.
4. Салом бераётганда елкага қараш.
5. Саждада буруннинг икки ёнига қараб туриш.
6. Қодир бўлгунча эснашни ўзидан кетказиш. Агар эснаш ғолиб келса, ўнг кафт орқаси билан оғзини бекитиши лозим.
7. Намозда имкон қадар қалбнинг ҳузур-ҳаловати ва аъзоларнинг таскин топиши билан хушуъни муҳофаза қилиш. Бу на динга ва на охиратга фойдаси бўлмаган, беҳуда нарсалардан узоқ бўлиш билан вужудга келади.
8. Ибодатда энг гўзал кийимларни кийиб туриш.

### **Намозда хушуъ ва хузуъ**

"Хушуъ" ва "хузуъ" сўзлари бир маънода - "бўйсунмоқ" маъносидадир. Аҳли ҳақиқат истилоҳида улар "Ҳаққа бўйсунмоқ" маъносини англатади. Намоз ўқишда бутун фикрни намоз арконларини тўла адо этишга қаратиб, ундан ўзга фикрда бўлмай, макруҳ саналган амалларни қилмай намоз ўқиш хушуъ билан намоз ўқишдир.

## Намозда ўқиш учун кичик сура ва дуолар

Фотиҳа сураси:

اعوذ بالله من الشيطان الرجيم

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿١﴾  
 الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٢﴾ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٣﴾  
 مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ ﴿٤﴾ إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٥﴾  
 أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦﴾ صِرَاطَ  
 الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٧﴾

Аъзузу биллаҳи минашшайтонир-рожийм. Бисмил-лаҳир роҳманир роҳийм (1). Алҳамду лиллаҳи роббил ʔаламийн (2). Ар-роҳманир роҳийм (3). Малики явмид-дийн (4). Иййака наъбуду ва иййака настаъин (5). Ихди-нас сиротал мустақийм (6). Сиротал-лазийна анъамта ʔалайҳим ғойрил мағзуби ʔалайҳим валаззолийн (7).

Мазмуни: Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган шайтон ёмонлигидан Аллоҳнинг паноҳига қочаман. 1.Меҳри-бон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман). 2.Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир. 3.Меҳрибон ва раҳмли, 4.Жазо кунининг эга-си, 5.Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз! 6.Ўзинг бизни тўғри йўлга ҳидоят қилгин. 7.(Бизларни) шундай зотларнинг йўлига (бошлагин)ки, Сен Ўзинг уларга (тўғри йўлни) инъом қилгансан - улар (Сен томондан) ғазабга дучор бўлмаганлар ва залолатга кетмаганлар - адашмаганлар».

Фотиҳа сурасидан сўнг бир зам (қўшимча) сура ўқилади.

Фил сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الْفِيلِ ﴿١﴾ أَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ  
 فِي تَضَلُّيلٍ ﴿٢﴾ وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ ﴿٣﴾ تَرْمِيهِمْ  
 بِحِجَارَةٍ مِنْ سِجِّيلٍ ﴿٤﴾ فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَأْكُولٍ ﴿٥﴾

Аламтаро кайфа фаъала роббука биасхабил фийл (1). Алам йажъал кайдаҳум фий тазлийл (2). Ва арсала ғалайхим тойрон абабийл (3). Тармийҳим биҳижаротим мин сижжийл (4), фажағалаҳум кағасфим маъкул (5).

Мазмуни: «1. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми? 2. У Зот уларнинг (Каъбатуллоҳни вайрон қилиш учун қўлаган барча) ҳийла-найрангларини барбод қилмадими? 3-4. У Зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўп-тўп қушларни юбориб, 5. Уларни (қурт-қумурсқалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборди!».

Қурайш сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 لَا يَلْفُ فُرَيْشٍ ﴿١﴾ إِيَّا فِيهِمْ رِحْلَةَ الشِّتَاءِ وَالصَّيْفِ  
 ﴿٢﴾ فَلْيَعْبُدُوا رَبَّ هَذَا الْبَيْتِ ﴿٣﴾ الَّذِي أَطْعَمَهُمْ  
 مِنْ جُوعٍ وَءَامَنَهُمْ مِنْ خَوْفٍ ﴿٤﴾

Ли ийлафи қуройш (1). Ийлафиҳим рихдаташ-шитаи вас-сойф (2). Фалйаъ буду робба ҳазал байт (3). Аллази атғамаҳум мин жуъив-ва аманаҳум мин ховф (4).

Мазмуни: 1-2. Қурайшга (агар улар Аллоҳнинг бошқа саноқсиз неъматларини эсламаганларида ҳам, мана бу неъмат, яъни уларга) осон қилиб қўйилгани - уларга

қиш ва ёз сафари осон қилиб қўйилгани учунгина. 3. Улар мана шу Уйнинг Парвардигорига ибодат қилсинлар! 4. У Зот уларни очликдан (қутқариб) таомлантирди ва хавфу хатардан тинч қилди».

Маъун сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 أَرَأَيْتَ الَّذِي يُكَذِّبُ بِالْأَيْدِي ۖ فَذَلِكَ الَّذِي  
 يَدْعُ الْيَتِيمَ ۖ وَلَا يَحْضُ عَلَىٰ طَعَامِ الْمَسْكِينِ ۖ  
 فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ ۖ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ  
 ۖ الَّذِينَ هُمْ يُرَاءُونَ ۖ وَيَمْنَعُونَ الْمَاعُونَ ۖ

Ароайталлазий йуказзибу биддийн (1). Фазаликал-лазий йадуъул йатийм (2). Ва ла йаҳуззу ѓала тоъамил мискийн (3). Фавайлул лил мусоллийн (4). Аллазийна ҳум ѓан солатиҳим саҳун (5). Аллазийна ҳум юроун (6). Ва ямнаъунал маъун (7).

Мазмуни: «1. Динни (охиратдаги жазони) ёлғон, дейдиган кимсани (нг қандай кимса эканлигини) кўрдингизми - билдингизми? 2-3. Бас, бу етим-есирни (қўполлик билан) ҳайдаб соладиган ва (кишиларни) мискинбечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимсадир. 4-5. Бас, намозларини "унутиб" қўядиган кимсалар бўлган "намозхон"ларга ҳалокат бўлгайки. 6-7. Улар рижкорлик қиладиган ва рўзғор буюмларини ҳам (кишилардан) ман қиладиган (яъни, бирон кишига фойдалари тегмайдиган) кимсалардир!».

Кавсар сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ ۖ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَانْحَرْ ۖ  
 إِنَّ شَانِئَكَ هُوَ الْأَبْتَرُ ۖ

Инна аътойнакал кавсар (1). Фасолли лироббика ва-  
нҳар (2). Инна шани- ака ҳувал абтар (3).

Мазмуни: «1. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), албатта  
Биз сизга Кавсарни ато этдик. 2. Бас, сиз Парвардигор-  
рингиз учун намоз ўқинг ва (жонлиқ) сўйиб қурбон-  
лик қилинг! 3. Албатта сизни ёмон кўргувчи кимса-  
нинг думи қирқилгандир (яъни, беному нишон йўқ  
бўлиб кетгувчидир)!».

Кафирун сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 قُلْ يَتَّيِبُهَا الْكَافِرُونَ ﴿١﴾ لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ ﴿٢﴾  
 وَلَا أَنْتُمْ عِبُدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿٣﴾ وَلَا أَنَا عَابِدٌ مَّا عَبَدْتُمْ ﴿٤﴾  
 وَلَا أَنْتُمْ عِبُدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿٥﴾ لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ ﴿٦﴾

Қул йа айюҳал кафирун (1). Ла ʻабуду ма таʻбудун  
(2) Ва ла антум ʻабидуна ма ʻабуд (3). Ва ла ана ʻаби-  
дум ма ʻабаттум (4) Ва ла антум ʻабидуна ма ʻабуд (5).  
Лакум дийнукум ва лийа дийн (6).

Мазмуни: «1. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг:  
"Эй кофирлар! 2. Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга  
ибодат қилмасман. 3. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган  
(Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсиз. 4. Мен сизлар  
ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман. 5. Ва  
сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи  
эмасдирсиз. 6. Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун,  
менинг диним ўзим учундир!"».

Наср сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ ﴿١﴾ وَرَأَيْتَ النَّاسَ  
 يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا ﴿٢﴾ فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ  
 وَاسْتَغْفِرْ لَهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا ﴿٣﴾

Иза жаа насруллоҳи вал фатҳ (1). Ва роайтан-наса ядхулуна фий-дийниллаҳи афважа (2). Фасаббих би-ҳамди роббика вастағфирху иннаҳу кана тавваба (3).

Мазмуни: «1. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), қачон Аллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса. 2. Ва одамлар тўп-тўп бўлишиб Аллоҳнинг дини (Исломи)га кираётганларини кўрсангиз. 3. Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У Зотни ҳар қандай "шерик"лардан) покланг ва У Зотдан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган Зотдир».

Масад сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ ۝۱ مَا أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُ وَمَا  
 كَسَبَ ۝۲ سَيَصْلَىٰ نَارًا ذَاتَ لَهَبٍ ۝۳ وَامْرَأَتُهُ  
 حَمَّالَةَ الْحَطَبِ ۝۴ فِي جِيدِهَا حَبْلٌ مِّن مَّسَدٍ ۝۵

Таббат яда абий лаҳабив-ва табб (1). Ма ағна ғанҳу малуху ва ма касаб (2), саясла нарон зата лаҳаб (3). Вамроатуҳ, ҳамма латал ҳатоб (4), фий жийдиҳа ҳаблум мим-масад (5).

Мазмуни: «1. Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай - ҳалок бўлгай! (Аниқки), у қуриди - ҳалок бўлди! 2. Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ! 3-4-5. Яқинда унинг ўзи ҳам, унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан (эшилган) арқон бўлган хотини ҳам (ловуллаб турган) алангали дўзахга киражак!».

Ихлос сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ۝۱ اللَّهُ الصَّمَدُ ۝۲ لَمْ يَلِدْ  
 وَلَمْ يُولَدْ ۝۳ وَلَمْ يَكُن لَّهُ كُفُوًا أَحَدٌ ۝۴

Қул ҳуваллоҳу аҳад (1). Аллоҳус-сомад (2). Лам ялид ва лам юлад (3). Ва лам яқуллаҳу куфуван аҳад (4).

Мазмуни: «1. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: "У - Аллоҳ Бирдир (яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир). 2. Аллоҳ (барча ҳожатлар билан) кўзлангувчидир (яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). 3. У туғмаган ва туғилмагандир (яъни, Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий Зотдир). 4. Ва ҳеч ким У Зотга тенг эмасдир"».

Фалақ сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ﴿١﴾ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ﴿٢﴾ وَمِنْ  
 شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ﴿٣﴾ وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي  
 الْعُقَدِ ﴿٤﴾ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ﴿٥﴾

Қул аъзузу бироббил фалақ (1). Мин шарри ма холақ (2). Ва мин шарри ғосиқин иза вақоб (3). Ва мин шаррин наффасати фил ъуқоди (4). Ва мин шарри ҳасидин иза ҳасад (5).

Мазмуни: «1-2-3-4-5. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: "Мен тонг Парвардигоридан (менга) Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан; тугунларга дам солгучи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман"».

Ан-нас сураси:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ النَّاسِ ﴿٢﴾ إِلَهِ  
 النَّاسِ ﴿٣﴾ مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ﴿٤﴾ الَّذِي  
 يُوسَسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ ﴿٥﴾  
 مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ﴿٦﴾



Қул аъзузу бирробин-нас (1). Маликин-нас (2). Илаҳин-нас (3). Мин шаррил васвасил хоннас (4). Аллазий йувасвису фий судурин-нас (5). Минал жиннати ван-нас (6).

Мазмуни: «1-2-3-4-5-6. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: "Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан (менга) ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, (қачон Аллоҳнинг номи зикр қилинганида) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман"».

Сано

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ

Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва тааъла жаддука ва ла илаҳа ғойрук.

Маъноси: «Аллоҳим! Сени поклаб, ҳамдинг билан ёд этаман. Сенинг номинг муқаддасдир. Кибриёнг улуғдир. Сендан ўзга илоҳ йўқдир».

Ташаҳҳуд

التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا  
النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ  
الصَّالِحِينَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ

Аттаҳиййату лиллаҳи вассолавату ваттоййибат. Ассаламу ғалайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ассаламу ғалайна ва аъла ибадиллаҳис солиҳийн. Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва росулуҳ.

Маъноси: «Мол, бадан, тил билан адо этиладиган бутун ибодатлар Аллоҳ учундир. Эй Набий! Аллоҳнинг

баракоти ва раҳмати сизга бўлсин! Сизга ва солиҳ қуларга Аллоҳнинг саломи бўлсин. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Ва яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва расули (элчиси)дирлар».

Саловотлар:

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى  
 إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ  
 اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى  
 إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ

Аллоҳумма солии ʔала Муҳаммадив ва ʔала али Муҳаммад, Кама соллайта ʔала Иброҳима ва ʔала али Иброҳим. Иннака ҳамидум мажид.

Аллоҳумма барик ʔала Муҳаммадив ва ʔала али Муҳаммад. Кама барокта ʔала Иброҳима ва ʔала али Иброҳим. Иннака ҳамидум мажид.

Маъноси: «Аллоҳим, Иброҳим ва унинг яқинларига раҳмат этганинг каби Муҳаммад ва ул зотнинг яқинларига раҳмат айла, Сен мақталгувчи ва буюк Зотсан!

Аллоҳим! Иброҳим ва унинг яқинларига баракотингни берганинг каби Муҳаммад ва ул зотнинг яқинлари устига ҳам баракотингни эҳсон айла. Сен мақталгувчи ва буюк Зотсан!

Роббана дуоси:

رَبَّنَا إِنَّا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَفِي الآخِرَةِ حَسَنَةٌ وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

Роббана атина фиддунйа ҳасанатав ва фил ахироти ҳасанатав ва қина азабан-нар.

Маъноси: «Эй Роббимиз! Бизга бу дунёда ҳам, охирада ҳам яхшилиқни бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин!».

Қунут дуоси:

اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْتَعِينُكَ وَنَسْتَغْفِرُكَ، وَنُؤْمِنُ بِكَ وَتَوَكَّلُ عَلَيَّكَ وَنُتِنِّي  
عَلَيْكَ الْخَيْرَ نَشْكُرُكَ وَلَا نَكْفُرُكَ نَخْلَعُ وَنَتْرُكُ مَنْ يَفْجُرُكَ، اللَّهُمَّ  
إِيَّاكَ نَعْبُدُ، وَلَكَ نُصَلِّي وَنَسْجُدُ، وَإِلَيْكَ نَسْعَى وَنَحْفِدُ نَرْجُو  
رَحْمَتَكَ وَنَخْشَى عَذَابَكَ، إِنَّ عَذَابَكَ بِالْكَفَّارِ مُلْحِقٌ.

Аллоҳумма инна настаъинука ва настағфирук. Ва нуъмину бика ва натаваккалу ʔалайка ва нусний ʔалайка хойр. Нашкурука ва ла накфурук. Нахлаʔу ва на-труку ман йафжурук.

Аллоҳумма иййака наъбуду ва лака нусоллий ва насжуду ва илайка насъа ва наҳфиду наржу роҳматак(а). Ва нахша ʔазабака инна ʔазабака бил куффари мулҳиқ.

Маъноси: Аллоҳим! Биз сендан ёрдам истаимиз, гуноҳларимизни авф этишингни сўраймиз. Аллоҳим! Сенга иймон келтирамиз ва Сенга таваккал қиламиз. Ва Сенга ҳамд айтамиз. Бутун хайр (яхшиликлар) Сендандир. Бизларга берганинг шунча неъматлар туфайли Сенга шукрона айтамиз ва нонкўрлик қилмаймиз. Сенга қарши нонкўрлик қилган гуноҳкорлардан айриламиз, улар билан алоқамизни узамиз.

Аллоҳим! Биз ёлғиз Сенгагина қуллик қиламиз, намозни Сен учунгина ўқиймиз. Сенгагина сажда қиламиз. Сенгагина интиламиз. Ибодатни хушуъ-камтарлик билан адо этамиз. Ҳеч шубҳа йўқки, Сенинг азобинг кофирларгадир.

### Турли дуолар ва зикрлар

اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ وَمِنْكَ السَّلَامُ تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ

Аллоҳумма антас-салом ва минкас-салом, табарокта йа залжалоли вал-икром.

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ

Субҳаналлоҳи вал ҳамдулиллаҳи ва ла илаҳа илал-лоҳу валлоҳу акбар вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳ.

Оятул-курси

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ

الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аллоҳу ла илаҳа илла ҳувал ҳаййул қоййуум. Ла таъ-хузуху синатув ва ла навм. Лаҳу ма фис-самавати ва ма фил ардз. Ман зал лази йашфау индаҳу илла биизниҳ. Йаъламу ма байна айдиҳим ва ма холфаҳум ва ла йуҳи-туна бишайъим мин илмиҳи илла бима ша-а. Васиа курсиййухус-самавати вал ардз. Ва ла йаудуху ҳифзу-ҳума ва ҳувал алиййул ъазийм.

Маъноси: «Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан.

Аллоҳ - ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бор-дир. У тирик ва абадий тургувчидир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмайди. Самовот ва Ердаги бор нарсалар Униқидир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз қўллай олмайди. У уларнинг (барча одамлар-нинг) олдларидаги ва ортларидаги бор нарсани била-ди. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Унинг Ўзи иста-ган нарсаларнигина биладилар. Унинг Курсиси осмон-лар ва Ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва Ерни ҳифзу

ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюқдир».

Намозни ўқиб бўлганингиздан сўнг Аллоҳдан ибодатларингизни саҳву-хатоларини кечириб қабул айлашини, гуноҳларингизни мағфират этишини, яна бошқа ухровий-дунёвий ниятларингизни сўрайсиз.

### **Жамоат намози**

Жамоат билан ўқиладиган намозга ниятда, "Имомга иқтидо қилдим, жамоат намозида" деб ҳам ният қилиш керак. Имом такбири таҳрима айтгач, жамоат такбири таҳрима айтиб қўлларини боғлайди ва ичида "Сано"ни ўқиб, жим туради. Жамоат қиёмда турганида ракатларнинг ҳеч қайсисида ундан бошқа ҳеч нарса ўқимайди, фақат жаҳрий намозда имом Фотиҳа сурасини ўқиб бўлгач, ичида "Омин", дейди.

Рукуъда уч карра "Субҳана роббийал ъазийм", дейди. Имом "Самигаллоҳу лиман ҳамидаҳ", дея қоматини тўғрилаганда жамоат қаддини ростлагач "Роббана лалкал-ҳамд", дейди. Саждаларда эса, одатдагидек, уч карра "Субҳана роббийал ъало", дейилади.

Қаъдаи улода "Ташаҳҳуд"ни, қаъдаи охирда "Ташаҳҳуд"ни, саловотни ва дуони ўқийди ҳамда имом билан салом беради. Имом ортида намоз ўқиган муқтадий барча рукнларни адо этишда имомга эргашади, ундан олдин бажармайди.

Бир ракатнинг рукуъида, яъни имом ҳануз рукуъда турган пайтда ният қилиб, имомга етишиб олган намозхон ўша ракатга етишган ҳисобланади.

Агар намозхон тўрт ракатли бўлмаган фарз намозлардан бирини ўқишни бошлаб, унинг биринчи ракати саждасига борган ёки ҳали бормаганида жамоат шу намозни адо этиши учун имом такбири таҳрима айтса, намозхон ўқиладиган намозни бузади ва имомга иқтидо қилади. Агар тўрт ракатли намоз бўлса, икки ракатини тугатиб, кейин имомга иқтидо қилади.

Агар тўрт ракатли фарз намознинг уч ракатини адо этган бўлса, тўртинчи ракатни ҳам охирига етказди ва

салом бериб, сўнг жамоат намозига нафл, деб ният қилган ҳолда қўшилади.

Бу ҳол аср намозида бўлса, жамоатга қўшилмайди. Чунки аср намозидан сўнг нафл намозини ўқиш макруҳдир.

Бомдод намозининг фарзи бошланганида ёки ўқиётганида келган намозхон унинг суннатини ўқиганда жамоатдан қоладиган бўлса, бомдоднинг суннатини тарк этиб, фарзига иқтидо қилади. Бу тарк қилган суннатнинг қазосини ўқимайди. Лекин у бомдоднинг фарзини ҳам, суннатини ҳам қазо қилган бўлса, у ҳолда ҳар икковини ҳам қазо қилиб ўқийди.

Агар мазкур ҳолда бомдод намозининг суннатини ўқиса, фарзнинг иккинчи ракатини жамоат билан ўқишга улгурса, у ҳолда бомдоднинг суннатини ўқийди.

Пешин намозига такбир айтилганини эшитса, юқоридаги икки ҳолда ҳам унинг суннатини тарк этиб, фарзга иқтидо қилади. Сўнгра тарк қилинган тўрт ракатли суннатни пешин ниҳоясидаги икки ракатли суннатдан олдин ўқийди.

### **Намоздаги сафларнинг тартиби**

Агар бир киши имомга иқтидо қилаётган бўлса, у имомнинг ўнг тарафида, оёғи учини имомнинг тўпиғи тўғрисида қилиб туради. Борди-ю, иқтидо қилувчилар бир кишидан кўп бўлса, улар имомнинг ортидан сафланадилар.

Имомга иқтидо қилиб намоз ўқувчиларнинг аввалги сафида балоғатга етган эркак кишилар, кейинги сафларда эса балоғатга етмаган ёш болалар ҳамда сўнги сафларда аёллар турадилар.

Аёллар имомга иқтидо қилганда имом уларга имом эканини ният қилмаса, аёлларнинг намози дуруст бўлмайди. Имом ўзига иқтидо қилган аёлларга имомликни ният қилганда аёл билан ёнма-ён ва унинг орқасида сафда турган кишиларнинг намози бузилади. Агар имом ўша аёлга имомликни ният қилмаган бўлса, унда аёлнинг намози бузилади.

## **Имомликка лаёқатли кишилар**

Қуйидагилар имомликка лаёқатли кишилар ҳисобланади:

- шариат ҳукмларини яхши билган кишилар;
- агар улар икки киши бўлса, қироати яхшироғи;
- агар бу масалада лаёқати тенг чиқиб қолса, парҳезкорроғи, тақводорлари имомликка лойиқроқдир;
- юқоридаги уч ҳолатда ҳам баробар бўлинса, унга ақлига заифлик етмаган ёши улуғроқ намозхон имомликка ўтади.

Қуйидагиларнинг имом бўлишлари макруҳ саналади:

- қулларнинг;
- аъробий (сахрода ёки тоғнинг тагида яшовчи), илм-сиз кишиларнинг;
- фосиқ одамларнинг;
- кўзи ожиз кишиларнинг;
- бидъат ишларни қилувчиларнинг (шиа, мўътазилӣ, ҳавориж мазҳабларидагилар);
- валади зино, яъни зино орқали туғилган кишиларнинг имом бўлишлари макруҳдир.

## **Имомга иқтидо қилиш**

Қуйидаги ҳолларда бўлса ҳам, уларга иқтидо қилиш мумкин:

1. Таҳорат олган киши узри бўлгани учун таяммум қилган кишига иқтидо қилиши мумкин.

2. Таҳоратда оёғини ювган киши маҳсига масҳ тортган кишига иқтидо қилиши мумкин.

3. Тик туриб намоз ўқишга қодир одамнинг ўтириб намоз ўқишга мажбур бўлган имомга иқтидо қилиши мумкин.

4. Ишора билан намоз ўқувчига фақат ишора билан намоз ўқийдиган киши иқтидо қилиши мумкин.

5. Нафл намоз ўқувчи киши фарз намоз ўқийдиган кишига иқтидо қилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда имомга иқтидо қилиш ножоиз, яъни мумкин эмас:

- эркак кишининг аёл ва болаларга иқтидо қилиши;
- соғлом кишининг узрли кишига иқтидо қилиши;
- қори кишининг оми кишига иқтидо қилиши;
- кийимдаги кишининг яланғоч кишига иқтидо қилиши;
- намозни етук ҳолда адо этувчи (рукуъ, саждаларини том қилувчи) кишининг рукуъ ва саждаларни ишора билан қилувчи кишига иқтидо қилиши;
- фарз намоз ўқувчининг нафл намоз ўқиётган кишига иқтидо қилиши;
- бир фарз намозини ўқиётган кишининг бошқа фарз намозини ўқувчига иқтидо қилиши мумкин эмас.

Имом бўлган киши қироатини қавмга малол келадиган даражада узун қилиб ўқимаслиги керак. Бомдод намозидан бошқа намозларда аввалги ракатнинг қироатини иккинчи ракатнинг қироатидан узун қилишлик мумкин эмас.

## Қибла

Мусулмонлар намоз ўқишда юзланиб турадиган томон "қибла", дейилади. Қибла Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги Масжидул-Ҳаромдаги Каъба ўрнашган жойдир. Каъба ва у жойлашган масжид Масжидул-Ҳаром, яъни уруш жанжал, фисқ ишлар ҳаром қилинган макон, дейилади. Уни "Байтуллоҳ" ва "Байтул-атиқ" ҳам деб аташади.

Исломнинг илк даврида мусулмонлар Қуддуси шарифдаги Масжидул-Ақсо тарафга қараб намоз ўқишарди. Кейинчалик Қуръони карим ҳукми билан Каъба тарафга юзланиб ўқишга амр бўлди.

Намозхон юзини қиблага қаратиб туради. Касаллиги ёки хатар сабабли қиблага юзлана олмаган киши имкони бор томонга қараб намозини ўқийди. Қибла қайси томон эканини билмаса ёки сўраш имкони бўлмаса, атроф-муҳитга қараб қиблани аниқлашга ҳара-



кат қилади ва дили тортган томонни қибла, дея жазм қилиб ўқийди. Кейин нотўғрилиги билинса ҳам, намозини қайта ўқимайди. Бизнинг Мовароуннаҳрга нисбатан қибла жануби-ғарб томонда бўлиб, компас мили ғарб нуқтасидан 140 чап томонга қайтиши керак.

Намоз ўқувчи қибла қайси томон эканини билмаганида уни аниқлашга ҳаракат қилмай, бирор тарафга қараб намоз ўқиса ва у томон қибла бўлса ҳам, қиблани аниқлашга ҳаракат қилмагани учун намозини қайта ўқийди.

Қибла қайси томон эканини аниқлашга ҳаракат қилиб бир тўхтамга келгач, намозни бошлаган киши намоз пайтида қибла тўғрисидаги аҳди ўзгариб қолса, қибла, деб ўйлаган томонига бурилиб намозини ўқийверади.

Намоз ўқувчи имомга иқтидо қилган пайтда ундан олдинга ўтиб кетса ёки бошқа томонга қараб намоз ўқиса, намози фосид (яроқсиз) бўлади.

Қиблага қараб оёқ узатиб ўтириш ва ётиш, ҳожат ушатиш қаттиқ одобсизлик саналади.

### **Қазо намозини адо этиш**

Беш вақт намозни ўз вақтида ўқиш "адо", узрли сабаб билан вақти ўтганидан кейин ўташ "қазо", дейилади. Узрли сабаб билан вақтида ўқилмаган фарз ва витр намозларининг қазоси ўқилади. Жума, ҳайит (ийд), жаноза, суннат намозларининг қазоси ўқилмайди. Фақат бомдод намозининг суннати ўша куни тушгача фарзи билан биргаликда ўқилади.

Қазо намозлар қуёш чиқаётган, туш вақти, қуёш ботаётган пайтлардан ташқари ҳамма вақтда ўқилаверади.

### **Масжидда қилиниши макруҳ бўлган амаллар**

Масжид ичида қуйидаги ишларни қилиш макруҳ саналади:

1. Масжид ичидан узрсиз йўл қилиб олиш.
2. Масжидда ухлаш (аммо эътикоф ўтирувчи ва жойи йўқ мусофирнинг масжидда ухлаши макруҳ эмас).

3. Эътикоф ўтирувчилардан бошқаларнинг масжидда овқатланишлари.
4. Зикр-тасбеҳларда овозни кўтариб намозхонларга халақит бериш ёки чўчитиб юбориш.
5. Масжидда дунё ишларидан бўлган гап-сўзларни гаплашиш.
6. Масжидда олди-сотди қилиш.
7. Таҳоратни ушлаб туролмайдиган, масжидни нажосат қилиб қўйиш эҳтимоли бўлган гўдакларнинг масжидга кириши.
8. Масжидда тупуриш, бурун қоқиш, балғам ташлаш.
9. Йўқолган нарсани масжидда эълон қилиш.
10. Масжидда шеър айтиш (аммо Ҳаққа даъват қилиш, ҳикматли сўзлар билан Аллоҳ неъматини эслатиш, Расулуллоҳ алайҳиссалом сифатлари зикри, тақводорлар сифати каби мавзулардаги шеърлар мустасно).
11. Масжид ичида тиланчилик қилиш ёки тиланчига пул бериш.

### Масжид одоблари

1. Масжидга ўнг оёқ билан кириб, чап оёқ билан чиқиш.
2. Кириш-чиқишда суннатда ворид бўлган маъсур дуоларни ўқиш. Масжидга кираётгандаги дуо: "Бисмиллаҳи, аллоҳумма солли ʼала саййидина Муҳаммадин ва ʼала олиҳи ва саҳбиҳи ва саллам. Аллоҳумма ифтаҳ лий абваба роҳматика". (Маъноси: "Аллоҳнинг исми билан. Аллоҳим, саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга ва у зотнинг оила аъзоларига ҳамда саҳобаларига саловоту саломлар бўлсин. Аллоҳим, менга раҳмат эшигингни очгин".)
- Масжиддан чиқаётгандаги дуо: "Бисмиллаҳи, аллоҳумма солли ʼала саййидина муҳаммадин ва ʼала алиҳи ва саҳбиҳи ва саллам. Аллоҳумма инни асʼалука мин фазлика". (Маъноси: "Аллоҳнинг исми билан. Аллоҳим, саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга ва у зотнинг оила

аъзоларига ҳамда саҳобаларига саловоту саломлар бўлсин. Аллоҳим, мен Сендан фазлингни сўрайман".)

3. Масжидга кирганда намоз ўқиш макруҳ бўлмаган вақт бўлса, икки ракат "Таҳийётул масжид" намозини ўтирмасдан олдин ўқиб олиш.

4. Масжидга таҳоратли кириб, турли нажосатлардан пок тутиш.

5. Имом одамларга масжидда ваъз-иршод қилиб, уларга таълим бераётган бўлса, овозини кўтармаслик.

6. Хутба ўқиладиганда жим туриш. Чунки хутбага қулоқ солиб, диққатини бериб туриш вожибдир.

7. Намоз ўқиётган кишининг олдидан кесиб ўтмаслик, хусусан, жума кунлари одамларнинг елкаларидан ошиб олдинги сафга ёриб ўтмаслик лозим. Чунки булар ҳаромга яқин макруҳлардандир.

8. Покликка риоя қилиш.

9. Масжидга бадбўй ҳид билан кирмаслик. Мисол учун пиёз, саримсоқ, нос, сигарет каби нарсаларни истеъмол қилиб, сўнг масжидга кирса, ўзидан келаётган сассиқ ҳид билан намозхонларга озор беради. Бу ҳам ҳаромга яқин макруҳлардан ҳисобланади.

10. Масжидда виқор ва осойишталик билан юрмоқлик. Ҳовлиқиш ва шошқалоқликдан сақланиш лозим. Агар жамоатга ёки бирор ракатга кеч қолаётган бўлса ҳам, шошилмаслик даркор. Секин-асталик билан жамоатга келиб қўшилади (ета олмаган ракатларини юқорида баён қилганимиздек ўқиб қўяди).

## ТУРЛИ НАМОЗЛАР

### Фарз намозларига қўшиб ўқиладиган суннат намозлари

1. Бомдод намозининг фарзидан олдин икки ракат суннат ўқилади.

2. Пешин намозининг фарзидан олдин тўрт ракат, фарзидан кейин икки ракат суннат ўқилади.

3. Шом намози фарзидан сўнг икки ракат суннат ўқилади.

4. Хуфтон намозининг фарзидан сўнг икки ракат суннат ўқилади.

5. Жума намози фарзидан олдин тўрт ракат, фарзидан сўнг ҳам тўрт ракат суннат ўқилади.

### **Витр намози баёни**

Витр намози уч ракатдир. Учинчи ракатнинг рукуъ-сидан олдин такбир айтиб қўлларни қулоқлар тўғриси-гача кўтариб, яна киндик остига қўйилади ва Қунут дуоси ўқилади. Витр намозининг ҳар бир ракатида Фотиҳа сурасидан сўнг бирор сура қўшиб ўқилади.

### **Таровеҳ намози**

Таровеҳ - "ором олдириш, дам бериш" маъноларидаги "тарвеҳа" сўзининг кўплик шаклидир. Истилоҳда рамазон ойида хуфтон намозидан сўнг ва витр намози олдидан ўқиладиган намозга "таровеҳ", дейилади. Унинг ҳар тўрт ракатидан сўнг дам олингани учун шундай ном берилган. Таровеҳ намози йигирма ракат бўлиб, суннати муаккададир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ким Аллоҳдан савоб умид қилиб рамазон намозини (таровеҳни) ўқиса, олдинги гуноҳлари кечирилади", деганлар (Имом Бухорий ва Муслим). Таровеҳ икки ракатдан ўқилади, ҳар тўрт ракатидан сўнг уч мартадан таровеҳ тасбеҳи айтилади: "Субҳана зил мулки вал-малакут. Субҳана зил-ъиззати вал-ъазо-мати вал-қудрати вал-кибрियाи вал-жабарут. Субҳанал маликил-ҳаййиллази ла ямут. Суббуҳун қуддусур роббуна ва роббул малаикати варруҳ. Ла илаҳа иллаллоҳу настаффируллоҳ, насъалука жанната ва наъзузу бика минан-нар".

### **Мусофир намози**

Пиёда ўргача юрганда уч кеча-ю уч кундузлик йўл юриб етадиган жойга сафарга чиққан киши яшайдиган

жойи ҳудудидан чиқиши билан қайтиб келгунча мусофир ҳисобланади (бу ҳанафий мазҳабида 96 километрга тенг). Ана шу масофадаги ерга машинада, поездда, тайёрада йўлга чиққанлар ҳам мусофир ҳисобланади. У жойда ўн беш кундан камроқ муддат туришни ният қилган бўлса-ю, ойлаб-йиллаб қолиб кетса ҳам, мусофир саналаверади.

Агар борган жойида ўн беш кун ёки бундан кўп муддат туришни ният қилса, етиб боргач мусофир ҳисобланмайди.

- Мусофир тўрт ракатли фарз намозларини икки ракатга қисқартириб (қаср қилиб) ўқийди.

- Суннат намозларини қаср қилмайди.

- Вақт тифиз, шароитда қийинчиликлар бўлса, суннат намозлар адо этилмаслиги мумкин, лекин ётоқхона ёки бориб тушилган ўринларда ўқилади.

- мусофир таҳорат олгач, маҳсисига уч кеча-ю уч кундуз масҳ этиши мумкин.

Мусофир қасддан тўрт ракатли намозни тўла ўқиса, гуноҳкор бўлади. У тўрт ракатли намознинг иккинчи ракатида ўтирган бўлса, икки ракатдан зиёдаси нафл намозига ҳисоб бўлади, ўтирмаган бўлса, намози дуруст бўлмайди, қайта ўқийди.

Мусофир кишига муқим имом бўлса, мусофир имом билан намозини тўла адо қилаверади. Аммо намознинг вақти ўтгандан кейин мусофирнинг муқимга иқтидо қилиши мумкин эмас.

Агар мусофир муқимга имом бўлса, муқим киши намозини комил қилади, мусофир эса намозини қаср қилиб ўқийди. Унинг намоз охирида "Намозларингни комил қилинглар, мен мусофирман", демоқлиги мустаҳабдир.

## **Жума намози**

"Жума" сўзи "жам бўлмоқ, тўпланмоқ", деган маънони англатади. Аллоҳ таоло мўминларга жума намозини фарз этди: "Эй мўминлар, қачон жума кунидаги

намозга чорланса, Аллоҳнинг зикрига шошилишлар ва олди-сотдини тарк қилишлар!" Жума намози шаҳар ва унинг яқинида яшайдиган, ҳур-озод, золимнинг хуружидан омонда бўлган, икки оёғи оқсоқ ёки шол, икки кўзи ожиз бўлмаган ҳар бир эр кишига фарзи айндыр.

Жума куни гусл қилиш, мисвок ишлатиш, хушбўй-ланиш, озода кийиниш суннатдыр.

Жума мискин-фақирларнинг ҳажи ҳисобланади.

Жума кунлари пешин ўрнига икки ракат жума намозини жамоат билан жомеъ масжидида ўқиш фарздыр. Жума намози ўқиганлар пешин ўқишмайди, жума фарзидан олдин ва кейин тўрт ракатдан суннат қўшиб ўқилади. Фарздан олдин имомнинг қавмга қарата хутба қилиши фарз ҳисобланади.

Қуйидагиларга жума намози вожиб эмас:

1. Мусофирга.
2. Юришга ярамайдиган бетоб кишига.
3. Кўр кишига.
4. Қуларга.
5. Аёлларга.
6. Балоғатга етмаган ёш болаларга.

Жума ўқиш вожиб бўлмаган кишилар жумани ўқисалар, савобини оладилар ва улардан пешин намози соқит бўлади.

Жума ўқиладиган ерда (яъни, шаҳарда) жума куни узрли ва беузр кишилар жам бўлиб, жамоат билан пешин ўқимоқлари макруҳдыр. Узрсиз кишининг жумадан олдин пешин ўқишлиги ҳам макруҳдыр.

Имом хутба ўқиш учун минбарга чиққанидан бошлаб то хутбани тугатмагунича сўзлашиш, нафл намози ўқиш ҳаромдыр. Имом минбарга ўтирган вақтда иккинчи азон айтилади ва қавм имомга рўпара бўлган ҳолда хутбани тинглайди. Имом таҳорат билан тик туриб икки марта хутба ўқийди ва улар ўртасида бир муддат ўтириши лозим бўлади. У хутбани тугатгач, такбир айтилади ва имом қавм билан икки ракат жума намозини ўқийди.

## Жаноза намози

Мусулмон оламдан ўтгач, ювилиб ва кафанланиб унга жаноза намози ўқилади. Барча намозлар дуруст бўлиши учун қўйилган шартлар жаноза намозига ҳам шартдир. Жаноза намози тўрт такбирдан иборатдир.

Жаноза намози фарзи кифоя, яъни бир ёки бир неча киши ўқиши билан бошқалардан соқит бўлади. Жаноза намозида имом маййит кўкраги тўғрисида турради. Ва "Бу фарз жаноза намозини юзимни Каъбанинг бир томонига қаратиб холис Аллоҳ учун адо этишни ният қилдим" деб ният қилади ва "Аллоҳу акбар" деб икки қўл бош бармоғини қулоқлари юмшоғига теккизади. (Иқтидо қилганлар имомга иқтидо этишни ҳам ният қилишади.) Кейин "Сано" ўқийди ҳамда қўлни кўтармасдан яна "Аллоҳу акбар" дейди ва саловот ўқийди, сўнг яна қўлни кўтармай "Аллоҳу акбар", деб қўйидаги жаноза дуоси ўқилади: "Аллоҳуммағфир лиҳаййина ва маййитина ва шаҳидина ва ғоибина ва соғирина ва кабирина ва закарина ва унсана. Аллоҳумма ман аҳйитаху минна фааҳйихи ғалал Ислам. Ва ман таваффахтаху минна фатаваффаху ғалал ийман".

Маъноси: "Эй Роббим! Тиригимизни ва ўлигимизни, бу ерда бўлганларни ва бўлмаганларни, кичикларимизни ва катталаримизни, эркак ва аёлларимизни кечиргин! Аллоҳим, биздан туғилажак янги наслларни Исломи динида дунёга келтир. Ажали етиб ҳаётдан қўз юмадиганларнинг жонларини иймонли ҳолларида олгин".

Агар маййит балоғатга етмаган ўғил бола бўлса, "Аллоҳуммажғалҳу лана фаротав важғалҳу лана ажров ва зуҳров важғалҳу лана шафиғам мушаффаға", деган дуо ўқилади.

Агар қиз бола бўлса, "Аллоҳуммажғалҳа лана фаротав важғалҳа лана ажров ва зуҳров ва жғалҳалана шафиғатам мушаффаҳо", деган дуо ўқилади. Бу дуони билмаганлар "Роббана..." дуосини ўқиса ҳам бўлади.

Кейин "Аллоҳу акбар", деб икки тарафга салом бериб сафдан чиқилади.

Жаноза намозининг бошланишига улгурмаган киши имомнинг кейинги такбирини кутади ва имом такбир айтгач, ният билан имомга иқтидо қилади. Имом салом берганидан кейин, ҳали тобут кўтарилмай туриб, қолган такбирларни ҳеч нарса ўқимамай ўзи айтади.

### Рамазон ҳайити намози

Рамазон ҳайитида икки ракат ийд фитр намозини адо этмоқ вожибдир.

Ийд фитр намози шундай тартибда ўқилади: қиблага қараб: "Икки ракат ийд фитр намозини ушбу имомга иқтидо қилиб, юзимни Каъбанинг бир томонига қаратиб, холис Аллоҳ таоло учун ҳамма такбирлари билан адо этишни ният қилдим", деб ният қилингач, "Аллоҳу акбар", деб биринчи такбир айтилиб қўллар боғланади. Овоз чиқармасдан "Субҳанака..." ўқилади. Сўнг имом билан биргаликда яна уч бор "Аллоҳу акбар", деб қўллар қулоқлар тўғрисиغا кўтарилиб такбир айтилади, аммо бу такбирларнинг аввалги иккитасидан кейин қўллар ёнларга ташлаб турилади. Учинчи такбирдан сўнг қўллар боғланади.

Имом Фотиҳа сураси билан бир сурани ўқийди, бошқалар қулоқ солиб жим турадилар. Сўнгра рукуъ ва икки сажда қилиниб, иккинчи ракатга турилади.

Иккинчи ракатда имом яна Фотиҳа сураси ва зам сура ўқийди. Сўнгра рукуъдан аввал яна уч марта такбир айтилади, такбирлар орасида қўллар қулоқлар тўғрисигача кўтарилади ва такбирлар орасида улар ёнда тутилади.

Тўртинчи такбир айтиб рукуъга борилади. Рукуъ ва икки сажда қилиб қаъдада ўлтирилади, "ташаҳҳуд", саловот, дуо ўқиб салом берилади.

Сўнг имом минбарга чиқади. Хутбани ўқиганидан кейин яна меҳробга қайтади, дуо қилади.

Рамазон ҳайити кунида тонг отгач, ҳайит намозига-



ча тамадди қилиб, тишларни мисвок билан тозалаб, гусл қилиб покланиб, хушбўй атру гулоблар сешиб, покиза, оҳорли кийимлар кийиб, фитр садақасини бериб ҳайит намозига бормоқ мустаҳаб амаллардандир.

Ҳайит намозигача нафл намоз ўқимоқ макруҳ.

Жума намози кимларга вожиб бўлса, ҳайит намози ҳам уларга вожибдир. Намоздан сўнг икки хутба ўқиш суннатдир.

Ҳайит намозининг вақти қуёш бир найза бўйи кўтарилагач, то туш вақтигачадир. Туш вақти киргач, ҳайит намозини ўқиб бўлмайди.

### **Қурбон ҳайити намози**

Қурбон ҳайити намози ҳам рамазон ҳайити намози кабидир. Лекин қурбон ҳайити намозини ўқишдан илгари бирор нарса истеъмол қилинмайди ва масжидга боргунга қадар такбири ташриқ жаҳран айтиб борилади. Такбири ташриқ будир: "Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд".

Чин арафа куни бомдод намозидан кейин то қурбон ҳайитининг тўртинчи куни аср намозидан кейинга қадар ҳар бир фарз намозларидан сўнг мазкур такбири ташриқни овоз чиқариб айтмоқ вожибдир. (Имом тасолифан бу такбири ташриқни айтишни унутса, жамоат такбири ташриқни овоз чиқариб айтади.)

Вожиб бўлган икки ракатли қурбон ҳайити намози бу тартибда ўқилади: қиблага қараб "Икки ракат қурбон ҳайити намозини ушбу имомга иқтидо қилиб, юзимни Каъбанинг бир томонига қаратиб, холис Аллоҳ таоло учун ҳамма такбирлари билан адо этишни ният қилдим", деб ният қилинади.

Имом билан биргаликда "Аллоҳу акбар", деб биринчи такбир айтилиб, қўллар боғланади. Овоз чиқармасдан "Субҳанака..." ўқилади. Сўнг имом билан биргаликда яна уч бор "Аллоҳу акбар", деб қўллар қулоқлар тўғрисиғача кўтарилиб такбир айтилади, бу такбир-

ларнинг аввалги иккитасидан кейин қўллар ёнларга ташлаб турилади. Учинчи такбирдан сўнг қўллар боғланади.

Имом Фотиҳа сураси билан бирга бир сурани ўқийди, бошқалар қулоқ солиб жим турадилар. Сўнгра рукуъ ва икки сажда қилинади ҳамда иккинчи ракатга турилади.

Иккинчи ракатда имом яна Фотиҳа ва зам сура ўқийди. Сўнгра рукуъдан аввал яна уч марта такбир айтилади. Такбирлар орасида қўллар қулоқларнинг тўғрисиғача кўтарилади ва такбирлар орасида улар ёнда тугилади.

Тўртинчи такбир айтиб рукуъга борилади. Рукуъ ва икки сажда қилиб қаъдада ўлтирилади, "ташаҳхуд", саловот ва дуо ўқиб салом берилади.

Сўнг имом минбарга чиқади. Хутбани ўқиганидан кейин яна меҳробга қайтади, дуо ўқийди.

Ҳайит намозиғача нафл намоз ўқимоқ макруҳ.

Ҳайит намозининг вақти қуёш бир найза бўйи кўтарилгандан то туш вақтигачадир. Туш вақти киргач, ҳайит намозини ўқиб бўлмайди.

### **Бемор кишининг намози**

Агар намоздан олдин ёки намоз ичида пайдо бўлган касаллик сабабли туриб ўқиш узрли бўлса, ўтириб рукуъ ва сажда қилган ҳолда намоз ўқилади ёки давом эттирилади. Агар туриш ҳам, рукуъ ва сажда қилиш ҳам узрли бўлса, ўтириб боши ёрдамида имо-ишора билан рукуъ ва сажда қилиб намоз ўқилади.

Аммо намозхоннинг тик туриб намоз ўқиши узрли бўлмаса-ю, рукуъ ва сажда қилиши узрли бўлса, у ҳолда намозни ўтириб, рукуъ ва саждани имо билан қилиб адо этгани афзалдир.

Ишора билан намоз ўқувчи саждасини рукуъсидан пастроқ қилади, аммо ўша узр билан ўқийдиган кишининг сажда қилиши учун бирор нарса кўтариб турилмайди.

Агар бемор кишига ўтириб ҳам намоз ўқиш узрли бўлса, бу пайтда у ёнбошлаб, қиблага юзланган ҳолда

ёки орқаси билан ётиб намоз ўқийди. Лекин орқаси билан ётиб ишора қилиши яхшироқдир. Бетоб кишига бош билан ишора қилишлик ҳам мумкин бўлмаса, намоз тўхтатиб турилади.

Ишора билан намоз ўқувчи киши намоз ичида тузалиб қолса, намозини бошидан қайта ўқийди. Рукуъ ва сужудларни ўтирган ҳолда адо этаётган намозхоннинг саломатлиги намоз ўртасида яхшиланиб қолса, қолган намозларини тик турган ҳолатда давом эттиради.

Сузаётган кемада намоз ўқиётган киши ҳеч қандай узрсиз ҳам намозини ўтириб ўқиши мумкин.

Қирғоққа боғлаб қўйилган ва тўхтаб турган кемаларда эса намозхон ибодатини тик турган ҳолатда адо этади. Агар узрли бўлса, ўтириб ўқийди.

Намозхон бир кечаю бир кундуз ичида ҳушдан кетган бўлса ёки жинни бўлиб турса, ўқишга қодир бўлмаган намозларининг қазосини адо этади. Ҳушдан кетиши ёки жиннилиги бир кеча-кундуздан зиёда бўлса, қолдирган намозлари қазосини ўқиши лозим бўлмайди.

## **Кун ва ой тугилгандаги нафл намозлари**

Кун (қуёш) тугилган вақтда имом одамлар билан бирга 2 ракат нафл намози ўқийди. Ҳар икки ракатни ҳам махфий ва қиротини узун қилиб ўқийди. Кейин токи очилиб кетгунича дуо қилади.

Агар имом бўлмаса, қуёш тугилган вақтда ўқиладиган намозни одамлар якка-якка ўқишади. Ой тугилганда ҳам кишилар якка-якка ҳолда икки ракат нафл намоз ўқишади.

## **Сув талаб қилишдаги нафл намози**

Сув талаб қилишда жамоат бўлиб, қиблага юзланган ҳолда дуо ва истиффор айтилади. Бунда намозни якка-якка ўқимоқ жоиздир. Сув талаб қилаётганда кийимлар тескари қилиб кийилмайди.

## Саждаи саҳв

Намозда адашиб ёки эсдан чиқиб бирор рукни бош-қасидан олдин қилса ёки вожиб амални тарк қилса ёхуд ўрни алмаштириб қўйилса, "саждаи саҳв" (хатони ислоҳ қилиш саждаси) вожиб бўлади. Билган ҳолда фарз ва вожибни тарк қилган киши гуноҳкор бўлади ва бу нуқсонни тузатиш учун саждаи саҳв кифоя қилмаганидан намозини қайта ўқийди. Саждаи саҳв қилмоқчи бўлган киши икки томонга (жамоат намозида ўнг томонига) салом берганидан сўнг "Аллоҳу акбар", деб такбир айтиб яна икки марта сажда қилади, сўнг ташаҳҳуд, саловот ва дуо ўқийди ҳамда яна икки томонга салом беради. Саҳв саждасини лозим қилган бир неча сабабга фақат бир саждаи саҳв қилинади. Саждаи саҳв қилишга сабаб бўлувчи омиллар ушбулар: рукн тақрори, рукн тақдими (илгари бажариш), рукн таъхири (кечиктириш), таъйири вожиб, тарки вожиб, таъхири вожиб.

## Саждаи саҳв вожиб бўлган ўринлар

Намозни адо этиш чоғида саждаи саҳв қилишга сабаб бўладиган янглишишлар ва хатога йўл қўйишлар бир неча хил бўлади:

- намоз ичидаги рукн (фарз)ларни ўз вақтида адо этмаслик ёки ўрнини ўзгартириш;
- намоз ичидаги вожиблардан бирини ўз вақтида адо этмаслик ёки ўрнини ўзгартириш;
- вожиб амаллардан бирини тарк этиш.

Қуйидаги ҳолларда саждаи саҳв қилинади:

- қаъдаи уло (аввалги икки ракатидан сўнг ўтириш) - да ташаҳҳудга қўшиб саловот ("Аллоҳумма соли ало Муҳаммадин...")ни ўқиб қўйса;
- аввалги икки ракатдаги қироатни ўрнидан таъхир қилиб қўйса;
- аввалги икки ракатдан бирида зам сура ўқишдан олдин ташаҳҳуд ўқиб қўйса;

· намознинг уч ёки тўрт ракатини ўқиганига шубҳа қилса-ю, у билан машғул бўлиб, салом беришни кечиктириб қўйса;

- қаъдаи улода ташаҳхудни такроран ўқиб қўйса;
- рукуъ қила туриб шубҳа билан ўйланиб туриб қолса;
- сажда қила туриб шубҳа билан ўйланиб туриб қолса;
- намозда туриладиган ўринда ўтирса;
- ўтирадиган ўринда туриб кетса;

· аввалги икки ракатда сураи Фотиҳадан олдин бирор сурани ўқиб қўйса;

· зам сурадан бир-икки калима ўқиганидан кейин сураи Фотиҳани ўқимаганини эслаб қолиб, сураи Фотиҳани ўқиса;

· аввалги икки ракатда сураи Фотиҳадан кейин ташаҳхудни ўқиб қўйса;

· охириги қаъдани унутиб туриб кетса-ю, охириги қаъдалигини эслаб ўтирганда;

· рукуъда туриб қироат қилиб қўйса;

· саждада туриб қироат қилиб қўйса;

· сураи Фотиҳани ўқиганидан кейин қайси сура ўқишни фикр қилиб бир рукн миқдори туриб қолса;

· охириги қаъдада ўтирганидан кейин адашиб туриб кетса ва сажда қилиб қўйган бўлса, фарзи тамом бўлади ва унга бир ракат қўшиб, кейин саждаи саҳв қилиб қўяди;

· қовмани эсдан чиқариб тарк қилса;

· фарз намозининг аввалги икки ракатида зам сура қилмаган бўлса-ю, учинчи ракатга зам сура қилса;

· жаҳрий ўқиладиган намозлар (шом, хуфтон ва бомдод)ни қазо қилиб қўйиб, қазосини ўқишда имом адашиб намозини махфий ўқиб қўйса, саждаи саҳв қилади;

· масбуқ имом билан саждаи саҳв қилиб қолган намозини ўқиётганда саждаи саҳв бўладиган амални қилиб қўйса, намозининг охирида саждаи саҳв қилади;

· масбуқ саждаи саҳв қилишда имомга тобе бўлмаса, кейин қолган намозини ўқиётганда хато қилмаса ҳам, саждаи саҳв қилиб қўяди.

- намознинг аввалги икки ракатида ёки бирида сураи Фотиҳани тарк қилиб қўйса (қолдирса);
  - Қунут дуосини тарк қилса;
  - ташаҳхуднинг баъзи калимасини тарк қилиб қўйса (чунки баъзисини тарк қилишлик ҳаммасини тарк қилганга ўхшайди);
  - сураи Фотиҳанинг озроқ оятини ўқиб, кўпроғини тарк қилиб қўйса (чунки кўпроғини тарк қилишлик ҳаммасини тарк қилганга ўхшайди);
  - саждаи саҳв қилаётганда саждаи тиловатни тарк қилганини эсласа (бунда саждаи тиловатни тарк қилган бўлади, кейин саждаи саҳв вожиб бўлади);
  - сураи Фотиҳадан сўнг қисқа бўлган оятдан уч оятга етказмай зам сура қилса;
  - аввалги қаъда (ўтириш)ни тарк қилиб қўйса;
- Юқоридаги ҳолатларнинг барчасида саждаи саҳв қилиш вожиб бўлади.

### Тиловат саждаси

Қуръони каримнинг ўн тўрт сурасидаги (баъзи мазҳаблар Ҳаж сурасининг икки жойида деб ҳисоблайди) сажда оятлари ўқилганида ёки бошқанинг оғзидан эшитилганда қилинадиган сажда амали "тиловат саждаси", дейилади. Сажда ояти бўлган суралар қуйидагилар: Аъроф сурасининг 206-ояти, Раъд сурасининг 15-ояти, Наҳл сурасининг 49-ояти, Исро сурасининг 107-ояти, Марям сурасининг 58-ояти, Ҳаж сурасининг 18-ояти, Фурқон сурасининг 60-ояти, Намл сурасининг 24-ояти, Сажда сурасининг 16-ояти, Сод сурасининг 24-ояти, Фуссилат сурасининг 37-ояти, Нажм сурасининг 62-ояти, Иншиқоқ сурасининг 21-ояти, Алақ сурасининг 19-ояти.

Ҳайз ва нифосдаги аёлларга сажда оятини ўқиш ва эшитиш билан тиловат саждаси қилиш вожиб бўлмайди.

## Сутра

Намозхон олдидан инсон кесиб ўтиш эҳтимоли бўлганида унинг олдига (икки қошидан бири тўғриси-га) тик қилиб қўйиладиган узунлиги камида бир зироъ (ярим метр), йўфонлиги камида бармоқдай бўлган калтак, темир каби нарсалар "сутра", дейилади. Олдидан одам ўтиш эҳтимоли бор жойда сутра қўймай намоз ўқиш макруҳдир. Сутрага яқин туриш суннатдир. Агар сутра учун бирор нарса топилмаса, узун бир тўғри чизиқ чизилади.

## Закот

"Закот" сўзининг луғавий маъноси - поклаш, орттириш, ривожланиш, баракот маъноларини англатади. Закот берганнинг моли покланиб, унга барака киради.

Моли нисобга етган одамнинг ҳар қамарий йилда бир марта молининг белгиланган миқдорини Аллоҳ тайин қилган ҳақдорларга бериши шариатда "закот", дейилади.

Закот - динимизнинг беш асосий рукнидан бири, молиявий ибодатдир. Закотнинг фарзлиги Китоб, суннат, ижмоъ билан собитдир. Уни инкор этган диндан чиқади, ишониб адо этмаган улкан гуноҳ орттиради.

Закот ҳижратнинг иккинчи йили фарз қилинган. У балоғатга етган, ақли, бир қамарий йил тўлган нисоб миқдоридаги (ҳукман бўлса ҳам) кўпаювчи мол-мулкка эга мусулмонга фарз бўлади.

Закотни бераётганида ёки мулкидан ажратаётганида унинг закот эканини ният қилиши лозим. Фақир олаётган моли закот эканини билиши шарт эмас. Закот берувчи закотдан деб ният қилиб бир фақир ёки етимнинг қорнини тўйдирса, бу харажат закот ўрнига ўтмайди. Шаръий закот Қуръон ва суннатда "садақа", деб ҳам номланган. Солиқлар закот ўрнига ўтмайди.

## Нисоб

Луфатда "нисоб" сўзи асл, асос, негиз, миқдор, даража, ҳисса маъноларини англатади. Шаръий истилоҳда эса кишининг моли, маблағидан закот бериш учун муайян миқдорни англатади.

Қарзлардан ортган пул қиймати 20 мисқол (85 грамм) олтин, 140 мисқол (200 дирҳам) кумуш (595 грамм) миқдорида бўлса, унинг қирқдан бири (2,5 фоизи) закот қилиб берилади.

Қўй ва эчки нисоби 40 та, сигир ва ҳўкиз нисоби 30 та, туя нисоби 5 та. Закот молнинг жинсидан (яъни, ўзидан) ёки пулга чақиб берилади.

## Ушр

Луфатда "ўндан бир ҳисса", деган маънони билдиради. Шаръий истилоҳда эса экинлар, мевали дарахтлар ҳосили ва асаддан фақирларга бериладиган ўндан бир улуш "ушр", дейилади. Агар ҳосил чиғир, насос, челақ каби сунъий суғориш йўли билан олинган бўлса, унинг йиғирмадан бир қисми садақа қилиб берилади. Бойкамбағаллигидан қатъий назар ҳар бир мусулмон учун ушр бериш шарт. Ушрини бермай ёки беришга қатъий аҳд қилмай туриб, эгасининг ҳосилдан истеъмол қилиши ҳам мумкин эмас. Ушр беришда ернинг харажатлари чиқариб ташланмайди.

## Ҳайвонлар, тилла ва кумуш закоти

Қўйлар учун закот. Қирқтадан камига закот берилмайди. 40 тадан 120 тагача - битта қўй, 121 тадан 200 тагача - иккита қўй, 201 тадан 399 тагача - учта қўй, 400 дан 499 тагача - тўртта қўй, 500 дан 599 тагача - бешта қўй закот берилади.

Қорамол учун закот. Ўттизтадан камида закот берилмайди. 30 тадан 39 тагача - битта табиъ (бир ёшдан



иккига ўтган эркак ёки урғочи мол), 40 тадан 59 тагача - битта мусинна (икки ёшдан уч ёшга ўтган эркак ёки урғочи мол), 60 тадан 69 тагача - иккита табиъ, 70 тадан 79 тагача - битта табиъ ва битта мусинна, 80 тадан 89 тагача - иккита мусинна, 90 тадан 99 тагача - учта табиъ закот берилади.

Туя учун закот. 5 тадан 9 тагача - битта қўй, 10 тадан 14 тагача - иккита қўй, 15 тадан 19 тагача - учта қўй, 20 тадан 24 тагача - тўртта қўй закот берилади. 25-35 тагача битта икки ёшга ўтган бўғалоқ, 36-45 тагача уч ёшга ўтган бўғалоқ, 46-60 тагача битта тўрт ёшга ўтган бўғалоқ, 61-75 тагача беш ёшга ўтган бўғалоқ, 76-90 тагача иккита уч ёшга ўтган бўғалоқ, 91-120 тагача иккита тўрт ёшга ўтган бўғалоқ берилади.

Қўй, қорамол ва туя йилнинг аксар ойларида яйловда юрсагина улардан закот берилади.

Тилла, кумуш ва пуллар закоти. Тилла-кумуш қандай шаклда эканидан қатъий назар (хоҳ танга, хоҳ тақинчоқ, тижорат ният қилинган-қилинмаган бўлсин) закоти берилади. Тилланинг нисоби 20 динар, оғирлиги 20 мисқол (85 грамм), кумуш нисоби 200 дирҳам, оғирлиги 140 мисқол (595 грамм).

Тижорат моллари учун закот. Тижорат молларининг қиймати нисоб миқдорига етса улар қийматининг қирқдан бири закот учун берилади. 85 грамм тилла ёки 595 грамм кумушга тўғри келса, моли нисобга етган ҳисобланиб, закот бериш фарз бўлади.

### **Закот бериладиган кишилар**

Закот Ислом шариатида қуйидагиларга берилади:

- фақирларга, яъни моли нисобга етмаганларга;
- мискинларга, яъни ҳеч нарсасиз йўқсилларга;
- омилларга, яъни закот йиғувчиларга;
- озод бўлиш учун хўжайини билан шартнома тузган қулларга;
- муаллафатул-қулубга, яъни кўнгли Исломга мойил бўлиб турганларга;

- қарздорларга, яъни молидан қарзи кўшларга;
- Аллоҳ йўлидагиларга, яъни ҳаж йўлида, урушда, илм талабида юрганларга;
- йўлда қолган мусофирларга, мамлакатларига етиб олгулик миқдорда закот берилади.

Бобо-момо, ота-она, фарзандлар, бойларга закот берилмайди. Эр хотинига ва хотин эрига ҳам закот берилмайди. Аммо ака-ука, опа-сингил, амма-амаки, тоға-хола каби қариндошларга закот берилади.

### Рўза (совм)

Совм (рўза) - луғатда "ўзни тийиш", дегани. Шаръий истилоҳда эса муборак рамазон ойида тонг отганидан то қуёш ботгунча ният билан овқат емаслик, ичимликлар ичмаслик, жинсий яқинлик қилмаслик рўзадир. Рўза тутиш Ислом динининг беш рукни (асоси)дан биридир, Қуръон ва суннат билан собит бўлган.

Рўза дастлаб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинаи мунавварага ҳижрат қилганларидан кейин орадан бир ярим йил ўтгач фарз бўлди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай хабар қилади: "Эй иймон келтирган бандалар, сиздан олдинги умматларга фарз қилинганидек, рўза сизларга ҳам фарз қилинди. Шоядки, сизлар шу санокли рўза кунларида Аллоҳдан қўрқиб, гуноҳ ишлардан қайтиб, Унинг буйруқларига бўйсуниб, тақводор бўлсангизлар" (Бақара сураси, 183-оят).

Рўза ақли бутун, соғлиғи яхши бўлган ҳар бир мусулмон эркакка, ҳайз ва нифосдан пок бўлган мусулмон аёлларга фарз қилинган. Ҳайз ва нифос кўрган аёллар рўза тутишмайди, кейин қазосини тутиб беришади.

Рамазон рўзасининг асосий шартларидан янги ойни кўриб рўза тутиш ва рўзага ният қилишдир. Рамазон ойида ношаръий амаллар қилмаслик, тилни ғийбат, ёлғон сўзлардан тийиш, ўзгага озор бермаслик, яхши хулқли ва раҳм-шафқатли бўлиш рўза одобларидандир.

## Рўза турлари

Фарз рўза - Қуръони карим, суннати набавийя ва ижмоъ билан фарзлиги исбот қилинган рамазон ойида тутиладиган рўза.

Қазо рўза - рамазон ойида узрли сабабларга кўра рўза тута олинмаган кунларни бошқа ойларда тутиб бериш. Аллоҳ таоло: "Сизлардан кимки касал бўлса ёки мусофирчиликда бўлса, рўзани бошқа кунлари тутиб беради", деган.

Назр рўза - Аллоҳга яқинлик қилиш мақсадида инсон ўзи ўз зиммасига вожиб қилган рўзадир. Мусулмон одам неча кун рўза тутишни назр қилган бўлса, унга шунча кун рўза тутиш вожибдир. Чунки Аллоҳ таоло: "Назрларига вафо қилсинлар", деб ваъдага вафо қилишга буюрган.

Каффорат рўза - рамазон ойида кундуз куни қасддан хотини билан яқинлик қилгани ёки озуқалангани учун тутиладиган рўза.

Нафл рўза - мусулмон одам Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилиш мақсадида тутадиган, аммо вожиб бўлмаган рўза. Бундай рўзани тутиш баъзи кунлари мустаҳаб, баъзи кунлари макруҳ, баъзи кунлари эса мамнуъдир.

Изоҳ: ҳожилардан бошқалар учун арафа куни, ашуро куни, шаввол ойдан олти кун, ҳар ойнинг 13, 14 ва 15-кунлари, ҳар ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари нафл рўза тутилади.

Икки ҳайит кунлари, шак кунлари, ташриқ кунларидан уч кун, эри ёнида бўлган хотиннинг эр рухсатисиз нафл рўза тутиши мамнуъ ҳисобланади.

## Рўзани бузмайдиган нарсалар

1. Рўза тутганини унутиб таом ейиш (рўзадорлигини унутиб овқат еяётган киши ифторгача чидай олмас даражада оч ёки ташна бўлса, унга рўза тутгани эсла-

тилмайди. Ифторгача сабр қилишга кучи етиши аниқ бўлса, рўздорлиги эслатилади).

2. Рўздорлигини унутган ҳолда ичимлик ичиш, жинсий алоқа қилиш.

3. Эркак ёки аёлнинг шаҳват қўзғайдиган жойига тикилиб қолиб, шаҳват суви чиқиши.

4. Шаҳват қўзғовчи нарсаларни (узоқ) ўйлаб қолиб, шаҳват суви чиқиши.

5. Сочга ёғ (ранг) суриш.

6. Сурма қўйиш ёки кўзга ранг суриш, гарчи сурилган нарсанинг таъми сезилса ҳам.

7. Қон олдириш.

8. Ғийбат қилиш.

9. Рўзани бузишга ният қилиб, бузмаслик.

10. Ўзи хоҳламаган ҳолда тутун ютиши.

11. Тегирмон (ун) чанги бўлса ҳам, томоқдан ўтиши.

12. Томоқдан пашша ёки чивин ўтиб кетиши.

13. Оғизда қолган бирор нарсанинг таъмини тупуги билан ютиш.

14. Эрталаб эҳтилом бўлиб уйғониш, ҳатто кечқурун гача жунуб ҳолида қолса ҳам.

15. Закарига ёғ суриш.

16. Қулоқдан сув кириб кетиши.

17. Қулоғини кавлаган чўпдаги кирни олиб, яна шу чўп билан қулоқ кавлаш.

18. Бурун суви (манқа)ни тортиб, ичга ютиш.

19. Оғиз тўла келиб, кейин ичга қайтиб кетган қусуқ.

20. Бармоғини томоғига тикиб оғиз тўлмайдиган ҳолда қусиш.

21. Тишлар орасида қолган нўхатдан кичикроқ нарсани ютиш.

22. Оғизга седана, кунжут каби кичик нарсаларни солиб, таъми йўқолиб кетгунича ютмай чайнаш.

### **Рўзани бузадиган ҳолатлар**

Қуйидаги 21 ҳаракатни ўз хоҳиши билан қасддан қилган кишининг рўзаси бузилади, унга ҳам қазо, ҳам каффорат вожиб бўлади:

1. Икки йўлдан бирига жинсий алоқа қилиш. Бунда ҳам қазо, ҳам каффорат вожиб бўлади.

2. Хоҳ озиқ, хоҳ дори бўлсин, деб бирор нарса емоқ.

3. Хоҳ озиқ, хоҳ дори бўлсин, деб бир нарса ичмоқ.

4. Оғизга кирган ёмғир (қор) томчисини била туриб ютмоқ.

5. Хом гўшт (ҳидланган, ачиган) бўлса ҳам, ейиш, кишини ижиргантирадиган даражада қурт босган гўшт бундан мустасно, чунки озуқалик белгиси йўқолганлиги учун еганнинг рўзаси бузилади-ю, каффорат вожиб бўлмайди.

6. Мол чарвиси ёғини ейиш.

7. Қовурилган гўшт емоқ.

8. Буғдой донасини оғизга солиб, чайнаб ютиш.

9. Буғдой донасини тиш билан майдалаб ейиш. Бироқ бир дона буғдой чайналавериб, эриб кетиб томоқдан ўтса, рўза бузилмайди, каффорат вожиб бўлмайди.

10. Буғдой донасини оғизга солиб чайнамай ютиш, оғизга кунжут солиб чайнамай ейиш.

11. Буғдой, кунжут кабилардан бир неча доналарни ейиш.

12. "Арманий тупроғи", деб аталувчи (илгарилари дори сифатида фойдаланилган) тупроқни ейиш.

13. Ўзи еб ўрганиб қолган тупроқ ё кесакни ейиш.

14. Туз ейиш.

15. Хотинининг ёки суйган кишисининг тупугини ютиш.

16. Гийбат қилиб, кейин рўзам бузилди, деб нарса ейиш.

17. Қон олдиргандан сўнг рўзам очилди, деб бирор нарса ейиш.

18. Эркак ва аёлнинг шаҳват билан жинсий аъзоларини бир-бирларига текказиб (инзол, жинсий алоқа ҳосил бўлмасдан), кейин рўза очилганини ўйлаб бирор нарса ейишлари.

19. Эркак ва аёлнинг шаҳват билан (инзол бўлмасдан) ўпишишганидан кейин рўза очилди, деб ўйлаб бирор нарса ейишлари.

20. Шаҳват билан қучоқлашишганидан кейин рўза очилди, деб ўйлаб таом ейиш.

21. Мўйловини ёғлаганидан сўнг рўза очилди, деб таом ейиш.

Мажбур ҳолда, яъни эрига бўйсуниб жинсий алоқада бўлган аёлга ҳам каффорат вожиб бўлади.

### Қадр кечаси

Лайлатул-қадр (қадр кечаси) рамазон ойининг ичига яширилган энг фазилатли, минг ойдан ҳам яхшироқ, гуноҳлар кечириладиган, дуолар ижобат бўладиган кечадир. Қуръони карим қадр кечасида нозил этилган. Бу кечада ибодатга ғайрат қилинади, Аллоҳга кўп ҳамд-саловотлар айтилади, гуноҳлар мағфирати сўралади. Бу кечада ихлос билан савоб умидида қоим бўлган кишининг ўтган барча гуноҳлари авф қилинган, иншааллоҳ. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига биноан лайлат ул-қадр рамазон ойининг 26 дан 27 га ўтар кечасидир.

### Эътикоф

"Бир нарсани лозим тутиш, ушлаб қолиш, туриб қолиш" маъносини англатади. Шариатда эса рўзадорнинг масжидда Аллоҳга қурбат (яқинлик) ҳосил этиш ниятида ўтириши "эътикоф", дейилади. Масжидда эътикоф ўтириш Қуръони карим ва суннати набавийя билан собит бўлган. Зухрийнинг хабарича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этгунларига қадар эътикофни тарк этмаганлар.

Эътикоф муҳлати бир кундан ўн кунгача. Бир кунлик эътикофни қасд қилган одам тонг отмасдан масжидга кириб, қуёш ботгач чиқади. Кўп кунлик эътикофни ўзига назр қилган киши масжидга қуёш ботишидан олдин кириб, кейинги куни қуёш ботгандан сўнг чиқади.

Эътикофдаги киши фақат табиий ҳожатини қондириш (тахорат, гусл) учунгина масжиддан чиқади, масжидда ухлайди, овқатланади, зарур нарсаларни харид қилади, фақат ухровий, хайрли сўзларни гапиреди.

### **Фитр садақаси**

Луғатда "фитр" сўзи оғиз очиш, яъни рўза тутишнинг тўхтатилишини англатади. Фитр садақаси рамазон ойи якуни билан боғланган садақа бўлиб, у ой давомида тутилган рўзанинг Аллоҳ даргоҳида қабул бўлмоғи учун, билиб-билмай йўл қўйилган хато-нуқсонлардан поклаш учун берилади. У оиладига катта-кичик ҳисобидан жон бошига берилгани боис "бош садақа", деб ҳам аталади. Унинг миқдори буғдой (ун), талқондан жон бошига ярим соъ (1900 грамм), арпа, қуруқ хурмо ва майиздан бир соъ (3800 грамм) қилиб белгиланган. Уламоларимиз ҳисобга тўғри ва осон бўлиши учун икки кило буғдой миқдорини асос қилиб олишган. Уни бериш вақти рўза ҳайити куни субҳи содиқдан бошланади, намозга чиқишдан олдин адо этиш мустаҳаб. Лекин уни ҳайитдан аввал берса ҳам бўлаверади.

Фитр садақаси рамазон ойининг сўнгига етишган ва ҳожати аслиясидан бошқа нисобга етган молга эга бўлган мусулмонга вожибдир.

Кичик болалар садақасини бериш отасига вожиб. Балоғатга етган болалари ва хотини учун фитр садақасини бермоқ вожиб эмас. Уни байрам (ийди рамазон) куни тонг отганда бериш вожиб ва савоблидир. Фақирлар эҳтиёжини ўйлаб байрамгача олдинроқдан бериб қўйилса яхши.

Фитр садақаси фақат закот бериладиган кишиларга берилади. Бир фақир кишига бир неча фитрни тўплаб топширса бўлади, аммо бир фитр садақаси бир неча фақирга тақсимланмайди. Фитр садақаси дунё ва охираат саломатлигига, рўзанинг мақбуллигига, қабр азобидан қутулишга сабаб бўлиши билдирилган.

## Ҳаж

Луғатда "қасд қилиш" маъносида. Шаръий истилоҳда эса Каъбада ибодат қилиш учун қасд этиш тушунилади. Ҳаж ҳам баданий, ҳам молий ибодат бўлиб, Исломнинг бешинчи рукнидир. Ҳаж балоғатга етган, ақлли, ҳур-озод, оиласидан ошиқча етарли озуқа ва сафар воситасига қодир бўлган, жисмонан соғ-бақувват мусулмонларга йўллар очиқ ва бехатар бўлган тақдирда умри давомида бир марта фарздир. Ҳаж эътимодли манбаларга кўра, ҳижратнинг тўққизинчи йили, баъзи ривоятларга кўра эса, олтинчи йили Қуръон ва суннат ҳукми ила фарз бўлган. Ҳажнинг фарзлигини инкор қилган кофир бўлади.

Ҳажнинг вақти шаввол, зулқаъда ойлари ва зулҳижжа ойининг дастлабки ўн кунидир. Ҳажнинг иккита асосий рукни бор: бир лаҳза бўлса ҳам, Арафотда туриш, зиёрат тавофини адо этиш.

Ҳаж уч хил: ифрод, таматтуъ, қирондан иборат.

## Умра

"Умра" луғатда "зиёрат, ободлик", деган маънода. Каъбатуллоҳни махсус ҳолатда, махсус кийимда зиёрат қилмоқ "умра", дейилади. Уни "кичик ҳаж", деб ҳам аташади. Умрда бир бор умра қилиш таъкидланган суннатдир. Умрани қурбон ҳайитининг чин арафаси, биринчи ва ташриқ кунларидан ташқари йил давомида адо этиш мумкин. Умра ихром, Каъбани тавоф қилиш, Сафо ва Марва оралиғида саъй қилишдан иборат.

## Ҳажнинг рукнлари (фарзлари)

1. Ихром (ният ва талбия).
2. Арафа кuni қиёмдан сўнг бир лаҳза бўлса ҳам, Арафотда вуқуф қилиш (туриш).
3. Зиёрат тавофи қилиш.



## Ҳажнинг вожиблари

1. Мийқотдан ихром билан ўтиш.
2. Тавофни Ҳажар ул-асваддан бошлаш.
3. Тавофни пок ҳолда етти марта қилиш.
4. Қодир бўлганларга юриб тавоф қилиш.
5. Ҳар етти марта тавоф қилгандан сўнг икки ракат намоз ўқиш.
6. Сафо ва Марва орасида саъй қилиш.
7. Сафода саъйни ният билан бошлаб, Марвада тугатиш.
8. Саъйда қодир бўлганларга юриш.
9. Юришнинг етти марта бўлиши.
10. Муздалифада туриш.
11. Қурбон ҳайити ва ташриқ кунлари Жамратулақабда тош отиш.
12. Соч оддириш ёки қисқартириш.
13. Маккалик бўлмаган ҳожиларнинг видо (хайрлашув) тавофи қилишлари.
14. Арафотда қуёш ботгунча туриш.
15. Сатри аврат.
16. Зиёрат тавофини ҳайит кунлари ичида қилиш.

## Ҳажнинг суннатлари

Ҳажнинг суннатлари кўп бўлиб, асосийлари қуйидагилар:

1. Ихромга киришдан аввал ғусл қилиш.
2. Ихромга кираётганда икки ракат намоз ўқиш.
3. Талбия айтиш.
4. Маккалик бўлмаганларнинг қудум тавофи қилиши.
5. Тавофни кўп қилиш.
6. Саъй ададлари орасини узлуксиз қилиш.
7. Тарвия куни қуёш чиққач, Маккадан Минога йўл олиш ва ўша тун Минода қолиш.
8. Тош отишни кечқурунгача кечиктирмаслик.

9. Иложи борича хушувъ билан, ёлворган ҳолда кўпроқ дуо-илтижо қилиш.

### **Ҳажни адо этиш тартиби**

Ҳаж қилмоқчи бўлган киши қуйидаги амалларни бажариши керак:

1. Мийқотда ё ундан олдин ихромга кириш.
2. Ихромга киришдан олдин тирноқларни, ортиқча жунларни олиш.
3. Мўйлабларни қисқартириш.
4. Фусл ёки таҳорат қилиш.
5. Янги ёки ювилган изор ва ридо кийиш, улар оқ ва янги бўлгани афзалдир.
6. Агар бор бўлса, хушбўйлик сепиш.
7. Икки ракат намоз ўқиш (бу амаллар мустаҳаб).
8. Намоздан сўнг "Аллоҳумма инний урийдул ҳажжа фаяссирҳу ли ва тақоббалҳу минни", деб дуо қилиш. Маъноси: "Аллоҳим, мен ҳаж қилмоқчиман, уни менга осон қил ва мендан уни қабул эт".
9. Икки ракат намоздан сўнг ҳажни ният қилиб талбия, яъни "Лаббайка" айтади. Ният қилиб талбия айтгач, ихромга кирган ҳисобланади.
10. Талбиядан сўнг Пайғамбаримиз соллаллаҳу алайҳи ва салламга саловот айтиш.
11. Шундан сўнг яхши дуо қилиш мустаҳабдир.

### **Ҳажнинг мақбул бўлиш шартлари**

Ҳаж ибодати давомида бирор гуноҳ қилмаган, бузуқ сўзлар айтмаган ҳожи онадан янги туғилганидек гуноҳларидан пок бўлади. Бу Расули акрамнинг (с.а.в.) башоратларидир.

Бунинг учун ҳожи:

— ҳаж арконлари ва амалларини тўла бажариши, энг аввало, ниятни холис қилиши керак. Зеро, амаллар натижаси ниятга боғлиқ. Ҳар бир кишига ният қилгани бўлади;

– мусулмон учун энг муҳим ишлардан яна бири топган ва тўплаган моли, маблағининг ҳалол, пок бўлишидир. Бу унинг барча яхши амаллари, жумладан, ҳаж ибодатининг ҳам мақбул бўлиш шартларидандир. Аллоҳ таоло покдир. Фақат пок амални қабул қилади;

– агар зиммасида қарзи бўлса, уларни узиши, олган омонатини қайтариши, ундан ранжиганларнинг кўнглини олиши, қайтиб келгунича қарамоғидагиларга етадиган нафақани ҳозирлаши керак. Банданинг бошқа бир банда зиммасидаги ҳаққини ўша одам кечмагунича Аллоҳ таоло кечмайди;

– ҳаж йўлига тушган мўмин ўтган гуноҳларига чин дилдан тавба қилиши, ўзини гўё дунёдан охиратга ўтаётгандай ҳис этиши, солиҳ амаллар қилишга шошилиши лозим. Аллоҳ таолонинг розилигидан бошқа ўй-хаёлларни қалбидан чиқариши керак;

– муборак ҳаж сафарида ҳожи йўлдошлари билан гўзал муносабатда бўлиш лозим. Улар билан тортишмаслиги, уларнинг эътирозига боис бўлувчи ишларни қилмаслиги, уларга озор етказмаслиги, озорларига сабр қилиши керак;

– сафари давомида гуноҳдан, беҳуда ишлардан ва бузуқ сўзлардан йироқ бўлиши ва қолган ҳаётида ҳам бунга доимо қатъий амал қилиши лозим;

– ихромда бўлганида биринчи Ақбада тош отгунича ҳар намозидан сўнг тепалик жойга чиққанида, пастлик ерга тушганида, ҳожилар гуруҳига йўлиққанида талбия айтмоғи керак;

– Ҳарам ҳурматини топтамаслиги, ундаги гиёҳларни юлмаслиги, дарахт шоҳларини синдирмаслиги, ҳайвонларни овламаслиги, ўлдирмаслиги керак;

– Зам-зам сувидан тўйиб-тўйиб ичиши керак. Боши ва танаси устидан уни қуйиши зарур. Зам-зам сувидан тўйиб ичиш нифоқдан қутилишдир. Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.): «Зам-зам суви ва дўзах ўти кишининг ичиде жам бўлмайди», деб марҳамат қилганлар. Бу зам-зам суви ҳақидаги башоратлардандир;

– Мадинаи мунавварани ҳам Маккаи мукаррама каби эъзозлаши лозим;

— Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қабрларини зиёрат этишни фанимат билиши зарур. Зеро, бу иши Расулуллоҳни тирик чоғларида зиёрат қилиш кабидир. Расулуллоҳни зиёрат қилиш у зотнинг шафоатларига етишувга сабаб бўлади.

### **Ҳажда ман қилинган амаллар**

Иҳромга киргач, аёли билан жинсий яқинлик қилишдан, ёмон сўз айтишдан, гуноҳ қилишдан, тортишишдан, қуруқликдаги ҳайвонни овлашдан ё овчига уни кўрсатишдан, тикилган либос кийишдан, салла ўрашдан, оёққа маҳси кийишдан, бош ва юзни беркитишдан, атир сепишдан, соч ва соқол олдиришдан, тирноқ олишдан сақланиш лозим.

Иҳром кийган ҳолда ғусл қилиш, ҳаммомга кириш, кажава ва чодирга кириб салқинланиш, белга камар ва шунга ўхшаш нарсаларни тақиш жоиздир. Ҳар намоздан сўнг, пастдан юқорига чиқаётганида ёки водийга тушаётганида, ҳожилар гуруҳига дуч келганида ҳамда саҳар вақтида эркаклар овозини чиқариб талбия айтишади.

### **Мийқот**

Маккаи мукаррамага бораётганлар иҳромсиз ўтишлари мумкин бўлмаган жойлар "мийқот", дейилади. Ироқ томондан келадиганлар учун - Зоту Ирк, Шом, Миср. Мағриб ҳожилари учун - Ал-Жухфа, Мадинадан келганларга - Зул-Ҳулайфа, Нажд ва Қувайт ҳожилари учун - Қарн, Яман ва ҳинд ерларидан келганларга - Яламлам, деган жойлар мийқот саналади. Ҳожилар мийқотда покланиб, иҳромга кирадилар ва ҳаж арконларини бошлайдилар. Баъзи ўлкаларда самолётга чиқиш олдидан иҳромга кириш ҳам жорий этилган.

### **Иҳром**

Ҳаж ёки умра ниятида иҳромга кирган одам шариатда кўрсатилган бир қанча нарса ва ишларни ўзига ҳаром қилгани тушунилади.

Ҳаж ёки умра қилувчи ҳаж мавсумида ўраладиган мато ҳам "ихром", дейилади. Ихром янги, оқ матодан бўлиб, нина ёки тикув машинаси билан бирор жойи тикилмаган бўлиши керак. Ихром икки бўлақдан иборат бўлиб, бири билан инсоннинг аврат қисми ўралади, иккинчиси билан белдан юқори қисми беркитилади.

Аёллар ўз кийимларида ҳаж ёки умра қилишади.

Киши ҳаж ёки умрани ният қилиб талбия айтиши билан ихромга кирган ҳисобланади.

Киши ихромга киргач, қўйидаги амаллардан тийилмоғи шарт: жинсий алоқа, гуноҳ ишларни қилмоқ, соч олмоқ, бадан тукини юлмоқ, жанжаллашмоқ, тортишмоқ, сўкишмоқ ва уришмоқ, эркак кишиларнинг бошга бирор нарса киймоқлари, соч-соқол, мўйловни бўймоқ, оёққа махси ёки этик киймоқ, ҳайвонларни овламоқ, Каъбатуллоҳдаги дарахтларни синдирмоқ. Бу ишларни қилганлар ишлари даражасига қараб бир қўй сўйишгача каффорат тўлайдилар.

## Талбия

Ҳаж ёки умра қилувчилар ният қилиб ихромга кирарётганида ва кейин ҳам айтиб юрадиган қўйидаги калималар "талбия", дейилади. Талбия шундайдир: "Лаббайкааллоҳумма лаббайк. Лаббайка, ла шарика лака лаббайк. Иннал-ҳамда, ван-неъмата, лака вал-мулк, ла шарика лак". (Маъноси: "Аллоҳим, Сенга лаббай ва яна лаббай. Сенга лаббай. Сенинг шеригинг йўқ, Сенга лаббай. Албатта ҳамд ҳам, неъмат ҳам Сенга мулқдир. Сенинг шеригинг йўқдир".)

Талбияга бошқа калималарни ҳам қўшиб айтиш жоиз. Ҳар намоздан сўнг, пастдан юқорига кўтарилаётганда ёки водийга тушаётганда, ҳожилар гуруҳига дуч келинганида, саҳар вақтида эркаклар овоз чиқариб талбия айтишади.

## Тавоф

Масжид ул-Ҳаромдаги Каъбатуллоҳни ҳаж ёки умра мақсадида етти марта айланиб зиёрат қилмоқ "тавоф", дейилади. Тавоф Ҳажар ул-асвад" (Қора тош) тўғриси-дан бошланади ва Каъба тавоф қилувчининг чап томонида қолади. Тавофнинг аввалги учтасида майда қадам ташлаб, елкаларни қимирлатиб тез юрилади, қолган тўрттаси оддий юрган ҳолда адо этилади. Аёллар ҳаммасини югурмай, оҳиста юриб бажарадилар.

Тавофнинг уч тури бор: 1. Қудум тавофи - маккалик бўлмаган ҳожилар учун суннат. 2. Зиёрат тавофи. Бу ҳажнинг асосий шартларидан бўлиб, қурбон ҳайитининг уч куни ичида ҳожилар бажариши шарт. 3. Садар (видо тавофи) - ҳаж амаллари тугагач, маккалик бўлмаган барча ҳожиларга вожиб.

## Тавофул видо

"Хайрлашув тавофи", деган маънода бўлиб, "Тавофус-садр", ҳам дейилади. Мазкур вожиб тавоф юртга қайтиш олдидан Каъбаи муаззама билан видолашиш учун қилинади. Ният билан тавоф қилгандан сўнг икки ракат тавоф намози ўқилади, замзам ичилади, дуолар қилинади. Ундан кейин ҳеч нарсага машғул бўлмай, юртга жўнаб кетиш керак.

## Тавофи ифоза

Зулҳижжа ойининг ўнинчи (яъни, ҳайит) куни шайтонга тош отиб, қурбонликни сўйиб, сочни олдириб (ёки қисқартириб) бўлинганидан сўнг Байтуллоҳни тавоф қилиш "тавофи ифоза", дейилади. Уни "тавофи зиёра", ҳам дейишади. Бу тавоф ҳажнинг рукни бўлиб, уни бажармаган инсоннинг ҳажи ҳаж бўлмайди, уни уч кун ҳайит ичида қилиш вожиб. Ҳайитнинг учинчи кунидан кейинга қолдирса, бир жонлиқ сўйиши вожиб бўлади.

## Каъба

Каъба - баландлик, дўнглик, тўғри бурчакли маъноларини англатади. Маккадаги Масжид ул-Ҳаром ўрта-сидаги 12x9x12 куб шаклидаги қорамтир тош бино. Қуръони карим хабарига қараганда, уни илк бор Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил билан тиклашади. Унинг бир бурчига осмондан туширилган кумушранг товланувчи гавҳар тош ўрнатилади. Кейинчалик фисқ-фужур, фитна кўпайгач, тош қоп-қорайиб кетган, у ҳозир "Ҳажар ул-асвад" (Қора тош) номини олган.

Иброҳим алайҳиссалом ана шу тош ўрнидан бошлаб Каъбани етти бор айланиб тавоф қилганлар. Кейин етти мартадан Сафо, Марва тоғига чиқдилар, Арафот водийсига бордилар. Бу - биринчи ҳаж зиёрати эди ва ҳозиргача шу тартибда ҳаж қилиняпти.

Каъба бунёд этилганидан буён табиий офатлар ва тўқнашувлар сабабли кўп марта вайрон бўлиб, қайта тикланган. Ҳижрий 72 йилда подшоҳ Ҳажжож ибн Юсуф пойдеворларига қадар энг сўнги жиддий таъмирлашни ўтказган, Каъбанинг ҳозирги биноси Ҳажжож барпо эттирган ўша бинодир. У милодий 1630 йилда қайта тикланди. XX асрнинг 50-йилларида Саудия Арабистони подшоҳи томонидан таъмирланиб, кенгайтирилди.

Каъбанинг Масжид ул-Ҳаром (яъни, гуноҳ ишлар ҳаром қилинган, таъқиқланган табаррук масжид), Қибла (ибодатда юз ўгириладиган тараф), Байтуллоҳ, Хонаи Каъба, Байт ул-Атийқ каби бир неча номлари бор.

## Ҳажар ул-асвад

Ҳажар ул-асвад "Қора тош", дегани бўлиб, у Каъба эшигининг чап томонидаги бурчакка елка баробарида жойлаштирилган қора тошдир. Ҳожилар уни табаррукона ўпадилар, чунки унинг жаннатдан чиққанлиги тўғрисида ривоят бор. Ҳаж мавсумида Пайғамбаримиз

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уни бўса қилганлар. Шунинг учун имкони бўлса, ҳар бир ҳожи ўпиши, иложи бўлмаса, рамзий ишоратлар ва такбирлар билан кифояланиши суннат бўлиб қолган. Каъбани тавоф қилиш Ҳажар ул-асвад жойлашган бурчақдан бошланади.

## Сафо ва Марва

"Сафо" - "сафот" сўзлигининг кўплиги бўлиб, "силлиқ тошлар", дегани. "Марва" эса "оппоқ ялтироқ тош", дегани.

Маккадаги ҳозирга Масжид ул-Ҳаромнинг шарқий ҳудудига жойлашган ва унча баян бўлмаган тоғ, тепаликлар номи. Ҳожилар ва умра қилувчилар ҳар икки тоғ орасида юриб саъй қиладилар. Бу икки тоғ орасидаги юриш (саъй) ҳажнинг вожиби, умранинг асосий арконларидан ҳисобланади.

## Саъй

Масжид ул-Ҳаром ҳудудидаги Сафо ва Марва тоғлари ўртасида шитоб билан ҳаракат қилмоқлик "саъй", дейилади. Бу ҳажнинг вожиб амалларидан, умранинг асосий арконларидан. Саъйда ҳожи хоҳ пиёда, хоҳ бирор нарсага минган ҳолда икки тоғ орасида етти марта бориб келади. У Сафо тоғидан бошланиб, Марвада тугатилади. Улар кетма-кет бажарилади, Сафодан Марвага бориш бир саъй, Марвадан Сафога қайтиш эса иккинчи саъй ҳисобланади. Сафо ва Марва оралиғида Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари Ҳожар онамиз ўғиллари Исмоилга сув ахтариб юрганлар.

## Замзам

Замзам - Маккадаги Масжид ул-Ҳаром ичидаги булоқ номи. "Тўхта-тўхта", деган маънони англатади. Замзам булоғининг тарихи Исмоил алайҳиссалом даврларига бо-



риб тақалади. Ривоятларга кўра, Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари Ҳожар ўғиллари Исмоилни Каъбатуллоҳ ўрнида туққанлар. Чанқаган гўдакнинг ташналигини қондириш учун ҳар томонга сув қидириб чопганлар. Аллоҳнинг иродаси билан боланинг оёқлари тагидан булоқ отилиб чиққан. Бекилиб қолган булоқ кўзини кейинчалик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг боболари Абдулмуталлиб очганлар. Замзам булоғи сувининг яхшилиги ва шифобахшлиги ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир неча ҳадислар бор.

### **Арафот**

Луғатда "билиш, таниш", деган маънода. Макканинг жануби-шарқий қисмидаги, ундан йигирма беш чақирим узоқликдаги тоғ ва водий. Арафот тоғи ер сатҳидан 750 метр баландликда. Ҳожилар бу ерда зулҳижжанинг 9-куни туриб ҳажнинг асосий арконларидан бирини адо этадилар. Арафотда маълум муддат турмаган кишининг ҳажи ҳаж бўлмайди. Арафот шимолида Раҳмат тоғи бўлиб, унда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сўнгги ҳажларида машҳур вадӯъ (видолашув) хутбасини ўқиганлар. Арафот тоғида дуолар ижобат бўлиши таъкидлангани учун унда Раҳмат тоғига юзланиб Аллоҳга ёлвориш, тавба-илтижолар қилиш, раҳматмағфират сўраш суннат амаллардандир.

### **Мино**

Луғатда "орзу, истак", дегани. Маккадан етти чақирим узоқликдаги қишлоқ ҳам шу ном билан аталади. Ҳожилар зулҳижжанинг саккизинчи кунини бомдод намозидан сўнг бу ерга келиб, эртаси бомдодгача шу ерда истиқомат қилишади. Кейин Арафотга кетиб, ойнинг ўнинчи кунини яна Минога қайтиб шайтонга тош отишни давом эттирадилар. Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил учун кўчқорни Минода қурбонлик қилганлар. Бу ерда Қўчқор номли масжид ҳам бор. Бундан

ташқари Минодаги ҳозирги Байъат масжиди ўрнида Мадина аҳли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган. Минода тунаш бошқа мазҳабларда вожиб, бизда эса суннат саналади.

### **Муздалифа**

Ҳожилар биринчи ҳайит куни қуёш ботганидан сўнг Арафот тоғидан тушиб келадиган жой номи. Кўпчилик муфассирлар Қуръони каримдаги "Машъар ул-Ҳаром"дан мурод Муздалифадир, дейишади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ерга туяларини оҳиста юргизиб келиб талбия айтганлари, дуо ва зикрлар қилганлари, Қуръони карим оятларини ўқиганлари ривоят қилинган. Ҳожилар Муздалифада шом ва хуфтон намозларини бир азон, икки такбир билан қўшиб ўқишади. Хуфтонни қаср қилиб (икки ракат) ўқиб, шу ерда тунаб қолишади. Эртасига бомдоддан сўнг Минога қайтишади.

### **Фидя**

Ҳаж қилувчининг ҳаж даврида ман этилган амалларнинг бирортасини содир қилиб қўйганида эвазига қилиши лозим бўлган эҳсон "фидя", дейилади. Ҳожи ҳаж қоюдаларига хилоф иш қилганида унинг катта-кичиклигига қараб бир жонлиқ (қўй) сўйиши, бир неча мискиннинг қорнини тўйғазиши ёки рўза тутиб бериши мумкин ёхуд шу қийматдаги нарсани эҳсон қилади.

### **Қурбонлик**

Қурбонлик - қурбон ҳайити кунларида ибодат нияти билан қўй ёки эчки ёхуд туя ёки мол сўйиб амалга ошириладиган ибодатдир. Қурбонлик худди закот каби хижратнинг иккинчи йилида шаръий бўлган. Лекин

унинг тарихи анча узоқларга - Иброҳим алайҳиссалом замонларига бориб тақалади ва у зотдан бизга суннат бўлгандир. Бу ибодатда ҳам ихлос муҳим ўрин тутаяди. Аллоҳ таоло айтади: "Аллоҳга (қилган қурбонликларингизнинг) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин У Зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар" (Ҳаж сураси, 37-оят).

Бу ибодат хусусида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир қанча ҳадислар ворид бўлган: "Кимнинг шароити яхши бўла туриб қурбонлик сўймаса, у намозгоҳимизга яқинлашмасин" (Аҳмад ибн Можа ривояти); "Расули акрам оқ рангли, шохдор икки кўчқорни қурбонлик қилардилар" (Муслим ривояти).

Қурбонлик қилиш қурби етадиган одамларга, яъни нисоб миқдорида бойлиги бор кишиларга, Имоми Аъзам мазҳабига кўра, вожибдир. Маблағи нисобга етган шахслар қурбонлик қилишлари шарт. Бошқалар нофила сифатида сўйса, жоиз, сўймаса, гуноҳкор бўлмайди.

Қўй, эчки, туя, сигир каби ҳайвонларнинг эркаги ҳам, урғочиси ҳам сўйилиши мумкин. Булардан туя беш ёш, сигир икки ёш, қўй ва эчки бир ёшга тўлган бўлиши керак. Бироқ олти ойлик бўлишига қарамай, бир ёшликка ўхшаб кўринган қўйни ҳам қурбонлик қилиш жоиз бўлади. Қурбонликнинг сўйиш вақти ҳайит намози ўқилгандан кейинги уч кундир. Қурбонлик қилувчи ҳайвонни сўя олса - ўзи, бўлмаса - ишончли кишисига ваколат бериш орқали сўйдилади.

Қурбонлик қилинадиган ҳайвонлар қусурсиз бўлиши керак. Икки ёки бир кўзи кўр, ўта ориқ, юролмайдиган даражада оқсоқ, қулоғи ёки қуйруғининг учдан бири кесик, қўй-эчкида бир, сигирда икки эмчаги қуриган, эмчагининг учи кесилган, бурни кесик, ўлар даражада касалланган, нажосат егач, бир қанча муддат тоза емиш берилмаган, дори билан сути кесилган ҳайвонларни қурбонлик қилиш жоиз эмас. Шохсиз, шохи кесилган ҳайвонларни қурбонлик қилса жоиз.

## Қирқ фарз

Исломда бешта фарз бор:

1. Иймон;
2. Намоз;
3. Рўза;
4. Закот;
5. Ҳаж.

Иймонда еттита фарз бор:

1. Аллоҳга ишониш;
2. Аллоҳнинг фаришталарига ишониш;
3. Аллоҳнинг китобларига ишониш;
4. Аллоҳнинг пайғамбарларига ишониш;
5. Охират кунига ишониш;
6. Қадарга - яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан бўлишига ишониш;
7. Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш.

Таҳоратнинг фарзлари тўртта:

1. Юзни тўла ювиш;
2. Қўлларни тирсаклар билан қўшиб ювиш;
3. Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш;
4. Оёқларни тўпиғи билан қўшиб ювиш.

Фуслнинг фарзлари учта:

1. Оғизни гарғара қилиб чайиш;
2. Бурунни ачиштириб чайиш;
3. Баданнинг ҳамма жойига сув етказиб ювиш.

Таяммумнинг фарзлари тўртта:

1. Ният;
2. Пок тупроқни қасд қилиш;
3. Икки қўлни тоза тупроққа уриб юзга суриш;
4. Икки қўлни тупроққа уриб, тирсак билан қўшиб қўлларга суриш.

Намознинг фарзлари ўн иккита бўлиб, олтитаси намоз ташқарисидадир, улар "намознинг шартлари", дейилади:

1. Баданнинг (жунуб, таҳоратсизлик, ҳайз, нифосдан) пок бўлмоғи;
  2. Кийимнинг пок бўлмоғи ва авратнинг тўсилмоғи;
  3. Намоз ўрнининг пок бўлмоғи;
  4. Намозни ўз вақтида ўқимоқ;
  5. Қиблага юзланиб ўқимоқ;
  6. Дилдан (ҳолис) ният қилмоқ;
- Олтитаси намоз ичида бўлиб, улар "намознинг рукнлари", дейилади:

1. Намозга такбири таҳрима билан кириш;
2. Қиём;
3. Қироат;
4. Рукуъ;
5. Сажда;
6. Қаъдаи охир.

Яна қуйидагилар ҳам фарздир:

1. Илм олиш;
2. Амри маъруф ва наҳйи мункар;
3. Ҳайз ва нифос илмини билиш;
4. Ризқни ҳалол йўл билан топиш;
5. Шариат ҳалол деб белгилаган нарсаларни ейиш.

### Олти диний калима

❀ كَلِمَاتُ الْإِيمَانِ  
 ❀ كَلِمَةٌ طَيِّبَةٌ ❀ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ ❀

Калимаи тоййиба: "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ".

Тўғри сўз: "Аллоҳдан ўзга сифиниладиган (илоҳ) йўқдир! Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг расулидир".

كَلِمَةُ الشَّهَادَةِ ❀ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا  
عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ ❀

Калимаи шаҳодат: "Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʻабдуҳу ва расулуҳ".

Иқрорлик сўзи: "Аллоҳдан ўзга сифиниладиган (илоҳ) нинг йўқлигига ва Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг бандаси ва расули эканига иқрорман"

كَلِمَةُ التَّوْحِيدِ ❀  
أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ❀ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ  
الْحَمْدُ يُحْيِي وَيُمِيتُ ❀ وَهُوَ حَيٌّ لَا يَمُوتُ ❀ بِيَدِهِ الْخَيْرُ  
وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ❀

Калимаи тавҳид: "Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд (у) йўҳйи ва йумит(у) ва ҳува ҳаййул ла йамут(у), бийадиҳил хойр(у) ва ҳува ʻала кулли шай'ин қодир".

Илоҳнинг танҳолигига иқрорлик сўзи: "Танҳо Аллоҳдан ўзга сифиниладиган (илоҳ) йўқдигига иқрорман. Аллоҳнинг шериги йўқдир. Мулк Аллоҳникидир. Мақтов Аллоҳгадир. (Аллоҳ) тирилтиради ва ўлдиради. Ўзи тирикдир, ўлмайди. Яхшилик Унинг ихтиёридадир ва У

كَلِمَةُ رَدِّ الْكُفْرِ ❀  
اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ أُشْرِكَ بِكَ شَيْئًا وَأَنَا أَعْلَمُ ❀  
وَأَسْتَغْفِرُكَ لِمَا لَا أَعْلَمُ ❀ إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ ❀

ҳамма нарсага қодирдир".

Калимаи радди куфр: "Аллоҳумма инни аʻбузу бика мин ан ушрика бика шайъан ва ана аълам. Ва астағфи-

рука лима ла аълам. Иннака анта ʔалламул ғуйуб".

Куфрни қайтариш сўзи: "Аллоҳим, ўзим билганим ҳолда Сенга бирор нарсани шерик қилишимдан асрашингни Сендан сўрайман. Ўзим билмаганим ҳолда ширк қилиб қўйган бўлсам, Сендан кечиришингни тилайман. Албатта, Сен ғайбларни билгувчи Зотсан".

### كَلِمَةُ الْاِسْتِغْفَارِ ❀

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ تَعَالَى، مِنْ كُلِّ ذَنْبٍ أَذْنَبْتُهُ  
عَمْدًا أَوْ خَطَأً سِرًّا أَوْ عَلَانِيَةً ❀ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ مِنَ الذَّنْبِ الَّذِي  
أَعْلَمُ وَمِنَ الذَّنْبِ الَّذِي لَا أَعْلَمُ ❀ إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ ❀

Калимаи истиғфор: "Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳа таъала мин кулли замбин азнабтуҳу ʔамдан ав хотоан сиррон ва ʔаланийаҳ. Ва атубу илайҳи миназ замбиллази аъламу ва миназ замбиллази ла аълам. Иннака анта ʔалламул ғуйуб".

Гуноҳларни кечиришни сўраш сўзи: "Аллоҳдан гуноҳларимни кечиришини сўрайман. Аллоҳдан гуноҳларимни кечиришини сўрайман. Аллоҳ таолодан атайлаб ё адашиб, яширин ё ошқора қилган ҳамма гуноҳларимни кечишини сўрайман. Ўзим билган ва билмаган гуноҳлардан Аллоҳга қайтаман. Албатта, Сен ғайбларни билгувчи Зотсан".

### كَلِمَةُ التَّمْجِيدِ ❀

سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ ❀ لَا حَوْلَ  
وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ ❀ مَا شَاءَ اللَّهُ كَانَ وَمَا لَمْ يَشَأْ  
لَمْ يَكُنْ

Калимаи тамжид: "Субҳаналлоҳ, вал ҳамду лиллаҳ, ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ʔалийийил ʔазим. Ма шааллоҳу

кана ва ма лам йаша ламйакун".

Улуғлаш сўзи: "Аллоҳнинг айбу нуқсони йўқдир. Ва мақтов Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга сифиниладиган (илоҳ) йўқдир! Аллоҳ улуғдир. Мутлоқ куч ва қувват қудратли ва буюк Аллоҳдан ўзгада йўқдир. Аллоҳ ниманики хоҳласа, бўлади, ниманики хоҳламаса, бўлмайди".

❁ إِيْمَانٌ مُّجْمَلٌ

❁ آمَنْتُ بِاللَّهِ كَمَا هُوَ بِأَسْمَائِهِ وَصِفَاتِهِ وَقَبِلْتُ جَمِيعَ أَحْكَامِهِ

Иймони мужмал: "Аманту биллаҳи кама ҳува би асмаъихи ва сифатиҳи ва қобилту жамийъа аҳкамиҳи ва арканиҳи".

"Аллоҳнинг барча исми ва сифатларига иймон келтирдим ҳамда барча ҳукмларини қабул қилдим".

❁ إِيْمَانٌ مُّفَصَّلٌ

❁ آمَنْتُ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْقَدَرِ خَيْرِهِ  
وَشَرِّهِ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى وَالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ ❁

Иймони муфассал: "Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи вал йавмил ахири вал қодари хойриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таъала вал баъси баъдал мавт".

Мўминликнинг батафсил ифодаси: "Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, охират кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишига ва ўлимдан кейин қайта тирилишга ишон-



ДИМ".

### Турли дуолар Истиффорларнинг улуғи:

اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ  
وَأَنَا عَلَىٰ عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا  
صَنَعْتُ أَبُوهُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَأَبُوهُ بِذَنْبِي  
فَاغْفِرْ لِي فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ

"Аллоҳумма анта Роббий ла илаҳа илла анта холақ-таний ва ана ѓабдука ва ана ѓала аҳдика ва ваъдика мас татоъту аъзу бика мин шарри ма санаъту абуу лака биниъматика ѓалайя ва абуу биззанбий фағфирлий фаиннаҳу ла яғфируз-зунуба илла анта".

Яъни: "Эй Роббим, Сен мени тарбия қилгувчимсан, Сендан ўзга илоҳ йўқдир, Сен мени яратдинг ва мен Сенинг бандангман, қодир бўлганимча Сенинг аҳд ва ваъдангдадурман. Қилган ишларимнинг ёмонидан паноҳ сўрайман. Менга берган неъматларингни эътироф қиламан ва гуноҳларимни ҳам тан оламан. Зеро, Сендан ўзга гуноҳларни кечгувчи Зот йўқдир".

Шаддод ибн Авс розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ алай-ҳиссаломдан ривоят қилишларича, киши кеч кирганда комил ишонч билан ушбу дуони ўқиса ва шу кечада вафот этса, жаннатга киради. Тонг отганда ўқиб шу куни вафот этса ҳам, жаннатга киради (Имом Бухорий ривояти).

### Жамики дуоларни қамраган дуо:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِ مَا سَأَلْتُكَ مِنْهُ نَبِيُّكَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ  
 عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا اسْتَعَاذَكَ مِنْهُ نَبِيُّكَ مُحَمَّدٌ  
 صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأُتِيَ الْمُسْتَعَانُ وَعَلَيْكَ الْبَلَاغُ، وَلَا حَوْلَ  
 وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ

"Аллоҳумма инни ас'ялука мин хойри ма саалака минху набиййука Муҳаммадун ва назу бика мин шарри мастаъзака минху набиййука Муҳаммадун соллалоҳу алайҳи ва саллама ва антал мустаъану ва алайкал балағу вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳил алиййул азийм".

Маъноси: "Эй Роббим, мен Сендан Пайғамбаримиз

# ИЛМ

*Илм*

*Ислом илмлари*

*Тафсир*

*Таъвил*

*Тажвиг*

*Ҳадис илми*

*Имом Бухорий*

*Имом Муслим*

*Имом Абу Довуд*

*Имом Термизий*

*Имом Насаий*

*Имом Ибн Можа*

*Имом Доримий*

*Имом Ҳоким*

*Ровий*

*Абу Ҳурайра*

*Абдуллоҳ ибн Умар*

*Анас ибн Молик*

*Оиша бинти Абу Бакр*

*Абдуллоҳ ибн Аббос*

*Жобир ибн Абдуллоҳ*

*Абу Саид Худрий*

*Абдуллоҳ ибн Масъуд*

*Мовароуннаҳр уламолари*

*Абдуллоҳ ибн Муборак*

*Абулқосим Замахшарий*

*Абу Бакр Сарахсий*

*Алоуддин Самарқандий*

*Абу Лайс Самарқандий*

*Абу Ҳафс Насафий*

*Абул Баракот Насафий*

*Алоуддин Косоний*

*Алиййул-Қорий*

*Бурҳониддин Марғиноний*

Муҳаммад алайҳиссалом тилаган нарсаларнинг хайри-ни сўрайман. Ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом паноҳ тилаган нарсаларнинг ёмонидан Сенга сифинаман. Ёрдам ёлғиз Сендан кутилади. Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам тиланган нарсага етиштиргувчи фақат Ўзингсан. Куч-қувват ва қудрат фақат Аллоҳнинг ёрдами биландир".

## Илм

Луғатда "идрок этиш" маъносини англатади. Шаръий истилоҳда эса воқеъликка мувофиқ қатъий ишонч "илм" дейилади.

Ислом диничалик илмни улуғлаган дин, тузум ёки жамият йўқ. Ҳар бир шахсга илм талаб этиш фақат Исломда фарз қилинган. Қуръони каримда илм ва уламолар энг олий мақомга қўйилган. Китобнинг 811 жойида "илм" сўзи турли кўринишларда зикр этилган. Чунки илмсиз, жоҳил кишининг куфр ва исёнга кетиши осонроқ.

Мусулмонлар Қуръон ва суннатга амал қилиб яшаган даврларда бутун дунёга илм-маърифат тарқатганлар. Ўрта асрларда Мовароуннаҳр, Бағдод, Шом, Андалусия каби ўлкаларда илм-фан гуллаб-яшнаган, Фарбана шулардан илм ўрганиб, ўз ҳазорасини барпо этган.

Ақл воситаси билан ҳосил бўладиган илм иккига бўлинади: биринчиси - таҳлил ва мушоҳадасиз, бир кўрган-даёқ ўз-ўзидан пайдо бўладиган илм ("зарурий илм" деб аталади) ва иккинчиси - ақлни ишга солиб, таҳлил ва мушоҳада воситасида ҳосил бўладиган илм (бу "истидлолий илм" дейилади).

## Ислом илмлари

Исломда илм олиш фарзи айн ва фарзи кифоя бўлади. Мусулмонлар учун дини буюрган, муҳтож бўлган нарсаларни ўрганиш фарзи айндир. Бошқаларга фойда бериш учун ўзи муҳтож бўлган миқдордан ортиқча ўрганиш фарзи кифоядир.

Қуйидагилар фарзи айн илмлардир:

1. Илми калом (тавҳид, Аллоҳнинг зоти ва сифатлари);
2. Фикҳ илми (ибодатлар, ҳалол, ҳаром ва бошқалар);
3. Тафсир илми (Қуръони карим тафсири ва таъвили);
4. Ҳадис илми (Расулуллоҳ суннат (ҳадис)ларини ўрганиш);
5. Қалб илми (ихлос, нафс офатлари, тақвони билиш);
6. Муомала илми.

Қуйидагилар фарзи кифоя илмлар:

1. Тиббиёт (тиб);
2. Кимё ва физика;
3. Фалакиёт;
4. Илми ҳисоб (математика);
5. Зироат ва касб-ҳунар.

Қуйидагилар ўрганиш мубоҳ илмлар:

1. Муболағасиз ёзилган шеърларни билиш;
2. Қадимги тарих билан шуғулланиш ва бошқалар.

## Тафсир

"Тафсир" сўзи луғатда "изоҳлаш, равшанлаштириш, шарҳлаш, ҳар бир жумладан кўзланган муродни очиб бериш" маъноларида келади. Истилоҳда эса Қуръони карим оятлари маъноларини, нозил бўлиш сабабларини ойдинлатиш "тафсир" дейилади. Имом Мотуридий: "Тафсир Қуръондаги ҳар бир лафздан чиқарилган қатъий маънодир", дейди. Энг биринчи Қуръон муфассири (тафсир қилувчиси) Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари бўлганлар. Саҳобийлардан эса тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али), Ибн Масъуд, Ибн Аббос, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абу Мусо ал-Ашъарий, Абдуллоҳ ибн Зубайр (розийаллоҳу анҳум) моҳир муфассир бўлишган. Мовароуннаҳр диёридан ҳам

Замахшарий, Абу Лайс Самарқандий, Абул Баракот Насафий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Тарозий каби муфассирлар етишиб чиққан. Қуръони карим тафсирлари йўналишларига қараб луғавий, ақлий, фикҳий, тарихий, нақлий, мазҳабий, тасаввуфий каби бир неча турларга бўлинади.

## Тафсир турлари

Қуръони карим тафсирлари йўналишларига қараб бир неча турга бўлинади:

1. Луғавий тафсир. Бундай тафсирларда Қуръоннинг тилига, наҳвий жиҳатларига аҳамият берилган. Воҳидийнинг "Босит", Абу Ҳайённинг "Ал-бахрул-муҳит" асарлари шу жумладандир.

2. Ақлий тафсир. Бунда ҳукамо ва донишмандларнинг сўзлари асосида шарҳлашга эътибор қаратилган. Ал-Фахр ар-Розийнинг "Мафотихул-ғайб" тафсири каби.

3. Фикҳий тафсирлар. Бу хил тафсирларда кўпроқ фикҳий ҳукмларнинг далилларига аҳамият қаратилган. Масалан, Қуртубийнинг "Ал-жамеъу ли аҳқамил Қуръан" номли китоби.

4. Тарихий тафсирлар. Бу тур тафсир соҳиблари асосан Қуръондаги аввал ўтган умматларнинг қиссаларига, маълумотларига эътиборни қаратишган. Ас-Саълабий ва Ал-Хозин тафсирларида шундай йўл тутишган.

5. Фирқаларнинг тафсирлари. Бундай тафсирларни турли фирқалар ва ақидалар соҳиблари битишган. Улар Аллоҳнинг каломини ўз мазҳабларига мос равишда таъвил этишга ҳаракат қилишган. Раммоний, Жабойй, Замахшарийлар шу тоифадандир.

6. Мутасаввифларнинг тафсири. Бу хил тафсир соҳиблари тарғиб ва тарҳибга жаҳд қилишган. Ибн Арабий, Абу Абдуллаҳмон ас-Салмийлар шу жумладандир.

7. Нақлий тафсир ёки маъсур тафсир. Қуръоннинг бу тур тафсирларида ояти карима аввало Китобнинг

бошқа бир ўрнида муфассалроқ келган оят билан шарҳланади. Ундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалар ва тобеъинларнинг (р.а.) сўзлари билан тафсир қилинади. Булар энг машҳур тафсирлар саналади. Лекин уларнинг айримларига мавзуъ (тўқилган) ҳадислар, ботил сўзлар ва исроилиётлар (яхудий ва насороларнинг ривоятлари) кириб қолган.

Нақдий тафсирларга Ибн Жарир Табарийнинг "Жомеъул-баён", Абу Лайс Самарқандийнинг "Баҳр ул-улум", Ибн Касирнинг "Тафсирул Қуръанил-азийм", Суютийнинг "Ад-дурул мансур" тафсирларини кириштириш мумкин.

### Таъвил

Луғатда "изоҳлаш ёки бошқа маъносига қайтариш" маъносида келади. Истилоҳда олимнинг Қуръони каримдаги айрим оятларни ўз билими даражасида изоҳлаб тушунтиришига "таъвил", дейилади. Қуръони каримда "таъвил" сўзи "тафсир ва таъйин, офият ва оқибат, башоратнинг амалга ошиши, туш маъноси, амалга оширилган иш сабаби" каби бир неча маъноларда ҳам келган.

Қуръони каримдаги "муташибих", "муқаттоат" оятларининг маъносини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким аниқ билмайди. Аммо шунга қарамай, айрим ҳидоятдан оғанлар фитна қўзғаш учун ҳавойи нафсларига мослаб уларни таъвил этишга уринишган.

Кейинги пайтларда "таъвил" сўзи умуман оятларни тафсирлаш, изоҳлаш, шарҳлаш каби маъноларда ҳам ишлатилмоқда.

### Тажвид

Луғатдаги маъноси "зийнатламоқ, пухта қилмоқ, яхши бажариш". Истилоҳда эса Қуръоний оятларда ҳарфларга лозим бўлган ҳақ-ҳуқуқларни беришни ва Қуръони каримни Аллоҳ таоло қандай туширган бўлса шундайича қатъий тартибларига амал қилиб қироат этиш

қонун-қоидаларини ўргатадиган илм "тажвид" дейилади.

Қуръони каримни ҳар бир мусулмон тажвид билан ўқиши вожибдир. Саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан тажвид соҳасида олган таълимларини софлигича бу фан уламоларига етказиб беришган.

### Ҳадис илми

Исломнинг иккинчи асл манбаи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидир. Ҳадисларни тадқиқ этувчи илм "ҳадис илми", бу илм билан шуғуланувчи олим "муҳаддис", ҳадисларни ривоят этувчилар, бошқаларга етказувчилар эса "ровий" дейилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини биринчи бўлиб тўплатган халифа Умар ибн Абдулазиз, биринчи ҳадис китобини ёзган тобеъин Ибн Шихоб аз-Зухрий, ҳадисларни илк китоб ("Муваатто") қилган муҳаддис Имом Молик бўлишган.

Энг кўп ҳадис ривоят қилган Абу Ҳурайра (5374 та), Абдуллоҳ ибн Умар (2630 та), Анас ибн Молик (2286 та), Абдуллоҳ ибн Аббос (1660 та), Жобир ибн Абдуллоҳ (1540 та), Абу Саид Худрий (1170 та), Абдуллоҳ ибн Масъуд (848 та)ларнинг номлари Ислом оламида машҳурдир.

Улуғ алломалардан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насайй, Имом Ибн Можа, Имом Доримий, Имом Ҳокимлар энг улуғ муҳаддислардандир. Аввалги олти муҳаддиснинг "Саҳиҳ" ва "Сунан" китоблари "Кутубус-ситта" ("Саҳиҳус-ситта") деб аталади.

### Ҳадиси қудсий

Илоҳий, роббоний ҳадис, дегани. Маъноси Аллоҳ таолодан бўлиб, талаффузи (айтилиши) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бўлган ҳадис "ҳадиси қуд-



сий", дейилади. Уни Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарига илҳом (ваҳий) бериш ёки тушларида кўргизиб билдириш орқали хабар берган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Аллоҳ номидан, "Аллоҳ айтди", деб ҳадис айтиш орқали саҳобаларга етказганлар. Бундай ҳадиснинг мартабаси Қуръон билан ҳадиси набавий ўртасида, у маънан Аллоҳга нисбат берилади. Шунинг учун ҳадиси қудсийнинг талаффузи билан ибодат қилинмайди, намозда ҳам қироат қилинмайди.

Ҳадиси қудсий Қуръоннинг нақлига ўхшаш мутавотир ҳолда нақл қилинмаган. Балки унинг саҳиҳ, заиф, мавзӯ (ёлғон)лари ҳам мавжуд.

## **Муҳаддис**

Ҳадис илми билан чуқур шуғулланувчи олимлар "муҳаддис" дейилади. Улар ҳадисни Пайғамбар алайҳиссаломдан қайси йўллар билан, кимлар орқали ривоят қилиниб, ўзларигача етиб келганини аниқлашади. Уларнинг энг машҳури Имом Бухорий ҳазратлари бўлиб, 600 минг ҳадисни ёд билганлар ва 100 минг саҳиҳини ажратганлар. Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насайй, Имом Ибн Можа, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Молик машҳур, етук муҳаддислардандир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларини расмий равишда ёздириб, ҳужжат сифатида тўплашнинг бошловчиси халифа Умар ибн Абдулазиз бўлган. Биринчи ҳадис китобини эса улӯғ тобеъин Ибн Шиҳоб аз-Зухрий (вафоти ҳижрий 124 йил) ёздилар. Муҳаддислар ҳадисларни тўплаб, "Саҳиҳ", "Муснад", "Сунан" китобларини тасниф этишган. Ҳадис билан боғлиқ барча илмлар умумлаштирилиб "Улум ул-ҳадис" дейилади.

## **Имом Бухорий**

Ҳадис илми олимларининг устози Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Абу Ҳасан Исмоил ибн Иброҳим ибн Му-

гийра ибн Аҳнаф Яздабиҳ ал-Бухорий ҳижрий 194 (милодий 810) йилнинг 13-шаввол куни Бухорода таваллуд топганлар. Етимликда ўсдилар. Тўққиз ёшда Қуръони каримни тўла ёд олдилар. Ҳадис эшитишни яхши кўрардилар, вояга етгунча етмиш минг ҳадисни ёд билардилар. Ўн саккизга кирганда она ва акаси билан ҳаж сафарига жўнаб, ўзлари Маккада қолиб кетдилар. Кейин Бағдод, Кўфа, Миср, Хуросон, Шом, Ҳижоз, Басрада илм талабида бўлдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадислар жамланган "Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ" китобларини ўн олти йилда ёзиб тугатдилар. Умуман Имом Бухорий 600 минг ҳадис тўплаб, шундан 100 минг саҳиҳ, 200 минг заиф ҳадисни ёдлаганлар, буларни тўплашда 90 минг кишининг ҳузурда бўлганлар. "Саҳиҳ" китобларига эса етти минг ҳадис жамланган. "Саҳиҳи Бухорий" Қуръони каримдан кейинги энг ишонарли китоб саналади, "Сихоҳи ситта"нинг энг биринчиси. Ана шу ноёб китобга 82 та шарҳ ёзилган. Ўша пайт уламоларидан Ҳоким шундай дейди: "Бу дунёни остин-устун қилиб юборилса ҳам, Бухорий каби ҳадис билувчи ва уни ёдловчи одам топилмайди". Маражжа ибн Ражаъ: "Имом Бухорий Аллоҳнинг ерда юрувчи мўъжизаси эди", деган. Муслим, Термизий, Насай ва бошқаларга устоз бўлганлар.

Имом Бухорий бундан ташқари "Адаб ул-муфрад", "Муснад ул-Кабир", "Тарих ул-Кабир", "Китабу асмои саҳоба", "Тафсир ул-Кабир", "Холқу афъолул ибод", "Сулосият ул-Бухорий", "Ҳадис ун-набавий", "Тарих ус-сағир", "Зуафо ус-сағир" ва бошқа китобларнинг муаллифидирлар.

Ҳижрий 256 (милодий 870) йили фитр ҳайити кечаси вафот этдилар, ҳайит куни қабрга қўйилдилар. У киши Самарқанд яқинидаги Ҳартанг қишлоғида дафн этилганлар (раҳматуллоҳи алайх).

## Имом Муслим

Имом Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ибн Муслим ибн Вард ал-Қушайрий ан-Найсобурий ҳижрий 206 йилда Найсобурнинг Қушайр қишлоғида туғилганлар. Ироқ, Ҳижоз, Шом, Миср, Бухоро ва бошқа ўлкаларда бўлиб, машҳур уламолардан таълим олганлар. "Китоб ус-ситта"нинг иккинчи китоби бўлган, 300 минг ҳадис ичидан бетакрор тўрт минг (такрорлари билан етти минг) саҳиҳ ҳадисни жамлаган "Саҳиҳ" китобини таълиф қилганлар. Имом Нававий бу ҳақда: "Ернинг устида, осмоннинг остида Муслимнинг китобидан кўра саҳиҳроқ китоб топилмайди", деганлар. Имом Термизий ҳам бу зотдан таълим олганлар ва "Саҳиҳ" китобларига устоздан эшитган ҳадисларни ривоят қилиб келтирганлар. Яна "Жомиъ ал-Кабир алал абвоб", "Китабу Муснади ал-Кабир", "Китабу Асмои ва куна", "Китабу Ёлал", "Китабу тамйиз", "Китабу машойихи Молик", "Китабу авҳомул муҳаддисиён", "Китаба табақату ат-тобеъийн" ва бошқа китобларни ёзганлар. Биргина "Саҳиҳи Муслим"га ўн бешта шарҳ ёзилган. Ҳижрий 261 санада Найсобурда вафот этдилар (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Имом Абу Довуд**

Имом Абу Довуд Сулаймон ал-Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн ал-Аздий ас-Сижистоний ҳижрий 202 (милодий 817) йили Сижистон (ҳозирги Эрон ва Афғонистон ҳудуди)да таваллуд топганлар. Ёшликдан ҳадис илмига қизиқиб, Ироқ, Хуросон, Шом, Миср, Араб жазирасига сафар қилганлар ва эшитган ҳадисларини ривоят этдилар. Машҳур шайх, ровий, ҳофиз бўлиб етишдилар. Имом Бухорий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Термизийлар билан учрашганлар.

Имом Абу Довуд жами 50 минг ҳадис ривоят қилиб, шундан 4800 та саҳиҳ ҳадисни "Сунан" китобларига киритганлар. Бу асар "Китоб ус-ситта"нинг учинчиси. "Сунани Абу Довуд" ҳақида Закариё Соний шундай деган: "Қуръон Исломининг асли, "Сунани Абу Довуд"

Исломнинг аҳдидир". Олимларнинг эътирофича, у зотнинг китобларида ҳадиси шариф билан исбот қилинмаган бирорта шариат масаласи бўлмаган. Имомнинг "Сунан"ларига бир неча шарҳ ва мухтасарлар ёзилган.

Абу Довуд: "Тўрт ҳадисни билиш одамга дини учун кифоя қилади", дейди. У тўрт ҳадис ушбулардир: "Амаллар ниятга қараб баҳоланади"; "Фойдасиз нарсани тарк этиш киши Исломининг гўзаллигига далолат қилади"; "Мўмин ўзига рози бўладиган нарсада биродарига ҳам рози бўлмагунича мўмин саналмайди"; "Ҳалол аён, ҳаром ҳам аён. Бу иккиси ўртасида шубҳали нарсалар бордир".

Имом Абу Довуд ҳижратнинг 275 (милодий 889) йили шаввол ойининг 16-куни Басрада вафот этдилар.

### Имом Термизий

Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо аз-Заҳҳок ас-Суламий аз-Заририй ал-Буғий ат-Термизий ҳижрий 209 (милодий 814) йили Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида таваллуд топганлар. Бу зотнинг устозлари Имом Бухорий, Муслим ва Абу Довуд бўлишган. Шогирдарининг ёзишича, "Имом Бухорий вафотларидан кейин Хуросонда Абу Исо ат-Термизийдек илмда, зехнда, тақвода, зуҳдда бирор киши топилмас эди".

Имом ат-Термизийнинг энг машҳур китоблари "Китабу азим" ("Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ"), у "Саҳиҳи Термизий" номи билан машҳур, "Кутуб ус-ситта"нинг тўртинчиси ҳисобланади. Ундаги ҳадисларни тўплаш учун Хуросон, Ироқ, Шом, Макка ва Мадинага сафар қилганлар. "Сунани Термизий"да ҳадислар саҳиҳ, ҳасан, заиф каби турларга бўлинган ҳолда келтирилиши ҳадис илмида ўзига хос янги йўналиш бўлди. Абу Али Мансур ибн Абдуллоҳ Холидий китоб ҳақида шундай деган: "Кимнинг уйида ана шу китоб бўлса, гўеки уйида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам гапираётгандек бўладилар". Бундан ташқари унинг "Шамоили ан-

набавиййа", "Китоб ул-илал", "Китоб ат-тарих", "Китоб аз-зуҳд", "Китоб ал-асмо вал-куна" ва бошқа асарлари машҳур.

Имом ат-Термизий ҳижрий 279 (милодий 892) йилда вафот этдилар, мақбаралари ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Имом Насайй**

Имом, ҳофиз, шайхулислам Абу Абдураҳмон Аҳмад ибн Шуъайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр ибн Динор Хуросоний Насайй ҳижратнинг 215 йилида Хуросон шаҳарларидан Нисода таваллуд топганлар. Аввалда Хуросон муҳаддисларидан таълим олганларидан сўнг Ҳижоз, Ироқ, Миср, Арабистон ярим ороли, Шом ўлкаларига сафар қилиб, замонанинг машҳур муҳаддисларидан сабоқ олдилар. Замона муҳаддислари имоми сифатида шуҳрат топдилар, юз мингдан зиёд ҳадисни ёд олдилар.

Имом аввалига "Ас-Сунан ал-Кубро" деган китоб ёзганлар, кейинчалик ундаги ҳадислардан фақат саҳиҳларини қолдириб, "Ал-Мужтабаъ" ёки "Ас-Сунан ас-суғро" деб номланган китоб таълиф қилганлар. Имомнинг ана шу "Мужтабаъ" китоби "Сиҳоҳи Ситта" (олти ишонарли китоб) нинг бири деб тан олинган. Китоб биринчи марта ҳижрий 1256 йили Ҳиндистонда чоп этилган. Бундан ташқари Имом Насайй "Ҳасоису фи фазли Али ибн Абу Толиб ва оли байт", "Китабу зуафо вал матрукийн", "Маносику Насайй", "Жамъу муснад Молик ибн Анас ва муснад Али ибн Абу Толиб" ва бошқа китоблар таълиф этганлар. Ҳижрий 303 йили Маккада шаҳид бўлганлар ва Сафо-Марва оралиғида дафн этилганлар (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Имом Ибн Можа**

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Абдуллоҳ ибн Можа Рабиъий ал-Қазвиний ҳижратнинг 209

(милодий 824) йили Ироқнинг Қазвин шаҳрида таваллуд топганлар. Бошланғич таълимни олгач, ҳадис илми талабида Ироқ, Шом, Миср, Рай каби ўлкаларга сафар қиладилар. Машҳур ҳадис имомларидан ва "Кутуб ус-ситта" асҳобларидан биридилар.

Имом Ибн Можа ҳаммаси бўлиб 32 та китоб ёзганлар. Шулардан "Сунани Ибн Можа" (ҳадис), "Тафсири Ибн Можа" (тафсир), "Тарихи Ибн Можа" (тарих) китоблари машҳур. "Сунан"да тўрт минг уч юз қирқ ҳадис жамланган, у 32 жуз бўлиб, 1500 бобни ўз ичига олган. Уламолар Ибн Можанинг "Сунан" китобларини ишончли, кучли, фикҳда катта фойда беришини кўриб, олтинчи саҳиҳ китоб, дея тан олишган. Унга бир неча шарҳлар ёзилган.

Имом Ибн Можа ҳижратнинг 273 (милодий 882) йили вафот этганлар (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Имом Доримий**

Ҳофиз ул-кабир Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн Фазл ибн Баҳром ибн Абдуссамад Тамимий Самарқандий ад-Доримий ҳижрий 182 (милодий 797) йили Самарқандда таваллуд топганлар. Боболари асли араб бўлиб, Хуросон фатҳидан сўнг Самарқандни ватан қилиб қолганлар. Олимларнинг хабарига кўра, Имом Доримий ақлда, фазлда, фаҳмда, динда, ҳалимлик ва зоҳидликда етук бўлганлар. Макка, Мадина, Хуросон, Шом, Ироқ ва Мисрда ҳадис илмини ўрганганлар. Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насайлар ундан ҳадис ривоят қилишган.

Имом Доримийнинг энг машҳур китоблари "Сунани Доримий" "Сиҳоҳи ситта"нинг олтинчиси бўлишга ҳақли. (Баъзилар Ибн Можанинг "Сунан"ини ёки Моликнинг "Муваattoъ"сини олтинчи китоб дейишади.) "Сунани Доримий" 3465 та ҳадисни ўз ичига олган.

Имом Доримий муҳаддислик билан чегараланиб қол-

май, тафсир ва фикҳ илмида ҳам етук олим бўлганлар. "Бисавми мустаҳоза вал мутахаййира" номли фикҳ китоблари, Қуръоннинг баъзи жузларига ёзган тафсирлари бўлган, лекин тафсирлари бизгача етиб келмаган.

Имом Доримий 255 ҳижрий (милодий 870) йилда зулҳижжа ойининг 8-куни Марвда вафот этдилар, арафа - жума куни дафн қилиндилар (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Имом Ҳоким**

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Баййиъ ибн Ҳамдавайҳ ибн Муҳаммад ибн Наъийм аз-Зобий ан-Найсобурий ҳижрий 321 йил рабиъул-аввал ойининг 3-куни Найсобур (Нишопур)да таваллуд топдилар. Улғайгач, Ироқ, Ҳижоз, Хуросон, Мовароуннаҳрни айланиб, икки минг устоз кўрадилар, ҳижратнинг 360 йили яна Ҳижоз, Ироққа сафар қилиб, у ердаги кишилардан ҳадис тўплайдилар. Сўнгра Найсобур, Журжонда қозилик қиладилар, шунга у кишини Ҳоким деб аташган. Абу Ҳозим шундай деган: "Ҳозиргача на Ҳижоз, на Шом, на Ироқ, на Тобаристон, на Хуросонда бу зотга тенг келадиган киши топилмади".

Имом Ҳоким қуйидаги китобларни таълиф этганлар: "Илал", "Аъмолий", "Фавоид ул-шуйух", "Маърифат ул-ҳадис", "Тарихи улумои Нисобур", "Мадҳалу ила илми ас-саҳиҳ", "Мустадрак ала саҳиҳайни", "Музаккий ал-ахбор", "Фазоилу имоми аш-Шофеъий", "Фазоилу Фотима", "Тарожим уш-шуйух" ва бошқалар.

Имом Ҳоким ҳижрий 405 йили вафот этганлар (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Ровий**

Ҳадисларни ривоят этувчи кишилар "ровий" дейлади. Унинг ҳадиси қабул этилиши учун у адолатли бўлиши, Исломда бўлиши, балоғатга етганлиги, ақли расо бўлиши, тақводорлиги, ёдда сақлайдиган бўлиши шарт қилиб қўйилган. Ровийларнинг таржимаи ҳоллари

қаттиқ текширилган, уларнинг сийратлари (журҳ ва таъдил) ҳақида китоблар ёзилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобийлар қуйидагилар: Абу Ҳурайра (р.а.) - 5374 та ҳадис, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) - 2630 та, Анас ибн Молик (р.а.) - 2286 та, Оиша (р.а.) - 1660 та, Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) - 1540 та, Абу Саид Худрий (р.а.) - 1170 та ҳадис ривоят қилишган.

### Абу Ҳурайра

Абдурахмон (Абдушшамс) ибн Соҳар ал-Давсий ҳижратдан 21 йил аввал Маккада туғилганлар. Жоҳилият даврида етим ва заиф ҳолда яшаганлар, ҳижратнинг еттинчи йили Исломга кирганлар. Кейинчалик асҳоби суфадан бўлганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ажралмай, Дорул-ирфондан сабоқ олганлар. Мушукни яхши кўрганлари учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Ҳурайра (мушук отаси) деб лақаб берганлар ва шу ном билан машҳур бўлганлар. Ажойиб фақиҳ, улуғ муҳаддис бўлиб етишиб, фатво бериш мавқеига кўтарилганлар. Пайғамбар алайҳиссаломдан энг кўп ҳадис (5374 та) ривоят қилганлар. Ҳадисларни ривоят қилиш учун 800 саҳоба ва тобеъий билан учрашганлар. 5374 та ҳадиснинг 335 тасини Бухорий ҳам, Муслим ҳам келтиришган. 93 тасини фақат Бухорий, 189 тасини ёлғиз Муслим келтирган. Қолган 4757 таси бошқа ҳадис китобларида келтирилган. Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан сўнг Баҳрайн, Мадина волийси, Макка қозиси бўлдилар. Ҳижрий 57 (милодий 679) йили Мадинада вафот этдилар. Қабрлари Бақъъ кабристонида (розийаллоҳу анҳу).

### Абдуллоҳ ибн Умар

Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб ал-Адавий (куняси Абу Абдурахмон) ҳижрат аввалида туғилганлар. Болаликдаёқ Маккада Исломга кирганлар. Асҳоби киром-



нинг энг улуғ олимларидан ва мужтахидларидан, Ҳижоз фиқҳининг тамал тошини қўйганлар ва олтмиш йил фатво берганлар. Бадр, Уҳуд ва бошқа ғазотларда қатнашганлар.

Оталари - ҳазрат Умар билан Мадинага ҳижрат қилганлар. Илк марта Ҳандақ ғазотида қатнашганлар. Африқо юртларига икки марта ғазотга борганлар. Ҳазрат Усмон вафотларидан сўнг халифалик таклиф этилганида бош тортганлар. Абу Ҳурайрадан кейин энг кўп ҳадис ривоят қилганлар (2630 та). Шундан 170 тасини ҳам Бухорий, ҳам Муслим келтиришган. 81 тасини ёлғиз Бухорий, 31 тасини Муслим келтирган. 2348 таси бошқа китобларда зикр этилган. Умрлари охирида кўзлари ожиз бўлиб қолди. Ҳижрий 73 (милодий 692) йили 84 ёшларида Маккада ҳаж пайтида вафот этдилар (розийаллоҳу анҳу).

### **Анас ибн Молик**

Анас ибн Молик ибн Назр ан-Нажжорий ал-Хазражий ал-Ансорий (куняси Абу Сумома) ҳижратдан ўн йил аввал Мадинада туғилганлар. Ёшлиқдаёқ Исломга кирганлар ва бир неча йил Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга сидқидилдан хизмат қилганлар. Пайғамбаримиз унга узоқ умр кўриш ва серфарзанд бўлишни тилаб дуо қилганлар. Бадр ғазотидан ташқари барча ғазотларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қатнашганлар.

Исломнинг улуғ фақиҳларидан ва муҳаддисларидан. Абу Ҳурайра: "Анас ибн Моликдан бошқа Набий алайҳиссаломнинг намозларига ўхшаш намоз ўқийдиган бирор кишини кўрмадим", деганлар. Анас ибн Молик жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 2286 та ҳадис ривоят қилганлар. 168 тасини ҳам Имом Бухорий, ҳам Муслим келтиришган. 83 тасини ёлғиз Бухорий, 71 тасини фақат Муслим келтирган. 1964 таси бошқа ҳадис китобларида мавжуд. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг аввал Дамашқда, кейин Басрада яшадилар. Шу ерда 93 ҳижрий (712 ми-

лодий) йили бир юз уч ёшда вафот этдилар. Басрада вафот этган энг охирги саҳоба бўлдилар (розийаллоху анху).

### **Оиша бинти Абу Бакр**

Ҳижратдан 8 йил олдин Маккада туғилганлар. Биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари. Оналари Умму Румон Зайнаб бинти Омир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳаралари. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эркаклар орасида энг суюкли Абу Бакр бўлса, аёллар орасида у зотнинг қизлари - Оиша онамиз эдилар.

Пайғамбарлик даврининг ўн учинчи йили ҳазрат Оиша Расули акрамга фотиҳаландилар. Уч йил кейин ҳижрат қилдилар. Илк ҳижрат йили 18 ёшларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиқдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳатто сўнги кунларини ҳазрат Оишанинг хонаси - "Ҳужраи Саодат"да ўтказиб, шу ерда омонатни Эгасига топширдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан 8 йилу 5 ой бирга турмуш қилишди.

Ислом тарихида ҳазрат Оишанинг мавқелари баланд, тафсир, ҳадис, фикҳ, илмларида пешқадам бўлганлар, шаръий ҳукмларнинг тўртдан бири шу онамиз ривоятлари асосида тузилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп ҳадис ривоят қилишда (2210 ҳадис) фақат Абу Ҳурайрадан кейинда турадилар.

Ҳижратнинг 58 (милодий 679) йили 65 ёшда Мадинада вафот этдилар. Васиятларига биноан "Жаннат ул-Бақий"га дафн этилдилар, жанозаларини Марвон замонида Мадина волийси бўлган Абу Ҳурайра ўқидилар.

### **Абдуллоҳ ибн Аббос**

Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ал-Қурайший ал-Ҳошимий, оналари Умму Фазл Лубоба бинти

Ҳорис. Ҳижратдан уч йил олдин туғилганлар, кунялари Абу Аббос. Саҳобаларнинг улуғларидан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Эй Роббим, Абдуллоҳга ҳикматни ўргатгин", деб дуо қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида ўн уч ёшда эдилар. Машҳур Қуръон, ҳадис, фикҳ олимларидан бўлиб етишдилар. Ёшлиқданоқ кўплаб оят ва ҳадисларни ёд билардилар. Расули акрамдан 1660 та ҳадис ривоят қилганлар ва бу борада бешинчи бўлганлар. Ҳазрат Али билан Жамол ва Сиффин жангларида қатнашганлар. Ҳижрий 68 (милодий 687) йилда 71 ёшларида Тоифда вафот этдилар (розийаллоҳу анҳу).

### **Жобир ибн Абдуллоҳ**

Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром ал-Ҳазражий ал-Ансорий ас-Саламий ансорлардан. 603 йили туғилганлар. Бадр ва Уҳуддан кейинги барча ғазотларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қатнашганлар. Энг кўп ҳадис ривоят қилган олти саҳобийнинг бири. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 1540 та ҳадис ривоят қилганлар. Имом Бухорий ва Муслим "Саҳиҳ"ларида у киши ривоятида 1510 та ҳадис келтирилган. Шахсан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан илм ва файз олганлар. Сиффин жангида ҳазрат Али томонларида туриб иштирок этганлар. Оталари Абдуллоҳ ибн Амр ва ўзлари Набий алайҳиссаломнинг хизматларида бўлишган. Мадина муфтийси эдилар. Умрларининг ниҳоясида Мадинаи мунавварадаги Масжид ун-Набавийда бир ҳалқа ташкил қилиб дарс берганлар. Ҳижрий 74 (милодий 694) йили Мадинада вафот этганлар (розийаллоҳу анҳу). У кишини Мадинада вафот этган саҳобийларнинг охиргиси, дейишади.

### **Абу Саид Худрий**

Абу Саид Саъд ибн Молик ибн Синон ал-Ҳазражий ал-Ансорий (ал-Худрий) асҳоби киромнинг машҳур

сиймоларидан, милодий 607 йили Мадинада туғилганлар. У кишининг оталари Молик ибн Синон ҳам саҳобийлардан, Уҳуд жангида шаҳид бўлган. Абу Саид ал-Худрий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Ҳандақ жанги ва бошқа 12 та ғазотларда қатнашганлар. Кўп йиллар фатво бериш билан шуғулланганлар. Расули акрамдан 1170 та ҳадис ривоят қилган, шундан 111 тасини Бухорий ҳам, Муслим ҳам келтиришган. 16 та ҳадисни фақат Бухорий, 52 та ҳадисни Муслим ривоят қилганлар, 1049 таси бошқа ҳадис китобларида зикр этилган. Ҳижрий 74 (милодий 693) йили Мадинада вафот этганлар. Қабрлари Бақиъдадир (розийаллоҳу анҳу).

### Абдуллоҳ ибн Масъуд

Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Ғофил ибн Ҳабиб ал-Ҳузалий (куняси - Абу Абдураҳмон) милодий 592 йили Маккада туғилганлар, саҳобийларнинг улуғларидан. Исломга олтинчи бўлиб кирганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга энг яқин зотлардан ва ходимларидан. Ҳабашистон ва Мадинага ҳижрат қилганлар. Бадр, Уҳуд ва бошқа барча ғазотларда қатнашганлар. Ҳузурни Рисолатда доимий бўлгани учун Қуръони каримни жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларидан эшитиб, ҳаммадан яхши ёдлаган ва тафсир илмининг пешқадами бўлиб танилганлар. Асҳоби киромнинг энг улуғ фақиҳларидан, мужтаҳидларидан эдилар. Жисмонан заифроқ бўлганлар, аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Сиз Ибн Масъуднинг вужуди заифлигига қараманг, мезонда у ҳаммангиздан оғирдир", дея марҳамат қилганлар. Аллоҳнинг китоби хусусида илмлари шунчалик эдики, бу ҳақда ўзлари: "Аллоҳ таолога қасамки, Қуръондаги оятларнинг қаерда ва нима ҳақда нозил бўлганини билар эдим ва истардимки, Аллоҳнинг китобини мендан ҳам яхши билувчироқ бир киши бўлса-ю, ахтариб топиб, ундан таълим олсам", деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотлари-

дан кейин Куфа хазинаси бошлиғи бўлдилар, ҳазрат Усмоннинг халифалик даврларида Мадинага келдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан 840 та ҳадис ривоят қилинган, улардан 120 тасини Бухорий ва Муслим муштарак нақл қилишган.

Бутун умри Пайғамбар алайҳиссаломга хизматда ва Исломот таълимоти йўлида ўтган зот ҳижратнинг 32 йилида (милодий 652) 60 ёшда вафот этганлар (розийаллоҳу анҳу). Қабрлари Бақиъдадир.

## **Мовароуннаҳр уламолари**

### **Абдуллоҳ ибн Муборак**

Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (қуддиси сирруҳу) Хоразм туркларидан Муборак ибн Возиҳнинг ўғли. Ҳижрий 118 (милодий 736) йили Марвада туғилиб, Маккада турғунлашганлар. VIII асрдаёқ йигирма минг ҳадисни ўз ичига олган 20 та асарини Абу Ҳанифанинг абвоби фикҳига кўра тартиб этганлар. Табаъ тобеъин ва буюк муҳаддис, фикҳ бобида етакчи олим эдилар. Илк бор жиҳод ҳақида асар ва биринчи марта арбаъин ёзганлар. Тасаввуф илмига тартиб берган Зуннун Мисрийдан 63 йил бурун тасаввуф илми ҳақида китоб ёзганлар. Бундан ташқари ҳадис илмига доир кўплаб китоблари, ваъз қабилидаги ҳикматли сўзлари ва насихатомуз шеърлари бор. Бу зот илмидан Аҳмад абн Ҳанбал бахраманд бўлганлар. Ўзлари Имоми Аъзам билан учрашиб, шогирдлари қаторидан жой олганлар.

Бу зотнинг илмий фаолияти, ибратли ҳаёт йўли барча мусулмонларга ўрнак бўларлидир. Ибн Муборак ҳижрий 181 (милодий 797) йилда Маккада 63 ёшда вафот этганлар.

### **Абулқосим Замахшарий**

Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замах-

шарий ҳижрий 467 (милодий 1075) йили қадим Хоразм заминидаги Замахшар қишлоғида (ҳозирги Туркманистоннинг Тошқовуз вилояти) таваллуд топган. Болалиги ва ёшлиги Хоразмда ўтган, кейин Бухорода таҳсил олган. Сўнгра жуда кўп юртларда бўлиб, билимини оширган. Маккаи мукаррамада беш йил яшаб, шу ерда кўпгина китобларни ёзган ҳамда шу боис Жоруллоҳ (Аллоҳнинг қўшниси) деган шарафли лақабни олган. Аз-Замахшарий илми тафсир ва илми ҳадис, тилшунослик, луғатшунослик, услуб ва нотиклик, фикҳ ва шеърятга бағишланган эликдан ортиқ йирик асарларнинг муаллифидир.

Унинг араб тилшунослиги ва грамматикасига бағишланган "Ал-Муфассал" (1121 йил) асари катта шуҳрат қозонган. Олимлар "Шу чўлоқ бўлмаганида араблар ўз тилини билмай ўтарди", дейишган.

Аз-Замахшарийнинг хоразмшоҳ Абулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзган яна бир асари "Муқаддат ул-адаб"дир (1137 й.). Арабчадан форс, чиғатой, мўғул, турк, сўнгра франсуз, олмон тилларига таржима қилинган. Улуғ олимнинг Қуръони карим тафсирига бағишланган яна бир машҳур асари "Ал-Кашшоф" кенг тарқалган ва тўрт жидди бу асари билан Ислом оламида катта шуҳрат топган.

Замахшарийнинг "Нотиклик асослари", "Хутбалар ва ваъзлар баёнида олтин шодалар", "Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни", "Нозик иборалар" каби асарлари ҳам бор. Олимлар уни улуғлаб "Устоз ул-араб вал-ажам" (араблар ва ажамлар устози), "Фахру Хоразм", деб аташган. Ҳижрий 538 (милодий 1144) йили оламдан ўтдилар. Қабрлари Урганч шаҳрининг ташқарисида.

## Абу Бакр Сарахсий

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсийнинг асли Сарахсдан бўлса ҳам, Бухоро ва Фарғонада яшаган. Бухоролик машҳур аллома "Шамсул-аимма" Абу Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Ҳалво-

ний ҳузурида таълим олиб, замонасининг улуғ аллома-си даражасига етган. XI асрда қорахонийлар сулоласи даврида яшаган. Хоқонга насиҳат қилгани учун Фарғона водийсидаги Ўзгон шаҳрида зиндонга ташланган ва ўн йил зиндонда қолган. Ўзининг ўн беш жилдлик машҳур "Ал-Мабсут" асарини ёддан айтиб турган ва шогирдлари зиндон оғзида туриб ёзиб олганлар. Бу асар ҳанафий мазҳаби бўйича фикҳ илмида нодир манба ҳисобланади. Бундан ташқари унинг "Усул ул-фикҳ", "Шарҳи китаб ас-сияр ал-Кабир", "Ал-фавоид ал-фиқҳийя", "Шарҳи ал-жомеъ ал-Кабир", "Шарҳи Мухтасар ат-Таваҳий" каби ўнлаб асарлари бор. 486 ҳижрий (1094 милодий) йили вафот этганлар (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Алоуддин Самарқандий**

Алоуддин ас-Самарқандий Мовароуннаҳрнинг машҳур алломаларидан, ҳанафий мазҳабининг таниқли фақиҳи. Қозил-қуззат Абул Юср ал-Паздавий ва Мотуридийя олимларидан Абул Муъин ан-Насафийлардан таълим олганлар. Фикҳнинг фуруъ ва усул соҳалари билимдони бўлиб етишганлар. Алоуддин Самарқандий Бухорога кўчиб борганлар. Бир неча бор Онадўли (ҳозирги Туркия)га аёли билан сафар қилганлар, бирмунча вақт истиқоматда бўлишган. Ҳалаб (Шом)да Нуриддин Занжи билан учрашганлар. Кейин Бухорога қайтиб бориб, мударрислик қилганлар ва шу ерда вафот этганлар. Алоуддин Самарқандийнинг "Тухфат ул-фуқаҳо", "Ал-мабсут", "Аз-Зиёdot", "Ал-лубоб фи усулил-фикҳ", "Шарҳут-таъвилот ул-Қуръон", "Шарҳул-жомъи ул-кабир", "Шарҳ ут-таҳовийя" каби ўнлаб машҳур асарлари бор. Қизлари Фотима ва куёвлари Алоуддин ал-Косонийлар ҳам замонасининг машҳур фақиҳларидан бўлишган (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Абу Лайс Самарқандий**

Фақиҳ Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим

ас-Самарқандий ҳижрий 301 (милодий 911) йили Самарқандда туғилганлар. Ҳанафий мазҳабининг машҳур фақиҳларидан. Ёшликларида оталаридан ва Абу Жаъфар ал-Ҳиндувонийдан сабоқ олганлар, замонасининг етук фақиҳи, тавҳид асослари илмида шухрат қозонган олими бўлиб етишганлар. "Имом ул-ҳудо" (тўғри йўлга бошловчи имом) лақабини олганлар.

Ўнлаб асарлар ёзган, улардан машҳурлари "Баҳр ул-улум" (Қуръон тафсири), "Ҳизонат ул-фиқҳ", "Ан-на-возил", "Ал-муҳаддим фис-солат", "Китоби баёни ақоид ул-усул", "Бўстон ул-орифин", "Танбеҳ ул-ғофилин", "Минҳож ул-ибод" ва бошқалар. Турли манбаларда ҳижрий 373 ёки 375 йилларда вафот этганлиги ҳақида маълумотлар бор (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Абу Ҳафс Насафий**

Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон ан-Насафий ҳижрий 461 (милодий 1069) йили Насаф шаҳрида туғилганлар, кўп вақт Самарқандда яшаганлар. Мовароуннаҳрнинг улуғ алломаларидан, фақиҳ, муфассир, муҳаддис, муаррих, Бурҳониддин Марғиновичнинг устозларидир. Турли илмларга доир юзга яқин асар ёзганлар. "Ақоид ун-Насафийя" китоби ғоятда машҳур ва ақоид китобларининг мўътабари саналади. Бундан ташқари "Ал-акмал ал-атвол фи тафсир ул-Қуръон", "Таъдод аш-шуйух ли-Умар", "Тарихи Бухоро", "Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд", "Шарҳи Саҳиҳ ал-Бухорий", "Мажмаъ ул-улум", "Ал-мавоқийт", "Ал-хасоил фил-масойил" каби асарлари маълум. Ҳижрий 537 (милодий 1142) йили Самарқандда вафот этганлар (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Абул Баракот Насафий**

Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий ал-Ҳанафий мутааххир зоҳидлардан ва мўъта-



бар имомлардан. Қуръон ва ҳадис илмида моҳир, беназир фақиҳ бўлганлар. У кишининг китоблари орасида "Матнул-вафий", "Ал-Кофий" (фаръий масалалар), "Канз уд-дақоик" (фиқҳ), "Ал-Манор" (усули фиқҳ), "Ал-умда" (усули дин)лар машҳур. Айниқса, "Мадорик ут-танзил ва ҳақоик ут-таъвил" номли тўрт жилдли тафсири энг муҳим ва мўътабар асарлардан, уламолар орасида машҳур ва қўлма-қўл бўлиб ўрганилади. Сўнгги йилларда Бағдодда мударрислик қилганлар. Ҳижрий 701 (милодий 1310) йили вафот этганлар ва Бакристоннинг Айзаж шаҳрида дафн этилганлар (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Алоуддин Косоний**

Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний таниқли ҳанафий фақиҳи, Наманганнинг Косонсойида туғилганлар. Самарқандга келиб Алоуддин ас-Самарқандийдан таълим олганлар. У кишининг фиқҳга доир тўққиз жилдли "Тухфат ул-фуқаҳо" асарларига "Бадои ус-санои" номли шарҳ ёзганлар ва бунинг эвазига олимнинг илм ҳамда ҳуснда тенги йўқ қизлари Фотимага уйланганлар. Бир неча муддат Онадўлида яшаганлар ва бу ерлик ҳукмдор билан чиқиша олмай, Ҳалаб султони Нуриддин Занжи ҳузурига кетиб қолганлар. Шом ва Ҳалаб уламолари у кишига "Малик ул-уламо" деб ном беришган. У кишининг калом илмига доир "Ас-султон ал-мубин фи усулид-дин" номли асарлари ва Қуръони каримга ёзган тафсирилари ҳам бор. "Бадои ус-санои" асари ҳанафий фиқҳига доир асарларнинг энг эътиборлиларидан бири. Ал-Косоний ҳижрий 578 (милодий 1191) йили Ҳалабда вафот этганлар (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Алийул-Қорий**

Нуриддин Алийул-Қорий ибн Султон Муҳаммад ал-Ҳаравий ал-Маккийал-Ҳанафий ўн биринчи асрнинг буюк олимларидан. Ҳирот шаҳрида туғилиб, шу ерда

таълим олганлар, кейин Маккаи мукаррамада яшаб қолганлар. Тафсир, ҳадис, ақида, фикҳ, сиярга доир асарлари билан шуҳрат қозонганлар. Ҳанафий мазҳабининг энг кучли ҳимоячиларидан, бунинг учун Имом Шофеъий тарафдорларидан шиддатли танқидларга учраганлар. Мусҳафи шариф кўчириб тирикчилик қилганлар, муттақий зот эдилар. "Мирқот ул-мафотих шарҳу мишкот ул-масобих", "Ниҳояту мин-шарҳу Мухтасар ул-виқоя", "Тафсир ул-Қуръон", "Ал-Маносик", "Шарҳул фикҳ ул-акбар", "Мушкилот ул-Муватто", "Асма ул-ҳанафия", "Ал-аҳодисул-қудсия" ва бошқа асарлари бор. Ҳижрий 1014 (милодий 1606) йили Маккада вафот этганлар. Қабрлари "Ал-Маълот" қабристонида (раҳматуллоҳи алайҳ).

### **Бурҳониддин Марғионий**

Али ибн Абубакр ибн Абдужалил ал-Ҳалил ал-Фарғоний ал-Марғионий (лақаблари Бурҳониддин) ҳижрий 511 (милодий 1123) йили Марғилон яқинидаги Риштон қишлоғида туғилганлар. Бурҳониддин Марғионий ёшлигидан тинимсиз илм ўргандилар, ҳанафий мазҳаби бўйича ўз даврининг буюк фақиҳи бўлиб етишдилар.

Олим 573 йили фикҳ илмининг барча турларини ўз ичига қамраб олган "Бидоят ул-мабтадий" номли 8 жилдик асарини ёзишга киришадилар. У киши бу китобни 13 йил давомида рўза тутган ҳолда ёзиб тугатадилар.

Кейин шу асарнинг тўрт жилдли "Кифоят ул-мунтаҳий" номли шарҳини ёздилар. Тўрт жилдлик "Ҳидоя" асари эса олимнинг номини бутун оламга машҳур қилиб юборди. Бу асар ҳанафий мазҳаби бўйича муҳим ва мукамал қўлланма, Ислом фикҳининг барча томонларини қамраб олган нодир дастуруламалдир. "Ҳидоя" сак-

# НИКОҲ ВА ТАЛОҚ

*Никоҳ*

*Уйланишнинг шаръий ҳукмлари*

*Хотиннинг эрдаги ҳақлари*

*Эрнинг хотиндаги ҳақлари*

*Фарзанд туғилганида...*

*Кимлар билан никоҳланиш ҳаром?*

*Никоҳ туфайли маҳрамлар*

*Маҳр*

*Талоқ*

*Ҳасан талоқ*

*Аҳсақ талоқ*

*Бидъий талоқ*

*Ражъий талоқ*

*Боин талоқ*

*Идда*

*Мерос*

киз асрдан буён Ислом дунёси учун энг дақиқ ва ишонарли манба сифатида хизмат қилиб келяпти.

"Ҳидоя" турли йилларда бевосита араб тилидан немис, форс, инглиз, рус, франсуз тилларига таржима қилиниб, кўп марта чоп этилди. "Ҳидоя" ўзбек тилига ҳам ўтирилди.

Бурҳониддин Марғинович ҳижрий 593 (милодий 1196-97) йилда Самарқандда вафот этганлар. "Турбат ул-муҳаммадийн"га дафн этилганлар (раҳматуллоҳи алайҳ).

## Никоҳ

"Никоҳ" сўзи луғатда "қўшилиш", "яқинлик", "боғланиш" маъноларини англатади. Шаръий истилоҳда эса шаръан уйланиш мумкин бўлган аёл билан эрнинг бир-бирларидан лаззат олишларини ҳалол йўлга солувчи битим "никоҳ" дейилади.

Никоҳ ақди (битими) битимларнинг энг яхшисидир. Зеро, у инсон зотига алоқадор бўлиб, икки шахс ўртасини меҳр-муҳаббат билан боғлайди. У зурриёд пайдо бўлишининг боши, жинсий бузуқликлардан сақланиш йўлидир. Никоҳ динимизда тарғиб қилинган амаллардан бўлиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом суннатларидандир. Никоҳдан асосий мақсад - зурриёд қолдириш ва ҳаромдан сақланиш, асосий шартларидан бири келинга куёв томонидан маълум ҳадя-махр берилишидир. Никоҳсиз қўшилиш зино ҳисобланади.

Никоҳнинг рукнлари "ийжоб" ва "қабул"дир.

## Уйланишнинг шаръий ҳукмлари

Кишининг жинсий қуввати, оила масъулиятини адо эта олишига кўра шариятда уйланишнинг ҳукми беш хил:

1. Уйланиш фарз - маҳрга ва аёл нафақасига етарли моли бор, фақат уйланиш билан зинодан сақлана оладиган кишиларга.

2. Уйланиш вожиб - маҳрга ва аёл нафақасига етар-

ли моли бор, уйланмаса, зинога кетиш хавфи бўлган кишиларга.

3. Уйланиш суннат - маҳрга ва аёл нафақасига етарли моли бор, жинсий муносабатга лаёқатли кишиларга.

4. Уйланиш ҳаром - маҳр ва аёл нафақасига қодир бўлмаган, жинсий лаёқати йўқлиги аниқ кишиларга.

5. Уйланиш макруҳ - маҳр ва аёл нафақасини топиб беришидан ҳамда жинсий ожизлигидан хавфсираган кишиларга.

### **Хотиннинг эрдаги ҳақлари**

Хотиннинг эр зиммасидаги ҳаққи эрнинг ўзига ҳам, молига ҳам тегишлидир. Хотиннинг эри зиммасидаги маҳр ва нафақа сингари молиявий ва шахсий ҳақлари бор. Улар қуйидагилар:

1. Эр хотинига хушфеъл бўлиши, у билан яхши муомала қилиши, бирга фаровон ҳаёт ўтказиши, унга озор етказмаслиги керак. Бу билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига амал қилган бўлади. Имом Термизий ривоят қилган ҳадиснинг маъноси шундай: "Сизларнинг энг яхшиларингиз хотинларига яхшиларингиздир".

2. Эр хотиннинг озорини кўтариши, у ғазабланганида ва жаҳли чиққанида мулойим бўлиши, унинг хатоларини кечириши керак. Бундай қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига амал қилишдир. Имом Муслим ривоят қилишларича, Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу айтадилар: "Расулуллоҳдан бошқа оиласига меҳрибонроқ бирор кишини кўрмадим".

3. Эркак хотини билан ўз қадрини туширмайдиган даражада ҳазиллашиши, чақчақлашиши ва ўйнамоғи керак. Бу ишлар аёл қалбини кўтаради.

4. Эркак аёлини қизғаниши, унинг ор-номусини сақлаши керак. Оқибати бузуқ бўладиган ҳар қандай ҳолга бепарво бўлмаслиги лозим.

Аммо ёмон ўй, талабчанлик ва ични билишда ҳаддан ошиш дуруст эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-

саллам бундан қайтарганлар. Имом Муслим Жобир розийаллоҳу анҳудан шундай ривоят қиладилар: "Расуллоҳ эрни оиласига ишонмай ё хатоларини излаб кечқурун келишдан қайтарганлар".

5. Эр хотиннинг ўзига алоҳида жой қилиб бериши, унда эрнинг яқинларидан ҳеч ким бўлмаслиги керак.

6. Эр хотинга бериши лозим бўлган маҳрни қанча бўлса-да, тўла бериши керак. Маҳр танҳо хотиннинг ҳаққидир.

7. Эр хотинининг озиқ-овқат ва кийим-бош каби эҳтиёжларини исроф этмай, етарли таъминлаши керак. Эр харжлари учун ажр ва савобга эришади. Имом Бухорий ва Муслим "Саҳиҳ"ларида шундай келган: "Саъд ибн Абу Ваққос розийаллоҳу анҳу ривоят қилишлари-ча, Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: "Сен Аллоҳ таоло розилигини истаб қилган ҳар қандай харжинг учун ажр оласан. Ҳатто хотининг оғзига солган таоминг учун ҳам сенга ажр бор".

8. Эр хотинига диний масалаларни ўргатиши лозим. Аввало иймон рукнларидан ва барча эътиқодий масалалардан бошлаб, таҳорат, ҳайз, намоз, рўза ва бошқа амалларга боғлиқ зарурий шаръий ҳукмларни билдириши ва доимо намозга ундаб туриши керак. Зеро, эр шунга буюрилган.

9. Эр аёлларига бирдай, одилона қараши лозим. Мол, нафақа ва бирга бўлишда бирини бошқаларидан ортиқ қилмаслиги керак. Қалб майлидан бошқа барча ишда уларга бир хилда қараш керак.

10. Эр агар хотини исён ва ахлоқсизлик қилса, уни тўғри йўлга солиш учун одоб ўргатиши керак. Бу хотинни ўзига бўйсунтиришга ундаш учунгина эмас, балки биринчи навбатда Аллоҳ таолога итоат этишга ундаш мақсадида бўлиши зарур. Агар хотин намозни қолдирса, эри уни намозни адо қилишга қатъий ва кескин буюриши лозим. Хотин бирор фарзни қолдирса ё бирор ҳаром ишга қўл урса, эр бунга бепарво бўлмаслиги керак. Зеро, эр унинг қўриқчиси ва унга масъулдир.

Аммо унга одоб беришни босқичма-босқич билан

олиб бориши керак. Аввало панд-насиҳат, огоҳлантириш, тарғиб қилиш ва қўрқитиш лозим. Бу фойда бермас, тўшақда унга орқа қилиб, сўнг бир хонада алоҳида тўшақда ётиши керак. Аммо ўзини хонада ёлғиз ётқиши ярамайди. Бир кечадан уч кечагача шундай ётса бўлади. Агар бу ҳам фойда бермас, хотинини ранжитадиган даражада, аммо жасадини қонатмай ва зарар етказмай уради. Хотиннинг юзига, бошига, қорнига, белига ва баданининг зарарланадиган қисмига уриш мумкин эмас.

11. Эр хотинининг иффатини сақлаши лозим. Хотинини ҳаромдан ҳимоя қилиш эрга вожибдир. Бу ўз хоҳишини хотини эътиборга олишини истаганидек, хотиннинг хоҳишини, хусусан, қўшилиш чоғида эътиборга олиш билан бўлади. Эр хотини ундан қонгунича шошмаслиги керак.

12. Эр хотинни на сўз билан ва на феъли билан сўкиб, айблаб, ҳақоратлаб, ёмонлаб пастга урмаслиги, унинг жисми-ю хулқини, оиласи-ю яқинларини камситмаслиги керак. Зеро, бу мусулмон ахлоқига мутлақо тўғри келмайди.

13. Эр хотинини яхши кўрса, жуда ҳурматлаши лозим, ёмон кўрса, зулм қилмаслиги керак. Истаса, чидаб яшасин ё яхшиликча ажралсин. Аёлни фақат мардлар қадрлайди, пастлар хорлайди.

## **Эрнинг хотиндаги ҳақлари**

Солиҳа аёл уйига боғланган бўлади, ҳожат бўлмаганида чиқмайди, ўз ҳолини яхшилаш, уйини тартибга келтириш, болаларини тарбиялаш, оиласини бахтиёр қилиш унинг мақсади бўлади. Намозларни вақтида адо этади. Рамазон ойида рўза тутади. Аллоҳни ёдидан чиқармайди. Аллоҳ таоло берган насибасига қаноат қилади.

Хотин эрининг ҳақларини билиб, уларни адо қилганидагина солиҳа хотин бўлади. Эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақлари қуйидагилардир:

1. Хотин эрининг ҳаққини ўз ҳаққидан ва ҳамма

яқинларининг ҳаққидан ҳам олдинга қўйиши керак. Чунки зиммасидаги эрининг ҳаққи жуда каттадир.

2. Ҳайз ва нифос кунларидан бошқа барча ҳолда эри ундан ором ва лаззат олишни истаган пайтда тайёр бўлиши лозим. Эрига тўсқинлик қилиш, эрининг у билан қўшилиш истагини ҳар қандай вақтда қайтариши мумкин эмас. Агар эрининг рағбатига жавоб бермаса, гуноҳкор бўлади. Фаришталар уни лаънатлайди. Бу ҳақ эрининг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақларидан биридир. Зеро, хотин эрининг унга тўшақдаги эҳтиёжини ўйлаши иккиси ҳам бахтли бўлишларининг асосий омилдир. Шунингдек, аёлнинг хотинлик масъулияти билмаслиги, эрининг бу ҳаққига эътибор қилмаслиги кулфат, жанжалга сабаб бўлади, кўп ҳолда ажралишга олиб боради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар: "Агар хотин эрининг тўшагидан айрилиб ухласа, тонг отгунча уни фаришталар лаънатлайди" (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

3. Хотин эридан рухсат олмай, нафл рўза тутиши мумкин эмас. Чунки рўза баҳра олишга тўсиқдир. Аёл нафл рўза тутса, эри у билан кундуз куни қўшилолмайди. Қўшилиш эрининг ҳаққидир.

4. Хотин эрининг уйдан унинг ижозатисиз бирор нарсани ўзининг яқинларига ҳам бериши керак эмас. Агар берса, хотинга гуноҳ, эрга савоб бўлади. Тўғри, фақат таомидан бузмай, садақа қилса бўлади.

5. Хотин эридан рухсат олмай уйдан чиқиши, уйдан бошқа жойда ишлаши мумкин эмас. Эри истамаса, аёллар билан аралашмаслиги керак.

6. Хотин Аллоҳ таоло берган насибага рози бўлиши, эрига инжиқлик қилмаслиги керак. Маишат қийинчилиги ё ҳол ночорлиги учун ғазабланмаслиги ва оҳ-воҳ урмаслиги лозим. Балки хушнудлик ва қаноат кўрсатиб, эрининг ризқ топишдаги машаққатларини қадрлаши, ҳаром касбга ўтишидан қўрқиб, ундан ҳожатдан ортиғини талаб қилмаслиги даркор. Эрини ҳам қаноатга ундаб, ҳаром йўллардан огоҳлантириши зарур. Моларимиз (Аллоҳ таоло уларни раҳматига олсин) эр-



ларини кузатаётиб шундай дердилар: "Ҳаром касбдан сақланинг! Биз очлик ва қийинчиликка чидаймиз, аммо оташга чидаёлмаймиз".

7. Хотин авратини беркитиши, рухсорини маҳрамларидан бошқага очмаслиги билан ўзини сақлаши лозим. Аёлнинг яланғочланиши, кийимларини эридан ўзгага ечиши, калта ва шаффоф кийимлар кийиши ҳаромдир. Бунда катта бузуклик бўлади.

8. Хотин эрининг дўстига нотанишдек бўлиши лозим. Эри уйида бўлмаганида унинг дўсти эшик қоқса, ўзи ва эрига рашк қилиб, у билан сўзлашмасин. Зеро, киши дўстининг хотини билан танишар экан, бу ҳол рашк ва фитнага сабаб бўлади.

9. Хотин гўзаллиги билан эрига фахрланмаслиги, эри хунук бўлса, ёмон кўрмаслиги, агар бой бўлса, эри олдида моли билан ғурурланмаслиги керак. Балки эр томонини назарга олиши, уни ҳурмат қилиши ва қадрлаши лозим.

10. Хотин фарзандларига раҳм қилиши, уларни ҳурмат қилиши, фарзандларни уришиб лаънатлашдан, эрига юзсизлик билан мурожаат қилишдан тилини тийиши, унинг хизматлари ва марҳаматларини инкор этмаслиги керак. Бу жуда муҳим, оз аёлларгина риоя этадиган хислатдир. Зеро, аёллар болаларни лаънатлаш, эридан озгина ёмонлик содир бўлгани учун унинг ҳамма яхшиликларини инкор этиш билан машҳурдир.

### **Фарзанд туғилганида...**

Бола туғилганидан сўнг қилиниши лозим бўлган суннат ва мустаҳаб ишларнинг муҳимлари қуйидагилар:

1. Гўдак туғилганидан хушxabар бериш ва у билан қутлаш мустаҳабдир. Зеро, хушxabар мусулмонни қувонтиради ва хурсанд этади. Инсон фарзанди туғилса ё аёлининг ҳомиладорлиги билинса ҳам, хурсанд бўлиши мустаҳабдир.

Марям сурасининг 7-ояти мазмуни шундай: "Ё Закариё! Биз сизга Яҳё деб исманган бола ато қилиши-

миз хушхабарини берамиз. Бу ном билан олдин ҳеч бирни атамаганмиз".

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга ва унинг аёл-ларига ҳам фарзанд хушхабарини берган.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳдан табрик борасида шундай ривоят қилинади: у зотнинг олдиларида фарзанд кўрган бир киши ўтирарди. Ҳузурларига яна бир киши келди ва унга: "Отлиқ севинтирсин", деб табрик-лади. Шунда Ҳасан Басрий: "У отлиқми ёки эшакбоқ-арми - қаёқдан биласан?" дедилар. "Унда нима дейи-шимиз керак?" деди у одам. "Аллоҳ фарзандингизни муборак қилсин, берган Зотга шукурли бўлинг, фар-зандингиз камолга етсин ва унинг яхшилиги сизга на-сиб этсин, деб айтинг", дедилар Ҳасан Басрий.

2. Чақалоқ туғилганидан кейин биринчи эшитадиган сўзи азон бўлиши учун ўнг қулоғига азон, чап қулоғи-га иқомат айтиш мустаҳабдир.

3. Чақалоқ туғилгач, отаси ё бошқа фозил киши хур-мо ё шунга ўхшаш нарсани чайнаб, уни чақалоқ оғзига суриши ҳам мустаҳаб. Зеро, Пайғамбаримиз соллал-лоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромлардан бир неча-ларнинг фарзандларига шундай қилганлар. Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари Асмонинг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Зубайр (Аллоҳ таоло уларнинг барчаларидан рози бўлсин) туғилганларида Пайғамбаримиз шундай қил-ганлар. Асмо унга Маккада ҳомиладор эдилар ва Мадинага ҳижрат қилиб Қубога келишлари билан Абдуллоҳ-ни туғдилар. Уни Расулуллоҳ ҳузурларига олиб борган-ларида, Расулуллоҳ хурмо келтиришларини сўрадилар ва хурмони чайнаб уни оғзига туфладилар. Шундай қилиб, унинг қорнига биринчи кирган нарса Расулул-лоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак тупукла-ри бўлди. Сўнг хурмо билан оғзини сурдилар ва ҳақиқа дуо қилдилар, унга барака тиладилар. Абдуллоҳ Мадинадаги муҳожирларнинг Исломда туғилган биринчи чақалоғи эди.

4. Бола туғилганида унга яхши ном қўйиш суннат-дир. Ном қўйишни етти кундан кечиктириш номаъқул.

Имом Муслим Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Бу кеча бир ўғил кўрдим, уни отанинг исми билан Иброҳим деб номладим". Расулуллоҳнинг бу ўғиллари Марям Қибтийя розийаллоҳу анҳудан туғилган эди. У чўрилари эди. Мусулмон бўлган эди. Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: "Аллоҳ азза ва жаллага энг суюкли исмларингиз Абдуллоҳ ва Абдурахмондир". Бошқа ҳадисларида айтадилар: "Пайғамбарларнинг номларини олинг!" Исмларни бузиб айтиш макруҳ бўлади.

5. Ўғил болани хатна қилиш суннатдир. Уни кечиктириш макруҳ. Хатна барча пайғамбарларнинг суннатидир.

### **Кимлар билан никоҳланиш ҳаром?**

Насл-насаб ва авлод жиҳатидан никоҳи ҳаром бўлган аёллар:

а) она, ота-онанинг оналари, бува-бувиларининг оналари ва ҳоказо;

б) қизлар, ўғил-қизларнинг қизлари ва барча қиз набиралар;

в) опа-сингиллар, ака-ука ва опа-сингилларнинг қизлари, қиз набиралари;

г) аммалар, холалар, ота-онанинг амма-холалари. Уларнинг қизларига ўйланиш мумкин.

д) эмизган аёлга ва юқорида саналган унинг аёл қардошларига;

е) ўзганинг никоҳида ёки иддасида бўлган аёлга.

### **Никоҳ туфайли маҳрамлар**

Қуйидагилар никоҳ туфайли маҳрам ҳисобланади:

- ота-онанинг, уларнинг ота-оналарининг жуфтлари (яъни, ўғай ота-оналар);

- фарзандларнинг жуфтлари;
- қайнона-қайноталар, уларнинг ота-оналари (бу маҳрамликка никоҳ бўлишининг ўзи кифоя, қовушиш шарт эмас);

- эр-хотиннинг бошқа оилаларидан бўлган фарзандлари ҳар иккаласи учун ҳам маҳрамдир.

1. Никоҳ туфайли маҳрам бўлган аёллар:

- отанинг аёли (у ҳам она ҳукмида), у аёлнинг оналари, бувилари;

- ўғилларнинг, набираларнинг хотинлари - келинлар;

- хотиннинг оналари, ота-оналарининг оналари, бу аёллар никоҳ ўқиши билан маҳрамга айланади;

- ўғай қизлар, ўғай ўғил-қизларнинг қизлари, яъни хотиннинг аввалги оиласидан бўлган қизлари, бунда эркак аёл билан қовушганидан кейингина ўғай қизлар маҳрамга айланади.

2. Никоҳи туфайли маҳрам бўлган эркаклар:

- ўғай оталар, уларнинг оталари (онасининг у эр билан қовушганлиги шarti билан);

- қизларнинг, набира қизларнинг эрлари (бу маҳрамликка никоҳнинг ўзи кифоя);

- эрнинг отаси, эрнинг ота-онасининг оталари;

- ўғай ўғиллар, ўғай ўғил-қизларнинг ўғиллари.

Никоҳ туфайли маҳрам бўлган зотлар эмиқдошлик ва зино собит бўлганда ҳам маҳрамга айланади. Масалан, эркакка хотинининг бошқа эрдан бўлган қизи ва хотинининг онаси ҳаром бўлгани каби хотинининг эмизган қизи ва эмган онаси ҳаромдир. Шунингдек, зино қилган аёлнинг қизи, онаси, эмизган қизи, эмган онаси ҳам абадиян ҳаромдир.

## Маҳр

Эр хотинига никоҳдан кейин қўшилиши ёки ёлғиз қолишларидан сўнг бериши лозим бўлган мол "маҳр" дейилади. Қуръони каримда унга нисбатан садоқ, садақа, ажр, фариза, ниҳла номлари ишлатилган. Маҳр - аёлнинг ҳаққидир, уни олгандан кейин нима қилса, ўзи

билади, ихтиёри билан рози бўлиб маҳрнинг ҳаммасини ёки ярмини эрига қайтариши ҳам мумкин. Ҳанафий мазҳабида маҳрнинг ози ўн дирҳам дейилган. Кўпининг чегараси йўқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Маҳрнинг энг яхшиси унинг озидир", деганлар.

## **Талоқ**

"Талоқ" сўзининг луғавий маъноси "бирор нарсанинг боғичини ечиш, боғланишни бўшатиш, узиш" деганидир. Шаръий истилоҳда эса никоҳ боғланишини ечиб юбориш, демакдир. Турмушдаги келишмовчиликнинг ҳеч давоси топилмаса, Аллоҳ сўнгги чора сифатида талоқни машруъ қилган. Сабабсиз талоқ қилиш ҳаромдир. Талоқ Аллоҳ ҳузурида мубоҳ бўлган ишларнинг энг ноҳушидир. Талоқнинг ёмонлигидан Аллоҳнинг Арши титрайди, деганлар.

## **ТАЛОҚ ТУРЛАРИ**

### **Ҳасан талоқ**

Эр-хотиннинг ажралишдан бошқа чораси қолмаганида орани бир йўла узмаслик лозим. Бунинг учун эр суннатга мувофиқ талоқ қилиши керак. Суннатга мувофиқ талоқ ҳасан ва аҳсан турларга бўлинади. Киши ўзи билан жинсий алоқада бўлган хотинига уч талоқни бўлиб: ҳар ҳайздан тоза бўлганида қўшилмасдан бир ражъий талоқ бериши ҳасан талоқдир. Бунда эр-хотинликни давом эттириш имкони учинчи талоқни бергунга қадар сақланиб қолади. Ҳанафий уламолар ҳасан талоқ таърифига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абдуллоҳ ибн Умарга: "Аёлингнинг ҳолатини кутиб, ҳар поклик чоғида биттадан талоқ қилмоғинг суннатдандир", деган ҳадисларини далил қилишган.

### **Аҳсан талоқ**

Киши хотинини ҳайздан тоза бўлгач жинсий алоқа

қилмай бир ражъий талоқ қилиб, иддаси тугагунча тегмаслиги "аҳсан талоқ" дейилади. Саҳобалар бу талоқни яхши ҳисоблашган, зеро у пушаймон ва надоматдан узоқдадир.

### **Бидъий талоқ**

Аёли ҳайздан тоза бўлгач қўшилиб, уни бир ражъий талоқ қилиш ва ҳайздан тоза бўлгач қўшилмай бирдан ошиқ талоқ қилиш "бидъий талоқ"дир. Бидъий талоқ асли талоқ ҳисобланса-да талоқ қилувчи гуноҳкор бўлади.

### **Ражъий талоқ**

Талоқ ёки унга очик далолат қилувчи лафзлар билан хотинини бир ёки икки талоқ қўйиш "ражъий талоқ" бўлади. Бу талоқда идда давомида қайтадан никоҳ қилиш ва маҳр тайинлаш эҳтиёжи йўқ. Ражъий талоқ қилган одам хотини билан идда ичида никоҳ қилмай, идда ўтгач никоҳни янгиллаб, қайтадан яшашни давом эттириши мумкин.

### **Боин талоқ**

Талоқ лафзи билан талоқ қилинганида боин талоқ (уч талоқ)ни ният қилиш ва талоқдан киноя бўлган баъзи лафзлар билан талоқ қилинганида "боин талоқ" бўлади. Боин талоқ икки хил бўлади: 1. Байнунати суғро (кичик ажралиш) - талоқ (ажралиш) бир ёки икки марта бўлса, бунда аёл ризоси ва икки гувоҳ билан никоҳни янгиллаш мумкин. 2. Байнунати кубро (катта ажралиш) - берилган талоқ учта ёки учинчи бўлса, бундай боин талоқнинг ҳукмига кўра, аёл эркакка ҳаром бўлади, бир-галикдаги турмушлари тугайди.

### **Идда**

Луғатда "иддат ал-маръа" - маълум вақт, санаш, аёл-

лар учун белгиланган муҳлат, дегани. Шаръий истилоҳда эри ўлган ёки эридан ажрашган хотинларга бошқа эрга чиқиши учун ўтиши шарт бўлган муҳлат. Бундай аёллар идда муддати ўтмагунича турмушга чиқишга ҳақли эмаслар. Идда Қуръони карим ҳукми билан собит бўлган. Идда муддати эри ўлган бева учун тўрт ойу ўн кун, эридан ажралишган ҳайз кўрмайдиган аёл учун уч ой. Ҳайз кўрадиган аёл иддаси уч ҳайз белгиланган. Идда муддати аёлнинг ўлган ёки ажрашган эридан ҳомиласи бор-йўқлигини аниқлаш, эрига қайта ярашиш имконияти бериш билан боғлиқ. Ҳомиладор аёлнинг иддаси у туққунича бўлади. Боин талоқ билан ажрашган хотин идда даврида эридан алоҳида туради, иккови бирга ёлғиз қололмайди. Ражъий талоқда булар шарт эмас. Иддадаги аёлга нафақаси бериб турилади.

## Мерос

Луғатда "маънавий ва молиявий ҳаққа эга бўлиш", "ўлганидан сўнг моли бошқасига ўтди", деган маъноларни билдиради. Шаръий истилоҳда эса марҳумнинг барча мол-мулки тирик ворисларига ўтишига "мерос" дейилади. Мерос Қуръони карим ҳукми билан собит бўлган. Марҳум ва марҳумалар қолдирган меросни тақсим қилишдек мураккаб масалани Аллоҳ таоло инсонларнинг ўзларига ҳавола қилмай, оятлар орқали уни меросхўрларга Ўзи тақсимлаб қўйган (масалан, Нисо сурасининг 7-13-оятлари).

"Мерос илми" (фароиз), деб ҳар бир вориснинг тариқадан (ўлгандан қолган молдан) оладиган мерос улушини белгилаб берувчи ҳисоб-китоб ва фикҳий маса-

# ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.) АҲЛИ БАЙТИ ВА САҲОБАЛАРИ

*Аҳли байт*  
*Азвожи мутаҳҳарот*  
*Пайғамбаримиз фарзандлари*  
*Саҳобийлар*  
*Энг яхши инсонлар*  
*Хулафои рошидин*  
*Абу Бакр Сиддиқ*  
*Умар ибн Хаттоб*  
*Усмон ибн Аффон*  
*Али ибн Абу Толиб*  
*Ашарои мубашшара*  
*Талҳа ибн Убайдуллоҳ*  
*Зубайр ибн Аввом*  
*Саъд ибн Абу Ваққос*  
*Абдураҳмон ибн Авф*  
*Саид ибн Зайд*  
*Абу Убайда ибн Жарроҳ*  
*Тобеъинлар*  
*Муҳожирлар*  
*Ансорлар*  
*Салафлар*



лалардан иборат қоидалар тўпламига айтилади.

Шариатда фикҳ илмининг энг муҳим шўъбаларидан бўлган илм - меросни ҳақдорларга тақсимлаш илми "фароиз" дейилади. Мерос илми асоси Қуръони каримда баён этилган. Мерос илмини илмининг ярми, деганлар ҳам бор. Бу илмининг билимдони "фароизий", деб аталади. Унинг асосий далил-ҳужжатлари Қуръон, суннат ва ижмоъдан олинган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Фароизни ўрганинглари ва уни одамларга ўргатинглари. У умматимдан энг аввал унутиладиган нарсадир", деганлар (Ибн Можа).

### **Аҳли байт**

"Хонадон аҳли, уй аҳллари" деган маънода. "Олибайт, оли ан-набий" (Пайғамбар оиласи), ҳам дейилади. Бу ном Қуръони каримда ҳам зикр этилган бўлиб, шариатда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг хонадонларига, оила аъзоларига, ақраболарига нисбатан ишлатилади.

"Аҳли байт", дейилганида кимлар назарда тутилиши ҳақида турли фикрлар бор. Олимлардан Атоъ, Икрима ва Аббос: "Аҳли байт Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаларидир. Эркаклар аҳли байт ҳисобланмайди", дейишади.

Баъзилар Аллоҳ таолонинг "Уйлариингизда Аллоҳнинг оятлари ва ҳикматдан (яъни, Пайғамбар ҳадисларидан) иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр-тиловат қилинглари!" (Аҳзоб, 34) оятига кўра, "байт" деганда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг маконлари ирода қилинади, дейди. Абу Саид Худрий, Мужоҳид, Қатода, Замахшарий, Калбийларнинг хабар беришича, фақат Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайнгина аҳли байт жумласидандир.

Имом Фахри Розий, Қасталоний ва бошқа гуруҳ олимлар келтиришича, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг фарзандлари ва завжалари, Ҳасан ва Ҳусайн, ҳаз-

рат Али, шунингдек, Расулуллоҳнинг мулозимлари аҳли байт ҳисобланади.

Зайд ибн Арқам: "Садақа олиши ман қилинган Али, Уқайл, Жаъфар, Аббос хонадонлари аҳли байт саналади", дейди.

### **Азвожи мутаҳҳарот**

Луғатда "пок, покдомон, покиза аёллар", дегани. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пок завжалари (хотинлари) ана шу ном билан аталади. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олтмиш уч йиллик ҳаётларида никоҳларига олган завжалари ўн иккита бўлган: ҳазрат Ҳадича, ҳазрат Савда, ҳазрат Оиша, ҳазрат Ҳафса, Ҳузайма қизи ҳазрат Зайнаб, ҳазрат Умму Салама, Жаҳш қизи ҳазрат Зайнаб, ҳазрат Умму Ҳабба, ҳазрат Жувайрийя, ҳазрат Сафийя, ҳазрат Мория, ҳазрат Маймуна. Булардан Сафийя Исроил наслидан, Мория мисрлик қибтийлардан, қолганлари араб эдилар. Араб завжаларининг олтитаси Макканинг Қурайш қабиласидан.

Ислом муҳолифларининг даъволарига қарши ўлароқ, Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўп хотинларга уйланишларининг бир неча ғоят муҳим, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний сабаблари бўлган, улар ўйлаганидай ўз ҳузур-ҳаловатлари йўлида уйланмаганлар. Бу аёлларнинг ҳазрат Оиша ва Мориядан ташқари ҳаммалари ёши ўтиб қолган тул хотинлар бўлишган. Ҳазрат Ҳадича жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиққанларида турмуш кўрган, ўн беш ёш катта аёл бўлганлар. Аммо Ҳадича онамиз Ислом тарихининг энг буюк аёли, Пайғамбарга биринчи бўлиб ишониб, орқаларида илк намоз ўқиган инсон бўлдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг етти фарзандларидан олтитасини Ҳадича розийаллоҳу анҳо туққан эдилар. Расулуллоҳ эллик ёшларигача биргина Ҳадича онамиз билан никоҳда бўлдилар. Ҳазрат Оиша эса

ёш бўлишларига қарамай, Ислоом оламининг улуғ фақиҳи ва муҳаддиси бўлиб етишдилар. Ҳазрат Оиша Пайғамбар алайҳиссаломдан 2210 ҳадис ривоят қилиб, бу соҳада Абу Ҳурайрадан (р.а.) кейинги ўринда турадилар. Шаръий ҳукмларнинг тўртдан бири у ривоят қилган ҳадисларга асосланган.

Мусулмонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг покиза завжалари номини ҳурмат билан тилга олишади. Исмлари ёнига "ҳазрат", "розийаллоҳу анҳо", "уммул-мўминин" (мўминларнинг оналари) калималарини қўшиб айтадилар.

### **Пайғамбаримиз (с.а.в.) фарзандлари**

Жаноб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жами етти фарзанд - уч ўғил, тўрт қиз кўрганлар, уларнинг исмлари қуйидагича: Қосим, Зайнаб, Руқаййа, Умму Кулсум, Фотимаи Заҳро, Абдуллоҳ, Иброҳим. Уларнинг олти нафари Ҳадича онамиздан, еттинчиси - Иброҳим эса мисрлик ҳазрат Мориядан туғилган. Баъзи тарихчилар (Ибн Исҳоқ) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Тоҳир ва Тоййиб исми яна икки ўғиллари бўлганини айтишган.

Бош фарзандлари Қосим икки йил яшаб, Маккада вафот этган, Расулуллоҳ алайҳиссалом унинг номи билан Абул Қосим, деб куняланганлар.

Катта қизлари Зайнаб Абул Оса турмушга чиққан, ҳижрий 8 йили 35 ёшда Мадинада вафот этган.

Иккинчи қизлари Руқаййа у зот 33 ёшдаликларида туғилган, дастлаб Абу Лаҳабнинг ўғли Утбага турмушга чиққан, кейин ундан ажраб, ҳазрат Усмон ибн Аффонга никоҳланганлар. Бадр ғазоти кунлари хасталаниб вафот этганлар. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг жанозасида қатнаша олмаганлар.

Учинчи қизлари Умму Кулсум Абу Лаҳабнинг бошқа ўғли Утайбанинг никоҳида эдилар, аммо қовушмай ажралишган. Опаси Руқаййанинг вафотидан кейин ҳижрий 3 йили ҳазрат Усмонга турмушга чиқдилар.

Ҳижрий 9 йили вафот этганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг кичик ва суюмли қизлари Фотимаи Заҳро илк илоҳий ваҳий келган пайтда Маккада туғилганлар, ҳижрий 2 йили ҳазрат Алига турмушга берилганлар. Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг волидалари. Ҳижрий 11 йили, оталаридан олти ой кейин вафот этганлар.

Ўғиллари Абдуллоҳ ҳазрат Ҳадича билан турмушларининг ўн биринчи йили туғилган ва уч ойгина яшаган. Абдуллоҳнинг Тоҳир ва Тоййиб деган исмлари ҳам бўлган, дейишади.

Энг кенжа фарзандлари Иброҳим ҳазрат Мория билан турмушларидан ҳижрий 8 йили туғилган ва 17-18 ойлигида вафот этган.

## Саҳобийлар

Луғавий маъноси "дўст", "ҳамроҳ", "суҳбатдош". Истилоҳдаги маъноси эса - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мусулмон ҳолида йўлиқиб, суҳбатларида бўлиб, сўзларини эшитган, мўмин ҳолида вафот этган кишидир. Саҳобийларнинг умумий сони тақрибан 114 минг киши, баъзи манбаларда 124 минг киши, дейилади. Эркак мусулмон "саҳобий", аёл мусулмон "саҳобия", буларнинг кўплиги эса "асҳоб" (асҳоби киром) дейилади. "Саҳоба" деб ҳам қўлланилади.

Саҳобийларнинг энг машҳурлари Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиблар "чаҳорёрлар", "хулафои рошидинлар", деб аталган ва Пайғамбар алайҳиссаломдан сўнг халифа бўлишган. Улардан кейин "ашараи мубашшара", Бадр аҳллари, Уҳуд аҳллари, Ризвон байъати аҳллари туради.

Саҳобийларни дўст тутиш ва ҳурмат қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Саҳобаларнинг ҳаммалари одилдир.

Саҳобалардан Исломни илк қабул қилганлар: ҳур эрлардан Абу Бакр Сиддиқ (р.а.), болалардан Али ибн Абу Толиб (р.а.), аёллардан ҳазрат Ҳадича (р.а.), мавлолар-

дан Зайд ибн Ҳориса (р.а.), қуллардан Билол ибн Рабоҳ (р.а.).

Юз ёшларида Маккада вафот этган Абу Туфайл Омир ибн Васида ал-Лайсий, у кишидан олдинроқ 93 ёшда Басрада вафот этган Анас ибн Молик энг охирги вафот этган саҳобалардандир.

### **Энг яхши инсонлар**

Шайх Абдулқодир Жийлоний инсонларни фазилатда қуйидаги тартибда санайдилар:

Инсонларнинг энг яхшилари Муҳаммад алайҳиссаломнинг тавҳид этиқодида бўлган умматларидир.

Уларнинг яхшилари дастлаб иймон келтирган, бор-будларини Аллоҳ йўлида бағишлаб, бутун ҳаётлари давомида дин фидойилари бўлган зотлар - асҳоби киромлар.

Асҳоби киромлар ичидаги яхшилар эса Ҳудайбия сулҳигача байъат берганлар.

Уларнинг ораларидаги саралари - асҳоби Бадр, яъни Бадр жанги қаҳрамонлари. Уларнинг сони 313 нафардир.

Асҳоби Бадрнинг яхшилари Исломни дастлаб қабул этган қирқ киши бўлиб, уларнинг охиргиси ҳазрат Умардир.

У қирқтанинг ичидаги яхшилар - Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннати, деб башорат берган ўн нафар саҳоба Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Абдурахмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Саид ибн Зайд.

Ўнтанинг афзали - тўғри йўлдаги тўрт халифа.

Бу тўрттанинг яхшиси Абу Бакр билан Умардир.

Иккитанинг яхшироғи эса, шубҳасиз, Абу Бакр Сиддиқдир.

### **Хулафои рошидин**

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин Абу Бакр Сиддиқ кўпчиликнинг овозини олиб, ижмои уммат билан халифа этиб сайландилар ва шу билан Ислом халифалиги бошланди. Абу Бакр халифалиги 632 йилда бошланиб, икки йил давом этди. Ундан кейин халифа бўлган ҳазрат Умар ўн ярим йил, ҳазрат Усмон ўн икки йил, ҳазрат Али беш йил, ҳазрат Ҳасан ибн Али ярим йил халифалик қилишди ва бу беш кишининг халифалиги жами ўттиз йилни тўлдирди. Ана шу беш халифанинг раҳбарлиги хулафои рошидин (тўғри йўлдаги халифалар) даври, дейилади. Ислом тарихи хулафои рошидин даврига "Садри Ислом", деб ном берган. Хулафои рошидиннинг "Олтин даври" деб аталган илк қисмида, уч халифа замонида Ислом Арабистон ярим ороли чегараларидан чиқиб, Ироқ, Сурия, Фаластин, Эрон, Миср, Шимолий Африқо, Қибрис, Жанубий Қофқоз, Хуросон ўлкаларини ўз ичига олди.

### Абу Бакр Сиддиқ

Абу Бакр (р.а.) Макканинг Қурайш қабиласининг Тамим уруғидан, милодий 573 йили туғилганлар. Исмлари Абдуллоҳ бўлган. Оталари Усмон (куняси Абу Куҳофа), оналари Уммул Хойр. Ота-она томонидан сулоалари Муррада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сулоалари билан бирлашади.

Абу Бакр билимдон, бадавлат киши бўлганлар. Тижорат билан шуғулланганлар. Бойликларининг катта қисмини Аллоҳ йўлига сарфлаганлар. Ҳеч қачон бутга сиғинмаганлар, ичкиликни оғзиларига олмаганлар. Исломни ҳеч иккиланмай қабул қилганлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърожларини эшитиб, тасдиқлаганлари учун "Сиддиқ" унвони берилган. Қизлари Оишани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга никоҳлаб бериб, ақраблик ришталарини боғлаганлар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга беқиёс ёрдам кўрсатганлар. Абу Бакр Қуръон

ошиғи эдилар, хуш овозда қироат қилардилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир туяга мингашиб Мадинага ҳижрат қилганлар. Барча ғазотларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлдилар, у зотга халифа эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хасталаниб қолганларида уч кун у зотнинг ўринларига имомлик қилганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари муносабати билан мушриклар фитнаси кучайган, асҳоб саросимага тушган бўхронли кунда Абу Бакр ақл билан иш юритдилар. Ўзларининг машҳур хутбалари билан саҳобийларни тинчитиб, тасалли бердилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан сўнг мусулмонларга халифа этиб сайландилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин илк саккиз мусулмоннинг биринчиси эдилар. Ашараи мубашшаранинг ҳам, хулафои рошидиннинг ҳам биринчиси бўлдилар. Халифаликлари даврида Қуръони карим оятларини биринчи бўлиб тўплатганлари учун "Жомиъул Қуръон" унвонига сазовор бўлдилар. Ҳамма ишда адолатни биринчи ўринга қўйдилар. Халифаликлари икки йил давом этди.

Ниҳоятда камтарона, оддий яшардилар, давлат бошлиғи бўлганларида икки дирҳам (кумуш) маош билан кун кечирганлар, вафот этганларида ёнларидан ҳеч пул чиқмаган.

Намозни хушувъ-хузувъ билан ўқир, тинмай Қуръон тиловат қилиб юрардилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 142 ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 13 (милодий 634) йили олтмиш уч ёшда вафот этдилар. Расули акрамнинг "Ҳужраи саодат"ларида у зотнинг ёнларига дафн этилганлар. Аллоҳ бу зотдан рози бўлсин.

### **Умар ибн Хаттоб**

Умар ибн Хаттоб милодий 584 йили Маккада туғилганлар, кунялари Абу Ҳафса. Тўғрини эGRIDAN ажратишда хассос ва одил бўлганлари учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у зотга "Форуқ", деб ном

берганлар. Сулоалари тўққизинчи отада (Каъбда) жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сулолари билан бирлашади. Исломдан аввал Қурайшнинг сиёсий ишларини юригардилар. Пайғамбарликнинг олтинчи йили, ўттиз уч ёшларида Исломга кирдилар, маккалик мусулмонларнинг қирқинчиси бўлдилар. Ашарай мубашшарадан эдилар. Хулафои рошидиннинг иккинчиси, халифаликлари ўн ярим йил давом этди.

Барча ғазотларда Расули акрам билан бирга бўлдилар. Уҳуд жангида ҳамма тарқаб кетганида ҳам у зотнинг ёнларидан жилмаганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Бакрдан кейинги маслаҳатчилари бўлганлар.

Ҳазрат Умар одил ва доно халифа бўлганлар. У киши даврларида Сурия, Фаластин, Миср, Эрон каби ўлкалар фатҳ этилди. Қуръон ва ҳадисни ўрганиш ва тарғиб қилиш кучайди. Ислом давлатида чуқур ислохотлар ўтказилди, почта, болалар уйлари, тафтиш идораси, ҳибсхона кабилар ташкил этилди. Илк бор ҳижрий тақвим юритила бошлади. Кўплаб шаҳарлар, канал-кўприклар, масжид ва мусофирхоналар барпо қилинди.

Халифа бўлишларига қарамай, ҳазрат Умар ниҳоятда оддий, камтарона ҳаёт кечирганлар, бу борадаги жуда кўп ишлари Ислом оламида зарбулмасал бўлиб кетган. Ҳижрий 23 (милодий 645) йили Абу Луълуъ исми эронлик қул томонидан шаҳид этилганлар. Қабрлари "Ҳужраи саодат"да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакрнинг ёнларида. Аллоҳ мўминлар амири ҳазрат Умардан рози бўлсин.

### **Усмон ибн Аффон**

Усмон ибн Аффон ибн Абул-Ос ибн Абдушшамс ибн Абдуманноф ҳижратдан қирқ етти йил аввал туғилганлар. Қурайш қабиласидан, умавий уруғиданлар.

Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сулоалари билан бешинчи отада (Абдуманнофда) бирлашади. Ҳазрат Хадичадан кейин мусулмон бўлган сак-



киз зотдан тўртинчиси, Абу Бакр далолатлари ила му- сулмон бўлганларнинг биринчиси эдилар. Ашараи му- башшарадан, хулафои рошидиннинг учинчиси бўлган- лар, халифаликлари ўн икки йил давом этган.

Исломга киргач, ҳазрат Усмон жаноб Расулуллоҳ сол- лаллоҳу алайҳи васалламнинг Руқия исмли қизларига уйланиб, Ҳабашистонга ҳижрат қилдилар. Руқия вафо- тидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яна бир қизлари - Умму Кулсумга уйландилар ва "Зун- нурайн" (икки нур эгаси), деган лақаб олдилар. Бадр ғазотидан ташқари (унда Руқиянинг бетоблиги сабабли қатнаша олмаганлар) барча жангларда иштирок этган- лар. Бадавлат киши бўлганларидан "Рум қудуғи"ни со- тиб олиб, мусулмонларга вақф қилганлар, қўшинларни ғазотга тайёрлаганлар.

Ҳазрат Усмон халифалиklarининг иккинчи ярмида катта фитналар бошланиб кетди. Асли яманлик яҳудий бўлган Абдуллоҳ ибн Сабаънинг яширин фирқаси му- сулмонларга қарши фасод ва душманлик фаолиятини бошлади, ҳазрат Усмонга тўхмат-бўхтонлар уюштирди, машҳур "Мактуб масаласи" тўқиб чиқарилди. Бу фитна- лар ҳазрат Усмонни шаҳид этиш билан ҳам тўхтамади.

Ҳазрат Усмон пайғамбарликнинг ваҳий котибларидан эдилар, чиройли ёзар, кучли хатиб эдилар, доимо Қуръон ўқирдилар. Ҳазрат Абу Бакр тўплатган Мусҳафнинг асо- сий нусхаларини кўпайтириб, ҳамма томонга тарқатгани учун у зотга "Ношир ул-Қуръон" номи берилганди. Расу- ли акрамдан 146 та ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳижрий 35 (милодий 656) йили саксон икки ёшла- рида рўзадор ва Қуръон ўқиётган ҳоларида Ислом душ- манлари томонидан ўлдирилганлар. Қабрлари Бақиъ қабристониди. Аллоҳ у зотдан рози бўлсин.

## **Али ибн Абу Толиб**

Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам каби ҳазрат Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмуталиб (к.в.) ҳам Макканинг Қурайш қабиласи, ҳошимий уруғидан-

лар. Милодий 600 йили Маккада туғилганлар.

Расули акрамни ҳимояга олган амакилари Абу Толибнинг ўғиллари, оналари Фотима бинти Асад. Абу Толибнинг оиласи катта, шароити оғир бўлгани учун кичик ўғли Али беш ёшдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида турдилар. У зотнинг тарбияларида бўлиб, ирфон хазиналаридан файз олдилар, қизлари Фотимаи Заҳрога уйланиб куёв бўлдилар. Сарвари коинотга пайғамбарлик келганида ўн ёшда бўлган Али ҳазрат Хадичадан кейин иккинчи бўлиб мусулмонликни қабул этдилар. Ҳазрат Алининг бутун ҳаётлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ёнма-ён кечди. Ҳижрат асносида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳимоялари учун ҳаётларини хавф остига қўйиб, у зотга Қубода етиб олдилар. Ислом душманлари билан бўлган жангларнинг барчасида буюк қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида жасадларини ўзлари ювдилар. Ҳазрат Али катта олим, Қуръони каримнинг билимдони, фозил, сахий, юксак тақво соҳиби, Исломнинг машҳур нотиғи ва воизи эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 586 та ҳадис ривоят қилганлар.

Бирор марта бутга сиғинмаганликлари ва жоҳилият ифлосликлари билан хулқланмаганликлари учун "қаррамаллоҳу важҳаҳу", деб сифатланадилар.

Ҳазрат Али Ашараи мубашшарадан эдилар. Хулафои рошидиннинг тўртинчиси бўлдилар, беш йил халифалик қилдилар. Ҳазрат Али умрлари охирида Куфада яшаб, 40 ҳижрий (661 милодий) йили 17-рамазон куни хаворижлар юборган Абдураҳмон ибн Мўлжам деган шахс томонидан қатл этилиб, шаҳид бўлдилар (қаррамаллоҳу важҳаҳу).

### **Ашараи мубашшара**

"Башорат қилинган ўнлик" дегани, ҳаётларидаёқ жаннатий бўлиши ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан муждаланган ўн нафар улуғ саҳобийларни шу ном билан аташган. Улар - Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдураҳмон ибн Авф, Саид ибн Зайд, Абу Убайда ибн Жарроҳлардир.

Аҳли сунна вал-жамоа ақидасига кўра, Ашараи му-башшарани тасдиқ этмоқ шартдир. Буларга ва булардан бирортасига таъна қилувчилар Аҳли сунна вал жамоа ақидасида бўлмаганлардир.

### **Талҳа ибн Убайдуллоҳ**

Талҳа ибн Убайдуллоҳ Қурайш қабиласидан, ҳазрат Абу Бакр каби тамим уруғиданлар. Сулоалари учинчи отада Абу Бакр билан, еттинчи отада (Муррада) Расулуллоҳ (с.а.в.) сулоалари билан бирлашади. Исломига кирган илк маккалик мусулмонларнинг саккизинчиси, ашараи мубашшараданлар. Бадр жангидан бошқа барча ғазотларда қатнашганлар (бунда ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам маълумот учун Шомга юборгандилар). Шўро асҳоби бўлмиш олтиликнинг бири.

Талҳа шаҳид этилганларида ёшлари олтмишдан ошганди. Саҳобалар ичида жуда бой эдилар, сахий ва фазилатли Талҳа хайр-эҳсонни кўп қилардилар. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 38 та ҳадис ривоят қилганлар. Улар уч "Саҳиҳ" китобига киритилган.

Исломи душманлари уюштирган фитна шамоли Талҳани ҳам четлаб ўтмади. Жамал воқеасида тасодифий ўқдан яраландилар. Қонлари оқизилиб, Басрага олиб келинди ва ҳижрий 36 (милодий 656) йили ўша ерда вафот этдилар (розийаллоҳу анҳу).

### **Зубайр ибн Аввом**

Абу Абдуллоҳ Зубайр ибн Аввом ибн Хувайлид ал-Асаний ал-Қурайший ўн икки ёшида мусулмон бўлган машҳур саҳобалардан. Абу Бакрнинг даъвати билан мусулмон бўлган беш маккаликнинг тўртинчиси, дастлаб мусулмон бўлганларнинг эса еттинчиси эдилар. Ашараи мубашшарадан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сулоаларига бешинчи отада (Қусаййда) бирлашади. У ҳазрат Ҳадича каби Бани Асад уруғидан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга холавачча, Ҳадичага эса аканинг ўғли эдилар, ҳазрат Оишанинг синглиси Асмога уйланиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга божа бўлганлар. Аввал Ҳабашистонга, кейин Мадинага ҳижрат қилганлар. Исломда биринчи бўлиб қилич суғурганлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча ғазотларида қатнашганлар. Ярумук, Жабал ғазотлари, Миср фатҳи иштирокчиси, яралана-вериб кўкраклари ўйдим-чуқур бўлиб кетган эди. Шўро асҳоби бўлган олтиликка кирганлар.

Савдогарлик билан ниҳоятда бойиб кетгандилар, хайр-эҳсонни кўп қилганлар, тўрт миллион дирҳамлик мол-мулкнинг каттагина қисмини Ислом йўлида ишлатишга васият этганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 38 та ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 34 (милодий 656) йили ухлаб ётганларида Ибн Журмуз деган кимса томонидан ўлдирилганлар. Аллоҳ Зубайр ибн Аввомдан рози бўлсин!

### Саъд ибн Абу Ваққос

Саъд ибн Абу Ваққос Молик ибн Ухайб Зухрий. Кунялари Абу Исҳоқ, машҳур саҳобийлардан. Қурайш қабиласидан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оналари каби Бани Зухра уруғидан, олтинчи отада (Ҳакамда) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сулоалари билан бирлашади. Ҳижратдан йигирма йил олдин (милодий 601 йили) туғилганлар. Маккалик мусулмонларнинг олтинчиси бўлиб 17 ёшда Исломга

кирганлар. Ашараи мубашарадан бўлганлар. Мадинага ҳижрат қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан барча ғазотларда қатнашганлар, у зотнинг қўриқчилари бўлганлар. Исломда биринчи бўлиб ўқ узганлар ва биринчи бўлиб мушрик қонини тўкканлар. Уҳуд ғазотида мингдан ортиқ ўқ узганлар. Лашкарбоши сифатида Форс ўлкасини фатҳ этганлар. Қодисияда (х. 15) форс лашкарбошиси Рустамни ўлдирганлар, Мадоинга ҳужум қилиб Хисрав хазиналарини қўлга киритганлар. Куфа шаҳрини барпо этганлар. Ҳазрат Усмон вафотларидан сўнг барча ишлардан четландилар. Мадина яқинидаги Ақиқ деган жойда истиқоматда бўлиб, ҳижрий 55 (милодий 676) йили вафот этдилар. Расули акрамдан 270 та ҳадис ривоят қилганлар. Ашараи мубашшарадан энг охирги ўлган Саъд бўлдилар. Васиятларига биноан Бадр жангида кийган ва эллик беш йилдан бери асраб келган жуббада кафанландилар. Қабрлари Бақиъ қабристониде. Аллоҳ Саъд ибн Абу Ваққосдан рози бўлсин.

### **Абдураҳмон ибн Авф**

Абдураҳмон ибн Авф Абу Авф ал-Қурайший ал-Зуҳрий, кунялари Абу Муҳаммад. Жоҳилият давридаги исмлари Абдул-каъба эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Абдураҳмон деб ўзгартирганлар. 580 йили милодий йили туғилганлар. Абу Бакр иршоди билан мусулмон бўлганлар. Маккалик илк саккиз мусулмоннинг (Ҳадичадан кейин) бешинчиси. Ашараи мубашшарадан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сулоалари билан бешинчи отада (Ҳакамда) бирлашади. Абдураҳмон аввал Ҳабашистонга, кейин Мадинага ҳижрат қилганлар. Бадр, Уҳуд, Ҳандақ ва бошқа ғазотларда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ёнма-ён қатнашганлар. Тижорат билан шуғулланиб, бой-бадавлат бўлганлар ва мол-дунёларининг катта қисмини мусулмонларга тарқатганлар, ғозийларга васият қилдилар. Халифаликка лойиқ номзодлардан

бўлишларига қарамай, буни хоҳламай, ҳакамлик қилганлар. Ҳазрат Усмонни халифа этиб сайлаганлар. Расули акрамдан 65 та ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 32 (милодий 655) йили Мадинада вафот этганлар. Бақийъ қабристонида дафн этилганлар (розийаллоҳу анҳу).

### **Саид ибн Зайд**

Саид ибн Зайд ибн Амр ал-Қурайший милодий 600 йилда туғилганлар. Абу Убайда билан бирга мусулмон бўлганлар. Машҳур саҳобийлардан, Ашараи мубашшарадан ҳисобланадилар. Оталари Зайд Бани Адавий уруғидан, боболари эса Исломдан аввал Макка бошлиқларидан эди.

Саид Хаттобнинг қизи Фотимага уйланганлари учун ҳазрат Умарга почча ҳисобланадилар. Саид завжалари Фотима билан Умар ибн Хаттобдан олдин мусулмон бўлишган, Ҳабашистонга ҳам бирга кўчишган. Бадрдан ташқари барча ғазотларда қатнашганлар (Бадр ғазваси пайтида Талҳа билан Шомга жўнатилгандилар). Ҳазрат Саид сахий, ибодатга қаттиқ берилган, тақволи мужоҳид бир зот эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тўртта ҳадис ривоят қилганлар. Дунё ишларига аҳамият бермаганлари учун бирор вазифа олмадилар. Мадина яқинидаги Ақиқ деган жойда ҳижрий 51 (милодий 671) йили вафот этганлар (розийаллоҳу анҳу).

### **Абу Убайда ибн Жарроҳ**

Машҳур саҳобийлардан, исмлари Омир, Абу Убайда кунялари, илк маккалик мусулмонлардан кейин биринчи бўлиб Исломга кирганлар. Қурайш қабиласидан, Бани фихр уруғидан. Сулоалари еттинчи отада (Фихрда) жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сулоалари билан бирлашади. Аввал Ҳабашистонга, кейин Мадинага ҳижрат қилганлар. Ашараи мубашшарадан. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам билан барча ғазотларда қатнашганлар. Ислом тарихида шижоатли, ўта жа-

сур мужоҳид, буюк саркарда, одил киши сифатида та-  
нилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва-  
фотларидан сўнг ва ҳазрат Умардан кейин халифалик  
таклиф этилганида кўнмаганлар. Шом фатҳининг қаҳра-  
монларидан ва саркардаларидан. Ҳижратнинг 18 (мило-  
дий 639) йили Шомда кенг тарқалган бир касалликдан  
Ўрдун ноҳиясида вафот этдилар. Қабрлари Амё қишло-  
ғида. Вафотларидан сўнг қуроллари, бир пўстак ва сув  
идишигина қолган. Аллоҳ бу зотдан рози бўлсин.

### **Тобеъинлар**

Луғатда "итоат, бўйсунуш"ни билдиради. Истилоҳда  
Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларини кўрган ва  
Исломда вафот этган мусулмон киши "тобеъин" ёки  
"тобеъий" дейилади. Тобеъинларни кўрганлар эса "та-  
баъ тобеъинлар" дейилади. Улар уч табақага: кубро, ву-  
сто, суғрога бўлинган. Кибор тобеъинлардан етти киши  
"Етти фақиҳ олим" деб ном олишган. Уларнинг ҳамма-  
си Мадина аҳлидан бўлишган. Булар - Саид ибн Му-  
саййаб (энг афзал тобеъин), Қосим ибн Муҳаммад, Урва  
ибн Зубайр, Хоража ибн Зайд, Абу Салама ибн Абду-  
рахмон, Убайдуллоҳ ибн Атаба, Сулаймон ибн Ясар.

Куфа аҳллари Увайс Қаранийни, Басра аҳли Ҳасан  
ал-Басрийни энг афзал тобеъин деб аташган. Алқама  
ибн Қайс, Муҳаммад ибн Сири, Мужоҳид, Икрима,  
Қатода, Аш-Шаъбий, аз-Зухрий, Умар ибн Абдулазиз,  
Ато, Иброҳим ан-Нахаъийлар машҳур тобеъинлардан  
саналади.

Хафса бинти Сири, Амра бинти Абдурахмон, Умму  
Дардо энг афзал тобеъин аёллардир.

### **Муҳожирлар**

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам амр ва рух-  
сатлари билан Макка фатҳидан олдин маълум муддатга  
Мадинага кўчиб борган (ҳижрат қилган) маккалик му-  
сулмонлар "муҳожир", дейилган. Илк ҳижрат қилган

Абу Салама, охирда муҳожир бўлган эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари ҳазрат Аббос бўлди. Макка фатҳидан кейин Мадинага борганлар муҳожир ҳисобланмайди. Муҳожирларнинг юксак фазилатлари Қуръони каримда келган.

### **Ансорлар**

Бирликда "носир" бўлиб, ёрдамчи, кўмакчи, нусрат берувчи, деган маъноларда келади. Мадиналик Авс ва Ҳазраж қабилаларига мансуб мусулмон араблар (мади-



# МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ВА ЖОЙЛАР

Ислом халифалиги  
 Умавийлар  
 Аббосийлар  
 Усмонлилар  
 Андалусия  
 Маккаи мукаррама  
 Мадинаи мунаввара  
 Қуддуси шариф  
 Масжид ул-Ҳаром  
 Масжид ун-Набавий  
 Масжид ул-Ақсо  
 «Ал-Азҳар»  
 Фил воқеаси  
 Ҳижрий йил  
 Бадр ғазоти  
 Уҳуд ғазоти  
 Бани Қайнуқоъ ғазоти  
 Бани Назир ғазоти  
 Ҳандақ ғазоти  
 Бани Қурайза ғазоти  
 Бани Мустаълиқ ғазоти  
 Ҳудайбия сулҳи  
 Хайбар фатҳи  
 Макка фатҳи  
 Ҳунайн ғазоти  
 Мута жанги  
 Табук ғазоти  
 Вадо хутбаси

налик саҳобалар) у ерга кўчиб борган маккалик муҳожирларга кўрсатган моддий ва маънавий ёрдамлари учун ана шундай улуғ номга сазовор бўлишган. Муҳожирлар сўзсиз ансордан фазилатли, аммо илк ансор сўнгги муҳожирлардан фазилатлироқдир.

## Салафлар

"Салаф" сўзи арабчада аввалгилар, ота-боболар, олдин ўтиб кетганларни билдиради. Фиқҳ китобларида зикр этилган "салафлар" сўздан мурод мусулмонларнинг дастлабки уч авлоди - саҳобийлар, тобеъинлар ва табаъ тобеъинлардир. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855) салафларнинг энг сўнгги вакили саналади.

## Ислом халифалиги

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: "Мендан сўнг халифалик ўттиз йилдир. Ундан кейин подшоҳлик ва амириликлардир". Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин (м. 632 йил 27 май) ҳазрат Абу Бакр бутун уммат тарафидан байъат шаклида халифа, яъни Ислом давлат бошлиғи этиб сайландилар. У кишидан кейин Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Усмон халифа бўлишди. Ҳазрати Али жароҳатланганларидан сўнг ўғиллари Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Алини халифа қилиб тайинладилар. Ҳасан ибн Али олти ой халифалик қилиб, ҳижрий 41 санада халифаликни Муовия ибн Абу Суфёнга топширдилар. Шу билан ўттиз йиллик Ислом халифалиги тугайди. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Али ва Ҳазрати Ҳасан ибн Алининг хилофат даврлари қўшилганда ўттиз йил бўлади.

Тарихчилар Ислом давлатчилиги раҳбарларини олти тоифага бўлишади: Хулафои рошидин ва собитқадам

амирлар (Ҳазрати Муовия ибн Абу Суфён, Ҳазрати Ҳусайн ибн Али, Ҳазрати Зубайр ибн Аввом), суфёний подшоҳлар, марвоний амирлар, ироқлик аббосий халифалар, мисрлик аббосий халифалар, Усмонли султонлик.

Ислом халифалиги шаръий ҳукмларни адо этиш, Ислом динини ҳимоя қилиш, халқнинг ишларига ёрдамлашиш, душман билан жанг қилиш кабилар билан вазифаланган эди. Шунинг учун Ислом халифаси шахсида тўрт шарт: илм, адолат, иқтидор, қусурсизлик бўлиши лозим эди. Ислом тарихида илк марта халифаликни салтанат шаклига киргизган, ирсий (отадан ўғилга ўтадиган) ҳолга келтирган Шом волийси Муовия ибн Абу Суфён бўлди.

## Умавийлар

Ислом мамлакатини салкам бир аср мобайнида идора этган халифалар сулоласи. Қурайш қабиласининг аъёнларидан бўлган Умаййа ибн Абдушшамсининг авлодларидир. Улар ҳижрий 41-132 (милодий 661-750) йилларда ҳукм суришган. Биринчи умавий халифа Муовия ибн Абу Суфён, энг охиргиси эса Марва ибн Муҳаммад бўлган. Умавийлар даврида халифалик пойтахти Дамашқ бўлган. Ҳокимият тепасига Аббосийлар келгач, Бани Умаййа Андалусияга бориб, Қуртуба шаҳрининг идораси билан машғул бўлди. Умавийлар даврида қатор маъмурий, ҳарбий, иқтисодий ислохотлар ўтказилди, араб тили давлат тили деб эълон қилинди, янги пул чиқарилди, ҳарбий-денгиз флоти ташкил этилди ва ҳоказо. Умавий халифаларнинг машҳурлари Муовия ибн Абу Суфён (661-680), Абдумалик ибн Марван (685-705), Умар ибн Абдулазиз (717-720), Ҳишом ибн Абдумалик (724-743)лардир.

Умавий халифалар қуйидагилар:

1. Муовия ибн Абу Суфён (х. 41-60 / м. 661-680)

2. Язид ибн Муовия (х. 60-64 / м. 680-683)
3. Муовия ибн Язид (х. 64 / м. 683)
4. Марвон ибн Ҳакам (х. 64-65 / м. 683-685)
5. Абдумалик ибн Марвон (х. 65-86 / м. 685-705)
6. Валид ибн Абдумалик (х. 86-96 / м. 705-715)
7. Сулаймон ибн Абдумалик (х. 96-99 / м. 715-717)
8. Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон (х. 99-101 / м. 717-720)
9. Язид ибн Абдулмалик (х. 101-105 / м. 720-724)
10. Ҳишом ибн Абдулмалик (х. 105-125 / м. 724-743)
11. Валид ибн Язид (х. 125-126 / м. 743-744)
12. Язид ибн Валид (х. 126 / м. 744)
13. Иброҳим ибн Валид (х. 126-127 / м. 744)
14. Марвон ибн Муҳаммад (х. 127-132 / м. 744-750)

### Аббосийлар

Ислом тарихига умавийлардан кейин қадам қўйган сулола. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари Аббос ибн Абдумутталибнинг зурриёдлари-дир. Унга Абул Аббос ас-Саҳҳоф асос солган, охирги халифа Мустаъсим бўлган. Аббосийлар ҳижрий 132-656 (милодий 750-1259) йилларда, яъни беш асрдан зиёд халифалик қилишган. Шиорлари қора байроқ бўлган. Улар даврида халифалик пойтахти Дамашқдан Бағдодга кўчирилган, иқтисодий-савдо, маданий соҳада гуллаб-яшнаган. Охирги халифани мўғуллар хони Ҳалоку (Хулогу) қатл эттирган. Улардан машҳурлари Маҳдий (775-785), Хорун ар-Рашид (786-809), Маъмун (813-833), Мўътасим (833-842)лардир.

Ироқлик аббосий халифалар қуйидагилар:

1. Саффоҳ (х. 132 / м. 750)
2. Мансур (х. 136 / м. 754)
3. Маҳдий (х. 158 / м. 775)
4. Ҳодий (х. 169 / м. 785)
5. Хорун ар-Рашид (х. 170 / м. 786)
6. Амин (х. 193 / м. 809)

7. Маъмун (ҳ. 198 / м. 813)
8. Муътасимбиллоҳ (ҳ. 218 / м. 833)
9. Восиқбиллоҳ (ҳ. 227 / м. 842)
10. Мутаваккилталлоҳ (ҳ. 232 / м. 847)
11. Мунтасирбиллоҳ (ҳ. 247 / м. 861)
12. Мустаъинбиллоҳ (ҳ. 248 / м. 862)
12. Муътаззбиллоҳ (ҳ. 252 / м. 866)
13. Муҳтадийбиллоҳ (ҳ. 255 / м. 869)
14. Муътаמידъалаллоҳ (ҳ. 256 / м. 870)
15. Муътазидбиллоҳ (ҳ. 279 / м. 892)
16. Муқтафийбиллоҳ (ҳ. 289 / м. 902)
17. Муқтадирбиллоҳ (ҳ. 295 / м. 908)
18. Қоҳирбиллоҳ (ҳ. 320 / м. 932)
19. Розийбиллоҳ (ҳ. 322 / м. 934)
20. Муттақийлиллоҳ (ҳ. 329 / м. 940)
21. Мустакфийбиллоҳ (ҳ. 333 / м. 944)
22. Мутеълиллоҳ (ҳ. 334 / м. 946)
23. Тоиълиллоҳ (ҳ. 363 / м. 974)
24. Қодирбиллоҳ (ҳ. 381 / м. 991)
25. Қоимбиамриллоҳ (ҳ. 422 / м. 1031)
26. Муқтадийбиллоҳ (ҳ. 467 / м. 1075)
27. Мустазҳирбиллоҳ (ҳ. 487 / м. 1094)
28. Мустаршидбиллоҳ (ҳ. 512 / м. 1118)
29. Рошидбиллоҳ (ҳ. 529 / м. 1135)
30. Муқтафийлиамриллоҳ (ҳ. 530 / м. 1136)
31. Мустанжидбиллоҳ (ҳ. 555 / м. 1160)
32. Мустазиъбинуриллоҳ (ҳ. 566 / м. 1170)
33. Носирлидиниллоҳ (ҳ. 575 / м. 1180)
34. Зоҳирбиллоҳ (ҳ. 622 / м. 1225)
35. Мустансирбиллоҳ (ҳ. 623 / м. 1226)
36. Мустаъсимбиллоҳ (ҳ. 640-656 / м. 1242-1258)

## Усмонлилар

Милоднинг ўн учинчи асри охирига келиб, Ислом оламида Умавийлар ва Аббосийлардан кейин тарих сахнасига кўтарилган ҳамда 1517-1924 йилларда ҳукм сурган сулола Усмонлилар (Усмонийлар), деб аталади. Су-

лоланинг асосчиси Усмон биринчи ибн Эртуғрул тахтни ҳижрий 680 (милодий 1281) йили эгаллаган.

Салжуқийлар салтанати инқироzi устига бино бўлган Усмонли давлати 1517 йилга келиб, бир томони Болқонгача, у ёғи Араб ва Африка мамлакатларига қадар чўзилган Ислом халифалигини ўз қўлига олди. Мисрлик аббосийларининг сўнгги халифаси Мутаваккил Учинчи Миср фотиҳи Султон Салим Явузга шаҳомат қиличини топшириб, халифа деб эълон қилди. Усмонли давлатида ўттиз саккиз подшоҳ ва бир халифа бўлган, булардан ўнтаси фақат подшоҳ, йигирма саккизтаси ҳам подшоҳ, ҳам халифа, бири фақат халифа бўлган. Усмонлиларнинг машҳурларидан тўртинчи султон Муҳаммад Фотиҳ Иккинчи Истанбулни фатҳ этиб, шаҳарни пойтахт қилиб белгилаган, Византия империторлигини тутатган. Султон Абдулҳамид Иккинчи даврида чуқур ислоҳотлар ўтказилган. Султон Сулаймон Қонуний "Сулаймония" жомеъси ва мадрасаларини қурдирган. Халифаларнинг охиригиси Султон Абдулмажид ибн Абдулазиз бўлди. 1923 йилда Туркия жумҳурияти тузилди ва 1924 йил 3 мартда Усмонли халифалиги батамом тугатилди. Усмонли давлати салкам 650 йил, Усмонли турк Ислом халифалиги 400 йилдан зиёд ҳукм сурди.

## **МУЎТАБААР ЖОЙЛАР ВА МАСЖИДЛАР**

### **Андалусия**

Умавий амирларидан Валид ибн Абдулмалик ҳукмдорлиги (705-715) даврида Испания ва Португалия Мусо Нусаййа ва унинг мавлоси Ториқ ибн Зиёд томонидан ҳижрий 92 (милодий 711) йилда фатҳ этилди ва бу икки давлат фатҳдан сўнг араб тилида битта ном билан "Андалусия", деб атала бошланди. Андалусия Ислом халифалиги даврида ниҳоятда гуллаб-яшнаган, Қуртуба (Кордова), Ишбилия (Севиля), Фарнога (Гранада) каби ўлкалар илм-фан, маданият, савдо-сотиқ соҳасида фақат Бағдод ва Қустананиядан орқада бўлган. Андалусияда гўзал шаҳарлар, муҳташам масжид ва қасрлар барпо этилган, ҳунарманд-

чилик ривожланган. Андалусиядан донғи дунёга кетган Имом Қуртубий, Ибн Арабий, Ибн Ҳазм, Ибн Рушд, Абу Ҳаййон, Ибн Атиййа каби олимлар етишиб чиққан. Насронийлар ҳижрий 635 (м. 1236) йили Қуртубани, 646 (м. 1248) йили Ишбилияни босиб олиб, барча мусулмонларни қиличдан ўтказди, Ислом маданияти обидаларини яксон қилиб, китобларни ёқди. Фақат Фарнотада мусулмонлар ҳукмронлиги милодий 1492 йилгача давом этди ва шундан кейин Андалусия батамом таназзулга юз тутди.

### **Маккаи мукаррама**

Саудия Арабистони ғарбида, Қизил денгиздан 70 километр нарида жойлашган бу шаҳар Ислом оламидаги энг табаррук шаҳар саналади. "Умму ул-Қурро", "Умму ул-Мадоин" (шаҳарлар онаси), Маккаи мукаррама сифатлари бор. Қуръони карим сураларининг 86 таси Маккада нозил бўлган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шу шаҳарда таваллуд топганлар ва у зотга илк ваҳий шу ерда нозил бўлган. Исломнинг бош масжиди - Масжид ул-Ҳаром, мусулмонлар қибласи Каъба, Замзам булоғи, Сафо ва Марва, Ҳиро тоғлари ҳам Маккада. Мусулмонларнинг ҳаж ва умра ибодати ҳам шу шаҳарда амалга оширилади.

Макка шаҳрига қачон асос солингани маълум эмас. Илк бор Замзам булоғи теварагида аҳоли яшаш масканлари пайдо бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Ислом пайдо бўлгунига қадар Макка маъжусий араб қабилаларининг диний ҳамда Шарқ билан Ўрта денгиз бўйидаги давлатлар ўртасидаги муҳим савдо маркази бўлган. Ислом вужудга келишидан кўп асрлар илгари Маккадаги Каъба ибодатхонаси араб қабилаларининг зиёрат маркази бўлиб, унда қабилаларнинг санамлари сақланган.

Шаҳар биринчи марта юнон тарихчиси Птоломей асарларида Макораба номи билан тилга олинган ва бу ерда II асрда ибодатхона мавжудлиги айтиб ўтилган.

Маълумки, Бағдод халифалиги инқирозга учраганидан кейин Макка фотимийлар, айюбийлар ва мамлук-

лар қўл остига, кейинчалик - 1517 йилда Усмонли турк салтанати тобеълигига ўтди.

Макка 1916 йилдан Ҳижоз қироллиги пойтахти бўлган. Орадан саккиз йил ўтгач, Ибн Сауд қўшинлари Маккани забт этган ва 1932 йили Саудия Арабистонига қўшиб олинган.

Бу шаҳарда 600 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми савдогарчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланади. Ҳунармандлар ихром, хушбўй моддалар, тасбеҳ, замзам суви учун идишлар тайёрлашади. Аҳолининг бир қисми ҳажга келганларга хизмат кўрсатиш билан машғул бўладилар. Автомобил йўллари Маккани Қизил денгиз соҳилидаги Жидда порти ва мамлакат пойтахти - Ар-Риёд шаҳри билан боғлайди. Маккада халқаро Ислом ташкилотларининг қароргоҳи жойлашган бўлиб, умумислом анжуманлари ўтказиб турилади.

### **Мадинаи мунаввара**

Саудия Арабистонининг шимоли-ғарбий қисмидаги бу шаҳарнинг тўлиқ арабча номи Мадинати Расулуллоҳ ёки Мадинат ун-Набий бўлиб, Пайғамбар шаҳри, деган маънони билдиради. Шунингдек, уни Мадинаи мунаввара (нурафшон, нурли, порлоқ шаҳар) деб ҳам аташади. Ҳижоз вилояти шаҳарларидан бўлган Мадина Макка шаҳридан 400 километр шимолда, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган. VII асрдан бошлаб Маккадан кейин иккинчи ўринда турадиган бу муқаддас зиёратгоҳ шаҳарда Қуръони каримнинг 26 та сураси нозил бўлган.

Мадинанинг қачон бунёд этилганлиги аниқ эмас. Қадимда шаҳар Ясриб (Ятриб), деб, илк ўрта асрлардан бошлаб эса Мадина сифатида атаб келинади. Муҳаммад алайҳиссалом 622 йили Маккадан бу шаҳарга саҳобалари билан биргаликда ҳижрат қилганлар. Ҳижрий йил ҳисоби айнан шу вақтдан бошланган. Муҳаммад алайҳиссалом қолган бутун умрларини Мадинада ўтказ-



ганлар.

Мадина 632-656 йилларда Ислом халифалигининг пойтахти бўлган. Умавийлар ва Аббосийлар даврида Ҳижознинг маъмурий марказига айланган, X асрдан бошлаб эса Мисрга тобеъ бўлган. 1517 йилда турклар Мисрни босиб олгач, Мадина Усмонли турк салтанатига, 1919 йилда эса Ҳижоз қиролигига қўшиб олинган.

Орадан беш йил ўтгач, Мадинани Ибн Сауд қўшинлари забт этди. 1932 йили бу шаҳар Саудия Арабистонига қўшиб олинди. Мадина атрофи илгари мудофаа девори билан ўралган бўлиб, саккизта дарвозаси бор эди. Ҳозир улар бузилиб кетган. Мадинада Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг уйлари ва мақбаралари, халифа Абу Бакр ва Умарнинг қабрлари мавжуд. Ҳажга борганлар ана шу муқаддас манзилларни зиёрат этишади. 656 йили Мадинада Масжид ан-Набий (Пайғамбар масжиди) барпо этилган.

Ислом дини Мадинада мустаҳкамланди ва бу ерда мусулмон давлатига асос солиниб, Мадина унинг пойтахти бўлди. Мадинада ҳозир 550 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли асосан савдо, зиёратчиларга хизмат кўрсатиш, хурмо ва сабзавот етиштириш, ҳунармандчилик, хусусан, тасбеҳ, жойнамоз, зиёратчилар учун кийим-кечак тайёрлаш билан машғул. Шаҳарда аэропорт бор.

## Қуддуси шариф

Ўрта денгиз ғарбидаги Фаластин мамлакатада Ўлик денгиздан ғарб томондаги ясситоғликда жойлашган бу шаҳарни араблар Ал-Қудс деб аташади. Қуддус ҳақида илк маълумот милоддан аввалги 2-минг йилликнинг ўрталарига бориб тақалади.

Қуддус шаҳри турли даврларда яҳудийлар подшоҳлиги, Искандар Зулқарнайн, Салавкийлар, Қадимги Рим, Византия, Ислом халифалиги, Салибчилар, Айюбийлар, Мамлуклар давлати ҳамда Усмонли турклар салтанатига кирган. Қуддус насроний, яҳудий ва мусулмонлар учун

муқаддас шаҳар ҳисобланади.

Бу шаҳарда Қуббат ас-Саҳра (VIII аср), Ал-Ақсо (VIII аср) масжидлари бор. Ислом динининг илк даврида мусулмонлар Ал-Масжид ал-Ақсо (яъни, узоқдаги масжид) томонга қараб намоз ўқишган. Маккадаги Каъба қибла экани ҳақида деб эълон қилинганидан кейин 624 йилдан Ал-Масжид ал-Ақсо томонга қараб намоз ўқилмаган. Қуръони каримнинг бир қанча сураларида Қуддус шаҳри билан боғлиқ оятлар келган.

VII-VIII асрлар бўсағасида халифа Ал-Малик бу ерни Ҳаром аш-Шариф деб атаб, масжидлар мажмуасини барпо эттирган. Ушбу мажмуада янгитдан Ал-Ақсо масжиди бунёд этилган.

1917 йил охирларида Қуддусни инглиз қўшинлари эгалладилар. 1920 йилдан бошлаб йигирма етти йил мобайнида бу шаҳар Фаластин ҳудудидаги инглизлар мандатининг маъмурий маркази вазифасини бажарди. Қуддус шаҳри БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 29 ноябрдаги қарорига кўра, БМТга бўйсунувчи халқаро ҳудуд - мустақил маъмурий бирлик сифатида ажратилган. Бироқ 1948-1949 йиллардаги араб-исроил уруши натижасида шаҳар икки қисмга бўлиниб, шарқий қисми Иорданияга, ғарбий қисми Исроилга ўтди. 1967 йилнинг эзида Исроил Қуддуснинг шарқий қисмини босиб олиб, ўша йили уни шаҳарнинг ғарбий қисмига қўшиб олди. 1980 йили Қуддусни мамлакат пойтахти деб эълон қилган эди, лекин буни БМТ тан олмади.

Қуддусда 430 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

## Масжид ул-Ҳаром

Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида жойлашган энг мўътабар ва улкан масжид. Унда қон тўкиш ва бошқа гуноҳ ишлар ҳаром қилингани учун шундай ном олган. Қибла - Байтуллоҳ (Каъба) унинг ичидадаир. Замзам булоғи, Сафо ва Марва тепаликлари ҳам масжидга қўшилган.

Масжид ул-Ҳаромни илк бор иккинчи халифа Умар

ибн Хаттоб (р.а.) Каъбатуллоҳ атрофидаги уйларни сотиб олиб, буздириб кенгайтирганлар, Каъбага саҳн қолдириб, атрофидан девор олдирганлар. Шундан кейин ҳам у бир неча марта таъмирланиб, кенгайтирилди. Ҳозирги кунда масжиднинг тўққизта мезанаси (минораси), тўртта бош дарвозаси, қирқ бешта дарвозаси, 41 та эшиги бор. Иккинчи ва учинчи қаватларга ўн бир зинапоя ва эскалатор ёрдамида чиқилади. Масжидга саккиз минг дона шамол паррак, 55 минг дона турли чироқлар ўрнатилган. Масжиднинг умумий майдони 356 минг кв. метр бўлиб, у бир вақтнинг ўзиде 1 миллион 120 мингга яқин намозхонни сиғдиради.

Масжид ўртасидаги Каъба эшиги 280 килограмм олтиндан ясалган. Уни устига ёпилган каъбапўшнинг қиймати 17 миллион риёл туради.

Ҳадисда бундай келган: "Зиёрат учун сафарлар фақат уч Масжидга - Масжид ул-Ҳаром, менинг бу масжидим (Масжидун-Набавий) ва Масжид ул-Ақсога қасд қилинади" (Имом Бухорий ва Муслим).

## **Масжид ун-Набавий**

Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига жойлашган Ислом оламидаги иккинчи мўътабар масжид "Масжидун-Набавий" ("Пайғамбаримиз масжидлари") деб ном олган. Масжид ўрнини Пайғамбар алайҳиссалом ансорийлардан бўлган икки етим боладан ўн динорга сотиб олиб, унинг қурилишида ўзлари ҳам иштирок этганлар. Масжид кейинчалик ҳазрат Умар ва ҳазрат Усмон (р.а.) ҳамда кейинги халифа ва подшоҳлар томонидан бир неча бор таъмирланиб, кенгайтирилди.

Ҳозир масжиднинг 105 метрли иккита, 75 метрли тўртта минораси, 27 та ўзи очилиб-ёпиладиган томи, 400 дан зиёд устун, 6800 та қандили бор. Охирги таъмирлашда унинг умумий саҳни яна 230 минг кв. метрга кенгайди ва ҳозирда бир миллиондан ортиқ намозхон бир вақтнинг ўзиде ибодат қилиши мумкин. Масжид ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва

саҳобалардан Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттобнинг қабрлари бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Менинг бу масжидимдаги намоз Масжид ул-Ҳаромдан бошқа масжидлардаги минг намоздан яхшироқдир", деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

### **Масжид ул-Ақсо**

"Узоқдаги масжид", дегани. Қуддуси шарифдаги Сулаймон алайҳиссалом қурдирган табаррук масжид. Ислом динининг илк даврида унга қибла сифатида юзланиб намоз ўқишган. Ҳижратнинг иккинчи йилида Қуръони карим ҳукми билан мусулмонлар қибла сифатида Маккадаги Каъбага қараб намоз ўқий бошлашган.

### **"Ал-Азҳар"**

Мисрда жойлашган дунёдаги энг кекса ва салоҳиятли Ислом дорилфунуни, жомеъ масжиди ва мадрасалардан иборат мажмуа шу ном билан аталади. У фотимийлар саркардаси Жавҳар Сақалий томонидан ҳижрий 358 (милодий 969) йили Қоҳира билан баравар қурила бошлаган. Аввалда бу ерда дин асослари, фикҳ, араб тили ўқитилган. 1961 йилдан янги бўлимлар: тиббиёт, ҳандаса (муҳандислик), зироат (қишлоқ хўжалиги) ва тижоратчилик ҳам қўшилди. Ал-Азҳарнинг барча шахобчаларида таълим олаётганлар сони бир миллион кишига етади. Олти мингдан зиёд уламо ва мударрис сабоқ беради. Биргина 2001 йилда саксон беш минг киши олий маълумот (бакалавр) олган, қирқ минг хорижлик талаба таҳсил олган. Ундан Муҳаммад Ғаззолий, Юсуф Қарзавий, Имом Жодул-Ҳаққ, Мутавалли Шаъроний каби машҳур олимлар етишиб чиққан.

## **МУҲИМ ВОҚЕАЛАР**

### **Фил воқеаси**

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам туғилган йиллари содир бўлган воқеа шундай номланган. "Фил санаси" ҳам деб аталади ва маккаликлар орасида тақвим боши ҳисобланади. Мутаассиб насроний бўлган ва Яманни истило қилган ҳабаш қўшинлари қўмондони Абраҳа ўз динини ёйиш мақсадида Маккани забт этиб, Каъбани йиқитмоқчи бўлади. Филлар бошчилигидаги ҳисобсиз қўшин билан Ҳижозга юриш бошлайди. Қуръони каримнинг Фил сурасида зикр қилинганидек, Аллоҳ таоло кофирларнинг ана шу улкан қўшинини ўзининг ожиз махлуқлари бўлган қушлар ёрдамида ҳалок қилади. Қўшин "қурт-қумурсқа чайнаб ташлаган сомон каби" илма-тешик бўлиб кетади.

### **Ҳижрий йил**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилишлари (кўчишларидан), яъни 622 йилнинг 16 июлидан бошланган. Ҳазрат Умар (р.а.) халифалик даврларида бу йил ҳисоби жорий этилган. Ҳижрий йил ой ва қуёш кунлари асосида олиб борилишига қараб ҳижрий-қамарий ва ҳижрий-шамсий деб юритилади. Ҳижрий-қамарий йили 354 кечакундуз бўлгани учун ҳижрий-шамсий йилдан йилига 11 кундан орқада қолиб, ҳар ўттиз уч йилда ҳижрий-шамсийдан бир йил кам бўлади. Муҳаррам, сафар, рабиъул-аввал, рабиъус-соний, жумодил-аввал, жумодус-соний, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқайда, зулҳижжа ҳижрий сана ойлари дир.

### **Бадр ғазоти**

"Бадр" - луғатда тўлин ой, дегани. Макка ва Мадина оралигидаги кимсасиз саҳро ҳам Бадр, деб аталади. Ҳижрий 2-йил 17-рамазон куни (милодий 624 йил 13 март) иймон ва куфр ўртасидаги энг биринчи ғазот, Расул-

лоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лашкарларининг маккалик мушрикларга қарши олиб борган илк қонли уруши шу ном билан машҳур. Уни катта Бадр ғазоти, ҳам дейишади. Муҳорабада 314 мусулмон жангчиси душманнинг минг нафар аскарини мағлуб этган. Бу кунни Аллоҳ таоло "Фурқон куни", яъни ҳақ ва ботил фарқланадиган кун, деб номлаган. Бадр ғазотида асир тушган мушриклар қутулиш бадали (тўрт минг дирҳам) эвазига, агар пули бўлмаса, мадиналик ўн болага ўқиш-ёзишни ўргатганидан кейин озод қилинди. Бадр ғазотида қўлга киритилган ўлжалар баб-баравар тақсимлаб берилди. Бадр ғазоти Ислом лашкарининг илк муҳим ва шонли зафари бўлди, бу билан Ислом дини қувватланди, Мадина қурайшликларнинг илк ҳужумларидан қутулди.

### Уҳуд ғазоти

3 ҳижрий йилнинг 11-шавволида (мил. 625 й. 27 март) Ислом ва ширк ўртасида Уҳуд тоғида иккинчи тўқнашув рўй берди. Унда 3000 нафар маккалик мушрикка қарши 700 мусулмон жангчи муҳорабага кирган. Уҳудда аввал мусулмонларнинг қўли баланд келган бўлса-да, кейин улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларидан чекинганлари учун мағлуб бўлишди. Аммо бунда бошқа ғазотлардан фарқли ўлароқ, Пайғамбарга жароҳат етгани, Ислом қўшини талофат кўргани, етмиш мусулмоннинг, жумладан, жасур Ҳамзанинг ўлдирилгани тушкун кайфият уйғотади. Лекин уламолардан бирининг "Уҳуд ғазотида эртанинг мусулмонлари бугуннинг мусулмонларидан устун келди", деган сўзлари Аллоҳ тақдир этган ҳар бир нарсада ҳикмат борлигини эслашимизга туртки беради. Дарҳақиқат, ўшанда Абу Суфён, Халид, Ҳинд, Ваҳшийлар ҳали мушриклар тарафида эдилар.

Қолаверса, бу мағлубият Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматлари учун ниҳоятда катта сабоқ ва танбеҳ бўлди. Бу борада мазмуни бундай оят нозил бўлди:

"То сусткашлик қилиб (Пайғамбарнинг) амр-фармонлари борасида талашиб-тортишган ва Аллоҳ сизлар яхши кўрган нарсани (ғалабани) кўзингизга кўрсатиб қўйганидан кейин Пайғамбарнинг амридан бош тортган пайтингизгача (устунликларингиз давом этди). Орангизда дунёни истаган кишилар ҳам, охиратни истаган кишилар ҳам бор..." (Оли-Имрон, 152).

### **Бани Қайнуқоъ ғазоти**

Ҳижратнинг иккинчи йили шаввол ойида Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларида яҳудийларга қарши олиб борилган илк уруш Ислом тарихида "Бани Қайнуқоъ ғазоти" дейилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тузилган аҳдномани яҳудийлардан биринчи бўлиб бузган Бани Қайнуқоъ бўлди. Турли баҳоналар билан сулҳни бузган яҳудийлар мусулмонларга қарши уруш бошлаб юборишди. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ночор урушга кирдилар. Мусулмонлар яҳудийлар бекиниб олган қалъани ўн беш кун қамал қилишди. Яҳудийлар кутган ёрдам келмагач, омонлик сўраб таслим бўлишди.

### **Бани Назир ғазоти**

Яҳудийларнинг Бани Назир қабиласи Мадина яқинида яшаб, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тузилган сулҳ битимига кўра, моллари ва жонлари омонда, ўзлари диний ҳурриятда эдилар. Аммо мусулмонларга душманликдан кечолмаган қабила бир куни имкониятдан фойдаланиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд уюштиришди ва сулҳ битимини бузишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоб билан бирга Бани Назирни қуршаб олишга мажбур бўлдилар. Натижада ҳижрий 4 йил 4-рабиъул-аввал (милодий 626 йил) куни Бани Назир ғазоти бошланди. Йигирма кунча давом этган муҳосарадан сўнг қабила таслим бўлди.

### **Ҳандақ ғазоти**

Ҳижратнинг 5 йили, милодий 627 йили Макка мушриклари Абу Суфён бошчилигида Мадинани қамал қилиб, мусулмонларга қарши ўн минг қўшин билан жангга киришади. 300 кишилик Ислом жангчилари Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бошчиликларида уларга қарши чиқишади. Мадина ташқарисига саҳобий Салмон Форсий таклифи билан ҳимоя ҳандақ (чуқур)лари кавлашади. Уч ҳафталик қамалдан сўнг Абу Суфён қўшинлари Мадинани ололмай орқага чекинади, жанг мусулмонлар ғалабаси билан тугайди. Шунинг учун бу Ҳандақ ғазоти, деб ном олади. Душман лашкарлари турли қабилалардан (ҳизблардан) ташкил топгани учун Ҳандақ ғазотига "Аҳзаб (ҳизблар) ғазоти" номи ҳам берилган.

### **Бани Қурайза ғазоти**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яҳудийлар билан урушишга мажбур бўлган жангларнинг учинчиси ҳижрий 5 (милодий 627) йили бўлган Бани Қурайза ғазоти бўлди. Бани Қурайза Ҳандақ ғазотининг энг нозик палласида қурайшийлар билан бирлашиб, мусулмонларга қарши урушга қўшилди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тузилган сулҳ битимини бузди. Шунда Расули акрам қабила устига юриш бошладилар ва қабила тор-мор қилинди.

### **Бани Мустаълиқ ғазоти**

Ҳижрий 6 йили шаъбон ойида (милодий 627 йил 17 декабр) маккалик бўлмаган мушрикларга қарши илк ғазот шу ном билан аталган. У Ҳандақ жангидан кейин, Ҳудайбия битимидан олдин бўлди. Бани Мустаълиқ - Ҳузоза қабиласига кирарди. Ҳузоза юртидаги Мурайсий деган қишлоқда бўлгани учун у "Мурайсий ғазоти", ҳам



дейилади. Бани Мустаълиқ қабила бошлиғи Ҳорис ибн Абу Зирор ташвиқига берилиб, Мадинага ҳужум қилиш ва Пайғамбарни ўлдириш режасини тузди. Мусулмонлар уларни Мурайсий ариғи бўйида таъқиб қилиб, Исломга киришни таклиф қилишди. Улар кўнмагач, жанг қилиб тор-мор этишди. Таяммум ҳақидаги оят шу ғазот давомида нозил бўлган, "Ифк воқеаси" ҳам шу пайтда содир бўлган.

### **Ҳудайбия сулҳи**

Ҳижратнинг олтинчи (милодий 628) йили зулқаъда ойининг биринчи душанбасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча асҳоб билан Байтуллоҳ зиёрати учун Маккага йўл оладилар. Аммо улар маккалик мушрикларнинг қаттиқ душманлигига дуч келишди. Шунда эркак-аёл барча асҳоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан биргаликда Исломни ҳимоя қилиш йўлида жон фидо этишга у зотга байъат қилишди. Бу байъат Ризвон байъати ёки Ҳудайбия байъати, деб ном олди.

Бундан саросимага тушган мушриклар Пайғамбар алайҳиссалом билан сулҳ тузиш учун ҳайъат юборишди. Ҳудайбия қудуғи номини олган қишлоқда тарихда мусулмонларнинг биринчи сулҳи қабул қилинди. Ўн йилга мўлжалланган сулҳда шу муддат мобайнида бири-бирига ҳужум қилмаслик, Каъба зиёрати, бир-бирлари томонга ўтганларга муносабат каби масалалар қамраб олинган эди. Бу шартнома уч йилгина амалда бўлди. Қурайшийлар унга ҳурматсизлик кўрсатиб бузишди ва бу ҳол Маккани фатҳ қилишга йўл очди.

### **Хайбар фатҳи**

Мадинадан чиқарилган яҳудийлар Араб жазирасининг катта ва кучли шаҳарларидан, Мадинадан 200 чақиримча масофада бўлган Хайбарда тўпланиб, шаҳарни мусулмонларга қарши бутун арабларни сафарбар

этиш учун қурилган фасод ўчоғига айлантирган эди. Ҳудайбия сулҳидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратнинг 7 йили муҳаррам ойида (милодий 628) Хайбарга юриш бошладилар. Хайбарга бориб, яҳудийларга сулҳ таклиф қилдилар. Таклиф рад этилгач, асқобни жиҳодга чорладилар. Йигирма кунда яҳудийларнинг мустаҳкам қалъалари таслим бўлди.

### Макка фатҳи

Макка мушриклари билан мусулмонлар ўртасида йигирма йил давом этган "Ислом - мушрик" даъволашуви ҳижрий 8 йил 10-рамазон кунида (милодий 630 йил 10 январ) ниҳоясига етди. Шу куни Макка фатҳ этилди.

Ҳудайбия сулҳини бузган қурайшийлар мусулмонлар ҳимоясидаги Ҳузоа қабиласига ҳужум уюштиришди. Бундан аввал ҳам улар мусулмонларга кўп зарар етказишган, Исломни йўқотиш учун Мадинага уч марта ҳужум уюштиришган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рамазоннинг 10-куни муаззам бир кўшин билан Макка сари юрдилар. Ўн кундан сўнг жумада Маккага кириб бордилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туя устида Каъбани тавоф қилдилар, каъба ичидаги 360 та бут синдирилди, Каъба устида Билол Хабаший томонидан азон янгради. Макка фатҳи тарихга тавҳид эътиқодининг ғалабаси бўлиб кирди. Милодий 622 йили икки туя, тўрт кишилик гуруҳ билан Маккадан Мадинага ҳижрат қилган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орадан саккиз йил ўтиб ўз она шаҳарларини фатҳ этдилар.

### Ҳунайн ғазоти

Макка фатҳидан ўн олти кун кейин Макка ва Тоиф орасидаги, Маккадан ўн чақирим наридаги Ҳунайн водийсида Ҳавозин қабиласи билан бўлган ғазот. Шунинг учун у "Ҳавозин ғазоти" ҳам дейилади. Араб жазира-

сидаги буюк қабиалардан бўлган Ҳавозин Макка фатҳидан кейин ҳам мусулмонларга душманлигини қўймай, аксинча, кучайтириб юборди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душманга қарши чиқдилар. Ўртадаги жангда дастлаб саросимага тушган мусулмонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг журъат ва жасурликларини кўриб, душманга қарши ҳужумга ўтиб, енгилди. Атвос водийсига чекинган душманни ўша ерда жанг қилиб таслим этишди.

### **Мута жанги**

Ҳижрий 8 (милодий 629) йили бўлган Мута жанги мусулмонларнинг насроний Византия (Болқон, Онадўли, Сурия, Фаластин, Миср, Ливияни бирлаштирган ҳудуд) билан урушларининг дастлабкиси эди. Қуддусга яқин ердаги Мута деган мавзеда бошланган урушга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунё ҳукмдорлари қатори Бусро (Ҳаврон) амири Шураҳбилга Исломга даъват этиб мактуб билан юборган элчилари Ҳорисни амир томонидан ўлдирилиши сабаб бўлган. Унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озод этган қуллари саркарда Зайд, амакилари Абу Толибнинг ўғли Жаъфар, шоир Абдуллоҳ ибн Равоҳа шаҳид бўлишди. Машҳур Ислом саркардаси Холид ибн Валид шу жангда Сайфуллоҳ (Аллоҳнинг қиличи) номини олган.

### **Табук ғазоти**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Византияга қарши сафарлари ҳижрий 9 (милодий 630) йили Мадинадан ўн тўрт чақирим наридаги Табук шаҳрига бўлди. Табук юриши Расули ақрам шахсан ўзлари иштирок этган ғазотларнинг охиргиси бўлди. Табук сафари Вадо ҳажидан кейин бўлди. Унда уруш бўлмаса ҳам, Исломнинг энг қувватли бир қўшини улкан насроний империясининг қудратига кўкрак кериб чиққани учун

кўп зафарлар қўлга киритилган эди. Машаққатли бу ғазот мусулмонлар учун бир синов-имтиҳон ҳам бўлган эди. Унга "Қийинчилик ғазоти" (Ғазватул-Усро), деб ном ҳам берилган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинлари Табукда йигирма кун бўлди, бир неча кичик насроний ҳукуматлар билан сулҳ битимлари тузилди. Табук ғазоти Византия императори Хирақлнинг

# ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

*Арш ва Курси*  
*Лавҳул Маҳфуз ва Қалам*  
*Тасаввуф*  
*Ахлоқ*  
*Қадар ва тақдир*  
*Барзах*  
*Жинлар*  
*Вақф*  
*Бигъат*  
*Мўътазилийлар*  
*Зиммийлар*  
*Мажусийлар*  
*Фитрий одоблар*  
*Савдонинг одоблари*  
*Ҳалол бўлмаган савдо*  
*Ҳайвон сўйишга оид ҳукмлар*  
*Майитни ювиш ва кафанлаш*  
*Дафн ва таъзия одоблари*

кучли қўшинларини парчалаб юбориш учун олиб борилган мудофаа ҳарби бўлиб тарихга кирди.

### **Вадо хутбаси**

"Хайрлашув хитоби", дегани. Ҳижрий 10 йилнинг 9-зулҳижжасида (милодий 632 йил 8 март) Пайғамбар алайҳиссалом сўнги бор ҳаж қилишларида тарихдаги энг буюк хутбани ўқидилар. Ўшанда Маккада 124 минг мусулмон тўпланган эди. У зот Қусво деган туяларига миниб, мусулмон умматига хитоб қилган эдилар. Бу хитоб фақат ўшаларгагина эмас, қиёматга қадар келадиган бутун инсониятга қаратилган бўлиб, у тарихга "Вадо хутбаси" номи билан кирди.

## **ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР**

### **Арш ва Курси**

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда васфи келган Арш ва Курсининг ҳақлигига ишониш Аҳли суннат вал жамоа ақидасининг қисмларидандир. Ақида китобларида келтирилишича, Арш оёқли бир тахт бўлиб, уни фаришталар кўтариб туришади. У махлуқотларнинг шифтидир. Аллоҳ таолонинг Аршга эҳтиёжи йўқ, уни Ўзи билган ҳикмат учун яратган.

Курси эса Аршдан бошқа нарса бўлиб, айрим уламолар ундан мурод Аллоҳнинг салтанати, илмидир, дейишган.

Арш ва Курсига ишонамиз, аммо уларнинг ҳажми, кайфияти, сифатини фақат Аллоҳ таолонинг ўзи билади.

### **Лавҳул Маҳфуз ва Қалам**

Аҳли суннат вал жамоа ақидасига кўра Лавҳул Маҳ-

фуз ва Қалам ҳақдир. "Таҳовий ақидаси" шарҳида: "Лаҳв ва Қаламга, унга чизилган жамики нарсага иймон келтирамиз", дейилган. Лавҳдан мурод, Аллоҳ таоло ҳалойиқнинг тақдирларини ёзган нарсадир. Қаламдан мурод, Аллоҳ таоло яратган ва у билан мазкур Лаҳвга қадарларни ёзган Қаламдир.

## Тасаввуф

Луғатда маъноси кенг, машҳур тасаввуф шайхи Аҳмад Зарруқ "тасаввуф"нинг икки мингга яқин таърифини келтирган, уларнинг ҳаммасида Аллоҳ таолога содиқ таважжуҳ қилиш маъноси бор. Тасаввуфнинг асоси нафс пок ва руҳ олий бўлиши учун содда ҳаёт ва фазилатлар билан зийнатланиб яшамоқдир.

Тасаввуф нафс тарбияси илми бўлиб, Аллоҳни билиш ва таниш (маърифатуллоҳ), Унинг розилигига мувофиқ холис бандалик қилишдир. Машҳур тасаввуф шайхи Насрободий тасаввуфга шундай таъриф беради: "Тасаввуфнинг асли Қуръони каримга амал қилиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини маҳкам тутмоқдир. Нафсоний орзуларни ва бидъатларни тарк этмоқдир. Муршид ва мураббий шахсларга ҳурмат бажо келтирмоқ, бу севги ва эҳтиромнинг маънавий юксакликдаги аҳамиятини фаҳмламоқ, одобсизлик қилиб, фойз ва маънавий юксалишдан бебаҳра қолмасликка интилмоқдир".

Мовароуннаҳр диёридан тасаввуфнинг улуғ шайхлари - нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд, яссавия тариқати раҳнамоси Аҳмад Яссавий, кубровия тариқати асосчиси Нажмиддин Кубро, йирик тасаввуф шайхлари Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний, Муҳаммад Бобо Саммосий, Саййид Амир Кулол, Алоуддин Атгор, Яъқуб Чархий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқалар етишиб чиққан.

## Ахлоқ

"Ахлоқ" - хулқ сўзининг кўплик шаклидир. Хулқ нафснинг қатъий собит ҳолатидир. Нафснинг бу ҳолати туфайли амаллар ундан осонлик билан содир бўлади, бунда у фикр ва мулоҳазага муҳтож бўлмайди. Агар ундан шаръан ва ақлан яхши амаллар осонлик билан содир бўлса, у яхши хулқли, дейилади. Агар ёмон амаллар осонлик билан содир бўлса, ёмон хулқли, дейилади.

Хулқ қатъий собит ҳолат бўлганидан оризий ҳолатларда гоҳо молини сарфлаган киши "сахий", ғазаби кўзиганда мулоҳаза қилиб, ўзини босган киши "ҳалим", дейилмайди. Шунингдек, амал хулқ ҳисобланмайди. Шунинг учун аслида сахий киши моли йўқлиги ёки бирор сабаб туфайли саховат кўрсатолмаслиги ёки аксинча, аслида сахий бўлмаган киши риё қилиб ёки бирор сабабдан молини сарфлаши мумкин.

### Қадар ва тақдир

Қадар ҳақида тўғри тушунчага эга бўлиш учун аввал унинг маъносини билиш лозим. Қадар - "пайдо қилиш, яратиш" маъносидадир. Қадар "яратиш" маъносида бўлгани учун ақида бобида турли қарашлар пайдо бўлди. Мўътазилий ва қадарийлар "Яхшиликларни Аллоҳ таоло халқ қилади, ёмонликларни - банданинг ўзи", дейди. Уларнинг баъзилари "Ёмонликларни иблис халқ қилади, шунинг учун Аллоҳ таоло иблисни яратмаган", деган ақидададир. Бундан иблис махлуқ эмас, қадим ва холиқ, деган маъно чиқади. Бу Аллоҳ таолога ширк келтиришдир, очиқ куфрдир. Бундай тушунчадагилар шайтонийа тоифа бўлиб, қадарийлардан бир тоифадир. Бу ақида мажусийлар ақидасига уйғун бўлганидан Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Қадарийлар - умматимнинг мажусийлари", деганлар.

Биз - Аҳли сунна вал жамоа барча яхшилик ва ёмонликни Аллоҳ таоло халқ этади, деб эътиқод қиламиз.



Аллоҳ таолодан ўзга холиқ, яратувчи йўқдир. Нисо сурасининг 78-оятида: "Ҳамма нарса Аллоҳдан денг", дея марҳамат қилинган.

Шу ўринда "Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан бўлса, ёмонлик учун жазо бериш адолатсизлик бўлмай-дими?" деган ўйга бормаслик керак. Зеро, Аллоҳ таоло бизларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарган. Биз шу амрга бўйсунмай, ихтиёримиз билан ёмонликка қўл урганимиз учун жазоланамиз.

Тақдир эса - "белгилаш, тайин этиш" маъносидадир. Ҳар бир махлуқнинг кўриниши, ҳусни, фойдали ёки зарарли эканлиги, қачон ва қаерда бўлиши Аллоҳ таолонинг тақдири, халқ қилиши билан бўлади. Барча махлуқларни ва уларнинг феъл-амалларини Аллоҳ таоло яратган. Шу маънода тақдир ва қадар муштаракдир. ("Ақидаи Насафийа" ва "Тамҳид" китоблари асосида)

## Барзах

"Барзах" - луватда "икки нарса орасида жойланган" деган маънони билдиради. Шунинг учун дунё ва охираат олами ўртасидаги қабр олами "Барзах" дейилади. Инсон вафот этганидан сўнг қабрга дафн қилинса ҳам ёки жасади топилмай дафн этилмаса ҳам барибир барзах оламига ўтади. Инсон вафот этиб қабрга қўйилгач, яъни барзахга ўтгач икки фаришта Мункар ва Накир уни саволга тутати. Ҳазрати Усмон (р.а.): "Қабрда нажот топганга кейинги ҳоллар осон бўлади, нажот топмаганга кейинги ҳоллар янада даҳшатли бўлади", деб марҳамат этганлар.

## Жинлар

Жинлар инсон кўзига кўринмайдиган ғайбий нарса бўлиб, у ҳақиқатан мавжуд махлуқдир. Аллоҳ таоло ва Унинг пайғамбари хабар берган, аммо бизга кўринмайдиган нарсалар ғайбий саналиб, уларга имон келтириш

исломий ақиданинг асоси ҳисобланади ва ҳар бир му- сулмон бунга имон келтириши лозим.

Жинларнинг мавжуддигига Қуръони каримда далил- лар кўп: "Эй Муҳаммад, эсланг, Биз сизнинг олдингиз- га бир гуруҳ жинларни Қурҳон тингласинлар, деб юбор- ган эдик" (Аҳкоф сураси, 29-оят); "Эй жин ва инс жа- моаси! Агар сизлар (Аллоҳнинг жазосидан қочиб) ос- монлар ва ер чегарасидан ўтиб кетишга қодир бўлсан- гизлар, у ҳолда ўтиб кетаверинглар" (Ар-Раҳмон сура- си, 33-оят); "Албатта инсдан бўлган (айрим) кишилар жиндан бўлган кимсалардан паноҳ тилашиб, уларга яна- да ҳаддан ошишини - муттаҳамликни зиёда қилур эди- лар" (Жин сураси, 6-оят).

Жинларнинг мавжуддиги ва уларнинг табиати ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммаддан (а.с.) ҳам бир неча ҳадис- лар ривоят қилинган. Имом Муслим ибн Масҳуддан (р.а.) ушбу ҳадисни ривоят қиладилар: "Биз бир тун Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга эдик, у кишини йўқо- тиб қўйдик... Тонг отганда эса у зот Хиро томондан келдилар. Биз: "эй Расулуллоҳ, биз сизни йўқотиб қўйиб изладик, лекин топа олмадик ва энг ёмон тунимизни ўтказдик", дедик. Шунда Расулуллоҳ: "Менга жинлар- нинг даъватчиси келди, у билан жинларнинг олдига бордик. Мен уларга Қуръон ўқидим", дедилар".

## Вақф

"Вақф" - луғатда "тутиб туриш", "тўхтатиш" маъно- ларида келади. Вақфнинг шаръий таърифи борасида турли фикрлар билдирилган. Биз бу ерда фатво билан қувватланган таърифини келтириш билан кифоялана- миз: "Вақф - нарсани Аллоҳ мулки ҳисобида сақлаш- дир". Яъни, вақф қилинган нарса вақф қилувчининг мулкидан чиқади ва Аллоҳ мулкига айланади. Вақф қилинган нарсадан келадиган фойда вақф қилувчи уни вақф этишда тайинлаган жиҳатга (масалан, талабалар, мусофирлар, камбағаллар каби) сарф қилинади ва саво- би вақф қилувчига абадий бўлади. Вақф қилинган нар-

са сотилмайди, ҳада қилинмайди, мерос бўлмайди.

## Бидъат

Бидъатнинг луғавий маъноси "янгилик киритиш" деганидир. Шаръий маъноси "динда бўлмаган нарсани динга қўшиш" дир.

Динга янгилик киритиш ҳаромдир. Чунки дин Аллоҳ таолонинг Расули (с.а.в.) орқали кўрсатган йўриғидир.

Шунинг учун ҳам Расули Акрам солаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладиларки: "Динда янги пайдо бўлган нарсдан четланинглр, ҳар қандай янги пайдо қилинган нарса бидъат, ҳар бир бидъат залолатдир".

Расули Акрам (с.а.в.) шундай дейдилар: "Бизнинг динимизга унда бўлмаган нарсани ким бўлса-да қўшса, қайтарилади" (Имом Муслим).

Диндаги бидъат икки хил бўлади:

1.Эътиқодга тааллуқли бўлган бидъатлар: муътазилалар, равофизлар, жуҳаймия ва бошқа тоифаларнинг аҳли суннат ва жамоат эътиқодига қўшган фикрлари эътиқодий бидъатлардир.

2. Аллоҳ ва унинг расули кўрсатмаган бир иш ё одатни ибодат сифатида динга киритиш кабилар амалиётдаги бидъатлардир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бидъатлардан огоҳ этиб: "Сизлар Аллоҳнинг йўлига эргашинглр, ўзга йўлларга эргашманглр", деб марҳамат қилдилар (Абдуллоҳ ибн Масъуд ривояти).

Бидъатга қарши курашишнинг йўли илм ва уламолардир. Уламолар деганда илмига амал қилувчиларни тушунмоқ керак. Илмга амал қиладиган уламоларнинг камайиши бидъатнинг ривожланишига олиб келади. Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) суннатларини ўрганиб, уларга амал қилиб, фарзандларимизни ушбу йўлда тарбия қилсак, иншааллоҳ, бидат балосидан халос бўлаимиз.

## Мўътазилийлар

Мўътазила - ажралган, деган маънони билдиради. Мўътазилий фирқаси адашган фирқалардан бўлиб, унинг пайдо бўлиши Восил ибн Ато (80-131 ҳ.) номи билан боғлиқ. Восил ибн Ато "Гуноҳи кабира қилган киши мўмин ҳам, кофир ҳам бўлмайди", деган тушунчани тарқатгач, шайх Ҳасан Басрий "Восил биздан ажради", деганлар ва шу тариқа мўътазилийлар (ажралганлар) пайдо бўлди. Мўътазилийлар Аллоҳнинг илм, қудрат, ҳаёт, эшитиш, кўриш, ирода сингари субутий сифатларини инкор қиладилар. Қадарга, қиёматда Аллоҳни кўришга, шафоатга, пайғамбарлик мўъжизаларига, кароматларга ишонмайдилар. Аллоҳнинг қазо ва қадарини инкор этганлари учун қадарийлар, деган номи ҳам бор. Улар ўз эътиқодларига зид келадиган саҳиҳ ҳадисларни ҳам инкор этишган.

### **Зиммийлар**

Зиммийлар - "Зимма аҳли" Ислом давлати ҳудудида яшагани учун давлат жон ва мол-мулклари ҳимоясини зиммага олган аҳли китоблардир. Улар бунинг эвазига ҳар йили жизя (махсус солиқ) тўлаб туришади.

### **Мажусийлар**

Аввало аҳли китоб кимлар эканлигини билиш зарур.

Шариатимизда Аллоҳ таоло нозил этган китобларга амал қилганлар "Аҳли китоблар" деб айтилади. Бинобарин, яҳудийлар ва насронийлар аҳли китобдир. Яҳудийлар "Таврот"га, насролар эса "Инжил"га амал қиладилар.

Қуръони карим оятларида яҳудийлар ва насронийлар аҳли китоб деб зикр этилган. Қуръони каримдан муқаддам Инжил, Таврот ва Забур нозил қилингандир. Аммо, ҳозир ер юзида Забур таълимотига эргашадиган халқ йўқ.

Мажусийларга келсак, улар оташпараст, бутпараст, санампараст ва жуссапараст кишилардир ("Ҳидоя").

Мажусийларнинг самовий китоблари йўқ. Шунинг учун улар олов, қуёш, ой, баъзи бир ҳайвонлар ва юлдузларни илоҳ дейишиб, уларга сифинишади. Демак, мажусийлар илоҳий китобларга эргашмайдиган қавмлардандир.

Жаъфар ибн Муҳаммад ривоят қиладилар. Умар ибн Хаттоб (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в) саҳобаларининг олдидан ўтаётганларида уларнинг ичида Абдурахмон ибн Авф (р.а) ҳам бор эди. Шундай дедилар: "Мана бу қавмлар билан, яъни, мажусийлар билан нима қилишни билмай турибман, булар араблардан ҳам ва аҳли китоблардан ҳам эмас" (Тафсири Қуртубий).

Мажусийлар тўғрисида уламоларимиз қуйидаги ҳукмда яқдилар: "Мажусийлар сўйган ҳайвонларнинг гўшти ейилмайди ва уларнинг аёлларига уйланилмайди, чунки улар аҳли китоб эмасдир".

### Фитрий одоблар

Имом Муслим, Аҳмад ва бошқалар Оиша онамиздан (р.а.) ривоят қиладилар: Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Ўн нарса - мўйлабни қисқартириш, соқол қўйиш, тишни мисвок билан тозалаш, бурунни сув билан чайиш, тирноқни олиш, бўғимларни ювиш, қўлтиқ тукларини юлиш, киндик ости тукларини тозалаш, сув билан тозаланиш, оғизни сув билан тозалаш хос инсоний одатлардир".

1. Хатна. "Хатна суннати муаккададир. Мусулмонларга хос одатдир. Эркакларга уни тарк қилиш жоиз эмас".

Барча уламоларнинг фикри шундай. Хатнани фарз деган уламолар ҳам бор.

Бола ёш бўлганида уни хатна қилиш фазилатлидир. Болани айнан неча ёшга кирганида хатна қилиш борасида эса, фикрлар турличадир. Уларни бу ерда келтириш имкони йўқ.

Насронийларнинг хатнани рад қилишлари ажаблаларидир. Улар хатна қилганни қоралашади. Хатна қил-

маслик билан фахрланишади. Хатна қилмасликни ақидалари ва динларидан деб билишади.

2. Киндик ости тукларини тозалаш. "Киндик ости туклари" дейилганида жинсий аъзо ва орт йўл атрофидаги тукларни тушуниш керак. Мазкур ўринларни тоза тутиш учун ундаги тукларни кетказиш эркак ва аёлга суннатдир. У тукларни юлиб тозаласа ҳам бўлади, аммо қириб тозалаш афзалдир.

3. Қўлтиқ тукларини тозалаш. Қўлтиқ тукларини юлиш ҳам эркак ва аёлга суннат. Уламолар бунда яқдиллар. Бу тукларни қириб тозалашдан юлиб ташлаш яхшироқ. Уларни юлиш оғриғига чидамаган киши қириб тозаласа ҳам бўлади.

Қўлтиқ кўп терлайдиган ўрин. У ерлардаги тукларда кир йиғилиб қолишидан бадбўй ҳид пайдо бўлади. Шунинг учун у туклар юлиб ташланади.

4. Мўйлабни қисқартириш. Уламоларнинг фикри бир хил: мўйлабни қисқартирмай қўйиш макрух, лаб чети кўринадиган қилиб уни қисқартириш суннат. Мўйлаб лаб четидан ўтиб кетадиган даражада ўсмаслиги керак. Мўйлабни лаб четидан ошириб ўстириш кофирлар одадидир.

5. Соқол қўйиш. Соқолга тегмай, қирмай ўстириш Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан биридир. Бу суннатни Пайғамбаримиз алайҳиссалом сўзда ва амалда таъкидлаганлар. Мусулмоннинг бу ишга эргашмоқлиги суннатдир. Хоссаган, уламо ва машойихлар бунга амал қилишлари зарур.

6. Тирноқни олиш. Эркак ва аёлларга тирноқ олиш суннат. Тирноқни ўстириб юриш суннатга зид бўлганидан макрухдир. Тирноқнинг ўсган қисми кир тўпланадиган жойдир, қўлтиқ ва киндик ости туклари каби инсон олиб ташлайдиган жисмнинг кир бўлагидир. Тирноқларини узун қилиб, уларга хилма-хил бўёқлар билан ишлов беришга пул ва бўёқлар сарфлайдиган аёллар ўйлаганидек, тирноқни ўстириш зийнат эмас.

7. Истинжо. Истинжо таҳорат масалаларидан бири. Истинжо - нажасни чиқиш жойидан кетказиш ва на-

жас чиққан жойни кесак, ёмон латта каби нажасни оладиган бирор нарса билан тозалашдир. Бундан сўнг нажас чиққан йўлни сув билан ювиш фазилатлидир.

Эркакларга сийганларидан сўнг сийдик йўлида қолган томчиларнинг чиқишига таъсир қиладиган ҳаракатлар ё бир одим бўлса-да юриш вожибдир. Сийдик йўлида томчиси қолмаганига кўнгиш таскин топса, сув билан ювса бўлади. Аёллар сийдикдан бўшанганларидан сўнг озгина кутишлари кифоя.

8.Бўғимларни ювиш. Қулоқ бурмалари, бурун катаклари, киндик чуқурлари, кўз қовоқлари каби, одатда баданнинг кир тўпланадиган барча бурмали ўринлари бўғимлар қаторига киради. Поклик ва ёқимли ҳидни йўқотмаслик учун баданнинг бу ўринларини эътибор билан ювиш суннатдир.

9.Оғизни тозалаш. Кишининг бадбўй ҳиди, хусусан, оғзининг ҳидланиши атрофдагиларга озор бериши маълум.

Милкнинг яллиғланиши, тишда тозаланмасдан қолган таомларнинг сасиши, пиёз, саримсоқ каби ҳидли нарсаларни ейиш, кўп одамлар ўрганган ёмон одат-чеккиш оғиз ҳидланишининг сабабларидандир.

Оғизнинг тозалигига эътибор бериш суннатдир. Тишларни мисвок билан тозалаш фазилатлидир. Зеро, мисвок ишлатиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидандир.

10.Сочни парваришлаш. Сочни парваришлаш суннатдир. Соч сирка ва бит каби текинхўрларга уя бўлмаслиги учун вақтида ювиб туриш, тараб, ўриш билан парваришланади.

Сочдаги оқ тукларни юлиб ташлаш макруҳдир. Зеро, сочдаги оқ мусулмон учун нур ва улуғворликдир.

Аёллар сочларига бошқа сочни, сунъий бўлса ҳам улашлари ҳаромдир.

Имом Бухорий ва Муслим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: "Бировнинг сочига ё ўз сочига бошқа сочни улаган аёлни, улаб қўйишни сўраган аёлни Аллоҳ таоло лаънатлайди".

## Савдонинг одоблари

Тожирлик - касбларнинг энг яхшиси ҳисобланади. Савдо-сотиқнинг ҳам алоҳида одоблари бор. Улар қуйидагилар:

1. Сидқи муомала. Яъни, молни нави, жинси, масда-ри ва харажатлари ҳақида ёлғон аралаштирмай, ҳақиқий сифати билан тавсифлаш. Имом Термизий Руфоъадан (р.а.) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.) бундай дейдилар: "Албатта тожирларнинг Аллоҳ сақлаган, гўзал муомалали ва ростгўйларидан бошқалари фожирлардан бўлиб қайта тириладилар".

2. Муомалада бағрикенг бўлиш. Яъни, сотувчи нархдан тушиб, олувчи ошиқроқ тўлаб ҳиммат қилиш. Имом Бухорий Жобирдан (р.а.) ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қиладилар: "Сотганда, сотиб олганда ва қарзини талаб қилганда хушмуомала бўлган кишига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин".

3. Гарчи сўзи рост бўлса-да, қасам ичишдан тийи-лиш. Байъда Аллоҳ номи билан қасам ичишдан мутлақо тийилган маъкул. Аллоҳ таоло: "Яхшилик қилиш, тақводор бўлиш ва одамлар орасини ислоҳ қилиш (каби амаллардан тўсадиган) қасамларингиз учун Аллоҳни баҳона қилмангиз" (Бақара сураси, 224-оят), дейди. Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилишган ҳадисда шундай дейилади: "Қасам молни бозоргир қилса-да, баракасини кетказади".

4. Хайр-эҳсонни кўпайтириш. Савдогар савдоси асносида воқеъ бўлиб турадиган камчиликларига каффорат бўлиб туриши учун садақа, хайр-эҳсонни кўпроқ қилиб туриши мустаҳабдир.

5. Қарзни ёзиб қўйиш ва унга шоҳид қилиш. Келишув ва кечиктирилган қарзнинг миқдорини ёзиб қўйиш мустаҳабдир.

Бу одоблар мусулмон киши билиши лозим бўлган нарсалардандир. Зеро, ҳазрат Умар (р.а.): "Бизнинг бозорларимизда динда фақиҳ бўлган (хусусан, тижорат-



нинг шаръий аҳкомларини билган)ларгина савдо қилсин", деганлар.

## Ҳалол бўлмаган савдо

Жавоб: Қуйидаги нарсаларнинг савдоси дуруст бўлмайди:

- ҳаром бўлган ва истеъмоли тақиқланган нарсалар - қон, ҳаром ўлган ҳайвон гўшти, хамр, чўқча ва унинг гўшти каби нарсалар савдоси;

- савдоси дуруст молнинг дуруст бўлмаган молга қўшиб сотиш, масалан, ҳалол сўйилган мол гўштини ҳаром ўлган мол гўштига қўшиб сотиш (иккисининг ҳам савдоси бузуқ бўлади);

- ҳалол молни ҳаром мол эвазига сотиш ёки айрбош-лаш, масалан, газмол бериб, ароқ олмоқ ёки аксинча;

- сувдаги балиқни, осмонда учиб юрган парранда ва қушларни тутиб олмай, тоғдаги ўтинни териб-тўпламасдан илгари сотиш;

- савдо қилинганда харидорга топширишга қодир бўлмаган нарсаларни сотиш, масалан, тутиб ҳовузга ташлаб қўйилган балиқ каби;

- харидорга берганда ўзи зарар кўрадиган нарсаларни сотиш, масалан, уйининг хари, тўсинларини;

- алданмоқ эҳтимоли бор нарсаларни сотиш, масалан, она қорнидаги болани;

- аниқ бўлмаганидан жанжалга сабаб бўладиган нарсаларни, қўй устидаги жунни сотиш;

- дарахтдаги мевани ундан узиб қуритилган мевага чамалаб сотиш;

- одам аъзоларини, масалан, сочи, сути каби;

- ҳаром ўлган мол ва қўйларнинг терисини ошламай (ҳўлини кеткизмай) сотиш;

- сотган нарсасини пулини тўламай, сотган нархидан арзонга сотиб олиш;

- савдо тақозо қилмаган, аммо сотувчи ё олувчидан бирига фойдали бўлган шарт билан сотиш мумкин эмас.

## Ҳайвон сўйишга оид ҳукмлар

Аллоҳ таоло бизларга ато этган ва истеъмолини ҳалол қилган ҳайвонларнинг гўшти фақат шаръий йўл билан сўйилганидагина ҳалол бўлади. Ҳайвонларни шаръий сўйиш усули бундай: улар сўйиладиган жойга олиб келинганча, оёқлари боғланиб, калласи қиблага қаратиб ётқизилади (бу амал мустаҳабдир). Бунгача пичоқларни ўткирлаб, олдиндан тайёрлаб қўйиш керак. Чунки ҳайвон ётқизилганидан сўнг пичоқларни ўткирлаш макруҳдир, бунда мол озорланади. Бевосита пичоқ тортишдан олдин қассоб "Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар", деб ҳайвоннинг ҳиқилдоғи ёнидан, бўйин тарафидан (яъни, кўкрак томонидан) пичоқ тортади. Пичоқ тортишда тўрт нарса - қизилўнганча, икки қон томири ва кекирдак кесилиши керак. Ҳайвоннинг жони батамом чиқиб бўлгунча умуртқа томирига пичоқ теккизилмайди, териси шилинмайди, калла батамом узилмайди.

Ҳайвонни сўйишга ётқизишдан олдин бошига болға ё ўткир найза уриб ёки электр токи ёрдамида йиқитиб сўйиш шаръан мумкин эмас. Бу усуллар билан сўйилган ҳайвон гўштини еб бўлмайди. Сўйилган ҳайвоннинг саккиз аъзосини - безлари, эркаклик аъзоси, урғочилик аъзоси, орқа йўлининг охири, мойклари, сўйилганида томирдан отилиб чиққан қони, ўт пуфаги, сийдик пуфагини ейиш мумкин эмас.

Сўйилган ҳайвон терисини шилишдан олдин оғиз билан пуфлаб шишириш макруҳдир. Бунда дам ургичдан фойдаланиш мумкин.

## Маййитни ювиш ва кафанлаш

Маййитни ювиш тириклар зиммасига вожибдир. Маййит илиқ сув билан ювилади. Ювиш тартиби бундай: маййитни ювиш учун ҳозирланган тахта хушбўй қилиниб, маййит унга қўйилади. Бунда маййитнинг аврати - киндигидан тизза кўзигача бекилган бўлиши

лозим. Зеро, ўлган инсонларнинг ҳам авратига қараш мумкин эмас. Фассол қўлига қўлқоп кийиб, маййитнинг истинжо қилиш жойларини ювади. Сўнг таҳорат қилдиради. Маййитга бундай таҳорат қилдирилади: дастлаб юзи ювилади, оғзи ва бурни чайилмайди. Сўнг икки қўли тирсаги билан ювилади, бошига масҳ тортилади ва оёқлари ювилади. Маййит бу тартибда таҳорат қилдирилганидан сўнг ювилади. Фассол аввал маййитнинг бошини уч бор ювади ва чап ёнига ётқизиб ўнг ёнини, баданнинг ётқизилган тахтага етгунча қисмини уч бор, кейин ўнг ёнига ётқизиб чап ёнини, баданнинг ётқизилган тахтага етгунча қисмини уч бор ювади. Сўнг маййитни суяб ўтқизиб, қорнини оҳиста силайди. Бирор нарса чиқса, қўлқоп кийиб ўрнини ювади. Таҳорат ва фусл қайтарилмайди. Маййитнинг авратлари қўлқоп кийиб ювилади. Маййит ювилганидан сўнг артилиб кафанланади. Маййит ювиладиган жой бошқалардан тўсилади. Фассол маййитнинг авратига қараши мумкин эмас. Маййитнинг соч-соқоли таралмайди, тирноқ ва туклари олинмайди. Фассол таҳоратли бўлиши мустаҳабдир.

Маййитни кафанлаш фарзи кифоядир. Эр кишиларнинг кафани учтадир: изор, қамис ва лифофа. Изор бошдан-оёққача, лифофа ундан бирор қарич узун, уларнинг энлари маййитни ўрайдиган даражада бўлади. Қамис бўйига тенг икки букланиб, ўртаси бўйин кириш учун эркакларга энига, аёлларга узунига йиртилган, узунлиги маййит бўйнидан оёғигача, эни маййит баданини ёпадиган бўлади.

Аёлларнинг кафани бешта: қамис, изор, лифофа, химор ва хирқадир. Химор аёл бошига кийгизилади. Химор эни бир қарич, узунлиги бир метрга яқин матодир. Хирқа аёл кўкрагидан тиззасигача бўлган энли мато. Кафанлаш тартиби шундай: эркакларга аввал қамис кийгизилади, сўнг изорга қўйилади. Изорнинг аввал чап томони ўралади, сўнг ўнг томони ўралади. Изордан сўнг лифофа ҳам шу тартибда ўралади. Кафан ёйилиб кетмаслиги учун икки боши ва ўртасидан боғич билан боғлаб қўйилади.

Аёлларга ҳам аввал қамис кийгизилади ва сочлари икки ўрим қилиб, унинг устидан кўкрагига қўйилади. Сўнг химор паранжига ўхшатиб ёйиб бошига ёпилади. Кейин изор ва лифофага мазкур тартибда қўйилади. Лифофа устидан хирқа ўралади. Кафаннинг оқ матодан бўлиши мустаҳабдир.

### Дафн ва таъзия одоблари

Ҳар бир мусулмон банданинг зиммасида иккинчи мусулмон биродарининг баъзи ҳақ-ҳуқуқлари бор. Чунончи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида бундай марҳамат қилганлар: "Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида иккинчи мусулмон биродарининг олти ҳаққи бор: учрашганида салом бериш; меҳмонга чақирса, бориш; маслаҳат сўраса, яхши маслаҳат бериш; аксириб ҳамд айтса, унга дуо билан жавоб қайтариш; бетоб бўлиб қолса, кўргани бориш; вафот этса, жанозаси ва дафнида қатнашиш".

Ҳар бир киши мусулмон қардоши вафот этса, унинг жанозасида ҳозир бўлиши зарур. Маййитнинг барча қариндошларига таъзия билдириб, Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлиш, мусибатга сабр қилишлари ҳақида насиҳатлар айтиш, марҳумнинг ҳаққига раҳмат ва мағфират сўраб яхши дуо қилиш мустаҳабдир.

Ким вафот этишидан қатъий назар, унинг яқинлари уч кундан кўп мотамсара бўлиб юришлари ҳаромдир. Эри ўлиб иддада қолган хотингагина мотам муддати тўрт ой-у ўн кундир.

Таъзия уч кун ичида билдирилади. Аммо биродарининг оламдан ўтганини бу кунларда эшитмаган ё сафарда бўлган кишилар уч кундан сўнг ҳам таъзия билдиришлари мумкин.

Таъзия бир марта билдирилади. Икки марта таъзия билдириш макруҳдир. Ҳайит кунлари яна келиб таъзия билдириш жоиз эмас. Мусибат етган хонадонда узоқ қолиб кетиш ҳам яхши эмас.

Уч кун ичида маййит соҳиблари таом ҳозирлаб, кишиларни унга даъват қилишлари макруҳдир, қабиҳ бидъатдир. Аксинча, бу кунлар ичида қўшнилари ва узоқ қариндошлар ўз уйларида таом ҳозирлаб, мусибатзада хонадонга олиб келишлари мустаҳабдир.

## МУНДАРИЖА

УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР .....	4
ИСЛОМ ШАРИАТИ МАНБАЛАРИ .....	6
АМАЛЛАРНИНГ ХУКМЛАРИ .....	10
Мазҳабларнинг бир неча бўлиши сабаблари .....	12
МАЗҲАББОШИЛАР .....	14
ИСЛОМ ДИНИ АСОСЛАРИ .....	20
ИЙМОННИНГ РУКНИ ВА ШАРТЛАРИ .....	22
ИЙМОН ШАРТЛАРИ .....	25
Аллоҳ таолонинг сифатлари .....	25
Қабр азоби ва роҳати .....	34
Мункар ва Накир .....	36
Жаннат ва жаҳаннам .....	38
Қиёматнинг аломатлари .....	39
Шафоат .....	43
Мўъжиза ва каромат .....	43
Ибодат нима? .....	47
Таҳорат .....	47
Ғусл .....	50
Таҳорат олишга яроқли сувлар .....	52
Таяммум .....	54
Ҳайз ва нифос ҳукми .....	56
Истинжо .....	58
Намоз .....	59
Намоз ўқиш тартиби .....	65
Намозда ўқиш учун кичик сура ва дуолар .....	75
Жамоат намози .....	85
ТУРЛИ НАМОЗЛАР .....	91
Саждаи саҳв .....	100
Закот .....	103
Рўза (совм) .....	105
Қадр кечаси .....	109

Эътикоф .....	110
Ушр .....	110
Ҳаж .....	112
Умра .....	112
Каъба .....	118
Замзам .....	120
Қурбонлик .....	122
Қирқ фарз .....	124
Олти диний калима .....	125
Турли дуолар .....	129
Ислом илмлари .....	132
Муҳаддислар .....	137
Ровийлар .....	143
Мовароуннаҳр уламолари .....	149
Никоҳ .....	156
Фарзанд туғилганида... ..	161
Талоқ .....	164
Мерос .....	167
Аҳли байт .....	169
Азвожи мутаҳҳарот .....	169
Пайғамбаримиз (с.а.в.) фарзандлари .....	171
Саҳобийлар .....	172
Хулафои рошидин .....	173
Ашараи мубашшара .....	178
Тобеъинлар .....	182
Муҳожирлар .....	183
Ансорлар .....	183
Салафлар .....	184
Ислом халифалиги .....	186
Умавийлар .....	187
Аббосийлар .....	188
Усмонлилар .....	189
МУЪТАБАР ЖОЙЛАР ВА МАСЖИДЛАР .....	190
МУҲИМ ВОҚЕАЛАР .....	196
ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР .....	206

---

Арш ва Курси .....	206
Лавҳул Маҳфуз ва Қалам .....	206
Тасаввуф .....	206
Ахлоқ .....	207
Қадар ва тақдир .....	208
Барзах .....	209
Жинлар .....	209
Вақф .....	210
Бидъат .....	210
Мўътазилийлар .....	211
Зиммийлар .....	212
Мажусийлар .....	212
Фитрий одоблар .....	213
Савдонинг одоблари .....	215
Ҳалол бўлмаган савдо .....	216
Ҳайвон сўйишга оид ҳукмлар .....	217
Маййитни ювиш ва кафанлаш .....	218
Дафн ва таъзия одоблари .....	219

# ИСЛОМ ДИНИ

*(Ушбу китобнинг ҳар бир муслмон  
хонадонига бўлиши манфаатлидир.)*

*Муаллифлар:*

**Аҳмад Муҳаммад Турсун,  
Муҳаммад Шариф Жуман**

«Мовароуннаҳр» нашриёти  
Тошкент — 2006

«Figr-media» масъулияти чекланган жамияти матбаа бўлимида  
чоп этилди. Босмахонага 2006 йил 24 апрелда топширилди. Бо-  
сишга 2006 йил 10 майда рухсат этилди. Бичими 84X60  $\frac{1}{8}$ .  
Адади 2000 нусха. Офсет қоғози. 85-сон буюртма.

Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент шаҳри, Комил Ёрматов кўчаси, 14-уй.